



БАДИИЙ  
ИЖОД  
ҲАҚИДА

---

СОВЕТ ЁЗУВЧИЛАРИНИНГ НУТҚ ВА  
МАҚОЛАЛАР ТУПЛАМИ

ЎзССР ДАВЛАТ БАДИИЙ АДАБИЁТ НАШРИЕТИ  
ТОШКЕНТ — 1960

**Тўпловчилар:**

**С. Анорбоев, М. Қўшжонов ва А. Қулжонов.**

*На узбекском языке*

**О ПИСАТЕЛЬСКОМ ТРУДЕ**

*Гослитиздат УзССР – 1960 – Ташкент*

Редактор *А. Қулжонов*  
Расм О. *Опухтин*  
Расмлар редактори *Г. Остапенко*  
Тех. редактор *М. Парпихужаев*  
Корректор *М. Мансурова*

\* \* \*

Босмахонага берилди 6/VIII 1960 й. Босишга рухсат этилди 22.IX-1960 й. Формати 84×108<sup>1/2</sup> мм Босма л. 8,625.  
Шартли босма л. 14,15 Набр. л. 15,0. Индекс б/а.  
Тиражи 5000. УзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти, Тошкент. Навоий кўчаси, 30.  
Шартнома № 142 – 59.

\* \* \*

ЎзССР Маданият министрлиги Главлитнинг  
3-босмахонаси. Тошкент, Ленинград кўчаси, 15.  
1960 й. Заказ № 346. Баҳоси 8 с. 80 т.

(1961 йил 1 январдан баҳоси 88 т.)

## НАШРИЁТДАН

Совет адабиёти томонидан орттирилган тажрибаларни умумлаштиришда адабиётшуносликка оид текширишлар билан бир қаторда ёзувчиларнинг ўз ижодий тажрибалари ҳамда қаламкаш дўстларининг фаолияти ҳақидаги нутқ ва мақолалари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадни кўзда тутиб «Бадий ижод ҳақида» номи тўпلام биринчи марта нашр қилинмоқда.

Тўпلامга рус ёзувчиларининг 1955 йилда «Советский писатель» нашриётида чиққан ва республикамиз газета-журналларида таржима қилиниб босилган, шунингдек М. Аезов ва ўзбек ёзувчиларининг нутқ ва мақолаларидан намуналар киритилди. Бу нутқ ва мақолаларда бадий ижоднинг ниҳоятда мураккаб эканлиги, асарнинг ғоявий-бадий жиҳатдан етук чиқишига қандай эришиш лозимлиги, ёзувчилик маҳорати, тил ва услубни эгаллаш йўллари кўрсатиб берилади. Тўпلامга турли бўғинга мансуб бўлган ёзувчиларнинг нутқ ва мақолалари киритилган. Булар ягона социалистик реализм адабиётимизда турли шароитда ижод этган ёзувчилардир. Баъзи мақолалардаги айрим фикрлар авторларнинг баъзи масалалардаги шахсий қарашларининг ифодаси бўлганлигидан мунозарали бўлиши ҳам мумкин, албатта.

Нашриёт совет ёзувчиларининг бу хилдаги нутқ ва мақолалар тўплами фақат адабиётчиларнигина эмас, балки кенг китобхонлар оммасини ҳам қизиқтиради ва ҳаваскор авторларга бевосита амалий ёрдам беради, деб ҳисоблайди.

Нашриёт барча китобхонлардан бу тўпلام ҳақида ўз мулоҳаза ва таклифларини ёзиб юборишларини илтимос қилади.



ЕШЛАР БИЛАН СУҲБАТ<sup>1</sup> ✓

Кўпчилик одам турмуш ҳодисаларини текшириш учун эмас, балки ўз тафаккурига осойишта жой топишга, турли «шак-шубҳасиз ҳақиқатларни» аниқлашга шошганидан ўйлайди ва фикр юритади. Эътирозга ўрин қўймайдиган бундай ҳақиқатларни тўқишга айниқса танқидчилар майл бўлиб, бу ҳол беллетристлар ишида жуда зарарли оқибатларга олиб боради. Адабиётчиларнинг жуда масъулиятли ишида бундай аксиомачилик, догматизм, умуман шак-шубҳасиз ҳақиқатни ўйлаб чиқармоқ жонли, тез ўзгариб турадиган ҳақиқат маъносини чеклаб қўйишга, бузишга олиб боради. Доно Энгельс «Бизнинг таълимотимиз догма эмас, балки ҳаракат қилиш қўлланмасидир», шу маънода қилаётган бутун ҳаракатимиз эса «эски дунёни ўзгартириб», янги дунё тузишга олиб боради деб жуда тўғри айтган эди. Биз «эски дунё» жуда тез емирилаётган даврда яшаймиз. Бу процессларнинг сабаблари ҳар томонлама синчиклаб ўрганилган ва олдиндан кўрсатилган эди. Синфий жамият емирила бошлади—«бита бошлади». Кечагина, бу жамият ўз ичига олган кўплаб социал нуқсонларни ижодий куч деб ҳисоблаб, ўзининг темирдек мустаҳкамлиги билан мақтаниб келган эди. Бизнинг кунларда бутун дунё буржуазияси ўзининг ожизлиги, ношудлигини кўрсатиб, бирдан-бир кучини—сиёсий сурбетлигини намойиш қилмоқда. Бутун дунё дўкандорлари ўзларига дохий қилиб турли авантюристларни кўтармоқдалар, террорни ўзла-

<sup>1</sup> Мақола тексти 30 томлик асарлар тўпламининг 27-томидан олинди. М., Гослитиздат, 1954-йил.

рини ҳимоя қилишнинг бирдан-бир усули ҳисоблаб, ўзларини халос қилишнинг бирдан-бир чораси деб фашизмни эълон қилдилар, яъни инсониятнинг турли ярамас қуйқумларини (фирибгарларни, муттаҳамларни, асабийларни, ҳалок бўлиш ва очарчилик даҳшатидан ўзини йўқотган кишилар) бандитлар армиясига бирлаштириб соғлом, социал, ижод этишга қодир бўлган кучни — революцион пролетариатни полиция командаси остида қириб ташламоқчилар. Биз, Советлар Иттифоқининг адабиётчилари буржуазия кучларининг емирилиш процессининг аҳамияти ва маъносини, унинг ана шу емирилиш натижасидан ўзига ҳимоя вужудга келтирмоқчи бўлаётганини керагича равшан тасаввур этолмаймиз. Советлар Иттифоқидаги пролетариатнинг ўн олти йиллик қаҳрамонона меҳнати ва шу меҳнатнинг афсоналардаги каби буюк натижалари пролетариат ижодий кучларининг бениҳоялигидан, ҳаётийлигидан, қобилиятлигидан далолат беради. Биз, Советлар Иттифоқи адабиётчилари, на бу меҳнатнинг қудратли даражасини ва на бу муваффақиятларнинг ранго-ранглиги ва кўплигини ҳали-ҳануз яхши тасаввур этолмаймиз. Биз мамлакатимиз яқиндагина томомила саводсиз мамлакат бўлганини, бидъат ва хурофот ўчоғи эканини, унинг характерли томонларидан бири — «эскилик сарқитлари»нинг узоқ яшаб келганлигини унутамиз.

Яқиндагина мамлакатимизда омоч плуг билан алмаштирилди, бутун дунёдаги каби шу кунгача биз ҳам турли кесиш асбобларини чархлаш учун жуда кўп вақт ва меҳнат сарфлардик. Энди кўрибсизки, бизнинг кунларда ҳар бир кесиш асбоби иш давомида ўзича чархланиши мумкинлиги кашф этилибди, бу вақт ва материални тежаш йўли билан қўлимизга юз миллионлаб фойда беради. Бошқа кашфиётлар сингари ҳали кўплар билмаган бу факт Европа ва Америка Қўшма Штатларининг зўр техникасини қувиб ета олишимизнигина эмас, ҳатто ўзиб кетишимизни кўрсатадиган ишончли далилдир. Биз ақлий қувват сони жиҳатидан буржуазиядан ўзиб кетдик, бизда бу қувватнинг сифатини яхшилаш учун мисли кўрилмаган ғамхўрлик қилинмоқда. Биз буржузиядан техника жиҳатидан ҳам ўзиб кетамиз. Бу ўзиш буржуазиянинг техникага тўйгани, одамларни қирадиган техникадан бошқа техникани тан олмай қўйгани, жамиятга фойдали ишлаб чиқариш техникасини зиён келтирадиган деб

қоралагани, лаънатлагани ҳисобигагина бўлмайди. Бизда техника соҳасидаги ҳар қандай янгилик мавжуд кучларнинг ўзаро алоқадорлигини очиш эканлигини тушундирган одамлар сони кундан-кунга ошиб бормоқда. Меҳнат тажрибамизга асосланиб, зўр ишонч билан айта оламизки, биз, инсон меҳнати туфайли минг йиллар давомида бунёдга келган имкониятлар оламида яшаётимиз. Буржуазияда у ишонч йўқ. Буржуазия бунга муҳтож ҳам эмас.

Буржуазия ўз муҳитида ақлий энергиянинг ўсишини камайтиришга, унинг ўрнини одамларда ўз-ўзини ҳимоя қилиш, яъни мешчанлик уясини, маконини ҳимоя этиш билан алмаштиришга ҳаракат қилади. Унинг ҳам назарий, ҳам практик нияти битта: у ҳам бўлса пролетариатнинг ҳокимият тепасига чиқишига халақит беришдир. Қандай қилса, пролетариатни кучсизлантиради? Улар ишчилар оммасини очарчиликка йўлиқтириш, майда буржуазия орасида фашист бандитлари, қотиллари шайқаси тузиш, пролетариатнинг ғайратли доҳиларини ўлдириш йўли билан кучсизлантирадилар. Адабиётимиз ўз ватани олдидаги масъулиятини тушуниб юлиши ва ўзининг улғу вазифасини муносиб бажаришни ўрганиши учун ҳозирги замон воқеаларини чуқур ва жиддий ўрганиши лозим. Адабиётчиларимиз орасида, айниқса, «танилган» адабиётчиларимиз орасида, ўз дунёқарашини кенгайтириш, ҳозирги воқеликни ўрганишга интилиш, ҳатто техник малакасини оширишга уриниш сира сезилмаяпти.

Образлар, типлар, характерлар тил воситаси билан яратилган, турмушда бўлиб ўтган ҳодисаларни, табиат манзараларини, тафаккур процессларини сўзлар ёрдамида тасвирлайдиган бадий адабиёт қандай элементлардан иборат?

Адабиётнинг биринчи элементи — тилдир. Тил — адабиётнинг асосий қуролидир, ҳаёт ҳодисалари, фактлар билан бирга унинг материалидир. Доно халқ мақолларидан бирида тилнинг аҳамияти ҳақида шундай дейилади: «Айтилган сўз, отилган ўқ». Бу дунёда ном қўйилмайдиган, ном топилмайдиган нарса йўқ, демакдир. Сўз — барча фактлар, барча фикрлар либосидир. Аммо ҳар бир факт замирида социал маъно бор, ҳар бир маъно замирида эса, бир ёки иккинчи фикр нега

бундай-ю, нега ундай эмас деган сабаб бор. Фактлар замирида яширинган социал ҳаёт маъносини унинг муҳимлиги, тўлаллиги ва ёрқинлигича тасвирлашни ўз олдига вазифа қилиб қўйган бадиий адабиётдан равон, тушунарли тил, пухта танланган сўзлар талаб этилади. «Классиклар» юз йиллар давомида аста-секин ишланган ана шундай тилда ёзганлар. Ҳақиқий адабий тил шу. Гарчи бу тил меҳнаткаш омманинг сўзлашиш тилидан олинган бўлса-да, ўзининг бош манбаидан тамомила фарқ қилади. Чунки, тасвирлаш йўли билан таърифлар экан, ёзувчи ўзаро сўзлашишда ишлатиладиган барча тасодифий, вақтинча кириб қолган, мантиқсиз, фонетик жиҳатидан бузуқ, турли сабабларга кўра асосий «талабга», яъни умумхалқ тили тузилишига тўғри келмайдиган сўзларни олиб ташлайди. Ўз-ўзидан маълумки, жонли тил адабиётчи яратган одамлар тилида қолади, албатта, лекин шундай бўлса ҳам, жуда кам, тасвирланаётган одам характери янада бўртдириб, жонли қилиб кўрсатишга лойиқ миқдорда қолади. Масалан, Толстойнинг «Маърифат мевалари»да мужик: «ҳақиқатан» дейди. Толстой бу сўздан фойдаланиб бизга мужикнинг ўзи бу сўзнинг том маъносини билмаслиги мумкинлигини, деҳқончиликдан нарини кўрмаган қишлоқи бир одам учун ҳақиқатни одамлар иродаси ва ақлининг кўп асрлик онгли ҳаракати натижаси эканини англаш жуда амри-маҳол эканлигини кўрсатади.

Ёшлигимда мен ҳам янги сўзлар ўйлаб топишга ҳаракат қилардим. Бунга адвокат ва прокурорларнинг гапдонлиги сабаб бўлган. «Яхшилик» ва «ёмонлик»нинг бир хилда чиройли сўзлар билан безатилишини, одамларни қораловчилар ҳам, оқловчилар ҳам бир хилдаги сўзлардан усталик билан фойдаланганларини кўриб ҳайрон бўлардим. Шундай қилиб, «ўз сўзларим»ни тўқир, неча-неча дафтарни шундай тўқима сўзлар билан тўлдириб юборардим. Бу ҳам «болалик касалликлари»дан бири эди. Ҳаётга минг раҳмат, у яхши врач, мени бу дарддан тезда халос этди.

Маданият тарихи тил жамият ҳаётининг энг қизғин даврларида: одамлар меҳнатнинг турли-туман йўллари-ни ишга солган, синфий қарама-қаршилик кучайган пайтларида бойиб борганини кўрсатади.

Фольклор: мақоллар, маталлар, қўшиқлар бунинг тасдиқлайди, жонли тилни ривожлантирадиган табиий йўл



ҳам шу. Бу соҳада сунъий тўқима «янгиликлар» эскириб, маъноси ўчиб, йўқолиб кетган баъзи сўзларни мутаассиблик билан ҳимоя қилиш заифликдир. Фикримни равшан қилиш учун эслатиб ўтаман: Пушкин «Москва просвирени» тилига юқори баҳо берган ўз энагаси Арина Родионовнадан ўрганган. Жонли тилнинг ажойиб устаси Лесков ҳам энагасидан, солдат хотинидан ўрганган. Умуман олганда содда энагалар, кучерлар, балиқчилар, қишлоқ овчилари ва оғир ҳаёт кечирувчи бошқа касбдаги одамлар адабий тилнинг ривожланишига таъсир кўрсатганлар. Аммо адабиётчилар жонли тил оқимидан энг ўткир, энг мувофиқ, бамаънисини танлаб олганлар. Ҳозирги адабиётчилар эса, ана шундай танлаб олишнинг нақадар аҳамиятли эканини яхши тушунмайдилар, бу асарнинг сифатини жуда ҳам пасайтириб юборади. Сифат ҳақида бўладиган баҳслардаги зиддиятлар ҳамда мамлакатимизда оғзаки санъатнинг сифати ҳақидаги баҳс маълум бир, чуқур социал маънога эга бўлган бир пайтда ялқовлар ва мунофиқ ҳийлагарларнинг буни грамматика масаласига тақаб қўйишга уринишлари шундан келиб чиқади.

Адабиётнинг иккинчи элементи — тема. Тема — автор тажрибасида бунёдга келган, ҳаётнинг ўзи кўрсатиб берган, аммо ҳозирча автор тасаввурида ҳали тўла-тўқис гавдаланмаган бир ҳолда сақланиб, образларда гавдалантиришни талаб қилиб, авторда ишлашга майл уйғотадиган ғоядир.

«Абадий» деб ҳисобланган темалар ҳам бўлади. Булар: ўлим, муҳаббат темаларидир. Булардан ташқари жамият яратган, индивидуализм асосида бунёдга келган темалар ҳам бор. Булар: рашк, қасос, хасислик ва ҳоказо. Лекин қадим замонлардаёқ: «Ҳамма нарса ўзгаради», «Оламда абадий нарса йўқ» деган гаплар бор эди. Бизнинг оламда революциянинг ёрқин қуёши кўтарилиб нур сочмоқда ва синфлар ўртасидаги кетаётган қақшатғич кураш, ҳаммининг барча билан нон ва ҳокимият учун кураши асосида тузилган жамиятда шахс ўзининг жамият ичида яккалигини ва заифлигини ҳис этгани «абадий» темалар манбаи эканлигини ёритиб кўрсатмоқда.

Буржуа жамиятининг йўқотиб бўлмайдиган характерли хусусиятларидан бири шуки, бу жамият аъзоларининг энг кўпчилиги бутун кучини оддий қашшоқ ҳаёт

шароитини эгаллашга сарф этади. Турмушнинг бундай лаънати, пасткаш «хусусияти»га одамлар кўникиб кетган бўлса-да, бу хусусият ҳар бир одамни фақат ўз-ўзини ўйлашга мажбур этса-да, бундай социал тузумнинг бемаънилигини жуда кам одам тушунади. Одамлар умуман яшаётган ҳаётларининг жуда кичик бир қисмини, кўзлари билан кўриб турган қисминигина тушунадилар. Шу кўраётган нарсалари ҳақида фикр юритишга эса уларнинг вақти йўқ — улар ўзлари ҳақидаги икир-чикир ташвишлар, ўзларининг физиологик эҳтиёжларини, иззат-нафсларини қондириш ва ҳаётда ўзларига қулайроқ жой эгаллаш ғами билан овора. Ўз-ўзидан маълумки, мана шуларнинг ҳаммаси яшаш учун зарурдир, кўраётганлари ҳақида бош қотирмаслик эса, кўплар учун ўз-ўзини ҳимоя қилишнинг қулай воситасидир. Агарда буржуа жамиятидаги одамлар ўз-ўзини ҳимоя қилишга, бўлмағур нарсаларга қанчалик кўп энергия сарфлаётганларини ҳисоблаб чиққанларида эди, ўз-ўзини ўлдиришлар сони яна ўн мартача ортган бўларди.

Аммо одам кўрганлари ҳақида бош қотирмаса-да, шу кўрган-кечирганлари, таассуротлари миясининг аллақайси бир бурчида йиғилиб туради ва уни ҳаёт бемаъни, «турмуш расво», «қандай яшасанг ҳам барибир» деган шармандаларча хулосага, мистикага, анархизмга, цинизмга олиб боради. Буржуа жамияти ана шундай қилиб, ўзини емирадиган, ўлдирадиган заҳар тайёрлайди. Кўриб турибмизки, на диний, на маънавий ҳамда ҳуқуқий догмалар буржуа жамиятининг чиришини ва инқирозини тўхтатиб қололмайди. Синфсиз, социалистик жамият яратаётган шароитда эса адабиётдаги «абадий» темалар қисман тамомила ўлади, йўқолади, қисман ўз маъносини ўзгартиради. Давримизнинг социал қиймати ҳар қанча баланд бўлишидан қатъи назар алоҳида бир шахснинг ўлиmidан кўра бир қанча марта йирикроқ ва фожиалироқ темаларни тавсия этади. Аммо, бу билан индивидуалистларни юпатиб бўлмайди, шуниси ҳам борки, индивидуализм тарих томонидан ўлимга маҳкум этилгандир.

✓ Адабиётнинг учинчи элементи — сюжетдир, яъни одамларнинг ўзаро алоқалари, қарама-қаршиликлари, ёқтириш ва ёқтирмасликлари, умуман кишилар ўртасидаги муносабатлар — у ёки бу характернинг, типнинг

тарихи, ўсиши, ташкил топиб боришидир. Агар адабиёт деган маънони «беллетристика» — драма, роман, повесть ёки ҳикоя билан чегаралайдиган бўлсак, шу уч элемент билан адабиёт деган сўзнинг мазмуни тугайди деса бўлади. Энди бундан буёғига, ёзиш услуби ҳақида тўхталиш мумкин, лекин бу ҳар бир автор қобилиятининг шахсий томонларидир. Шуниси ҳам борки, бу хусусиятлар замирида ҳам ўша авторнинг келиб чиқиши ва ўсишидаги у ёки бу объектив кўрсаткичлар ётади.

Энди, XX асрга қўйилиб келаётган XIX асрнинг энг кенг тарқалган ва самарали оқими — реализм ҳақида бир неча оғиз гапириб ўтаман. Бу оқимнинг характерли хусусияти — унинг ўткир рационализм ва критицизмлигидадир. Бу реализмнинг ижодкорлари ақлий жиҳатдан ўз муҳитларидан ўзиб кетган, ўз синфларининг дағал, жисмоний кучи замирида унинг социал-ижод томонидан кучсизлигини кўра олган одамлардир. Бу одамларни буржуазиянинг «адашган фарзандлари» деб аташ мумкин, черков афсонасининг қаҳрамони сингари улар ҳам ота-бувалари асирлигидан қутулиб догма, анъаналар зулмидан чиқиб кетдилар. Яна шуниси ҳам борки, улар ўз синфлари қўйнига қовурдоқ ейиш учун қайтиб бормадилар. XIX асрда ижод этган европадаги реалист-адабиётчиларга бўлган муносабатимиздан тил, стиль, сюжетнинг ютуқлари ва камчиликларига баҳо беришда китобнинг социал маъносини очиб беришга қизиқмаган буржуа танқидчилари катта роль ўйнайди. Бальзак асарларининг социал маъносини фақат Энгельс билан Марксина тушунган. Танқидчилар олами Стендалга келганда «жим» қолдилар. Бизда чет эл адабиётини ўша чет тилнинг ўзида ўқийдиганлар жуда кам. Фарб ёзувчиларининг ижтимоий чиқишини, уларнинг ўсиши процессларини, иш усулларини янада кам биладилар.

Буржуазиянинг «адашган фарзандлари» яратган адабиёт, новелла, роман авторлари мешчанлик дунёга келтираётган ифлос анархиядан қутулиш йўлларини кўрсатиб бера олмаган бўлса-да, ҳаётга танқидий муносабатда қарагани туфайли ҳам аҳамиятга эгадир. Камданкам авторлар, ўшанда ҳам иккинчи даражали авторларгина машҳур философ ва эътиборли танқидчилик кўрсат

маларига асосан, буржуа жамиятининг нақадар олчоқлигини яшириш мақсадида мурасасиз қарама-қаршилиқни мурасага келтирадиган догмаларнинг шубҳадан холи эканини тасдиқлашга ҳаракат қилишарди. XIX асрда фан ва техника капиталистик давлатларнинг моддий асосини айниқса муваффақиятли кенгайтирган бўлса, ўша пайтларда Европанинг энг олдинги адабиёти ҳисобланган Франция адабиёти эса, Европа мешчанларининг бу механик ҳаракатини қувватламаган ҳам, «машиналь» ўсишни маъзур кўрмаган ҳам.

XIX асрнинг асосий ва бош темаси шахснинг, социал воқелиқнинг омонатлигини пессимистларча ҳис этишидан иборат эди. Шопенгауэр, Гартман, Леопарди, Штирнер ва бошқа кўпгина файласуфлар бу фикрни — ҳаётнинг бемаънилигини тасдиқлар, шахснинг социал яққалигига, заифлигига ишонч уйғотишарди. Советлар Иттифоқининг диктатори—пролетариат яратаётган янги воқелиқда шахс Арктика музликларида ёлғиз қолиб кетган бўлса-да, дақиқа сайин ўлим хавфи остида яшашига қарамай ўзини якка ва заиф ҳис этмайди.

XIX аср — асосан пессимизмни тарғиб этиш асридир. XX асрга бориб бу тарғибот табиий равишда социал цинизмни тарғибот қилишга, бутун дунё мешчанлари кўз-кўз қилиб, фахрланиб келган инсонпарварликни қатъий инкор этишга олиб борди. Кўпларга маъқул бўлган Шопенгауэр этикаси — черковнинг мунофиқ, икки юзламачилик, раҳм-шафқат қилиш этикаси, Ницше томонидан асабийлик билан, кейинчалик эса фашизм томонидан кескин, амалда инкор этилди. Гитлер фашизми мешчанликнинг заифланиб қолган, лекин шундай бўлса-да, ҳали чангали қаттиқ қўлидан чиқиб кетаётган ҳокимият учун бўлган синфий курашидаги тушкунликнинг бир кўринишидир.

Шуни ҳам қўшиб қўйиш керакки, социал турмушнинг заифлигини, омонатлигини ҳис этиш ёки тушуниш капиталнинг анчагина қобилиятли фарзандларига ёт бўлмаган. XIX асрдаги буржуазиянинг ўша «улуғ» ва «машҳур» фарзандлари ўлимидан кейин қолган ва кейинчалик нашр этилган барча хотиралар, кундалиқлар ва хатлар буржуа жамиятининг нақадар ёмон ташкил этилганини кўрсатади.

Советлар Иттифоқининг диктатори-пролетариатнинг

тақдир этиларлик хизмати қаторига унинг дунёни тушкунлик мағори ва зангидан халос қилғувчи серҳаракатлигини киритиш зарур.

Буржуазиянинг «адашган фарзандлари»нинг реализми танқидий реализм эди: улар ўз асарларида шахснинг оилавий анъаналар, диний догматлар, ҳуқуқ нормалари сиқиғи остидаги «ҳаёт ва саргузаштларини» тасвирлаш йўли билан жамият нуқсонларини очиб ташлаган бўлсалар-да, танқидий реализм одамга бу асирликдан қутулиш йўлини кўрсатиб беролмади. Мавжуд нарсаларни танқид қилиш танқидчилар учун жуда осон эди-ю, социал ҳаётнинг ва умуман «турмушнинг» бемаънилигидан бўлак тасдиқлайдиган ҳеч нима йўқ эди.

Бу ҳолни кўплар, баралла товуш билан, Байрондан тортиб 1932 йилда вафот этган Томас Гардигача, Шатобрианнинг «Нариги дунё хотиралари» ва ҳоказоларидан тортиб Бодлер ва фалсафаси пессимизмга жуда яқин бўлган Анатолий Франсгача тасдиқладилар. Баъзи адабиётчилар пессимизмни католицизм билан алмаштирдилар, лекин бу ҳол «бояги-бояги бой хўжанинг таёғи» бўлди, чунки ҳамма черков ҳам ҳаёт учун курашда одамларга бир хилда заиф эканликларига иқдор бўлишни уқдирарди. Диннинг зарари черков князларининг моддий манфаатларидан четда қилинадиган ҳар қандай ҳаракатни сусайтиришда айниқса ёрқин сезилиб турарди. Поплардан бири, «Исонинг ер юзидаги вакилларида бири», «Христианлик диндорлар учун жуда фойдали нарса», деб жуда тўғри айтган.

Бизда социалистик реализм ҳақида бажонидил ва кўп ёзадилар, яқинда авторлардан бири Гоголь ҳақидаги мақоласида ғалати бир кашфиёт қилибди: у Гогольни социалистик реализм ёзувчиси деб эълон этибди. Бу кашфиётнинг қизиғи шундаки, у адабий-танқидий ҳақиқатларни ўйлаб чиқариш бемаъниликка етаклашини, шунинг билан баробар ёзувчининг ўқувчилар олдидаги масъулиятсизлигини кўрсатади.

Адабий реализм инсон фаолиятининг реал фактларига боғлиқдир. Маълумки, «Ревизор» ва «Ўлик жонлар» даврида Россиянинг ҳеч қаерида социал характердаги фактлар рўй бермаган. Мана шу муҳим аҳамиятга эга

бўлган сабабга кўра ҳам адабиётчи Николай Гоголь Хлестаков, Чичиков, Собакевич, Ноздрев, Плюшкин каби типларнинг социал ҳаётидаги бундай фактларни тасвир эта олмаган. Бундан чиқадики: Гогольни социалистик реализм ёзувчиси деб нотўғри аташган, Гоголь реалист-танқидчидир. У шу қадар кучли танқидчики, ўзининг танқидчилик кучидан эсдан оғар даражада кўрқиб кетган. Ақлдан озиш ўткир ибрат бўладиган, социал-философик аҳамиятга кўчадиган ёлғиз ҳодиса эмас, эсдан адашиш ҳеч қачон бу қадар аҳамиятга молик бўлган эмас, бўлмайди ҳам. Баъзи ёзувчиларнинг шуни тушунмаганларига ҳайронман.

Адабиётда социалистик реализм социалистик ижоднинг меҳнат практикаси берган фактлари тасвири сифатида дунёга келиши мумкин. Бундай реализм бизнинг адабиётимизда пайдо бўлиши мумкинми? Мумкингина эмас, балки бўлиши шарт ҳам. Чунки революцион-социалистик ижод фактларимиз бор, ҳозир уларнинг сони кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Биз шундай мамлакатда яшаймизки, «шон-шараф, қаҳрамонлик» жасоратлари одатдаги бир фактга айланиб қолган, уларнинг кўплари ҳақида ҳатто матбуот ҳам лом-мим демай ўтиб кетаверади. Адабиётчилар буни назарга олмаяптилар, чунки адабиётчилар диққати ҳамон эски танқидий реализм оқимидадир. «Ҳаётнинг салбий кўринишлари» таъсирида у оқим табиий равишда «ихтисослашиб қолган эди». Бу ўринда баъзи камчиликларни эслатиб ўтиш лозим бўлиб қолди: кўриш қобилиятининг заифлиги ёлғончилик, мунофиқлик ва ҳоказо — табиий сабабларга кўра юзага келган ҳодисалардир, бу сабабларни эса йўқотиш мумкин.

Танқидий реализмнинг бу қадар яшовчанлигининг жиддий сабабларидан бири шундаки, адабиётчиларимизда ҳали профессионал техник малака етишмайди, тўғриси айтганда эса, билим етишмайди — адабиётчиларимиз ҳали анча хом, кўришни билмайди, ҳамма нарсадан хабардор бўлишмайди. Бу сабаб ўтмишга, кўпинча истиқболи биргина нарсадан — у ҳам бўлса крематорийдан<sup>1</sup> иборат бўлган кекса бобога интилиш билан боғлиқ бўлади. Бу, ишда кам меҳнат талаб қиладиганини тан-

<sup>1</sup> *Крематорий* — ўликларни куйдирадиган жой.

лашга ўхшаган бир нарса: ёғочни ишлаш тошни ишлашдан кўра осон, тошни ишлаш эса — темирдан кўра осон, темир пўлатдан осон. Кўп қаватли ғиштни ёки пўлат бинадаги ҳаётни тасвирлашдан кўра бир қаватли ёғоч уйдаги ҳаётни тасвирлаш энгил, албатта.

Арзимаган, майда тема устида ишлаш шунга олиб борадики, адабиётчимиз катта сюжетга кўчгудек бўлса, мисол учун, саноат комбинати қурулиши ҳақида ёзгудек бўлса, маънавий; идеологик темани жуда кўп майда деталларни тасвирлаш билан тўлдириб юборади, бу темани у қадар ёрқин бўлмаган тилда ваъзхонликка айлантириб юборади. Деталлаштириш ҳатто ўринли бўлган жойларда ҳам, одамни қайта тарбиялаш процессида, шахсият-параст одамни тарбиялаб коллективчига айлантириш керагидан кўра секин ривожланган пайтларда, колхоз қурилишида ҳам ошиб кетади, зарар келтиради. Баъзи хунук, лекин одат тусига кириб қолган воқеаларга, ана шу деталлаштиришга интилиш сабабкор деб ҳисоблайман: адабиётчи ёзган асарининг биринчи қисмини ёзиб тугатади, давомидан эса дарак йўқ, чунки у бутун йиққан материални ишлатиб бўлган, айтадиган гапи қолмаган.

Ижодни катта романдан бошлаш жуда ёмон одат. Жуда кўп мазасиз-матрасиз китобларнинг босилиб чиқишига шу ҳол сабабчи. Ёзишни Фарбдаги ҳамда биздаги барча йирик ёзувчилар сингари кичик ҳикоялардан бошлаш керак. Ҳикоя сўзни тежашга, материални мантиқий жойлаштира билишга, сюжет равшанлигига, тема аниқлигига ўргатади. Лекин бир куни қобилиятли бир адабиётчига романи ёзишни қўйиб бир оз дам олишни, ҳикоя ёзишни маслаҳат берганимда у менга: «Йўқ, ҳикоя жуда оғир форма» деб жавоб берди. Бундан чиқди, тўппонча яшадан кўра тўп яшаш осон экан-да.

Бу суҳбатда кириш сўзим ҳаддан ташқари чўзилиб кетди, лекин шундай қилишни зарур деб ҳисоблайман. Ёш адабиётчилар адабиёт ишининг қийинлигини, давр улар олдига қўядиган масалаларни, адабиётчининг ўқувчи олдидаги масъулиятини тасаввур эта билишлари керак. Бизнинг китобхонимиздек севишга, ҳурмат қилишга ҳақли бўлган ўқувчи дунёда ҳали ҳеч бўлмаган.

Инсоннинг илгарилаш ва юқорилаш йўлидаги поғона сифатидаги билиш қуроли бўлган ҳақиқатлар — инсон

меҳнати билан рўёбга чиқади, бу ҳақиқат инсониятнинг маданий ривожланиши тарихи билан чамбарчас боғлиқдир.

Мен бир гапни кўп такрорлайман: инсон интилган мақсад нақадар юқори бўлса, унинг қобилияти, таланти шу қадар тез ва социал мазмундор бўлиб ривожланади, буни эса мен ҳақиқат деб биламан. Менинг бутун турмуш тажрибам, яъни бутун кўрган-кечирганларим, ўқиганларим, таққослаганларим, ўйлаганларим буни тасдиқлайди. Совет воқелиги буни янада қаттиқроқ ва салобатлироқ тасдиқлайди.

СССРда Владимир Лениннинг революцион генийси пролетариат олдига энг юксак мақсадни қўйди. Ҳозирда эса Иттифоқимизнинг миллионлаб пролетариатлари бу буюк мақсадга амалда эришиш учун ҳаракат қилмоқдалар, бутун дунё пролетарларининг революцион ғайратини қўзғаб, соф виждонли кишиларни ҳайратда қолдирмоқдалар, қабиҳ кишиларда нафрат уйғотмоқдалар.

«Ақли расо» кишилар, яъни совуққон ишбиларманлар фактлар кучига, анъаналар, догматлар, қоидалар кучига хотиржам итоат этишни афзал билиб, бу мақсадни афсонавий деб атаб, эришиб бўлмайдиган деб ҳисоблайдилар, жангларда иштирок этмайдилар-да, ғалаба самарасидан усталик билан фойдаланадилар. Дантенинг «Жаҳаннам»ида бу одамларга, ўзларига муносиб жой ажратилган.

Иттифоқимиз ичкарасида «афсонавий» мақсадга интилиш афсонавий жасорат, қаҳрамонона меҳнат, зўр ниётлар қўзғайди. Буларни санаб ўтиришнинг ўрни йўқ ҳозир. Аммо адабиётчилар бу ниётлар ҳали амалга ошмасидан илгари, ҳали фактга айланмасидан олдин билиб қўйиши керак. Нонни ейиш ҳеч шубҳасиз фойдали, лекин инсоннинг буғдойни кўп йиллик ўсимликка айлантириб, бу билан ерларни йил сайин шудгорлашга кетадиган оламжаҳон энергиядан озод этишга уринаётганини билиш ҳам жуда фойдали.

Шундай қилиб, ҳақиқатлар инсоннинг синфсиз социалистик жамият қуриш каби буюк мақсадига эришиш йўлида қилаётган жамоат фойдали меҳнати билан бунёдга келади. Бу жамиятда ортиқча сарф бўладиган физик энергия интеллектуал энергияга айланади ва бу жамият-



да шахснинг ҳар қандай қобилияти ва талантининг ривожланишига чексиз йўл очилади.

Адабиётнинг вазифаси: меҳнаткаш ҳаётининг манзарасини тасвирлаш ва ҳақиқатларни образларга-характерга, одамлар типига айлантиришдан иборат. «Нақадар баланд чиқсанг, шу қадар кўпни кўрасан» деган мақол бор. Сизлар яратган асарларнинг темаси ва сюжети революция қўзғатган ижодий энергиянинг асосий интилиши билан қанчалик боғлиқлигини ва бу қудратли қўзғатувчи кучнинг таъсирини қанчалик ҳис этаётганларинг изни ана шу мақсад чўққисидан туриб қараймиз.

Сизларнинг ўн бешга яқин қўлёзманингизни ўқиб чиқдим. Шулардан тўрттами-бештаси чолларнинг фикрини қайтадан тарбиялаш ҳақида ҳикоя қилади. Чол ҳам яшашни истайди, албатта. «Ўғил» ҳикоясида бирданига уч чол қайта тарбияланади. Ҳикояда айтилишича, ўн олти йиллик маданий-революцион ишнинг уларга унчалик таъсири бўлмапти. Мана улар негр-ишчини «ўғил қилиб олишади». Бу, албатта жуда таъсирли факт. Агар автор кекса рус ишчисида унинг қора танли ишчи одамга нисбатан интернационал қардошлик ҳисси аста-секин уйғонишини кўрсатса, яна ҳам яхши бўларди. Лекин автор ўз сюжетини етарли даражада ўйлаб олмаган. У хушчақчақ бир латифа айтиб бермоқчи бўлади-ю, шундай деб бошлайди:

«Мен куламан. Кулги бурун катакларимни, кўзимни, оғзимни тўлдириб юборади...» Мен шунга ҳайронман: кулги қандай қилиб кўзни, бурун катакларини тўлдириб юбориши мумкин? Ахир кулги — чанг эмас-ку!

«Бундан ҳам қизиқ томоша бўларканми». «Мен циркда эмасман» ва ҳоказолар. Негр ҳақида гап бошламасдан аввал кулги ҳақида шу қадар кўп гапириладики, бу кулги қора танли одамни хафа қилиши турган гап.

Ҳикоянинг давомини ўқир эканман, автор ҳикояси учун муносиб оҳанг ва тил топа олмаган деган қарорга келдим. Сюжет асарга бошқача йўл билан ёндошишни, бошқача ранг беришни талаб этади. Заводда, дастгоҳ ёнида қора танли, жингалак соч, лаблари қалин одам пайдо бўлади. Чоллар ёшларга қараганда маданиятсизроқ, улар фақат оқ танли кишиларнигина ҳақиқий инсон деб ҳисоблашга ўрганиб қолганлар.

Балким, ишчилар негрни қаттиқ тегмайдиган даражада бўлса-да, мазах қилишгандир. Лекин негрлар айниқса, Америкадаги негрларнинг кўнгли яримта бўлади. Нимагаки, америкада уларни одам деб санамайдилар. Чолнинг граждани урушида ҳалок бўлган ўгли дастгоҳида шундай негрлардан бири ишлай бошлаган бўлиши мумкин. Балким, негр чолга қандайдир ёрдам қилгандир ҳам. Хуллас, негр қандайдир бир иши билан, ишни тез ўзлаштириши биланми ёки чечеткани қойил қилибми, ишқилиб чолда қора танли кишига нисбатан ҳурмат уйғотган бўлиши мумкин. Аммо ҳикояда негрнинг ҳаракати кўринмайди. Завод комсомол комитетининг иши ҳам кўринмайди. Рус ишчиси бўлган чолга негр, араб ёки ҳинд ёқиб қолиши мумкинлигини инкор этмоқчи эмасман. Шу воқеагача ҳам пролетариат интернационалиزمи ҳақидаги гаплар қулоғига кириб юрган чолда қора танли одам билан яқинлашиш истаги туғилган бўлиши мумкин дейлик. Лекин автор бу истакнинг юзага келишига сабаб бўлган асосни кўрсатиши, бу истак қайси йўл билан пайдо бўлганини, инсон онгида қандай ўзгариш юз берганини очиб бериши лозим. Автор ана шуларнинг биронтасини кўрсата олмаган-у, лекин шунга қарамай, заифгина латифани бизга тавсия этади. Ваҳоланки, бошқа миллат кишининг биз билан иноқлашиб кетиши осонгина рўй берадими, осон бўлса, нега осон-у, қийин бўлса, нега қийинлигини кўрсатиб бериши лозим эди.

«Харид» сарлавҳали ҳикояда ўзига диван харид қилиш ўрнига завод учун цемент сотиб олган кекса ишчи ҳақида гап боради. Бу типик ҳол эмас, кулгили ҳол. Одамнинг ортиқча буюмлар сотиб олишга бўлган ҳавасини енга олишини кўрсатиш фойдали, чунки (ўтмишда инсоннинг ўзини-ўзи ҳимоя қилиш қуроли бўлган) шахсиятпарастлик туйғуси ҳозирда синфсиз, социалистик бўлишни истаган жамият душмани бўлиб қолди. Лекин автор танлаган темасининг маъносини яхши тушунмаган ва бу ҳақда юзаки ҳикоя қилади, ўқувчини бу фактнинг ҳақиқатлигига, муҳимлигига ишонтира олмайди. Шундай қилиб факт кулгили ҳолга айланиб қолади. Ҳикоя ортиқча сўзлар билан тўлиб кетган.

«Сув бургасини тутувчи» сарлавҳали очеркида эса, бир австралия ишчисининг оғир аҳволи ҳикоя қилинади. У иш топа олмаганлигидан қармоқ билан балиқ овлаш ишқивозларига сув бургасини тутиб бериш билан шу-

гулланишга мажбур бўлади. Сув бургасини тутиш ҳақиқатан ҳам ёқимсиз, бод касалига олиб борадиган иш, лекин бунинг ишчини камситадиган жойи йўқ. Малакали ишчининг бекорчиларни овутадиган бўлмағур иш билан шуғулланиб юришининг ўзи бемаъни нарса, лекин бу ерда жамият бемаънилигининг нишонаси бор. Автор эса, худди ана шу зарур нарсани таъкидлаб ўтишни унутган. Ваҳоланки, очеркнинг мазмунини шу ташкил этиши керак эди. Ишсизлар ўзларига нисбатан бефойда ачиниш ҳисси уйғотишга муҳтож эмаслар, озод меҳнат қилиш ҳуқуқига эга бўлиш учун нима қилиш кераклигини тушунадилар. Очеркда «воқеа» Венада бўлиб ўтади, лекин автор очеркда Венага характерли ҳеч нима кўрсатмайди. Авторларимиз Европани тасвирлар эканлар, бу вазифага жиноят «Жиноят Қонунларига» мувофиқ қандай жазога лойиқ келаркин, деганга ўхшаш фикр билан ёндошадилар. Европа ҳаётининг ташқи кўринишлари ва характерли формасини юзаки кўрсатиб, авторлар бу ҳаётга ўзларининг Москвадан, Вяткадан, Херсондан олган таассуротларини киритадилар. Революцион пролетариат душманларининг асосий сифатлари умуман ҳамма ерда бир хил, лекин микробларнинг ҳар хиллиги турлича: бири сил касали билан, яна бири фашизмга ўхшаб кетадиган йирингли касал билан заҳарлагани каби пролетариат душманларининг ҳар бирининг ўзига хос характерли хусусияти бўлади.

Энди «Сайр» деган ҳикояга тўхталмоқчиман. Аллақадерда ғишт заводи қуриш зарур, лекин одамлар орасида яқин орада ғиштга боп тупроқ йўқ, деган фикр юради. Аммо, бир кекса ўлкашунос тупроқни осонликча топади: шундай тупроқ борлигини у илгаритдан биларди. Ҳикоя бўш, замонамизга ҳаддан зиёд хунук ёндошилгани учун ёқимсиз. Масалан: «Учқун»нинг бурнини ишқалаймиз», «Учқун» ёмон журналча, жуда кўп қоғоз ейди, ваҳоланки шу қоғозни бошқа йўл билан ўқувчига фойдалироқ қилиб ишлатиш мумкин эди. «Учқун»ни ё ёпиш керак, ёки «Прожектор» билан бирлаштириб, иккита ёмон журналдан битта яхши журнал қилиш мумкин.

Бадий Ҳикоя деб аталган бир асарда «Учқун»нинг бурнини ишқалашнинг кераги йўқ. Ундан ташқари Ҳикояда «Қостя тоғанинг битта нуқсон бор, у ҳам бўлса «поэтик фаолият» деганга ўхшаш аскиянинг кераги йўқ.

Замонамиз кишилари нега энди шундай арзимаган темани танлаганлигига ҳайронман? Нега энди ўзларига яқинроқ ва оғирроқ, қизиқроқ темага уннамайдилар? Масалан, автор ҳаётининг бир куни, воқеалар билан тўлиб-тошган бир куни ҳақида ҳикоя қилиши мумкин-ку. Одам уйғонди, деразага қараб қўйди,— шу қарашда унда қандай фикрлар уйғонди? Мана у бир ёққа йўл олди дейлик,— йўлда ниманидир кўргандир, ким биландир гаплашгандир? Умуман бир кун унга нима берди, нима билан бойитди? Кечқурун ёта туриб ўша одам ҳаётининг бир кунига қандай яқун ясади? Шу бир кунда ўша одам қалбининг қайси торлари тебранган эди, тебранган бўлса нега бу эмас, бошқа торлар тебранди, шуни аниқлаш лозим.

Балким, у ўзини ўзи ўғирлагандир. Балким, ўзига зарур бўлган бир ҳолдан қўққисдан ёки атайлаб юз ўғиргандир.

Бу хилдаги, иш майдалигидан қатъи назар, авторга таассуротларни қанчалик сиғдира олишидан ҳисоб беради.

Мен зиёлиларга «ўз-ўзини анализ қилишни», «азоб чекишни» тавсия этмайман, йўқ, мен авторнинг кузатиш, воқеликни ўрганиш, ўзини ўзи тарбиялаш техникасини текширишни тавсия этаман.

Мен натуралист эмасман, мен адабиёт воқеликдан баланд кўтарилиши, юқоридан туриб воқеликка қарашни тарафдориман, чунки адабиётнинг вазифаси воқеликни ифодалаш билангина кифояланмайди. Бор нарсаларни тасвирлаш камлик қилади, бўлиши мумкин нарсаларни, орзу-тилакни унутмаслик керак. Турмуш воқеаларини типиклаштириш зарур. Майда, лекин характерли нарсани олиб шундан йирик ва типик асар яратиш лозим — адабиётнинг вазифаси ана шу. Ҳеч бўлмаганда XIX асрдаги йирик асарларни олиб қарасангиз, адабиётнинг шунга интилганини кўрасиз. Бальзак сингари, ўзини яхши билмасалар-да, номи кўп тилга олинадиган улуғ одамлар шунга муваффақ бўлганлар.

Бизнинг сўз санъатимиз ҳамма нарса билан шуғулланади. Агар биров Москва губерниясидаги Богородскда яшайдиган ўлкашунос ҳақида ҳикоя ёзадиган бўлса, уни шундай ёзиш керакки, Мурманск, Астрахань, Тамбов ва бошқа жойларда яшайдиган ўлкашуноздан фарқи бўлмасин.

Энди «Тиберия Гракха проспектидаги извозчик» устида тўхталмоқчиман. Бунда автор «юмшоқ кўклам нафас оларди» дейди. Юмшоқ қор, юмшоқ бадан бўлиши мумкин, лекин кўкламни бундай эпитет билан иш-лашга, тасвирлашга, таърифлашга мен тушунмайман. Менимча, бундай қилиш ярамайди. Ҳикоянинг бошланиши зўр бериб образлилиқ, ўткир сўз қидириш билан тўлган. Масалан: «Қавак-кавак» ивиган қантга ўхшаш қор эрирди». «Малинин Калуганинг энг баланд ёшдаги одами...» Бунда бўйга тааллуқли сўз ёшга нисбатан иш-латилган. Яна: «Заочье» деган сўз ҳам бор. Буни Ока ортида деб ҳам, кўз ортида деб ҳам тушуниш мумкин. «Ўларча йирик нўхат». Нега энди ўларча? Яна шуни ҳам айтиб ўтмоқчиманки, ёнут қиммат баҳо мўйна эмас, арзони. «Елларинг — паға-паға булутнинг ўзи-я»,— дейди извошчи отига. Извошчининг от ёлини паға булутга ўхшатишига ишонмайман. Кейин «Юзи сассиқ кўзанга ўхшаган» деган жумла учрайди, менимча бу ерда узун тумшуқ назарда тутилади, ваҳоланки сассиқ кўзаннинг тумшуғи кесик, тўмтоқ, каламушникидақа эмас. Яна: «Мафтун бўлиб қолдим» деган жумла учрайди. Извошчи мафтун деган сўзни билмаса ҳам керак. Бу ҳикояда ҳам чолнинг ўзгариши кўрсатилган.

«Бошқа ватан» деган ҳикоя тугалланмаган, чала ҳикоя. Кўп воқеаларнинг сабаби айтилмаган. Масалан, машинистнинг қизи нега гул сотади, бунинг кимга кераги бор? Ун йилларча жудоликдан сўнг учрашган ота-ўғилнинг кайфияти яхши очиб берилмаган. Бу қўлёзмага ҳам бошқа қўлёмалардаги сингари қайд қилиб қўйдим, шунинг учун ҳам «Ранжиш» деган ҳикоядаги жимжимадор сўзлар ҳақида узоқ тўхтамайман. Бу ҳикояда «Қуёш шуълаларига ўхшаш сирена» дейилади, ваҳоланки, сирена морж сингари ўкиради, унинг овози ялтироқ нарса билан деворга тушириладиган қуёш шуълаларини эсла-тиши мумкин эмас. Автор ўз қаҳрамонларининг юзида кўпинча анатомик жиҳатдан имконсиз бўлган афт буриш-тиришларни тасвирлайди,— мендан авторга маслаҳат шуки: шундай афт буриштиришни тасвирлашдан олдин ойнага қараб, афтини буриштириб кўрсин.

Авторда ўз сўзларини, ўз услубини топишга интилиш бор, лекин у ҳали бунга ожиз. Яхши изланишлар бор, уларни табриклаш лозим, аммо бу томондан автор ҳали

заиф, чунки автор оддийлик ўрнига чиройлиликни қидиради, ёқимсиз чирой топади.

Шу авторнинг «Актив ҳаракат» деган иккинчи ҳикояси Гоголь «Шинел»ининг қандайдир ғалати тирилишидир. Авторнинг қаҳрамони, архив одами, ўз иродаси билан эмас, бошлиқлар иродаси билан тирилади. Бундай тирилувчилар кам ва бефойда яшайдилар.

«Тўй» ҳикоясига келайлик. Бунда организм кўзга кўринмас ҳужайралардан ташкил топгани каби барча кўриб турганларимиз, биз яшаётган бутун шароит майда бўлақлардан иборатлилигини такрор айтишга тўғри келади. Шу майда бўлақларнинг ҳаммаси жуда зарур, албатта, лекин булар орасидан энг характерлисини ажратиб ола билмиш лозим. Қурилишлар ҳақида ёзилган катта романларимизнинг камчилиги шундаки бу асарлар ортиқча, арзимас тасвирлар билан тўлиб кетган. Одамларимиз деталлаштиришга берилиб кетадилар, икир-чикирлар кўплигидан ўқувчи асар моҳиятига тушуниб етолмайди. Магнитогорск, Днепрострой ва ҳоказолар умумий тушунчага ўхшаб қолади. Жаҳондаги энг қимматли, буюк халқ оммаси ғайратининг муҳим аҳамияти йўқолади. Бу ғайратни амалда ишга солиш эса мазмун жиҳатдан газеталардаги ва шошилиш ёзилган китоблардаги мақтовлардан кўра анча улуғ ҳаракатдир. Дарҳақиқат, мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида инсон ижоди туфайли, муъжиза деб аташ қабул қилинган, беҳад катта аҳамиятга эга бўлган ҳаракатлар содир бўлмоқда. Озод ҳаёт ижодида иштирок этмаган, эски замон мактабининг гангитадиган чийриғидан ўтмаган, миясини занг босмаган, илгари танқидий фикр юритган, лекин аслида эса, революцион ишда актив иштирок этган бир қисмигинасини ҳисобга олмаганда, «китобий ирсият»га ёпишиб олмаган ҳаракатсиз зиёлиларимиз каби одамлар ғайрати жўш уради ҳозир. Қолганлар эса, олам дарҳақиқат мавжудми ёки бизга шундай туюладими деган мазмундаги узундан-узоқ суҳбатга берилиб кетганлар. Агар олам мавжуд бўлса, нега мавжуд, шунингдек, нега бизга дарҳақиқат мавжуд бўлиб туюлади. Еяётганимиз ростакан бодрингми ёки тасаввуримиздаги нарсами? Тағин тасаввуримиздаги ёмғир пайтида ўзи йўқ соябондан фойдаланаётган бўлсак-а?

Одамлар ўзларининг мавжудликларининг реаллигига ишонмасликлари фалсафасининг сабаби шундаки;

уларнинг мавжудликлари меҳнат билан мустаҳкамланмаган. Улар доно Герцен ўзининг «Ўтмиш ва ҳаёллар»ида намунасини келтирган тилда гаплашган ва ёзганлар.

Мавҳум фикрларни мавзуи шаклга келтириш ўз вазиятини сезган руҳнинг бир даврини ташкил этади, бу билан у ўзининг моҳиятини белгилайди, нафосат (гўзаллик) орқали табиат ички хусусиятларидан шуурнинг бир-бирига уйғунлашган соҳасини топади.

Одамларимиз ўзларининг доноликлари билан бир-бирларини юз йилларча ҳайрон қолдириб, сафсатавозлик билан шуғулланиб келганлар. Абстракция ахлати билан булганган, тушуниб бўлмайдиган воқелик улар кўз ўнгида социал революция сифатида қулоч ёзганда эса, улар оламдаги буюк, бирдан-бир ҳақиқатга қарши ўзларида қандайдир зоологик қаршилик кучи топа олдилар, тор-мор этилдилар, қочдилар ёки мамлакатимиздан қувғин бўлдилар, ҳозирда аста-секин йўқолиб борганлари сайин эса чет элларда бутун дунё меҳнаткашларини капитализм кишанларидан озод қилаётган диктатор-пролетариат адресига қарата бўҳтон ва уйдирмаларни ёғдирмоқдалар.

Биз, Советлар Иттифоқининг адабиётчилари дунёга янги одам, «мияси айнамаган» одам келгани, ўз қобилияти ва талантини кўрсатишга ташна одам келгани ҳақида гапириш ҳуқуқини олганмиз. Потенциал ақл-идрок кучи бор бўлса-да, актив ҳаракат этмас эди. Ҳозирда эса жуда яхши ҳаракат қилмоқда. Деҳқонларимизнинг кўпчилиги ерни олти вершок чуқурликда ҳайдарди, энди йил сайин ҳайдаётганимиз учун ҳам, ер ўз бой хазинасини бизга очиб бермоқда. Биз, ақл-фаросат билан табиатнинг механик фаросати ўртасида бораётган жонли курашнинг шоҳидимиз. Бу курашда ҳақиқий янги одам бунёдга келади, биз адабиётчилар эса бундай оддий одамни тасвирлаш ўрнига ҳамон латифа тўқиймиз, ёки одамларнинг қандай ишлаётганлари ҳақида узундан-узоқ зерикарли ҳикоя тўқиймиз-у, лекин қандай буюк мақсад йўлида ишлаётганларини кўрсатишни билмай-миз.

Яна қўлёзмаларга қайтайлик. «Япончанинг тугаши» деган ҳикоянинг автори анча қобилиятли-ку, лекин жуда ўзига бино қўйган одамга ўхшайди, бу манманлик унга жуда зарар қилиши мумкин. Авторнинг тили бўш, нотўғри, қўпол. «Арриқ жуҳуд, худди қуриган нуҳуд».

«Нуҳуд» дегани нимаси? «Жулдурлар жарангларди» эмиш, бўлмаган гап, латта жарангламайди? «Бутун бир эскадронни қабул қилишга тайёр турган очофат хотин». Шахватпараст ёзувчи Пьер Луис шундай хотин ҳақида бир ҳикоя қилган эди, шуни яна такрорлашнинг сира ҳожати йўқ. «Одамлар назарга олиб қўйган жойга урмоқ». Менимча, одамлар ҳамма жойни назарга олиб қўйганлар. «Турмуш балчиқларини олтинга айлантирувчи орзу-тилаклар». Бунда пессимизм жаранглагандек бўл-япти. Агар бу пессимизм тубдан бор нарса бўлса жуда ёмон, лекин мен ўйлайманки, адабий, ўқиб олинган пессимизм.

Автор бу қилиқларини ташлаши керак, бўлмаса булар унинг бошини қотириб қўяди.

Ундан ташқари, автор ўз асаридаги ўғрилар романтикасидан воз кечмоғи керак. Бу китоб романтика, буни америкаликлар ёзишган, хусусан Брет-Гарт ва О. Генри ёзган. Уларнинг социал романтикаси ўша даврда Америкага илк кўчиб келган пуританликларнинг қуруқ ахлоқига қарши қаратилган бўлиб, кейинчалиқ бора-бора бу романтика мунофиқ сентиментализмга айланиб шу даврга етиб келди, адабий муросасозлик йўли билан минглаб «хулосаси яхши» ҳикояларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди.

«Зиёрат» деган ҳикояда китобий, ўқиб олинган романтизмнинг «социалистик реализм» таҳаллуси остида биз учун жуда зарур бўлган табиий романтизм билан уйғунлашиб кетишини кўрсатиш керак эди. Бу икки романтизмнинг тўқнашувини бири «инсоний мусибатлардан уйдирма ва афсунларга, сеҳрларга» олиб кетишга ҳаракат қилишини, воқелик эса ўзига бўлган пассив муносабатни вайрон этиб, ё ҳаракат қилишга ё ҳалок бўлишга мажбур этишини кўрсатиш керак.

«Ёш хўжайин ҳақида» деган ҳикоя анча дуруст, лекин қайта ишлашни талаб этади, ҳозирги аҳволида ҳеч нимага ярамайди, у қадар ишонарли эмас. Автор ҳикоясининг кўпгина жойлари устида бош қотирмайди.

«Оққуш қўшиғи», «Феникс», «Муҳаббат ва ўлим ҳақида», «Дворян ҳаммомлари», «Семирамида боғлари» ҳикояларнинг автори жуда романтик кўринади, у ҳаётга актив муносабатда бўлади, ҳаёт ҳақида завқ-шавқ билан ҳикоя қилади. Лекин унда ҳақиқий ҳисни заифлаш-



тирувчи, тилни чалкаштирувчи адабиётвозлик кўп. Унда Леонид Андреев таъсирида қолиб кетиш хавфи бор. Леонид Андреев ўзидаги жуда оз билимни оширишни истамгани учун ҳам билимнинг кучини инкор этувчи одам эди. У «туйғун» романтик эди, «онгдан ташқари» ҳис этишни, «хаёлчанликни» адабиёт учун энг керакли нарса деб ҳисобларди. У одамларнинг дунёга бўлган муносабатида бевосита муроқабани онгдан юқори туради деб ҳисобларди. Ақл-идроки фақат адабиётдан озиқ олгани учун ҳам, ҳаётга нисбатан эркатой бола характерига кириб қоладиган одамлар бор. Бундай одам реаллик кучи таъсирида оламга келган, фақат шу куч таъсиридагина камолга етишига қарамай, шу реалликни писанд қилмагани учун ҳам ҳалокатга йўлиқади. Лекин шундай одамлар ҳам бўладики, улар ўз ақл-идрокларига бир бойваччадек қарайдилар, идроклари у қадар ўткир бўлмаса-да, ўз талантларини, қобилиятларини шу идрокларига бўйсундирадилар. Санъаткор сўз, овоз, рангга форма ва образ берувчи санъат кишисидир. Санъаткор ўзидаги тасаввур кучини мантиқ кучи билан, ақл-идрок кучининг ҳиссиёт билан уйғун бўлмоғига эришиши керак. Юқориди айтиб ўтганларим шунга олиб боради: инсон ўз қобилиятларидан фойдаланиш йўлларини шундай билмоғи керакки, бу қобилият адо бўлмасин, борган сайин ривожлансин.

Бу жуда кузатувчан реалист, лекин унинг «Сашка» си икки баробар қисқариши керак, шундай қилинса ҳикоя жуда ютади. Автор олғир, ялқов муштумзўр ўғли типини яхши топибди, ўзи ҳам уни яққол кўриб турибди. Дьяконни бекор аралаштирибди. Дьяконни ўғил ҳикоясидагина қолдирса бўларди, бошланишда эса, у ҳикоя оқимига халақит беради. Ҳикоя жуда тез ва равон оқадди, лекин воқеаларнинг мантиқий ривожига халақит бергани, образларни хиралаштириб қўйгани учун ҳам ўқувчининг гашига тегадиган ортиқча сўзлар бор, шуларнинг баҳридан ўтмоқ керак.

Адабиётчилар учун чуқур, кескин аҳамиятга эга бўлган фактни тушунмоқ даркор: ҳаёт турли-туман, фавқуллодда ҳодисалар билан бойиб бормоқда, ўқувчи эса—шу ҳодисаларнинг бевосита яратувчисидир. У ўз фикрини тилда яхши изҳор этолмаса-да, анча яхши ишлайди, яхши ўйлайди. Лекин бундан унинг миясига бемаъни, текширилмаган сўзларни қўйиш керак, деган гап чиқмайди.

Адабиёт турмуш билан жуда-жуда яқин алоқада бўлиши керак.

Энди: «112 тажриба», «Филдирак», «Ғолибнинг юриши» деган ҳикоялар қолди. Буларнинг автори — адабий саводли, тили содда, ёрқин, Чеховдан ўргангани кўриниб турибди. Автор Чехов хулосаларидан фойдаланишга уста, юморни билади, умуман қобилиятли. Ўз йўлини, «ўз қалбининг қиёфасини» топиб олишга астойдил уринаётгани кўриниб турибди.

Колдуновнинг «PS» повести ҳақида авторга алоҳида хат ёзиб юбораман.

Мана, ўқиб чиққан қўлёмаларим ҳақида ҳисоб бердим. Хулоса ўз-ўзидан кўриниб турибди: ёш адабиёти-миз тез ва баракали ривожланмоқда. Лекин, воқелигимиз талабига жавоб бераётими? Тўғриси айтиш керак. Ҳали жавоб бера олганича йўқ. Бунинг сабаби нимада? Менинча, бунинг сабаби ёш адабиётчиларнинг ғоявий ва техник жиҳатдан ниҳоятда бўш қуроолланганидир. Улар ўз ватанлари тарихини, ундаги одамларни, уларнинг революциягача қандай бўлганини билмайдилар. Бу ҳол авторларни воқелигимиз билан ўтмиш орасидаги кескин ички фарқни тушунишдан, ҳозирги кунимизга муносиб баҳо беришдан маҳрум этади. Натижада авторлар турмушга тўғри муносабатда бўла олмайдилар, турмушнинг фақат салбий томонларигина диққатларини жалб этиб, ривожланишни, мустаҳкамлашни талаб этадиган ҳодисаларни кўрмайдилар. Шундай қилиб авторларимиз майда, аскиябоп темаларни танлайдилар, йирик асарларда деталларга берилиб кетадилар, хуллас, энг енгил йўлга ўтиб оладилар.

Бу — ҳаваскор адабиётчиларга қаратилган таъна эмас, бу дўстона кўрсатма. Агар улар шунга амал қилсалар жуда тез ўсишлари мумкин. Талантлари тақдирланган, ном чиқарган адабиётчиларга таъна қилиш мумкин, таънага ўрин ҳам бор. Улардан ўн олти йил бадалига ҳаётимизда рўй берган бир қатор ажойиб воқеаларни тилга олмаганлари учун ўпкаланиш мумкин. Шундай воқеалардан бири мамлакатимиздаги миллионлаб аҳоли учун дам олиш ва кўнгил очиш қуроли бўлиб келган диннинг аста-секин ўлиб бориш процессидир. Поп ва худога бўлган умиднинг сўна бориши, йўққа чиққан хом хаёл ўрнини инсоннинг «аллақандай, ақл етмайдиган, ҳар ерда ҳозир кучдан» мустақил эканлигини ан-

лаш кучи эгаллагани кўрсатилмаган. Инсон ўзининг ҳар ерда ҳозир, ҳар нимани кўра оладиган куч эканини қандай қилиб ҳис эта олгани кўрсатилмаган. Дин ва онг, туйғу ва фикр ўртасидаги кураш кўрсатилмаган. Ахир биз яқиндагина минглаб черков, монастыр, черков мактаблари бўлган, дала йўлларида қишин-ёзин минглаб дарвишлар, «художўйлар», хурофот тарқатувчилар, «худо амри»ни тарғиб этувчилар, инсон иродасини сўндирувчилар санқиган мамлакатда яшардик. Ҳозирги кунимизда диний туйғуларнинг яна кўтарилиши сезилиб қолмоқда. Бунинг сабабчиси ва тарғиботчиси — еридан ажралган, инсон устидан ҳукмронлик қилишдан маҳрум бўлган кулакдир. Собиқ хусусий мулкчи оламнинг эгаси бўлмиш яратгувчининг мавжудлиги ҳақидаги маънос ривоятни одамларга эслатишга, яъни эски эртақ билан хусусий мулкчиларнинг инстинктини жонлантиришга ҳаракат қилади. Янги «дин тарғиботининг» ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, бу диний тарғибот черков мистикасидан, черков догматлари ва урф-одатларини сингдириш ёки сингдирмасликдан келиб чиқмай, қуруқ реал воқеликтан келиб чиқади, шу воқеликка қарши курашишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Инжилда Исо байрамга қарши чиққанига қарамай, янги тарғиботчилар «Исо байрамларда ишлашни манъ қилади» деб ташвиқот юритадилар. Хуллас, янги тарғибот бошдан-оёқ бир мақсадни: у ҳам бўлса ишламасликни, фақат байрам кунларигина эмас, умуман, ҳеч қачон ишламасликни ва шу билан янги дунё тузиш ишимизга тўсқинлик қилишни кўзлайди. Мистик догматика контрреволюцион сиёсатга айланади, бу эса адабиёт учун жуда муҳим материалдир. Юлғич «учар» темаси ҳам анча қизиқ тема. Учар-паразит, дайди ва ялқовнинг эски, «тарихий» типидир. Аммо ўтмишда кўплар «ҳаётнинг зерикарлигидан», оғирлигидан, ҳақсизликдан, бошлиқларнинг ур-калтагидан қочиб дайди ва ялқовликка ўтганлар. Лекин ҳозирги «учар» эса, ўзини тенг ҳуқуқли граждандек деб билади, уятсизларча талабчан, қиладиган иши ва айтадиган гапининг чегарасини билади. Бу эски дайдидан анча зарарли паразит, тип сифатида эса — анча ёрқин.

Хотин-қизларимизнинг ҳозирги аҳволи кўрсатилмаган. Бирор корхонани идора қилувчи, куйиб-пишиб ишлайдиган хотин, севадиган ва севиладиган эмас, балки социалистик қурилишнинг маданий томони билан қизиқ-

қан, фан, санъат ва ҳаётнинг ҳамма соҳаларидаги хотин-қизлар фаолияти кўрсатилмаган.

Бизда болалар ҳақида деярли ёзмайдилар. 12-китобда болалар ҳақидаги бир қатор жуда яхши ҳикояларни босганлари учун «Литературный современник» редколлегиясини қизгин табриклайман.

Адабиётчилар деҳқонларнинг қайта дунёга келиши процессига ҳам етарли аҳамият бермайдилар. Унлаб, юз минглаб деҳқонларнинг ерни ўзгартиш, янгилашда, ер қаъридан турли бойликларни олишда шахсан иштирок этишлари орқасида улардаги ерга бўлган стихиялик, ярим мистик қарашнинг йўқола бориши кўрсатилмаган. Деҳқон илгари ердан фақат берганича оларди, ернинг янги хўжайини эса, ернинг унумдорлигини ҳар тарафлама ошириб, янги экинлар жорий қилиб, ердан мўл ҳосил беришни талаб қилади. XVII аср ақлий даражасидаги одамлар оммасидан XX асрнинг илғор кишилари кўплаб ва тез ўсиб чиқди. Мана шу буюк процессда драма, романлар, поэмалар, комедиялар, ҳикоялар учун юзлаб турли темалар ва сюжетлар яширинган. Ҳеч қайси даврда санъат бизнинг мамлакатимиз материали тавсия этаётганчалик бой ва хилма-хил санъат материалига эга бўлган эмас. Ҳеч қачон адабиётчи китобхон билан ҳозиргидек шу қадар эркин ва яқиндан туриб муносабатда бўла олган эмас.

Шу билан гапимни тугатиб, революцион давр ва Советлар Иттифоқи сизнинг зиммангизга қўйган жавобгарлик кучини ҳис этишни, қон-қонингизга сингдиришни тилайман, ўртоқлар.

*1934 йил.*

ПОЭЗИЯНИНГ «СИРИ» ҲАҚИДА

*Менга хат ёзган ўртоқларга жавоб*

1

Мен, поэзияда ўз кучини синаётган, бошқача қилиб айтганда, шеър ёзишни машқ қилиб юрган турли кишилардан ҳар йили юзлаб хат оламан.

Кўпинча ўртоқлар шундай деб илтимос қилишади:

— Поэзиянинг сирини очиб берсангиз. Яхши шеър ёзиш учун нималар қилиш керак,— шуларни бизга аниқ тушунтирсангиз.

Бир вақтлар, ёшлик чоғимда, мен ҳам поэзияда ҳақиқатан қандайдир бир «сир» бор, деб тахмин қилар эдим ва шундай бир одам топилса-ю, у поэзиянинг ана шу «сир»ини менга очиб берса, тушунтирса, ундан кейин менга бошқа ҳеч нарса керак бўлмас эди, шу кундан бошлаб ва ҳамма вақт яхши шеърлар ёзадиган бўлиб олар эдим, деб ўйлардим.

Ўз-ўзидан маълумки, поэзияни бундай тасаввур қилиш — хатодир.

Поэзиянинг ҳамма боп, универсал, турмушдаги ҳамма ҳодисаларга ҳам мос кела берадиган «сир» и йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Бундан қатъи назар, поэтик ижодда, майли, шундай бир «сир» бор, деб фараз қилайлик (мен бу ўринда «сир» сўзини шартли равишда ишлатаман). Шунда ҳам бу «сир» ҳар шоирнинг ўзига хос, алоҳида, индивидуал «сир»дир. Бир шоирнинг «сир»и бошқа шоир учун сира ҳам иш бермайди. Уни ҳамма қулфга тушадиган калитдек деб ўйлаш мумкин эмас.

Поэтик ижоднинг «сир»ни фақат шоир ўзинга топа олиши, шунда ҳам фақат ўздан топа олиши мумкин. Ҳар бир янги шоир бу «сир»ни ўзи ўзи учун янгидан «очиши» керак, деб айтсак тўғрироқ бўлади деб ўйлайман.

Поэтик «сир»ни билиб олиш — бу ҳаммадан олдин ижодда мустақил бўлиш демакдир, бошқача қилиб айтганда, сен бир шеър ёзгинки, бу шеърнинг ёзилиши фақат ўзингга, бошқа бир шоирга эмас, фақат сенинг ўзинггагина хос бўлсин, яъни бу шеърда ўзингга хос овозинг бўлсин, бирор темада мустақил ўзинг нима айта олсанг, фақат шуни, ўз фикрингни айт. Чунки турмушдан олган бир воқеани ўзинг кўргансан, ўйлагансан, уни ўзинг ҳис қилгансан, ўзинг англагансан ва ўзинг ундан хулоса чиқаргансан. Шунинг билан бирга бу воқеа, фақат шоир ёки маълум доирадаги одамлар учунгина аҳамиятли бўлмай, балки, энг муҳими кенг ўқувчилар оммаси учун аҳамиятли бўлиши керак.

Шоир турмушдаги бирор факт ё бирор воқеани, шеър техникасини юзаки эгаллаб, қофияли мисраларда эҳтироссиз баён қила беради, деб ўйлаш мутлақо нотўғри. Шеър техникасини мукамал эгаллаш шоир учун энг зарур нарса, аммо ишнинг муваффақиятини биргина бунинг ўзи ҳал қилмайди.

Ижодий процесс — шеър тўқиш қондасидан стандарт равишда фойдаланишдан кўра ҳам мураккаброқ процессдир.

Масалан, бир шоир бирор темада, яъни унга таъсир қилган бирор воқеа ҳақида шеър ёзмоқчи бўлди. Бу демак, ҳалиги воқеа шеърга тушувидан олдин, шоирнинг онгини, унинг юрагини, бутун вужудини қамраб олиши керак. Чунки шоир, ўша воқеани тасвирлаш билан ўз шеърида бу тўғридаги ўз тушунчасини баён қилиши, воқеага бўлган ўз муносабати, ўз фикр ва туйғуларини баён қилиши лозим. Бошқача қилиб айтганда, шоир воқеани ўз ақли ва юраги билан қандай ҳис қилса, ўқувчига шундай тақдим қилади. Шу билан бирга шоирнинг воқеага албатта, объектив равишда қарashi, яъни бўлган воқеани тўғри тушуниши, уни бузиб кўрсатмаслиги, ҳақиқатдан четга чиқмаслиги шарт.

Бунн тўғри тушунмоқ ва тажрибада унн қўлламоқ — поэзиянинг «сири»ни очиш дем акдир. Бундан равшан кўриниб турибдики, бунда ҳеч қандай сир, ҳеч қандай ғайри-табиий ҳол йўқ.

2

Мен бу масалада, яна аниқроқ бўлсин учун, мисол келтиришни истар эдим. Бу фикрни исбот қилиш мақсадида Некрасовнинг «Урилмаган ер» деган машҳур шеърини келтириш билан кифояланаман. Бу шеърнинг мазмуни шундай: кечки куз фасли, аммо далада бир деҳқоннинг ҳамон ўриб-йиғиб олинмаган экини ётибди. Урилмаганлигининг сабаби — экиннинг эгаси бўлган деҳқон оғир ишдан зўриқиб касал ётибди. Шеърнинг асосий мазмуни шу. Бу ҳаётий факт, воқеа Некрасовга шеър темаси бўлиб хизмат қилди.

Мен бу воқеани сизга, асосан тўғри айтиб бердим, бироқ менинг айтиб беришимда, кўриниб турибдики, сизга бу воқеанинг ҳеч қандай таъсири бўлмади. Бу бир қарашда, албатта, бу воқеа кичкина ва аҳамиятсиздек бўлиб кўринади. Аммо, ҳақиқатда, эски замонда касал бўлиб, даладаги ўз экканини ўриб-йиғиб ололмаган деҳқонлар озмунча бўлармиди?

Хўш, нима учун бу воқеа менинг баёнимда ҳеч кимга таъсир қилмайди, ҳеч кимни ҳаяжонга сололмайди? Чунки мен бу воқеани қуруқ, ҳеч нарсани очиб бермайдиган, на ақлга ва на юракка таъсир қила олмайдиган сўзлар билан ҳикоя қилиб бердим. Бу сўзларда менинг шахсий туйғуларим ва ҳисларимнинг ифодаси йўқ, булар поэтик фикрдан маҳрумдир.

Тўғрисини айтганда, бу ўринда мен жўрттага шундай қилдим. Шунинг учун жўрттага қилдимки, кўп нарсани шоирнинг ўзига боғлиқдир, шоир томонидан асарга асос қилиб олинган турмуш материалига шоирнинг ўзи қўшадиган маънавий, поэтик, «бойлик»ка боғлиқдир. //

Энди шу воқеани Некрасовнинг ўзи қандай идрок қилганини ва бунн ўқувчига қайси тарзда тақдим этганини кўрайлик.

Кечки куз. Учдилар қушлар чувиллаб,  
Бўш қолди ўрмонлар, қирлар ҳувиллаб.

Ўрилмай қолипни парча ер фақат,  
Кўрганда кишини босади ҳасрат.

Пичирлаб сўзлашар бошоқлар гўё:  
«Шу куз бўронида қолдикми, эвоҳ.

Оғирдир букилиб тупроқда ётмоқ,  
Бўлиқ бошоқларни чангда булғатмоқ.

Бизни ҳар тун талар қуш галалари,  
Ўткинчи, таланчи, суқ, мечкай бари.

Пайҳон этар қуён, савалар бўрон...  
Қайда бизнинг қўшчи? Не кутар ҳамон?»

Бу шеърнинг бошланишида сиз балки шоирнинг нима демоқчи эканини ҳали тўла билиб олмайсиз. Аммо биринчи мисрадаёқ юракка етиб борган қандайдир ҳазин бир туйғу таъсирини сезасиз. Қуёнлар пайҳон қилган, бўронлар савалаётган ва қушлар талаётган бу якка қўшчи деҳқон ерига қизғаниш, раҳм қилиш туйғулари сизнинг бутун вужудингизни қамраб олади...

Бу шеърнинг давомини ўқир экансиз, кўз ўнгингизда — эски вақтда муҳтожликда эзилган, оғир захмат чеккан рус деҳқонининг образи гавдаланади. Фақат шу шеърда эзилган конкрет бир деҳқоннинг образигина эмас, балки, эски вақтдаги шунга ўхшаш эркисиз, қашшоқ, таланган ва жаҳолатда қолган барча рус деҳқонларининг, тўғрироғи, ўша вақтдаги бутун қишлоқнинг образи кўз ўнгингизда гавдаланади. Сиз шунда, бу ўрилмаган ернинг оддийгина ер эмаслигини, балки халқ қайғуси, ҳуқуқсизлиги, эзилганлигининг симболи эканини ҳис қиласиз. Шунда сизнинг юрагингизда халққа зулм қилганларга қарши ғазаб уйғонади.

Гарчи, шеърда бу ҳисларнинг ҳаммасига (алам, ачиниш, ғазабга) қарата тўғридан-тўғри чақириқ бўлмаса ҳам юрагингизда ғазаб ўз-ўзидан пайдо бўлади.

«Ўрилмаган ер» шеърининг таъсир кучи ана шунда.

Хўш, бўлмаса унинг сири нимада? Нима учун ҳаётда учраган оддий бир факт Некрасовнинг талқинида чуқур, умумлашган аҳамиятга эга бўлган, катта кучга айланган?

Бунинг сири шундаки, Некрасов бу кичкина, оддий факт орқасида, юзаки қараганда кўриб бўлмайдиган катта бир дунёни кўра билган. У, фактнинг ичига кириб ўз шоирлик талантининг нури билан фактнинг биринчи



қарашда кўриб бўлмайдиган томонларини ҳам ёритиб кўрсатган. У, бу фактни поэзия учун, ўқувчилар учун янги дан очган. У ўз юрагида шундай ҳаяжонли, шундай таъсирли поэтик сўзлар топганки, буларга ишонмасдан илож йўқ. Бу сўзлар ҳар томонлама чуқур ўйланган, юрак билан ҳис этилган, машаққат чекиб топилган сўзлардир. Булар шундай сўзларки, Некрасовнинг нима демоқчи бўлганини, ҳар қанақа бошқа сўзлар билан алмаштириб бўлмайдиган, фақат ана шу сўзлар билангина баён қилиб бўладиган нодир сўзлардир.

Дарҳақиқат, «Урилмаган ер»ни бошқа бир поэтик формада, бошқа сўзлар билан ҳам баён қилиши мумкин эди, деб ҳозир ҳатто тасаввур қилиш ҳам қийин. Аммо, бу сўзларни ўзи юрагидан биринчи бўлиб топиб, биринчи бўлиб ишлатган Некрасов бўлди. Ҳали ўрилмаган деҳқон ери орқасида яшириниб ётган катта бир социал фикрни том маъносида ўқувчига биринчидан тарта очиб берган Некрасов бўлди.

Унинг хизмати ҳам, санъаткорлиги ҳам, новаторлиги ҳам, агар шундай дейиш жоиз бўлса, шеърини ижодкорлиги ҳам мана шунда. Поэзиянинг «сир»и ҳам, бу ўринда мазкур шеърининг «сир»и ҳам мана шунда.

### 3

Шоир ҳаётдаги бирор воқеа тўғрисида шеър ёзар экан, бу шеърда унинг фақат санъаткорлиги, фақат поэтик формада сўзлай олиш қобилиятигина эмас, шулар билан бирга унинг характери, ўзига хос кишилик сифатлари ҳам акс этиши муқаррар.

Мана шунинг учун ҳам юзлаб шеърларнинг ичидан бизга таниш бўлган шоирнинг шеърини, масалан, Некрасовнинг шеърини осонлик билан топа оламиз; бу Некрасовнинг йўли, бу унинг характерига хос. Бундай шеърни фақат Некрасов ёза олар эди, деймиз.

Бу гапларни Маяковский шеърларини ва бошқа катта шоирларнинг шеърларини ўқиганда ҳам айтиш мумкин.

Мен буни шунинг учун ҳам эсга солишни лозим кўрдимки, баъзи ёш шоирлар таланти шоирнинг шахсий хулқи ва характерига алоқаси йўқ, деб қарайдилар. Улар, шоирлик талантини қаердандир ташқаридан ке-

лувчи бир нарса деб, шоирнинг инсоний табиатига қўшиб берилган алоҳида бир «ёрлиқ» деб қарайдилар. Шунинг учун ҳам уни ҳеч нимага алоқаси йўқ, у ёққа ҳам, бу ёққа ҳам бура бериш мумкин деб ўйлайдилар.

Мана шунақа шоирлар билан ишлашда қуйидагича ҳодисалар тез-тез юз бериб туради. Масалан, Н. деган ўртоққа тубандаги мазмунда хат ёзасан: «Ҳурматли ўртоқ! Сизнинг шеърингиз мукамал ишланмаган, бўш. Бу шеърингизнинг бўшлигига сабаб шуки, Сиз унга биринчидан, ҳаётда ўз кўзингиз билан кўрган, ўзингиз ўйлаган ва ҳис этган бирорта янги воқеани ва ўзингизга хос бирорта янги фикрни кирита олмагансиз. Сиз бунда бошқа шоирлар томонидан ишлатилган, фақат тайёр поэтик ситуацияларни, ҳаммага маълум бўлган фикр ва образларни бошқа сўзлар билан қайтарибсиз. Бу шеърингизда сизнинг ўзингизга хос бўлган поэтик хусусият ва оригиналлик йўқ».

Ўртоқ Н. бундай хатни олиши биланоқ ҳеч бир жиҳатдан бошқа бировга ўхшамайдиган «ўзига хос», «оригинал» шоир бўлишга қарор қилади. У ўзининг махсус ёзув стилини «кашф» эта бошлайди, ғайри-табiiй ситуациялар ўйлаб чиқаради, ақл бовар қилмайдиган, аллақандай сунъий образлар қўллайди.

Бу тарзда ишлашдан ҳеч қандай фойда чиқмайди, албатта. Бу сохталик, зўрма-зўракилик, қуруқ кўпириш, қалбаки оригиналликка уринишдан иборат бўлиб қолади, холос.

Ўртоқ Н. поэтик услубни, ўзига хос поэтик овозни сунъий равишда ўйлаб чиқариб бўлмаслигини тушунмайди. Шунингдек, киши ўзида мавжуд бўлган табiiй хусусиятлардан бошқа бирор хусусият ва характерни ҳам сунъий равишда ўйлаб чиқариши мумкин эмас. Аниқроқ қилиб айтганда, киши ўзидан янги бир одам ўйлаб чиқариши мумкин-ку, лекин, барибир чинакам одам эмас, балки уйдирма, сохта одам бўлиб қолади.

Поэзияда чинакам оригинал, бошқа шоирга ўхшамайдиган, ўзингга хос шоир бўлиш — бу ўзингга хосликни сақлаш демакдир (бу тўғрида юқорида гапириб ўтдим). Бу — ўзингга мужассамланган инсоний сифатларни, маънавий кучларни шеърятда намоён қилмоқдир.

Шоирлик таланти, шоирнинг ўз шахсиятига алоқаси бўлмаган, мустақил бир ҳолат эмас, балки, у шоирнинг ички руҳий қиёфаси билан узвий равишда боғланган бўлади. Шоирлик таланти ўз-ўзича яшайдиган нарса бўлмай, балки инсон шахсиятининг, унинг характерли хусусиятлари, ўй ва туйғуларининг ифодасидир.

Шунинг учун ҳам савияси паст, маданий жиҳатдан қоқоқ, фикр доираси тор бўлган кишининг, шеър тўқишга озми-кўпми қобилияти бўлса ҳамки, фикрий доирасининг чекланганлиги ва ички дунёсининг қашшоқлиги сабабидан тузукроқ бир поэтик асар ёза олишига ишониб бўлмайди. Чунки унда китобхон олдида намоён қиладиган ҳеч нарсаси йўқ, у китобхонга дурустроқ ҳеч нарса ҳам айта олмайди.

Мана шунинг учун ҳам, ҳаваскор шоирларга (фақат ҳаваскорларга, шоирларгагина эмас) ўқиш, ўсиш ва ўз маҳоратини юксалтириш керак эканини доим гапирадилар. Буни жиддий ва кенг маънода англаш ва қабул қилиш керак.

Ҳаваскор шоирнинг ўқиши — фақат шеър ёзиш техникасининг қоида-қонунларини ва ҳар хил поэтик приёмларни ўқиб, ўрганиб олишдангина иборатдир, деб ўйлаш мутлақо хатодир. Ўқиш ҳар томонлама ва чуқур бўлиши керак. Ҳаваскор шоир ўқиш жараёнида, ҳамма нарсадан олдин мустақил киши сифатида ўсиши керак.

Бунга албатта, фақат китоб ўқиш натижасидагина эмас, шунинг билан бирга, энг муҳими ҳаётга қизғин ва активлик билан аралашув натижасида эришилади. Шоир энг аввал ўзини даврнинг воқелигини чуқур (сўзда эмас, амалда) биладиган ва тушунадиган, большевистик принципиал, ғоявий мустаҳкам, ҳушёр, ҳаётни кузатувчи, мамлакат ва халқ ҳаётида юз бераётган катта ўзгаришларга жондан қизиқувчи, хуллас ўз даврининг илғор кишиси бўлмоғи керак.

Ўз кўзимиз билан кўриб турибмизки, бизнинг давримизда халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида, илгари ҳеч кимга маълум бўлмаган минглаб ва миллионлаб оддий совет кишилари коммунизмнинг актив қурувчилари, раҳбарлари, давлат арбоблари бўлиб етишмоқдалар.

Шоирларимиз ҳам худди шундай юксалишга интилишлари керак. Ахир шоир — халқ маънавий маданиятининг намоёндаси ва унинг ижодчиси. Шундай экан, шоирнинг қолоқ, савияси паст ва пассив бўлиб қолишига ҳаққи йўқ. У турмушни оддий кишидан кўра, кўпроқ билиши, кўриши, чуқурроқ ҳис этиши, унинг кўп қиррали томонларини тўлароқ кўриши лозим.

Мана шуларнинг ҳаммаси поэзиянинг «сир»и ҳисобланади.

Афсуски, кўп ҳаваскор шоирлар буни ҳамон тушунмайдилар. Бунга кўпгина кишиларни мисол қилиб келтириш мумкин. Оқибатда иш кўпинча қуйидаги даражага бориб етади.

Масалан, бир киши шеър ёза бошлайди ва ўзича ўйлайди: «Мен шеърлар ёзаётган эканман, демак мен талантлиман, демак талантимнинг ўсиши учун ёрдам беришга мажбурлар...»

Бу киши билан редакциялар ва адабий консультантлар ўртасида ёзишмалар бошланади. Бу ўртоқ шундай ўйлайди: шеъримни босиб чиқарадилар, башарти шеърим бўш деб топилса, ҳеч бўлмаса адабий консультантлар, шеърни қандай ёзишни ва қандай қилиб муваффақиятга эришишимни тушунтириб, хат ёзиб юборадилар, ундан кейин ҳамма ишим жойида бўлади.

Қисқаси, бу ўртоқ ўзининг бутун умид-ишончини адабий консультантларга боғлаб, соддалик билан: четдан биров мени яхши шеър ёзишга ўргатиб қўяр, ундай ёзбундай ёз, шунда ҳақиқий шоир бўласан, деб қўлланма берар, деган хулосага келади. (Қавс ичида шуни айтиб ўтайки, ҳаваскор шоирларнинг ҳаммасини ҳам шундай деб бўлмайди, бироқ бундай кишилар ҳам оз эмас).

Бир мисол келтираман:

С<sup>1</sup>. деган бир ҳаваскор шоир Ленинградда чиқадиган «Звезда» журнали редакциясига ўз шеърларини юборибди. Мақоланинг чўзилиб кетмаслиги учун, мен бу шеърларни тўлиқ келтириб ўтирмайман. Сўзларимга ишонишингизни сўрайман, бу шеърлар бўш, тақлидий ва чаласаводларча ёзилгандир.

---

<sup>1</sup> Мен бу ерда одамларнинг оти ва фамилияларини атайлаб аниқ ёзмайман. Менингча шундай қилганим маъқулроқ. М. И.

Бу шеърларнинг сифатини қуйидаги тўрт йўлдан билиш мумкин (сўз бу ерда совет жангчиси ҳақида бо-  
ради).

Унинг қаҳрамонлигини ўлчаб бўлмайди,  
Хатто «Илиада»га сиғармикан, у?  
Рус солдати ўлимга тик қучоқ очди,  
Башариятга ҳаёт бераман деб, у.

Еки мана иккинчи шеърдан:

Вақт ўтмоқда, кечқурун бўлди,  
Одамлар ухлагани ётдилар.

«Звезда» журналининг редакцияси авторга тўғри ва муфассал хат ёзган. Редакция ўз хатида қисман шуларни ҳам уқдириб ўтади: «шеърларингизнинг темаси яхши. Бироқ бу муҳим ва зарур темага Сиз ўз шахсий фикрларингизни, яъни бу шеърларнинг автори сифатида ўзингизга хос бўлган янги фикрларни қўшмагансиз. Бу шеърларда шоирнинг ижодий индивидуаллиги сезилмайди. Янги ва ёрқин образлар йўқ... Ҳар иккала шеърингиз ҳам узун, ... уларда фикр тарқоқ. Шеърларингиз иккинчи даражали, кераксиз деталлар ҳисобига чўзилиб кетган. Мана... шулар шеърларнинг мазасини қочирган...»

Автор бу хатдан сира ҳам қаноат ҳосил қилмабди. Шундан кейин, у менга мурожаат қилди.

«Мен журналга шеърлар юбораман. Лекин ҳар сафар тушуниб бўлмайдиган жавоблар оламан... Менинг шеърларим яроқсиз экан, сабаби нима, шуни билишни истайман. Хафа бўласан киши». Автор хатининг охирида шундай хулосага келади: «шеърларим бўш бўлгани учун эмас, балки уларга ҳали маълум бўлмаган шоир С. номли автор юборганлиги учун босмайди.»

Мен ўйлайманки, ўртоқ С. нинг «Звезда» журнали адабий консультантдан хафа бўлиши мутлақо асоссиздир. Адабий консультант унинг шеърларига диққат билан қараган, унга тўғри баҳо берган, шеърлардаги асосий нуқсонларни тўғри кўрсатган. Адабий консультантнинг бу шеър юзасидан бундан ортиқ иш қила олиши қийин. Бу нуқсонларни қандай тузатиш ҳақида эса ўртоқ С. нинг ўзи қайғуриши керак. Унинг учун бу ишни бошқа биров қилиб бера олмайди.

Тўғри, ўртоқ С. менга ёзган хатида редакциядан «тушуниб бўлмайдиган жавоб» олганини айтади. Ўртоқ С. нинг редакция жавобига тушуна олмаслиги ҳам рост бўлиши мумкин. Чунки, у ҳақиқатан, шеърда янгилик ва оригиналлик нима, шоирнинг индивидуал хусусияти нимадан иборат эканини ва бошқа кўп нарсаларни тушунмас экан.

Бу масалада айб адабий консультантда эмас, балки, ўртоқ С. нинг ўзида. Киши бир ишга киришар экан, бу ишнинг ҳеч бўлмаса асосий хусусиятларини билиши керак-ку, ахир. Акс ҳолда бу соҳада бирор иш чиқариш мумкин эмас, муваффақият қозонишни эса хаёлга ҳам келтириб бўлмайди.

Демак, агар бирор нарсага тушуна олмаган экансан, бунинг чораси битта: тушуниб олишга, ўзлаштиришга ҳаракат қил, бор ғайратингни ишлат, ўқи, ўрган, билганлардан билмаганингни билиб ол. Бу ишни менинг учун бошқалар қилади, деб хотиржам бўлма. Бошқа ўртоқлар ҳам ёрдам беради (улар ёрдам бермоқда ҳам), улар бир нарсани эсингга соладилар, маслаҳат берадилар, аммо асосий ишни ўзинг бажаришинг керак.

Шуни ҳам айтиб ўтишим керакки, мен яхши биламан, консультация ишларида ҳам анча-мунча камчиликлар бор. Менингча консультантлар яна ҳам яхшироқ ишлашлари, бир энлик жавоб билан қутулиб қўя қолмай (баъзан шундай ҳоллар ҳам бўлади), балки ҳаваскор шоирларнинг асарларидаги хато ва камчиликларини кўрсатиб, уларнинг тушуниб олишларига ёрдам беришлари керак. Мен шунинг тарафдориман. Лекин, мен шундай фактдан ҳам четлаб ўта олмайманки, ҳаваскор шоирларнинг адабий консультация ва журнал редакцияларидан қилган шикоятларида масалани тушуниб олмаслик, ноҳақ гинахонлик, ҳатто тушунмай қилинган бўлса ҳам, демагоглик кўринишлари сезилади.

#### 4

Мен мақоланинг бошида, поэтик ижоднинг «сир»ини ҳар бир шоирнинг ўзи ўзи учун очади, бошқа биров унинг учун очиб бермайди, деган эдим.

Поэзиянинг «сир»ини очиш — бу поэзияда ўз ўрнини белгилаб олиш демакдир. Ўз ўрнини белгилаб

олиш эса, поэзиядаги мавжуд поэтик воситаларни пухта билиб олиш ва шу соҳада бир натижага эришмоқ учун уларни керагича ўз ўрнида ишлата билиш демакдир.

Бу ҳали етарли эмас. Ҳатто поэзия доирасида бир киши томонидан яратилган, очилган «сир»дан ўша кишининг ҳадеб ва ҳамма вақт фойдалана бериши мумкин эмас. Бунақа «сир»нинг поэзияда бўлиши ҳам мумкин эмас. Шоирнинг ҳар бир янги шеърида (бу шеър чиндан яхши ёзилган бўлса) поэзияда ҳали маълум бўлмаган, мазкур шеърнинг ўзигагина хос янги бир «сир» топилган бўлади.

Мен бу ерда Некрасовнинг «Ўрилмаган ер» шеъридаги «сир» ҳақида гапирдим. Бу шеър ҳақиқатан ҳам Некрасовга хосдир, бундай шеърни бошқа шоир эмас, фақат Некрасовгина ёза олиши мумкин эди, айти вақтда бу шеър унинг бошқа шеърларига ҳам ўхшамайди.

Масалан, «Уч отлик арава» («Бунча тўймай тикиласан йўлга») деган шеърга. Бу шеърда эса, тамоман бошқа «сир» жойлашган — бу ҳам Некрасовнинг ўзи очган «сир», яъни тема билан боғланган «сир»дир. Бунда Некрасов турмушдаги бошқа бир воқеани олгани учун, унга мос ибораларни, сўз бўёқларини ва унга мос интонацияни топган, шеърга бошқа бир идеяни киритган. «Ўрилмаган ер» шеъридаги «сир» бу шеърга мутлақо яроқсиз бўлур эди.

Мен бу фикрлар билан шуни айтмоқчиманки, шоир ҳамма вақт олға қараб ҳаракат қилиши, шоир ҳамма вақт воқеликни тасвирлашда янги-янги ифода воситаларини излаб топиши, поэзияни янгиликлар билан бойитиб бориши, поэзиянинг янгидан-янги «сир»ларини очиб бориши керак. Ана шундагина унинг шеърлари хилма-хил, қизиқарли, мустақил ва ҳақиқий яхши шеърлар бўлади.

Қайтариб айтаманки, киши бунга, биринчидан, шеърини қобилиятга эга бўлса, иккинчидан, ҳаёт билан мустақам боғланган бўлса, зарур кўламдаги билимга эга бўлса ва нима қилишини ва ўша ишини қандай қилишини билса — шу тақдирдагина эришади.

1951 йил.

**ҲАВАСҚОР ЁЗУВЧИЛАР БИЛАН СУҲБАТ<sup>1</sup>**

Уртоқлар! Мен ўзимни ёш ёзувчилардан деб ҳисоблайман. Шу сабабли мен билан тажриба алмашиш сиз учун айниқса фойдали бўлади. Ўзимни ёш ёзувчи деб чин кўнгилдан айтаётирман. «Педагогик поэма»нинг муваффақият қозонишининг бунга дахли йўқ. Бу китоб бой ҳаётий материални ўз ичига олади: асарнинг муваффақияти менинг ёзувчилик маҳоратимда бўлмай, шу бой материалга боғлиқдир. Яна шуни ҳам айтмоқчиманки, мен жуда камтаринлик ҳам қилмоқчи эмасман: ўз устимда жуда кўп ишлаганман, тўғрироғи, ёзувчилик ишига бутун умр тайёргарлик кўрганман.

Бундан кўп йиллар муқаддам, 1915 йили «Бемаъни кун» сарлавҳали илк ҳикоямни ёзганман. Ушанда 27 ёшда бўлсам-да, ёзувчилик маҳорати ва умуман, бадий ижод қонун-қоидаларини чалакам-чатти билардим, Ушанда мен ҳаётдаги қизиқ бир воқеани олиб, баён қилиш билан кифояланган эдим. Кейин ҳикояни ўша вақтларда «Летопись» журналининг ношири бўлмиш А. М. Горькийга юбордим. Икки ҳафтадан кейин Алексей Максимовичдан хат олдим. Уша хатни ҳамон ёддан биламан:

«Ҳикоянгизнинг темаси яхши, лекин бўш ёзилган: фон ёзилмаган, диалог қизиқарли эмас, бош қаҳрамоннинг кечирмалари аниқланмаган. Бирон бошқа нарса ёзиб кўринг».

---

<sup>1</sup> Мақола тексти автор ҳаёт пайтида босилиб чиққан «Адабий ўқиш» журналичан олинди, 1938 йил, №-10-сонидан.



Шу хатнинг мазмунидан ёзишни билмаслигимни, ўқишим кераклигини яхши тушундим. Ушанда кўнглим гаш бўлгандир ҳам: Лекин шундан кейин ўз устимда кўп ишладим, ўқидим. Ун уч йилгача ҳеч нарса ёзмадим, ҳатто бу тўғрида ўйлаб ҳам кўрмадим. Шунга қарамай, ён дафтарча тутиб, ўзимга зарур деб ҳисоблаган нарсаларни ёзиб юрдим... Аввалига бу ён дафтарчага афоризм, ҳикматли сўзлар ва масалларни ёзиб юрдим. Кейинчалик эса ҳаёт деталларини, пейзаж, ўхшатиш, диалог, портрет, тема ва сўзларни ёзиб олишга отландим. 1927 йилнинг охирига бориб жуда кўп материал тўпладим. Лекин шунга қарамай, китоб ёзишга юрагим дов бермас, назаримда ёзувчи бўлишга тайёр эмасдек кўринардим. Алексей Максимовичнинг хатини тез-тез эслаб турардим. Фондан-ку қўрқмас эдим-а, лекин ҳамон диалогни қизиқарли қила олмасман деб ўйлардим. Қизғи шундаки, мен Горький номидаги меҳнат колониясида ишлардим. Неча юзлаб йигит-қизларнинг мураккаб ва кескин ҳаёти кўз ўнгимдан ўтиб турарди, лекин мен бу ҳаёт шу қадар оддий ва соддаки, бадий тасвирлашга арзимаиди, деб ҳисоблардим.

Ана шу, ўзим яхши билган ҳаёт ҳақида ёзув дафтаримда бир сатр ҳам гап йўқ эди. Ўзимча, қачон бўлмасин роман ёзадиган бўлсам, энг муҳим темада — инсон ҳақида, муҳаббат ҳақида, буюк революцион воқеалар ҳақида ёзаман, деб ўйлардим. Боқимсизликни эса ҳамма билган, ёзишга арзимайдиган оддий бир ҳаётий воқеа деб билардим.

1928-йили Алексей Максимович колониямизда уч кун меҳмон бўлди. Колониямиз ҳам, у ерда олиб борилаётган педагогик усулларимиз комплекси ҳам унга жуда маъқул бўлди. Мен колония ҳақида, ўзимнинг педагогик усулларим ҳақида, тарбиялаш принциплари ҳақида Алексей Максимович билан жуда кўп суҳбатлашдим. Суҳбатимиз темаси бадий ижод масаласидан жуда узоқда эди.

Мен ёзувчи бўлиш тўғрисидаги эски хаёлимни қўзғатмасликка уриндим. Шунинг учун ҳам 1915 йили юборган «Бемаъни кун» сарлавҳали ҳикоямни Алексей Максимовичга эслатмадим, у эса, буни аллақачон унутиб юборган, албатта.

Алексей Максимович билан суҳбатлашар эканман ўзимни фақат педагог деб ҳис этардим. Чунки, шу кун-

ларда мен маориф комиссарлигининг қолониямизга уз-  
луксиз ҳужум қилаётган бюрократлари билан олиб бо-  
раётган педагогик курашимга боғлиқ ташвишлар билан  
фоят банд эдим.

Алексей Максимович ҳам колониямиз билан фақат  
педагогик революция нуқтаи назаридан қизиқар эди. Уни  
инсоннинг ер юзидаги янги позицияси, инсонга ишониш-  
нинг янги йўллари, оммавий, ижодий фанларнинг янги  
принциплари қизиқтирарди.

— Ана шуларнинг ҳаммаси ҳақида ёзишингиз ке-  
рак,— деди Алексей Максимович.— Жим туриш мумкин  
эмас. Шунчалик қийин ишингизда эришган муваффақи-  
ятларингизни яшириш мумкин эмас. Китоб ёзинг.

Алексей Максимовичнинг бу насиҳатини директива  
сифатида қабул қилдим-да, дарҳол у жўнаб кетиши би-  
ланоқ ёзишга киришдим. Колонияда иш шароитининг  
ниҳоятда оғирлигига, душманларим охири мени колония-  
дан ҳайдаб чиқарганларига қарамай, «Педагогик поэма»-  
нинг биринчи қисмини жуда тез, икки ой ичида ёзиб ту-  
гатдим. Поэманинг биринчи қисми устида ишлар экан-  
ман, ўзимча педагогик памфлет ёзаётирман, бу асарнинг  
бадий ижодга дахли йўқ, деб ўйлардим. Шунга қарамай  
беллетристика формасида ёздим. Педагогик принципла-  
римнинг тўғрилигини ҳаётнинг ўзи яхшилаб исботлаб  
тургандан кейин уни исботлашга уринишимнинг нима  
кераги бор, яхшиси ҳаётни тасвирлаб бераман, деган  
мулоҳаза билан шундай қилган эдим. У пайтларда  
«марксистик» фан байроғи остида ҳаракат қилаётган пе-  
дология жуда кучли эди. Мен педологиядан кўрқар ва  
уни жуда ёмон кўрар эдим. Лекин унинг барча қондала-  
рига тўғридан-тўғри қарши чиқиш хавfli эди. Назарим-  
да, беллетристик формада фош қилиб бўлмаса-да, ҳар  
қолда атака бошлаш қулайроқдек кўринарди.

Биринчи қисми ёзиб тугатганимдан кейин ҳам буни  
бадий эмас, балки эсдалиқлар формасида ёзилган педа-  
гогикага оид китоб, деб ҳисоблардим. Китоб ўзимга ёқ-  
мади. Мен ҳамон боқимсиз болалар колониясининг ҳаёти  
ҳеч кимни қизиқтирмайди, боқимсизлар ҳақида жуда кўп,  
яхши китоблар ёзилган деб ўйлардим. Шунинг учун ҳам  
китобни Алексей Максимовичга юбормадим. Китоб бир  
неча ойтгача столимнинг тортмасида ётди, кейин олиб бир  
ўқиб чиқдим-да, торгина хонамни тўлдириб ётмасин, деб  
чордоққа, кераксиз нарсалар ёнига чиқариб ташладим.

Орадан тўрт йил ўтди. Мен бу китобнигина эмас, ҳатто ўзимнинг ёзувчи бўлиш орзумни ҳам унутмаётган бир пайтда, мен ишлаб турган Дзержинский номидаги ажойиб коммуна ҳар соҳада ҳам бутун дунёга машҳур бўлган, мени ҳаммадан кўра «ФЭД» ишлаб чиқариш проблемалари кўпроқ қизиқтирган бир пайтда, ўртоқларимдан бири, коммуна молия бўлимининг бошлиғи аллақайси хизмат папкаларининг ичидан «Педагогик поэма»нинг бир неча варағини топиб олиб ўқиб, қизиқиб қолибди. Кейин келиб мендан ўша маҳалда ҳали номи қўйилмаган шу китобни ўқишга беришимни қатъий туриб сўрай бошлади. Мен унча қаршилиқ кўрсатмадим, рост, — ўқиса ўқий қолсин! Унинг китобни ўқиб жуда завқлангани мени ҳайрон қолдирган бўлса-да, ҳовлиқиб кетмадим. Содо бир китобхон, бунинг устига оддий бир бухгалтер, адабиётнинг нимасига тушунарди, деб ўйладим. Кутилмаганда Алексей Максимовичдан, тезда китобни келтириб топширинг, деган мазмунда аввал хат, кейинчалик телеграмма олдим. Москвага отланишдан, «Педагогик поэма» деб ном берилган китобни олиб боришдан бошқа илож қолмаган эди.

Алексей Максимович китобни бир кун ичида ўқиб тугатди-да, тезда нашрга тушириб юборди.

Ўзимнинг сабр-қаноатимдан жуда хурсандман. Китобим 1933 йилда, ёшим қирқ бешга етганда босилиб чиқди. Қирқ беш йил ичида кўп ҳаётий ва кураш тажрибаси ортдирдим, тарбиялаш соҳасида мутахассис бўлиб етишдим, икки колония ташкил этдим, ҳозир мамлакатимизнинг соф виждонли кишилари сифатида меҳнат қилаётган мингга яқин кишини тарбиялаб етиштирдим. Қизиғи шундаки, ҳаёт ҳақида ёзишни ўргандим. Илк ҳикоямда қизиқарли бўлиб чиқмаган, бутун умр мени ваҳимага солиб келган диалог ўз устимда қунт билан ишлаганим туфайли, эндиликда ёзишнинг энг осон формасига айланди.

Ёзмай қўйган ўн уч йил мобайнида мен беихтиёр равишда диалог устида ишладим. Бу ишда ён дафтарчам катта роль ўйнади.

Мен ҳозир ҳам ён дафтар тутаман ва буни ёзувчилик меҳнатининг энг зарур қисми деб ҳисоблайман. То шу бугунгача ён дафтарчамда 4000 га яқин нарса йиғилиб

қолди. Ҳар бир ёзувчига, айниқса ҳаваскор ёзувчиларга ён дафтар тутишни таклиф этаман.

Ён дафтарча ҳақида мукаммал тўхталиб ўтаман. Бу билан ўзимни бирон сирни очган деб ҳам ҳисобламайман. Ҳамма ёзувчилар ҳам шунақа ён дафтар тутса керак. Бунинг устига ҳар ким ўз билганича иш олиб борса керак. Менинг тажрибам — умумий тажрибанинг кичик бир қисми, холос.

Ёзувчининг ён дафтари кундалик дафтар бўлмаслиги керак. Унга ҳаётнинг асоси бўлган нарсани, асосий йўналишни ёзмаса ҳам бўлади. Эсда кам турадиган, хаёлдан тезда кўтарилиб кетадиган нарсаларнигина ёзиш керак. Мен ўзим нималарни ёзиб бораман? Бировнинг бирон қизиқ сўзини, бировнинг ҳикоясини, пейзаж деталларини, портрет деталларини, характеристика, кичик шошилиқ фикр-мулоҳазаларни, тема бўлақларини, сюжет йўлларини, уй-жой жиҳозларини, фамилия, тортишувларни, диалогларни ва шунга ўхшаш турли икир-чикирларни ёзиб бораман.

Ён дафтар унутилиб кетадиган гапларни ёзиб қўйишдан бўлак пайтларда ҳам керак. Аслида, роман ёзаётганингда ён дафтарчага сира қарамайсан киши. Бу дафтарча ҳаётдаги икир-чикирларга эътибор билан қараш майдони сифатида муҳим. У кишини кўришга, пайқаб олишга анқаймасликка, маёда, лекин маънодор, ҳамма вақт муҳим деталлар ёнидан бепарво ўтиб кетмасликка ўргатади. Шунинг учун ҳам бундай дафтарча мунтазам равишда тутилгандагина, на ялқовлик қилиб, на бандлигингиздан, на паришонхотирлик билан ён дафтарча тутишни бир кун ҳам унутмасангизгина фойда келтиради.

Шуниси ҳам борки, кўпчилик олдида бундай ён дафтарчага бирон нарса ёзиш ноқулай, ҳадеб ён дафтарчани чиқариб ёзавериш одобдан эмас. Шунинг учун ён дафтарим доимо уйда туради, одамлар ҳузурда унга ҳеч нима ёзмайман. Лекин ёнимда доимо кичкинагина блокнот олиб юраман. Миямга келган фикрни шу блокнотга бир сўз билан қисқагина қилиб ёзиб қўяман-да, кейин ён дафтаримга батафсил қилиб кўчираман.

Бундай дафтарчанинг яна бир афзаллик томони бор. Ёзаётган пайтингизда тасаввурингиз қўшимча равишда йўллар, образлар, мураккаблашишларни бунёдга келтиради. Бу на шартнома, на романнинг қатъий плани, на

танқиддан қўрқиш билан боғлиқ бўлган қора ишдир. Бу шундай лабораторияки, бунда тасаввурингиз истаганингизча парвоз қилади, ўзингиз эса, кучингизни гимнастика залида машқ қилгандай хоҳлаганингизча синайсиз.

Бундай ён дафтар тутиш жуда қийин. Кўпинча чарчаб қоласан киши, эртага қолдиргинг келади. Авваллари бу дафтарчани тутишга ҳунаринг ҳам етмайди. Ўзингни ишлашга мажбур қилишинг керак. Кейин бора-бора бу иш одат тусига киради, эҳтиёжга айланади, энг қизиқ ва зарур нарсани танлай оладиган бўласан.

Ён дафтар бизни материал билан адабий тасвир муносабати масаласига олиб бориб тақаб қўяди. Баъзан, ҳар нима қилиб бўлса ҳам 1905 йил революцияси ёки граждандан уруши ё бўлмаса эски замонни тасвирлаб ёзмақчи бўлган ёшлар учраёди. Яқинда мен бир ёш ёзувчининг романини ўқидим. У поп оиласини тасвирлайди. Унинг асаридида бир бола, попнинг ўғли, диванда ухлайди. Негадир автор, маълум бир хусусият яратиш учун бўлса керак, боланинг устига одеял ўрнига риза<sup>1</sup> ёпиб қўяди. Бунинг устига автор ризадаги қоплама крест бола гавдасининг букилган ерларини такрорлаб, қийшайиб туришигача чиройли қилиб тасвирлайди. Худди шу автор «дьячокларнинг пўнғиллаб куйлаши инжил ўқиш билан аралашиб кетарди» деб ёзади. Тағин бу ибодат чоғида-я. Бу авторни ўзига бутунлай нотаниш бўлган материални танлашдагина айбланиш мумкин. Материални яхши билмагани учунгина автор поп уйида бола риза ёпиниб ётади, черковдаги ибодат инжил ўқишдан иборат бўлади, деб тасаввур қилади. Агар автор поплар ҳаётини кузатган бўлганда эди, попларнинг уйида риза бўлмаслигини, инжил ибодат пайтида фақат бир марта ўқилишини, шунда ҳам бўлиб-бўлиб эмас, ҳамма вақт чўзиб, тантана билан, шунинг учун махсус ўйлаб топилган оҳангда ўқилишини билган бўларди.

Ён дафтарча ҳаётни ўрганишни ташкил этиб беради-ю, ҳеч қачон унинг ўрнини босолмайди. Қандайдир бир реал муҳитни яхши билмаган, ҳеч қандай ишни, турмушни билмайдиган одам ёзувчи бўлолмайди. Бизнинг совет адабиётимизда бу ҳол, айниқса зарур. Тургенев овни, бекорчиликка ўрганган одамларнинг гаплари, хаёли, тақдирини тасвирлай олган. Бизнинг мамлакатимизда

---

<sup>1</sup> Риза — попларнинг ибодат вақтида киядиган тўни.

бундай одамлар йўқ. Совет мамлакатимизнинг ҳар бир граждани, албатта бирон иш билан машғул, албатта, ишлаб чиқаришнинг бирон соҳасида меҳнат қилади. Шунинг учун ҳам бошқа одамлар билан меҳнат процессида муносабатда бўлиш натижасида юз берадиган характер хусусиятларини олиб ташлаб, унинг характери ва шахсиятини тасвирлаб бўлмайди.

Бу қонунни бизда ҳамма яхши тушунса керак, лекин баъзан ундан нотўғри хулосалар чиқаришади. Меҳнаткашнинг ҳаётини четдан туриб кўра билиш, икир-чикиригача ўрганиш мумкин, деб ўйлашади. Езувчиларга юзлаб тўғридан-тўғри:

— Бир жойда ўтирманглар, саёҳат қилинглар, кузатинглар, — дейдиган одамлар ҳам топилади.

Кўплар шундай қилади ҳам. Саёҳат қилишади, кузатишади, кўздан кечиришади ва ўзларича ҳаётни ўрганишмиз, адабий асарга материал йиғишмиз, деб ишонишади. Ана шундай чақириқларга доимо эътироз билдиргим:

— Аксинча, қимирламанглар, саёҳат қилманглар, бир жойда ўтиринглар, — дегим келади.

Завод коллективини тасвирлаб ёзмоқчиман, деб тасаввур этинг. Сиз завод ёнида бир ой ёки икки ой яшадигиз, ишчилар ёки инженерлар билан суҳбат қилдигиз, уларнинг портретини, заводдаги воқеаларни сўзлаб берганларини, вазиятни эслаб қоласиз ёки ёзиб оласиз. Ўзингизча бутун керакли нарсаларни билиб олдим, материал тўпладим, деб ўйлайсиз.

Мен шуни таъкидлаб ўтаманки, сиз ҳеч нима тўплаганингиз йўқ, ҳеч қандай материал йиға олганингиз йўқ. Завод ишида ўзингиз ҳам актив эштирок этган чоғингиздагина, унинг ютуқлари ва муваффақиятсизликлари сизни ҳаяжонлантиргандагина, улар учун совет жамияти олдида жавобгар бўлганингиздагина ёзиш учун зарур нарсаларни ҳақиқатан ҳам билиб оласиз, синчиклаб қараган совуққон кузатувчи сифатида эмас, балки иштирокчи сифатида билиб оласиз. Ишчи билан хоҳлаганингизча суҳбатлашувингиз мумкин-ку, токи у билан баҳслашмагунингизча, бирон нарсага баравар қувониб, бирон нарса туфайли яқинлашиб-киришиб кетмаганингизча на унинг характерини, на уни йўлга солувчи характер идеяларини билиб оласиз. Ваҳоланки, бадий асар учун жуда ҳам зарур бўлган жўшқинликни фақат иштирокчи сифатидагина олишингиз мумкин.

Бу сўзларим билан мен ёзувчи, албатта, бирон корхона ёки муассасада ишлаши шарт демоқчи эмасман. Балки ишда такомиллашган ҳаётий тажриба ёзувчига қўшни коллективда рўй бераётган ҳодисаларни бемалол аниқлашга имкон берадиган пайт ҳам келиб қолар, лекин бундай тажриба жуда зарур. Шахсан мен, совет ёзувчиси ёза бошлашдан аввал қандайдир ҳаётий иш стажига эга бўлиши керак, деб ҳисоблайман. Юрий Кримвнинг «Танкер Дербент» асари шунинг учун ҳам яхшики, автор каспий пароходчилигидаги одамларнигина эмас, буюмларни ҳам, шу пароходчиликнинг техникасини ҳам яхши билади. Техникани билмай туриб, ҳар бир меҳнаткаш табиат томонидан, буюмлар ва меҳнатдаги техник шароит томонидан қандай қаршиликларга дуч келишини тушунмай туриб кишининг психикасини тасаввур этиб бўлмайди.

Яхши совет ёзувчиси бўлишни истаган киши ўзининг ҳаётга бўлган муносабатини белгилаб олмоғи лозим. У ана шу ҳаётда актив иштирок этмоғи, уни актив ўрганмоғи лозим.

Материал ҳақидаги масалани тўғри ҳал қилгандан кейингина ёзувчилик техникаси ҳақида гап бўлиши мумкин.

Афсуски, бизда шу техниканинг қонуни йўқ. Проза масаласи, айниқса чатоқ. Ҳар бир ёзувчи маълум даражада авторлик йўлини босиб ўтгандагина бу техниканинг сирларини аста-секин ўрганади. Бизда проза техникасини маълум бирлик миқдорда белгилаб берувчи терминология ҳам йўқ.

Ўз ишимда кўпинча техник қийинчиликларга учраб тураман. Шундай пайтларда бу қийинчиликларни ўзимча енгшига мажбур бўламан.

Қуйидагиларни бу техниканинг айниқса қийин бўлимлари, деб ҳисоблайман.

Композиция

Диалог

Портрет

Оҳанг

Бу суҳбатда ўзимнинг техник хулосаларим ёки фикрларимни баён этмоқчи эмасман. Ёзувчи ўз ишида қандай қийинчиликларга йўлиқиши ва бу қийинчиликлар билан қандай курашиши лозимлигини кўрсатиш тўғрисидаги баъзи масалалар устида тўхталиб ўтаман.

Композицияда ҳикоянинг зичлиги масаласи мени кўпроқ қизиқтиради. Зичлик деганда мен бир варақ ёки бир боб текстга тўғри келадиган мазмун сонини тушунаман. Баъзан бир неча варақда воқеа шундай батафсил тасвир этиладики, бунда энг майда деталлар, кўзга зўрға ташланадиган ташқи ҳаракатларгина эмас, ички-психик ҳаракатлар ҳам санаб чиқилади. Буни ҳар қандай ўқувчи ҳам билади. Бу ҳолни энг юқори зичлик деб ҳисоблаймиз. Иккинчи томондан, кўпинча автор бир варақнинг ўзида бутун бир даврни тахминан шундай қилиб тасвирлаб беради. «Икки ой мобайнида Иван Иванович ўртоқлари билан танишиб олди ва кўрдик...» Мана шундай жойларни мен зичлиги кам, яъни гап кўп-у, мазмуни оз бўлган жойлар деб атайман.

Бу масалада қандайдир бир хулосага келишга йўл кўювчи ҳеч қандай қонун йўқ. Биз ўз асарларида энг юқори зичликни севмайдиган, икир-чикирларда тўхталмай бутун қиссани йирик бўёқлар билан тўлдирадиган, лекин шунга қарамай асарларининг қиммати тушмайдиган ёзувчиларни биламиз. Эренбург маълум миқдорда шундай ёзувчилар қаторига киради. Иккинчи томондан олганда энг юқори зичлик усталари бўлган ёзувчиларни ҳам, — мисол учун Леоновни биламиз. Одатда ҳар бир ёзувчининг композицион қонуни, зичлик ҳақидаги масалага ҳам ўзининг индивидуал муносабати бўлади. Ҳар қандай китобда ҳам энг юқори зичлик ва зичлиги кам бўлган жойлар учрайди. Бундай жойлар баъзан муваффақиятли, баъзан муваффақиятсиз чиққан бўлади. Первенцевнинг «Кочубей» деган асарининг катта камчилиги, зичликнинг мантиқсиз тақсимланишида деб ҳисоблайман.

Ҳар бир автор шу нарсани жиддий ўрганишни, яъни ёзаётган асарининг мазмунига ва умумий стилига мос келадиган ўз композиция қонунини топиши керак. Хуллас, мен ўзим учун шундай қоида кашф этганман:

а) Юқори зичликдаги прозада иккинчи даражали шахсларни киргизиш лозим эмас;

б) Ўқувчини бир хил зичлик ва бир хил кескинликда узоқ тутиб туриш мумкин эмас;

в) Бир эпизод давомида зичликни ҳар хил қилиш тўғри эмас;

г) Бир боб ичида, зичликни боб охирида кучайтирган маъқул.



Зичлик ҳақида янада муфассал гапириш мумкин. Лекин мана шундай кичкина мақолада бу тўғрида ортиқ тўхталиш мумкин эмас, деб ҳисоблайман.

Диалог — прозанинг қийин бўлаklarидан биридир. Ҳаётдаги диалогни яхши билмоқ керак. Қизиқ диалогни ўйлаб чиқариб бўлмайди. Еш ёзувчиларимиз асарида диалог жуда бўш.

Диалог жўшқин бўлиши, кишининг руҳий кечирмасини кўрсатибгина қолмай, характерини ҳам очиб бериши лозим. Диалог ҳеч қачон сафсатага, оддий майнавозчиликка айланмаслиги, ҳеч қачон автор текстининг ўрнини босмаслиги лозим. Бизда кўп кишилар: автор айтмоқчи бўлган гапни қаҳрамонлар гапирса қизиқроқ бўлади, деб ўйлашади. Бу хато. Автор айтиши лозим бўлган гапни қаҳрамонлардан биронтасига топшириш ярамайди. Шундай қилинган тақдирда қаҳрамонлар туссиз бўлиб қолади, авторнинг жарчисига айланади. Қаҳрамонлар айтиши керак бўлган гапларни эса, автор ўз устига олиб, учинчи шахс тилидан гапирмаслиги ҳам керак.

Портрет прозанинг энг қийин бўлаги деб ҳисоблайман. Чунки рус адабиётида бу бўлим ҳаммадан кам ишлаб чиқилган. Бизнинг адабиётимизда пейзаж жуда яхши ишлаб чиқилган. Юз, кўз, қўл ҳаракатлари, тананинг ҳамма ҳаракатларининг тасвири бизда ҳақиқий маданият даражасига ўсиб чиққан эмас. Шунинг учун ҳам буни яхшилаб тасвирлаш бизга жуда қийин.

Оҳанг масаласига келсак, автор ҳамма вақт зийрак бўлиб туриши лозим. Маълум бир асар учун мувофиқ оҳанг топиш, асар охиригача ёки ҳеч бўлмаганда боб охиригача шу оҳангни сақлаш жуда муҳим. Оҳанг нима? Бу юмор, киноя, истеҳзо, тантана, совуққонлик, муайянлик, қайғу, ҳасрат, шодлик, пессимизм, оптимизм каби кўринишларнинг маълум бир миқдори. Бир боб ёки бутун бир асар тилидаги бу элементларнинг нисбатини истаганча ўзгартириш ярамайди. Агарда бир стилда тасвир этилган маълум даражадаги қайғули ҳолатда ўзгариш бўлиб, қувончли ҳодиса юз берса, кейинги бобни бошқа оҳангда бошлаш учун бобни шу ерга келганда тўхтатиб қўяқолган маъқул. Оҳангни кузатиб бориш қийин иш, лекин тонга раҳбарлик қилиб боришни ўзлаштирмай туриб яхши прозаик бўлиш мумкин эмас.

Мен проза техникаси жиддий ишлашни, ўйлашни, анализ қилишни талаб этишини кўрсатиш мақсадида шу

проза техникасининг бир неча бўлимларида тўхталиб ўтдим.

Хулоса қилиб шуни айтаманки, ёзувчилик ишида материал ҳам, техника ҳам эмас, балки, ёзувчининг шахсий маданияти ҳал қилувчи омиллардан ҳисобланади. Ёзувчи ўз маданиятини ошира борган сари ёзган асарининг сифатини ҳам ошира боради. Китоб ўқиш, бадий адабиётнигина ўқиш эмас, албатта, бу — умуман ўқиш, ҳар тарафлама билимни ошириш; илмий асарлар ўқиш, эшитиш, кўриш, сезиш ҳисларини ривожлантириш, музикани ва техника тараққийсини ўрганишдан иборатдир. Шуларнинг ҳаммаси ёзувчи учун жуда зарурдир. Энг яхши шоирларимизни ёддан билмай туриб, сўзнинг қандай жаранглашини, сўздаги жарангли унларнинг жойланишини тушунмай туриб, яхши прозаик бўлиш мумкин эмас.

Мана шуларнинг ҳаммасида Максим Горький бизга энг яхши ўрнак эди ва ўрнак бўлиб қолади.

1938 йил.

---

## Н. ОСТРОВСКИЙ

### НУТҚЛАР, СУҲБАТЛАР<sup>1</sup>

*Ёзувчи деган юксак номни покиза сақлайлик.<sup>2</sup>*

#### Ю К С А К Л И К К А

*(ВЛКСМнинг X съездида қилинадиган доклад тезислари.  
Москва, 17 апрель, 1936 й.)*

Майли, китоблар оз бўлсин, лекин улар ёрқин бўлсин. Нурсиз ёзилган китоб учун китоб жавонларимизда ўрин йўқ. Соф дил меҳнаткашнинг вақтини ўғирламайлик, дам олишига халақит бермайлик.

Ўргатувчи кишининг ўзи ўргатмоқчи бўлган кишисидан кўп нарса билиши лозим.

Ёзувчи кишилар онгидаги капитализм қолдиқларини таг-томири билан суғуриб ташловчи киши бўлиши зарур.

Бизнинг китобхонимиз эндиликда шафқатсиз бераҳм танқидчидир. Уни энди хом ёзилган асарлар билан алдаб бўлмайди. Халқни алдайман деб ўйламанг, бу билан ҳеч нарсага эришолмайсиз. Халқ асарингиздаги ҳар қандай ясамаликни, уйдирмани дарров сезиб олади, сизни қаттиқ ҳақорат қилиб, китобингизни ўқиб бўлмасданоқ қўлдан ташлайди-да, шаънингизга тегадиган ёмон фикрлар тарқатиб юради. Номингиз ёмонга чиқдими, бас, уни ювиб ташлаш жуда ҳам амри маҳол.

Совет мамлакатининг ёзувчиси деган юксак номни покиза сақлаш лозим. Шу нарса ёдда бўлсинки, ёзувчи фақат ҳақиқий, тинимсиз меҳнат билан, барча маънавий ҳамда жисмоний кучини сафарбар қилиш, тўхтовсиз ўқиш ва яна ўқиш билан, кураш ва қурилишларда бево-сита қатнашиш билангина ёзувчиларнинг илғор сафида ўз ўрнига эга бўла олиши мумкин. Аввалги эришилган

---

<sup>1</sup> Н. Островский. Нутқлар, мақолалар, хатлар. «Молодая гвардия» нашриёти, 1946 й.

<sup>2</sup> Қисқартириб олинди.

шуҳрат ҳамда ғалабалар билангина яшаш мумкин эмас. Бизга аёнки, мамлакатимизнинг илғор кишилари — стахановчилар эришилган ғалабалар билан чегараланиб қолмайдилар, балки қаҳрамонона меҳнат қилиш билан илғорликни ўз қўлларида сақлаб қолишга интиладилар. Бу улар учун шон-шуҳрат иши бўлиб қолмоқда. Баъзи ёзувчилар кўпинча бирорта яхши китоб яратадилар-да, шу билан кифояланиб қоладилар, ҳаёт эса тўхтовсиз ҳаракатда, ҳаёт тўхтаб қолишни ёқтирмайди ва юқоридаги каби ёзувчиларни орқада қолдириб кетади. Бу эса ёзувчи учун фожиадир.

#### ШОН-ШУҲРАТГА ИШОНИШ «ХАВФИ»

Мамлакатимиз томонидан фидокорона меҳнати учун шон-шарафлар билан кўмиб ташланган ҳар бир ёш курашчи ўз оёғи остидаги заминдан маҳрум бўлмаслиги лозим. Доимо ўз оёғингиз остидаги заминни ҳис қилиб туринг, коллектив билан ҳамнафас бўлинг, у сизни тарбиялаганлигини ёдда сақланг. Коллективдан ажралган кунингиздан бошлаб тамом бўлдим, деяверинг. Камтарлик курашчи учун ҳусндир; манманлик, кибрлик, капиталистик сарқит, булар худбинлик нишонасидир. Курашчи қанчалик камтар бўлса, шунчалик гўзалдир.

Бу гапларнинг барчаси адабиётчилар учун жуда-жуда тааллуқлидир.

#### ЯНГИЧА ҲИС-ТУЙҒУЛАР

Дўстлик, соф диллик, коллективимиз, инсонпарварлик бизнинг энг яқин дўстларимиз. Мардликка ўргатиш, жасорат, революцияга содиқлик, душманга нафрат бизнинг қонунимиздир. Қуроли душман биз томондан маҳв этилади ва ўлимга маҳкум. Урушни тўхтатишга қарши қуролини ташлаган капиталистик армиянинг жангчиси биз учун душман эмас. Биз унга ўз ақлини таниб олиши ва ўз қуролини зулм ўтказганларга қаратиши учун унга ёрдам берамиз. Лекин қуроли душманга бўлган нафратимиз чексиздир; қуроли жангда Совет мамлакатининг ёш жангчиси фақат бир нарсани — душманни тор-мор қилишнинггина мақсад қилиб олади. Душманга чексиз нафрат билан суғорилган ватанга бўлган муҳаббат, фақат ана шундай муҳаббат билангина ғалаба қозонишимиз мумкин. Душмандан нафратланиш учун эса, уни яхши

билишимиз зарур; мунофиқ, макр душманнинг шафқат-сизлигини билишимиз зарур, ёзувчилар ҳам худди ана шулар ҳақида ҳикоя қилиб беришлари лозим.

**МУСТАҲҚАМ ИРОДАЛИ, КҶП ҶҶИГАН БҶЛИШИМИЗ КЕРАК**

*(Азов — Қора денгиз ўлка ёзувчиларининг съездида радио орқали сўзланган нутқ. Сочи, 6 декабрь, 1935 йил)*

Қадрли ўртоқлар! Сизларга оташин коммунистик саломимни йўллайман. Ўртоқлар! Мен сизнинг съездингизда қатнашиш учун ҳал қилувчи овозга эга бўлган делегат мандатини олдим. Афсуски, мен ўз табригимни съезд трибунасидан туриб айтолмайман. Лекин давримиз техникаси шундай ривожланганки, гарчи сиздан узоқ масофада бўлсам ҳам сизлар билан суҳбатлаша оламан, кеча очилган ва мен радио орқали диққат билан эшитиб бо-раётган съездингиз қатнашчиси бўла оламан. Мен адабиёт майдонига эндигина кириб келаётганлар учун бир неча оғиз табрик сўзимни айтмоқчиман. Эски сўз санъаткорларимиз ўрнига етишиб келаётган ёшларимиз ҳақида жўп гапирадилар. Мен мамлакатимизнинг бу ажойиб ёшларини жуда яхши биламан ва севаман.

Мен ҳам комсомол тарбиялаб етиштирган ёшларнинг бириман ва сизларга ўзимнинг акалик саломимни йўллайман.

Ёзувчи бўлиб етишиш мақсадида юрган сиз ёшлар бу ерга қандай қилиб ёзувчи бўлиш мумкин деган ҳаяжонли савол билан тўплангансизлар. Ёшлар ёзувчи бўлиш-ликнинг ажойиб рецепти бор деб ўйлайдилар. Адабиётнинг эски усталари, ёзувчи бўлиш машаққатли ва шу билан бирга чексиз қувонч бағишловчи меҳнат эканлигини жуда яхши биладилар.

Менинг ёш дўстларим, шунини яхши билингларки, сизларнинг ҳар бирингиз ёзувчи бўла олишингиз мумкин. Лекин бунинг учун мустаҳкам иродали, кўп ўқиган билимингизни тинимсиз ошириб боровчи, маданиятнинг юксак чўққиси сари интилувчи бўлишингиз лозим. Шунини яхши билингларки, буларсиз айрим жойлари талант билан ёзилган китоб ёза олсанглар ҳам, лекин кенг қулоч отадиган асар ярата олмайсизлар.

Мен сизларга ўзим ҳақимда сўзлаб бермоқчиман. Бундан ўн беш-ўн олти йил муқаддам мен жуда катта

кураш, улуғвор воқеалар қатнашчиси ҳамда кузатувчиси бўлган эдим.

Мен қунт билан ўқиш, революцион кураш назарияси билимлари билан қуролланганимдан сўнг яратган асарим каби асарни ярата олар эдимми? Бу тажрибамни бадий образларда умумлаштира олар эдимми? Йўқ, бундай қилолмас эдим. Чунки кўриш, мушоҳада қилиш, ҳис қилишнинг ўзи камлик қилади. Ўз савиямизни ошириш, ўз тажрибамизни марксизм-ленинизм назарияси билан ёритиш учун ўқиб-ўрганишимиз, чуқур билимга эга бўлишимиз, жаҳон маданиятининг энг яхши асарларини билишимиз керак. Фақат шундагина дадиллик билан қўлга қалам олиб, ўз кузатишларимизни умумлаштиришимиз ва талабга жавоб бера оладиган асар ёза олишимиз мумкин. Шунинг учун ҳам ёзувчининг шахсий таржимаи ҳоли масаласи — катта масаладир.

Ёш ёзувчи киши сифатида, жангчи сифатида ўсганида бутун мамлакат билан бирга ўсгандагина ёзувчи сифатида ўса олади. Дабдурустдан ёзувчи бўлиб етишиш мумкин эмас. Ёш ўртоқларимиз шуни ёдларида тутишлари керакки, ўтмишнинг каттакон маданий меросини бир ҳамла билан эгаллаб бўлмайди. Унинг учун осойишта сабот, катта улуғвор меҳнат керак. Бу йўлдаги қийинчиликларни енгишнинг ўзи энг гўзал нарса эмасми, ахир. Сизнинг вазифангиз ёзувчи бўлиш. Сиз яхши биласизки, ёзувчи бу ўқитувчидир. Ўқувчиларидан кўпроқ биладиган ва уларга нима дейишини биладиган кишигина ўқитувчи бўла олади, таълим бера олади. Ўқитувчи киши эса ўргатмоқчи бўлган кишидан кўп нарса билиши керак. Бизнинг кўп миллионли китобхонларимиз ақлда тенгсиздирлар. Улар кўп нарсани билади ва асарларимизнинг зерикарли, туссиз бўлишига йўл қўймайдилар.

Шунинг учун ҳам биз ёзувчилар орқада судралиб эмас, балки сафларнинг илғор колоннасида бўлмоғимиз лозим. Орқада қолган ёзувчи, ундан олдинга ўтиб кетганларга ўргатиш ҳуқуқига эга эмас.

Ёзувчи зўр бериб ўз лабораториясида ўз ишининг анатомия ҳамда химиясини ўрганаётган буржуазия олими каби ҳаёт ва курашдан четда турмаслиги, бепарво «кузатувчи»гина бўлиб қолмаслиги лозим.

Фақат илғор курашчилар колоннасида бўлган, кураш ўтларида ёнган, халқ билан бирга мағлубиятдан хафа бўлиб, ғалабаларидан севинган кишигина ҳақиқий, ҳая-

жонли, келажакка чақирувчи китоб ёза олиши мумкин. Бизнинг адабиётимиз ҳозирги социалистик ҳаққоният ва келгуси инсоният ҳаққонияти адабиётидир.

Бир ҳовуч текинхўрлар томонидан эксплуатация қилинаётган халқни ўз кўзи билан кўрган буржуазия ёзувчиси ўз асарларида ёлғон-яшиқ гапларни гапиришга мажбур. Ахир, кундузи ғазаб билан, раҳмсизларча ишчилар қонини сўриб, кечқурун эса, мулоимлик билан ўз хотини ҳамда болаларини эркаловчи банкир ёки биржа эгаси ҳақида яхши нарса айтиб бўлмайди-да. Биз эса, ҳеч ҳам ёлғон гапирмаймиз. Бизнинг ҳаётимиз жуда ажойиб, романтик ҳаётдир. Бу ҳаёт биз учун бир-биридан яхши, қатор ажойиб образлар бермоқда. Ҳаётимиз бизга қандай ажойиб материаллар бермоқда! Қанчадан-қанча мавзулар! Баъзан «Бу мавзу эскириб қолди» деб айтадилар. Бўлмаган гап! Эскириб қолган мавзунинг ўзи йўқ. Гражданлар уруши темаси эскириб қолди, демоқчи бўладилар. Ҳеч бирда! Ун ва ҳатто юз йиллардан кейин ҳам бу мавзу янгилигича, ажойиблигича қолади. Гап ана шу мавзунинг янги образларда беришда, унинг қирраларини янги бўёқларда кўрсатишда қолган. Бунга эса, олға қараб ҳаракат қилиш, ўз устимизда тинимсиз, чарчамасдан ишлаш билангина эришиш мумкин. Сиз, ёш адабиётчилар билан биз ана шу йўсинда ўсиб боришимиз лозим, фақат ана шундагина ажойиб мамлакатимизга муносиб асарлар бера олишимиз мумкин.

Яшасин бизнинг совет адабиётимиз, унинг коммунистик ахлоқи ва ҳақиқати!

Яшасин бизнинг Коммунистик партиямиз!

ҲАЁТ — ЁЗУВЧИНИНГ МАҚТАБИДИР<sup>1</sup>

Ёзувчи кўпинча: «Қандай ёзиш керак?», «Нимани ёзиш керак?», «Нима ҳақда ёзиш зарур?» деган саволларни эшитади.

Бу саволлар кўпларни ўйлантиради, агарда мен бу саволларга ҳали жавоб топилмаган, десам ҳамма ҳам ишона бермайди. Ҳолбуки аслда шундай. Мен анчадан буён ижод қиламан: ҳикоялар ҳам, романлар ҳам ёздим, очерклар, сценарийлар ҳам, мақолалар ҳам ёздим. Аммо ҳар сафар буларни қ а н д а й ёзганимни айтиб беришга келганда — асло айтиб беролмайман.

Бахтга қарши, у ёки бу нарса қилиш қўлимдан келади, ипидан-игнасигача биламан, ўқиш-ўрганишни энди ташласам ҳам бўлади, деган ҳис-туйғуни ўзимда ҳали,

---

<sup>1</sup> Ёш ёзувчиларнинг 1951 йилда бўлган Бутуниттифоқ иккинчи кенгашига тайёргарлик кўрилаётган бир пайтда «Литературная газета» редакцияси Адабиёт институти студентлари билан ўтказган суҳбати стенограммасини эълон қилишни таклиф қилиб П. А. Павленкога мурожаат қилди.

П. А. Павленко стенограмма асосида мақола ёзишга қарор қилди ва қўлёзма устида узоқ ишлади. Кенгаш очилди. Семинарлардан бирига раҳбарлик қилувчи Петр Андреевич, ёш ёзувчилар билан ишлашга жуда берилиб кетганлиги туфайли мақола устида қилинаётган ишини тугаллай олмади.

Ҳолбуки, мақола деярли битиб қолган эди. У «Литературная газета» (1951 йил, 19 июль)да П. А. Павленко вафотидан сўнг бир оз қисқартириб босилди. Бу тўпلامда мақола ёзувчининг архивидан олиниб, тўла босилди.



ҳозирча сезмадим. Уйлайманки, бундай сезги ҳеч кимда, ҳатто улкан уста ёзувчида ҳам бўлмайди, бўлиши ҳам мумкин эмас. Нега деганингизда мағрурланиш ва ижод— ҳамма вақт кишини бетоқат қилувчи ва бири билан бири чиқишолмайдиган туйғулардир.

Яхшими-ёмонми билмайман, лекин ҳар сафар, янги ишга қўл ураётганимда, ўзимни ёзувчиликка янгидан киришаётгандай ҳис қиламан. Ҳар бир янги асарни илгари ҳеч қачон ҳеч нима ёзмагандай ёзаман. Бироқ, тажриба тўплаганман, албатта, лекин у яширин, кўзга кўринмайди. Шунгами билмадим, оқ қоғозни олдимга қўйиб ўтирганимда, менга гўё биринчи ҳикоямни бошлаётгандай бўлиб туюлади.

Ишлаётганимда менга асқатадиган бирдан бир нарса ёзувчилик техникасига оид тажриба ҳам эмас, феъллар, отлар, сифатларни қандай ишлатишни тахминан билишим ҳам эмас, такрорга йўл қўймаслик ва жумлани темага мослаб тузишни билишим ҳам эмас — балки, асосан, бошқа нарса; ноаниқроқ, хирароқ, ҳатто мужмалроқ бўлса-да, ҳали бир бутун бўлиб уюшмаган турмуш тажрибамдир.

Мен ёзувчилар ташкилотига биринчи марта келганимда жуда ёш эдим. Уша пайтда тантана — ҳаяжонга ўхшаган бир ҳолат мени қамраб олган эди. Мен тўқнаш келган ёзувчиларнинг айримлари аллақачон тарихга кирди; айримлари менга деярли классикларга ўхшаб кўринар эди. Улар ғалати, менга нотаниш сўзларни гапиришарди: «тормозлаш», «фабулани спирал бўйича ривожлантириш...» Мен уларнинг фикрига қараб қандай ёзиш кераклигини ва ёзиб туриб бирдан тормоз бериш пайти келганини, қандай қилиб аниқ билиш мумкинлигини тасаввур эта олмас эдим. Яна «спирал бўйича» деганларинимаси? Балки бу, ижод қилаётганимда юқоридан пастга қараб тушиш пайти келганини доимо эсингда тутишинг учун ўз-ўзингни кузатиб-текшириб бориш бўлса керак?

Шундай қилиб, бу сўзларни айтган кишиларнинг афтига қарашга уялардим. Менга гўё ҳаммалари, дабдурустдан энг ибтидоий нарсаларни ҳам билмаслигимни пайқаб қоладигандай туюларди. Яна бундай ҳикматнинг тагига етишим амри маҳолдай, яъни қачон юқорилаш ва қачон тормоз бериш пайтини ўрганиб олишинг мумкин эмасдай туюларди.

Лекин мана, эллик ёшга кирдим ҳам, бунинг ярмидан сал озроғи давомида ижод қилдим. Аммо ҳозирга қадар бе «спирал» ва бе «тормоз» ишлаб келяпман, шуниси қизиқки, уларга ортиқча эҳтиёж ҳам сезмадим.

Кўпгина ёзувчилар, баъзан мен ҳам ёзмоқчи бўлган асаримизни менимча, сифатига ҳалал етказмай, тез тугаллашга муяссар бўлганмиз. Қам муяссар бўладиган бундай муваффақиятнинг «сири» жуда осон. Бундай жадалликка аллақандай алоҳида талант туфайли эришилмайди (авторлар учун бундай жадалликнинг сабабини талантнинг натижаси деб изоҳлаш, эҳтимол, ёқимли туюлар), балки ҳар қандай муваффақият ўн беш-йигирма йиллик машқ туфайли эришилади. Агар шундай катта ҳаётий тажриба бўлмаганда ҳар қандай жадаллик ҳам бўлмас эди ва бу ишда ҳар қандай талант ҳам кўмак бера олмаган бўларди.

Бу тажриба (жуда бўлмаганда мен учун) ҳаётдан олинган таассуротлардан ташқари ўқиб чиқилган китобларни ҳам ва энг муҳими — марксча-ленинча таълимотни эгаллаб боришни ҳам ўз ичига олади. Шу таълимот туфайли бошингдан кечирганларинг, кўрганларинг ва билганларинг устида фикр юритиш, келажакка кечадан ўзгачароқ назар ташлаш имкониятига эга бўласан.

Адабий ишимда саёҳат қилишим, бир жойдан иккинчи жойга боришим, жой алмаштиришим ва таассуротларимни янгилаб туришим, айниқса янги кишилар, кўпчилик, кўп кишиларнинг тақдирини билишим жуда яхши ёрдам берган.

Мен деярли бутун Совет Иттифоқини айланиб чиқдим. Чет элларда ҳам бўлдим.

Бир кўрган ерингда бир неча бор бўлиш нақадар фойдали! Масалан, Германияда беш марта бўлдим. Агар ўн беш марта бўлганимда ундан ҳам яхши бўлар эди. Берлинни 1947, 1948, 1949 йилларда, 1950 йилда эса, икки марта кўрдим. Бир жойнинг ўзидаги ўсиш-ўзгаришни кузатиб бориш ниҳоятда фойдали. Бир кўчанинг ўзини беш марта қайта-қайта кўргананда, ҳар сафар ўша кўча ўзгариб қолгандай туюлади. Бузуқ бинонинг муюлиши тикланган... Йўловчиларнинг афти ангори ўзгарган... Устунлардаги эълонлар янгиликлардан дарак беради. Ҳаётда ўйлаш учун керак нарсалар ошиб-тошиб ётибди.

Уруш тугагандан сўнг кўп ўтмай, Берлинда Глинканинг бюстини кўрдим. У, Германиянинг пойтахтида бир

вақтлар улуғ рус композитори турган уй яқинида, кўчанинг муюлишида юмалаб ётарди. 1950 йилда шу бюстни эслаб, қаёқда, ахир уни асраш керак-ку! — деб сўрадим. Музейга қўйилган деб жавоб беришди. Шу нарсанинг ўзи менга Берлин ўзгараётганини кўрсатди..

Яна Катта Фарғона канали қурилишида бўлган пайтим — менга завқ берадиган эсдаликларимдан биридир.

Уша пайтда кўрганларимнинг кўпи менга тугал барпо бўлган коммунизмнинг асл ўзига ўхшаб туюлар эди. Мен ўшанда музикачи бўлмаганимга ва буларнинг бари куйга сола олмаганимга, кўрганларимни мадҳ қила оладиган шоир бўлмаганимга ачинган эдим. Менинг қўлимдаги ҳунарим ўша пайтдаги кўтаринки ҳолатни ўзига яраша савияда тасвирлашга заифлик қилар эди.

Фарғонада эканимда гражданлар уруши йилларида, биринчи бор В. И. Ленин ва у билан бирга ўнлаб кишилар асос солган қудратли куч — Москвадаги коммунистик шанбалик тез-тез эсимга тушар эди.

Эндиликда коммунистик шанбалик қанчалик юксалганини кўриб турибман. Ун минглаб кишилар меҳнат мажбурият эканини ҳис этмай, уни шон-шараф деб билиб, ҳамда меҳнатдан шавқ-завқ топиб ишламоқда. Каналга бориш ҳуқуқига эга бўлиш учун одамлар орасида жанжаллар бўлар эдилар. Улар каналга юборишмаса, чиппа-чин хафа бўлишар эди. Ёдимда, қурилишга боришга рухсат бермаган бир комсомол ташкилотининг секретарини қизлар юмдалаб ташлашларига сал қолган эди.

Ахир, секретарь қайсарлик қилиб эмас, қизлар каналда қийналиб қолармикан, деб юбормаган эди.

Хўш, охири нима бўлди? Тезда кўп минглаб қизлар қурилишда қатнашди. Қатнашганда қандай денг, бақувват, эпчил йигитлар билан баб-баравар фидокорона ишлашди.

Бундай воқеа 1925 йилда ҳам, 1930 йилда ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Бу нарсаларнинг бўлиши учун қашшоқликни енгиш зарур эди, колхозлар миллионерларга айланиши, бугун ва эртага куним ўтармикан, деган хавф ўзбек деҳқонининг кўнглидан чиқиб кетиши зарур эди.

Фарғона каналида улуғвор меҳнат манзаралари тўқлик, маъмурчилик, тўй-томоша шод-хуррамлиги кўркам манзаралари билан қўшилиб кетган эди.

Айтишларига қараганда бир воқеа бўлиб ўтган экан.

Бир йигит бир қизга совчи қўйган экан:

— Бу йигитга бермаймиз. У қизимизнинг тенги эмас. Қизимизнинг расми ҳурмат тахтасига тўрт марта тушди, уники бир марта ҳам тушмади! Олдин тенглашсин, кейин берамиз, — деб жавоб қилибди колхоз эгалари.

Келажакнинг саҳифалари санъатнинг воқеликка ва воқеликнинг санъатга таъсирида ҳам очилди.

Каналда Ўзбекистоннинг машҳур ашулачилари Ҳалима Носирова ва Тамарахонимлар ҳам бўлди. Баъзан канал бўйлаб, шу санъаткорларнинг биттаси энг илғор бригадага келиб концерт беради, деб эълон қилинган пайтлар ҳам бўлган. Одамлар кучларини аямай ишлар эди. Мусобақа қизиб кетар эди. Участкалар мусобақалашарди. Кечқурунга келиб ишга яқин ясалар эди: олдинда у участка, ёки бу колхоз бўлиб қолар эди-да, ҳурматли меҳмонни ғолибларнинг олдига олиб борилар эди.

Кун бўйи ишлаган одамлар концертга тўпланишади. Улар эрта тонгда туриб, яна қўлга кетмон олишлари керак. Тамарахоним раққосага тушди, ашула айтди. Одамлар эса унга ўзларининг шоҳи белбоғларини пояндоз қилиб ёзишади.

— Жуда кеч бўлиб кетди, шекилли? — дейди раққоса. Ахир сизлар эрта туришларинг керак-ку...

— Уйнайверинг! Ташвишланманг! — дейишади томошабинлар. Улар санъатдан маст бўлиб, ярим кечагача ўтиришади, кейин саҳаргача кўрганларини ҳангомалашиб ётишади. У ерда қанчадан-қанча маталлар, мақоллар, қўшиқ ва эртақлар тўқилмади дейсиз! Дарҳақиқат, бутун қурилишнинг ўзи эртақдай таассурот қолдиради кишида. Фарғона канали қурилиши менинг учун қомусдай воқеа бўлди. Мен ҳозиргача хаёлимда бу воқеанинг саҳифаларини варақлайман. У ҳозиргача мени кўп нарсаларга ўргатиб келади.

Уша вақтда биз марҳум С. М. Эйзенштейн билан бирга Фарғона канали тўғрисида фильм яратишга уриниб кўрган эдик. Ҳатто расмга олишга киришган ҳам эдик. Аммо иш чиқмади, чиқиши ҳам мумкин эмас эди. Оз билар эдик. Ишни «бир чираниш» билан ҳал қилиш мумкин эмас эди. Ҳали ҳозиргача Фарғона ҳақида ҳеч нарса яратмаганимга қанчалик ачинмайин, ҳар ҳолда, бўлмагур нарса яратгандан кўра яратмаганим ҳам тузукроқ. Бу ўринда сценарийларим устида олиб борган ишим тўғрисида икки оғиз гапирмоқчиман. Китобхонларим ме-

нинг бу ишимни қанчалик юқори баҳолашмасин, мен кино санъати олдида жуда катта қарздорман. Бу соҳада кўпроқ кўзга ташланадиган нуқсоним — ўз нарсаларимни композицион қура олмаслигим деб биламан. Нарсаларим доим тарқоқроқ, сочилганроқ бўлади. Персонажларни кўпайтириб юбориб, иш давомида уларнинг кўпини йўқотиб қўяман. Кейин уларнинг орқасидан қувишга вақт ҳам бўлмайди. Негаки асардаги ҳаракат олға чақиради. Эҳтимол, кучли санъаткор бу камчиликни осонгина енга олар, аммо уни енгилдан умидимни узмаган бўлсам ҳам менга қийинроқ бўляпти.

Кино режиссёрлар билан ишлаш менга, қисман, воқеани узмай ривожлантириш йўлини ўргатди. Ҳайлашимча, ҳали қоғозга тушмаган фикрни яхшироқ ҳис этишимга ёрдамлашди. Шу билан бирга, композициянинг шиддатли қонунларини ўрганишимга ҳам ундан кам ёрдам бермади. Мен ўзимга зарур бўлган кўп нарсаларни Эйзенштейн ва Чиатурелилардан ўргандим.

Шуни ҳам айтишим керакки, муваффақиятлироқ чиққан нарсаларимни ўша нарсанинг заминига яқин туриб ёзганман. Эҳтимол, менинг Яқин Шарқ ҳақидаги илк ҳикояларимнинг муваффақиятли чиқмай формалистик бўлишига уларни ҳам материални эскиртиб, ҳам вақтни ўтказиб ёзганлигим сабаб бўлгандир. Мен уларни, анчайин, жонимни қийнамай ёзиб ташлаганман. Шунинг учун ҳам ҳикояларимда Шарқ, мен билган Шарққа ўхшамай қолди. Ҳамма нарса ҳаддан ташқари ялтироқ ва киши ишонмайдиган бўлиб чиқди. У вақтда асарларимни спирал, сирғаниш ва тармоқлаш деб аталувчи ноаниқ қонунларга асосланиб ёзар эдим. Бу нарсалар ҳар ҳолда бировдан ўғирлаб олинган бўлмаса ҳам, ўзимники эмаслигини тушунмас эдим. Шу билан бирга тасвирлашда ҳаққонийликка эришиш учун ёзаётган воқеамни ҳеч бўлмаса бир кўз билан кўриб, ёки қўлим билан унинг илиқлигини ҳис этиб ёзиш зарур эканини тезда тушуна қолмадим.

Юқорида айтганларим қисман, қандай ёзасиз деб берилган саволга жавобдир, шу билан бирга, ҳар кимга ҳам қўл келадиган универсал рецепт бўлмайди, деб айтмоқчиман. Езувчининг ишлаш малакаси, майли — яъни унинг иш столида ўзини тутиш одатлари — буларнинг бари индивидуалдир. Умумий ва шак-шубҳасиз бир нарса бор: адабий асар устида ишлаш темани чуқур, ҳар то-

монлама ўрганишни талаб қилади, бундай билимнинг манбаи — ҳаётдир. Бу қонун ҳар қандай темага ҳам эртаги кунимизга етакловчи илмий фантастика бўлмасин ёки ўтмишга мурожаат этувчи тарихий жанр бўлмасин, барига ҳам тааллуқлидир. Келажакка ҳам, ўтмишга ҳам барча энг илғор, энг асосий, ҳозирги ҳаётимизда ошкор бўлган энг прогрессив ҳодисалар асосида ўзимизни текшириб кўриб разм соламыз.

Бунди, айниқса, киносценарийлар устида ишлаётганиниқ тушундим. «Александр Невский» фильми сценарийси устидаги ишим мени кўп нарсага ўргатди. Айниқса, фильми расмга олиш пайтларида умумий кўринишларга жалб этилган ижрочиларни кузата туриб, кўп нарсани тушундим. Мана, қадимий Русни тасвирловчи Потилиха декорациясида қадимги жангчиларни ўйновчи кишилар туришибди. Танаффус пайти. Студияда аслда қаҳратон совуқда бўлиб ўтган «Муз устидаги жанг» расмга олинаётган бўлишига қарамай кун жуда иссиқ, ижро этувчилар совут ва дубулға кийган, қор ўрнига оппоқ туз сепилган жойда туриб, эндигина келтирилган «Правда»нинг янги сонини ўқишмоқда.

Фильмда тикланаётган қадимги воқеалар уларга яқин бўлиб қолди. Аммо уларга асосан нима яқин ва муҳим эканини кузатиш мароқли эди. Энг аввал, гўё бугунги куннинг призмаси орқали кузатилган, шу куннинг манфаатларига мос тушадиган узоқ даврлардаги тарихий воқеалар яқин ва муҳим экани билинди. Тарих ҳозирги замонга ўхшаб кетганда ижро этувчилар чинакам, қизиқиб, берилиб ўйнай бошлашар эди.

Ҳаётимда ён дафтарим катта роль ўйнайди. Характерли сўзлар, жумлаларни ёзиб боришдан ташқари, айрим ҳодисаларга, пейзажга ўзимнинг муносабатимни ва ёнимдан ўтаётгани мени ажаблантирган одамнинг башарасини ҳам ёзиб қўяман, баъзан — кўпроқ поездда кетаётганимда — ойнакнинг ташқарисида кўз олдидан ўтаётган кўринишлар, нарсаларни ёзиб бораман.

Мен ҳар кун ижод қилиш керак, деган қатъий фикрдаман. Агар роман ёзишга куч етмаса, енгилроқ, кичикроқ ишни қилиш керак. Кўп вақт катта нарсада муваффақиятли чиқмаган тема кичик, ёрдамчи нарсада тузук чиқиши мумкин.

Мен машқнинг яна бошқа турини ҳам қадрлайман,— бундай машқ рассомлар орасида «этюд чизиш учун

юриш» деб аталади. Уч-тўрт бетда танишимнинг портретини ёзиб чиқишни, бугунги об-ҳавонинг қандайлигини тасвирлашни, кейин эртаги об-ҳавони ҳам ёзишни, агар у ўтган кундагига ўхшаброқ кетса ҳам, барибир, ёза беришни ўз олдимга вазифа қилиб қўяман. Мен уларнинг барини иккинчи даражали нарсалар деб ҳисоблар эдим. Муҳими — ҳаёт, кишилар, уларнинг ишида қатнашиш, ўзингга ҳам яқин бўлган бу ишларнинг якунидан шахсан, манфаатдор бўлишингдан иборатдир.

Бадий асар тили ёзувчидан тер тўкиб ишлашни талаб қилади. Баъзан мен ҳар бир янги тема ўзининг янги ташқи безагидан ташқари, ўзининг алоҳида ҳаёт доирасидан ташқари, яна тилда янги ташқи гармонияни ҳам талаб қилса керак, деб ўйлаб қоламан. «Муסיқий мазмун гўзаллиги оркестрга ҳам гўзаллик бағишлайди»,— деб ёзган эди М. И. Глинка ва яна қўшимча қилган эди: «...Бетховен симфонияларининг ҳар бирида бутунлай ўзгача бошқа симфонияларидаги оркестрга ўхшамайдиган янги оркестр бор».

Баъзан, профессионал-ёзувчининг тили тезда қотиб, сийқаланиб, қандай темада ёзмасин асарларининг тили бир хил бўлиб қолади. Мен буни нотўғри деб тушунаман. Агар шу нуқтаи назардан ҳатто Л. Н. Толстойнинг китобларини кўриб чиқсак, у ўз асарларида жумла тузилишига бутунлай бошқача муносабатда бўлганини кўришимиз мумкин. «Анна Каренина» ёзилган тил «Ҳожи Мурод»даги тил эмас.

А. Фадеевнинг «Тор-мор»идаги тил «Еш гвардия»сидати тил эмас. Иккала китобнинг бири ёзилгандан кейин иккинчиси яратилганга қадар анча йил ўтган. Шу ўтган йилларнинг ҳам шубҳасиз таъсири бўлади. Шу билан бирга, китоб темаларидаги руҳда ҳам гап кўп.

В. Г. Короленко ёзувчининг сўзга муносабатини жуда аниқ ифодалаган эди. У «сўз шамол учириб кетадиган ўйинчоқ шар эмас. У иш қуроли, у маълум миқдордаги юкни кўтариши керак. Биз бошқаларнинг руҳини қамраб олишига, кўтаришига қараб туриб, сўзнинг аҳамияти ва кучига баҳо берамиз»,— деган эди.

Бизнинг совет санъатимиз беқиёс кучга тўлган. Унинг қўлидан келмайдиган вазифалар, амалда бажариб бўлмайдиган темалар йўқ. Совет ёзувчиларининг китобларини ер юзида кашфиётдай қизиқиб ўқишади. Негаки, совет ёзувчиларининг китоблари келажакнинг пардасини қия

очиб кўрсатади. Шу билан бирга бизнинг китобларимизга, ғояси чуқур, шу билан бирга бадиий сифати ҳам кучлидир, деб тан беришади.

Адабиётимизнинг кучи ва салмоғи унинг доимо сон жиҳатидан юксалиши билан ҳам белгиланади. Бунга ҳар йили яратилиб, ҳаммага манзур бўлаётган ўнлаб энг яхши китоблар билан бирга, ўнлаб янги номлар ҳам яққол мисол бўла олади.

Бизнинг Совет воқелигимиз, бизнинг тўхтовсиз ҳаракатимиз адабиётимизда янги номлар, янги темадаги китобларни тақоза қилади.

Шунинг учун ҳам бошда нима ёзиш керак, нима ҳақида ёзиш керак ва қандай ёзиш керак, деб берилган саволларга жавобни ривожланаётган воқеликни, унинг илғор ҳодисаларини, юксак ғояларини чуқур ўрганиш орқали топиш мумкин.

---



**ҲАВАС, БИЛИМ, ИЖОДКОРЛИК**

*(Еш драматурглар билан суҳбатдан)*

Ўз ишинг ҳақида сўзлаб бериш қийин, биз бунга одатланмаганмиз. Биз ўз шахсий ижодий услубимиз ҳақида камдан-кам гапиримиз, шу билан бирга, доим бошқалардан бирор нарсани яшириб қоламиз. Баъзан қизиқ драматик приём ёки ҳаётий фактни топиб олиб, буни ҳеч кимга бермайман, деб ўйлайсан. Менимча, гап бу ерда «хасислик»да эмас. Албатта, ёзувчининг ўз мавзуи, ўз бадиий приёми, ижодкорлигига бўлган ҳуқуқи бор ва бу ҳуқуқ унинг ўзида қолади. Йўқ, гап бунда ижодий лабораториямизнинг камбағаллигидадир. Улкан санъаткор қанчалик кўп ўргатмасин, ҳамма вақт кучли маҳоратга эга бўлиб қолаверади. Чунки, у қанча кўп нарса ўргатса, шунча кўп янгиликларга эга бўлади. Иқрор бўлишимиз керакки, биз драматурглар эса, маҳорат жиҳатдан ҳозирча у қадар бой эмасмиз.

Мен тахминан беш йилдан бери театр учун ишлайман ва шу давр ичида пьесадан бошқа қарийб ҳеч нарса ёзганим йўқ. Ёзувчининг адабиётда маълум бир соҳа бўйича мутахассис бўлишини биринчи навбатдаги энг муҳим иш деб биламан. Кўп ёзиш керак ва энг муҳими ҳар кун ишлаш керак. Лекин ё театр учун, ё фақат кино учун ишлаш лозим, айниқса бу масала муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳозирги вақтда бунга қатъий риюя қилиш керак. Улуғ драматурглар кўп ёзганлар. Уларнинг ёзганларининг ҳаммаси ҳам бир хилда эмас. Улкан асарларнинг авторлари баъзан энг кичик ва жуда оддий нарсалар ҳам ёзганлар.

Ёзувчилик меҳнати тинмай ишлашни талаб қилади. Ҳаётни ўрганиш, одамларга назар солиш, уларнинг талаб ва эҳтиёжларини билиш ва шу эҳтиёжлар билан яшаш, ҳозирги замон янги қаҳрамонларининг хусусиятларини пайқаб олиш ва ўз ҳаётий мушоҳадаларни чуқур идрок этиш ҳамда ҳаққоний акс эттириш учун узлуксиз меҳнат қилиш — ижодимизнинг асоси ана шундан иборат. Муваффақиятсизликлар бизни умидсизлантирмаслиги керак, ҳолбуки, танқидчилик муваффақиятсизликларни ҳамма вақт «мағлубият» деб атайди: ё сен энгдинг ёки энгилдинг. Агар биз ўз фаолиятимиз билан мамлакатимизнинг улуғ мақсадларга эришувида ҳақиқатан ёрдам беришни истар эканмиз, танқидчиликнинг бундай қатъий баҳоси биз ёзувчиларнинг қўлимизни ишдан совута олмайди.

Ўз оддий тажрибамда мен даставвал театрга ишонишга ўргандим ва эндиликда театрга пьесаларимнинг «биринчи вариант»ларинигина олиб бориб қолмасдан, балки бўлажак асарларимнинг мавзу ва сюжетларини ҳам театр билан маслаҳатлашаман. Ана шундай қилиб, театрнинг тўла ва бевосита алоқадорлигида «Болта ҳақида поэма», «Менинг дўстим» ёзилган эди.

Бунинг устига автор ўз асарларини тўғри баҳолай олмайди. Шундай ҳоллар ҳам бўладики, театр драматургларнинг пьесасини баҳолашда ҳақиқатан авторнинг «кўзини очиб қўяди».

Мана икки пьеса — «Қор» ва «Менинг дўстим». Бу пьесалар бир вақтда саҳнага қўйилган эди. «Менинг дўстим»га нисбатан «Қор» қизиқарлироқ бўлади, деб ўйлаган эдим, бироқ бундай бўлмади. «Қор» пьесаси кимнинг эсида? У жуда тез саҳнадан тушиб кетди. «Менинг дўстим» эса, бир неча йил қўйилди.

Мен қандай қилиб материал тўплаймаман?

«Правда»да ишлаб турганимда бир кун нефть қудуқлари қайта қурилгандан кейин, нефть ҳақида очерк ёзиш учун Бокуга бордим. Мен қудуқларни айланиб чиқдим, ҳозирги вақтда нефть қандай қилиб олинаётганлигини кўздан кечирдим, нефтчилар билан гаплашдим ва икки кундан кейин очерк ёзишга ўтирдим. Ўтирдим-у, аммо ҳеч нарса чиқара олмадим... Нефть. Қора тупроқ. Виш-калар. Насослар. Сукунат. Бўёқлар кам. Жанр бир хил. Очерк чиқмади, аммо ёзиш керак, шунинг учун ҳам мени бу ерга юборганлар.

Шундан кейин мен нефть бўйича оддий элементар дарсликлардан тортиб то ҳозирги замон нефть чиқариш бўйича мураккаб асарларга қадар китоблар тўпладим, буларнинг ҳаммасини астойдил ўқиб чиқдим ва яна қайта нефть конларига бордим. Мана энди бутунлай бошқача дунё намоён бўлди, деталлар тилга кирди, қизиқарли бўлиб қолди ва менинг очерким икки кундан кейин эмас, балки бир ҳафтадан кейин мутахассисларнинг консултациясиз сип-силлиқ ўтиб кетди.

«Правда»да ишлаганларим ҳақида, у ерда бизни материални нақадар синчиклаб ўрганишга ўргатганлари ҳақида ўйлаб шундай ачинарли хулосага келдимки, театр учун ишлаб туриб, мен журналистга хос бу хусусиятни йўқотдим. Агар газетада Боку нефти ҳақидаги битта очерк учун икки ҳафта вақт сарф қилган бўлсам, пьеса ёзиш учун эса шундай тайёргарлик кифоя қиладими? Мен ҳам, мен билган бошқалар ҳам кишиларимиз ҳаётини доимий ва синчиклаб ўрганиш билан шуғулланмаётганликларини кўриб турибман. Ҳолбуки, кишиларимиз ҳаёти саҳна асари учун асосий материалдир. Стахановчи иш усулларини яхши ўрганиш мумкин, агар сен стахановчиларнинг улуғ ишларини, уларнинг орзу истакларини, фикр ва туйғуларини тушунмасанг, уларнинг ҳаётининггина ўрганиш пьеса ёзишга ҳеч бир фойда бермайди. Алексей Стаханов рекорд қўйганда бу рекорд, агар хоҳласангиз, пьесанинг фақат финали ёки айтайлик, биринчи пардаси эди. Бироқ «шунга» қадар нима бўлганлигини ва «ундан» кейин нима бўлишини билиш муҳимдир. Биз натижаларни ўрганамиз. Бу осон, аниқ кўринарли, тушунарлидир. Лекин бизнинг кўзларимизга тайёр ҳолда кўринадиган натижаларга қадар қатор хатти-ҳаракатлар, ўй-фикр, муҳитнинг таъсири, хуллас, конфликтлар борки, булар драматургиянинг жони ҳисобланади. Қунт ва сабот билан махсус кузатишсиз фақат ўз ижодий «фантазиянг»га асосланиб, буларни тушуниш ва драматургияга олиб кириш мумкин эмас.

Яқинда, ўша 1936 йилда менга, журналистларнинг таъбири билан айтганда, фавқулодда қизиқ ҳаётий факт «урилди». Бу факт билан танишиш мени таажжублантирди ва менга, баъзи ўртоқларимга оила, никоҳ, севги масалалари аслида номаълум экан, деган фикрга келишга мажбур этди. Уз тўғримда шуни очиқ айтаманки, мен ҳаётнинг бу томони ҳақида эскирган тушунчага эга

эканман. Хотин — ўртоқ, дўст, хотин — қурилишимизнинг етук иштирокчиси—назарий жиҳатдан буларнинг ҳаммаси батамом аниқ-равшан, бироқ очигини айтганда, бу ҳодисани мен юксак умумлашган ҳолда фақат келажак ҳодисаси, деб тасаввур қилардим. Мана, мен шундай кишиларни учратдимки, уларнинг ҳаёти янги муносабатларининг сэрмазмун, ҳар томонлама гўзаллиги билан фақат совет вақелигидагина бўлиши мумкин. Такрор айтаманки, ҳаётнинг ўзи менинг тушунчаларимга тубдан муҳим ўзгаришлар киритди, бу тушунчаларим воқеликдан қанчалик орқада қолганлигини кўрсатди.

Муҳаббат ва рашк... Бизларнинг ҳаммамиз, ёш драматурглар ҳам, кексалар ҳам ўз иш столимиз устида «лаънати масалалар» деб аталган ана шу масалалар устида тер тўкиб бош қотирамиз ва жуда кўп вақт шундай бўладикки, бу масалалар бўйича биз Шекспирда бор бўлган нарсаларнигина биламиз, холос. Ваҳоланки, олам кўз олдимизда ўзгармоқда. Биз, албатта, ҳаётда кўп ўзгаришлар бўлишини, бу ҳис-туйғуларнинг намоён бўлиши ҳамда ўзгаришини тахмин қилар ва билар эдик, лекин Шекспир ўз замондошлари ҳақида билганидек ҳамма нарсани аниқ-равшан, шубҳасиз, билмаймиз. Натижада пьесаларимизда образлар, муҳаббат ситуациялари бизга, шубҳасиз янги, ҳаққоний ва муносибдай бўлиб туюлган тарзда пайдо бўлади. Бироқ, афсуски, воқеликни ўрганмасдан, ҳаётий фактларни танлаб олмасдан шундай усул билан яратилган қаҳрамон бадий образ эмас, балки пешонасида нима эканлиги ёзиб қўйилган қўғирчоқлар бўлиб қоладилар. Мана, эндиликда мен бу масалада ҳаётий билимларга эмас, китобларга суяниб, оиламизни чуқур ўрганмай иш кўрганлигим сабабли қанча ситуация, сюжет, ажойиб образларни йўқотганлигим ҳақида ўйлаяпман.

Ҳаётни билиш эса, драматург учун театрни билишдай зарур шартдир. Баъзан бу билим айрим сийқа театр приёмларини ўрганишдан нарига бормайди ва энг ёмон тақлиддан, театрнинг моҳиятини тушунмасликдан иборат бўлади. Пьеса ёзаётган прозаик ва шоирларимиз энг оддий саҳна қоидаларига ҳам кўп вақт риоя қилмайдилар. Афсусланасан киши: пьесани ўқийсан — савияси яхши, туппа-тузук, тили яхши, бироқ образлар ҳаракат қилмайдилар, ҳаммаси қимир этмай қотиб турадилар ва

эңг оддий сахна қонун-қондаларига ҳам риюя қилмай-дилар. Ахир, асар сахнага мўлжалланган-ку?

Менинг «Суръат» деган биринчи пьесамни театрда ўқиганларида, менга пьесада драматик негиз йўқ, деб айтдилэр. Мен эса, «драматик негиз» нима эканлигини билмас эдим. Мен ўзимни жуда ноқулай сездим, балки ана шу дастлабки ноқулайлик театр билан биргаликда пьеса устида қатъий ишлашга, репетицияларда ўтириб спектакл постановкаларини ўрганишга, маҳоратнинг синовдан ўтказиладиган сахнани ўз ишинг учун олий назоратчи деб билишга мажбур этгандир. Шу сабабли текстни сахнага мувофиқлаштириш учун мен репетициялар вақтида жуда кўп ўзгартираман ва пьеса бир неча бор томошабинларга кўрсатилгандан кейингина уни тайёр деб хисоблайман.

Мен пьеса устида қандай ишлайман?

Агар мен бирорта фикр-ғоя ёки темага жуда қизиқмасам, аниқроғи, тема ҳақида дастлабки фикрга эга бўлмасам, ўз тажрибамдан биламанки, ишга киришмаган яхши. Безовталиқ, ғояни рўёбга чиқаришга, унга жон киргизишга тинмай интилиш, фикр-мақсадни амалга ошириш бўйича ишни тезлаштиради. У ёки бу ҳақда совуқ-қонлик билан фикр юритиб ёзиш, менимча, мумкин эмас. Энг муҳим ва қизиқарли бўлиб туюлган нарсалар ҳақида ёзиш керак. Ҳозир мен комедия ёзяман. Материал менга жуда ёқди. Мен бу материални ташлаб кетолмадим. Замонавий темада комедия ёзиб, бу жанрда кучимни синаб кўришни истадим. Комедияни ёзиб тамомламасдан туриб мен бошқа ишга қўл уролмайман. Комедия менга тинчлик бермай безовта қилмоқда ва мен ундан «қутулишим» керак, ёқадими — ёз, эңг муҳими ана шу; водевиль ёзгинг келса, водевиль ёз.

Ўйланган темани рўёбга чиқариш учун ўз фикрларингни ифодаламоқчи бўлган кишилар мавжуд бўлиши кераклигини аниқ белгилаб олиш керак. Мен ўзимга керакли ажойиб кишиларни қидириб топмагунимча ёза олмайман. Пьеса мавзуи олинган муҳит бўлиши шарт; мавзуга мувофиқ келадиган чинакам муҳитсиз пьеса сохта бўлади. Муҳитни одамлар ташкил қилади. «Менинг дўстим» пьесасини мисол оламан. Мен ўз вақтида янги типдаги командирлар, беш йилликнинг командирлари ҳақида пьеса ёзмоқчи бўлган эдим. Дастлаб пьеса шундай деб аталган эди. Мен Горькийдаги автозавод ишга ту-

ширилаётган вақтда заводга келдим ва директорнинг орқасидан соядек эргашиб юраман, деб шартлашдим. Биз у билан худди шундай эртадан кечгача бирга юрардик. Шундай қилиб бўлажак пьеса менинг миямда пардама-парда шакллана бошлади. Худди шу йўсинда хотин-қизлар саҳнаси пайдо бўлди. Ҳақиқатан эри чет элга командировкага юборилган бир аёл директорнинг олдига келиб ундан эрини қайтаришни талаб қилди; ҳам қайғули, ҳам кулгили бўлган трагикомик баҳслашув бошланиб кетди. Пьесага мен 5 аёлни киритганман. Лекин муҳими булар эмас. «Менинг дўстим»да бир образ — завод директори Гай образи муваффақиятли чиққан. Бошқа ҳамма образлар пьесада бадий жиҳатдан етарли ҳаққоний ва тўла ифодаланмаган. Томошабин Гай образи яхши ифодаланганлиги учун ҳам пьесадаги бошқа ҳамма нуқсонларни кечиради. Нега бундай бўлди? Бу—материал тўплаётганимда ёлғиз директорнинг ўзи билангина шуғулланиб қолганлигимнинг натижаси бўлса керак, деб ўйлайман. Фақат ёлғиз директорнинг ўзи билан машғул бўлиб қолганлигим учун таъзириمنى едим. Партком секретари ҳатто пьеса услубидан тушиб қолди, чунки мен уни бошқа муҳитдан олган эдим. Автозаводнинг ўзида ёки шунга ўхшаган бошқа бир корхонада директор билан партком секретари ўртасидаги муносабатни кузатган эмасман. Қанчалик уринмайин, қанчалик чап беришга ҳаракат қилмайин ҳаётни билмаслигим пьесада сезилди. Ваҳоланки, пьеса янада мукамалроқ ва янада жиддийроқ бўлиши мумкин эди.

«Аристократлар»да ҳам мен чекист Громовнинг портретини аниқ бир кишидан нусха чизиш билан шуғулланганман. Портрет оригиналга у қадар ўхшамайди ва образ муваффақиятсиз бўлиб чиқди. Нега? Фақат шунинг учунки, мен ўз Громовим орқасидан соядек эргашиб юрмадим ва ўзимнинг дастлабки таассуротларимга асосландим. Бу таассуротларим ҳаддан ошиқ етарли бўлиб туюлган эди. Аммо Костя-Капитан муваффақиятли бўлиб чиқди. Баъзилари осон, баъзи бировлари қийинроқ яратиладиган турли тоифадаги образлар бор, деб ўйлаш ярамайди. Агар Громов образини ҳам Костя-Капитан образини яратганимдаги ҳақиқий иш методи билан, яъни хусусият ва белгиларни қунт билан тўплаш методи, ёпиштириш методи ва муҳими фотография эмас, балки бадий умумлаштириш методи билан иш кўрганимда

Громов саҳнавий ишланиши жиҳатидан Костя-Капитанга нисбатан юксак турар эди.

Дарвоқе, «Аристократлар»нинг финали ҳақида. Формализмга тушиб қолишдан ҳадиксираб, биз баъзан форма ҳақида гапиришни унутиб қўямиз. Мана, «Аристократлар»нинг финали ҳаётда қандай бўлса, худди шундай: митинг, йиғилиш. Бу табиий ва ҳақиқатга тўғри келади. Бироқ, афсуски, бу финал саҳнада у қадар қизиқарли эмас. Албатта, узоқ ва қаттиқ изланиш натижасида «Аристократлар»да спектаклнинг охирини саҳнадаги зерикарли нутқларсиз гўзал ва салмоқли қилиб тамомлайдиган финал топиш мумкин эди.

Мен образни ҳамиша ҳаракат билан параллель ишлайман. Бу мен учун жуда муҳимдир, бунинг сабаби қуйидагича.

Пьесада ситуация ва ҳаракат қаҳрамонлар моҳиятидан келиб чиқиши керак. Образ тўғри ҳал этилган ва яхши ишланганда, чинакам ҳаётӣ бўлганда, образнинг ўзи ситуация, воқеаларда авторга ёрдам бера бошлайди, уни олға етаклайди. Автор қаҳрамонга қандайдир жуда яхши ёки жуда ёмон бир хатти-ҳаракатни тақдим этмоқчи бўлади, образ эса, бунга қаршилиқ кўрсатади, ўзига мажбуран ёпиштирилаётган ситуацияга қараб бормайди, шунда ёлғон гапираётганини сезасан киши.

Образлар авторнинг мажбур қилиши билан ҳаракат қилмайдилар, агар зўрлик билан мажбуран ҳаракат қилдирилса у вақтда образ бузилади. Гай образида инсоний заифлик хусусиятларини ифодалаш учун мен жуда қийин вақтларда уни ичиб маст бўлиб юришга мажбур этдим. Бу — авторнинг ўзбошимчалигидир. Гай қийинчиликларга чидай олмаганлигидан ичмайди. Гай хурсанд бўлган вақтларда, ҳатто ғам-қайғу, лекин бошқа хил ғам-қайғу (қийинчиликлар олдида у ароққа қўл чўзмайди)дан ичади. Гай маст бўлиб юрган кўриниш пьесада бор ва томошабин уни аҳамиятсиз, тасодифий кўриниш сифатида ўтказиб юборади. Пьеса тасодифлардан яратилмайди. Тасодифлар ёки тасодифий уйдирмалар қанчалик фойдали бўлмасин образларни ва пьесани бузилади.

Мен тасаввур қила олмайман: қандай қилиб образларсиз ситуациялар яратиш мумкин, қандай қилиб аввал пьесанинг йўлаклари ва йўл айрилишларини чизиб, сўнгра образлар яратиш ва уларни ана шу йўллар ва айри-

лишлардан юришга мажбур қилиш мумкин. Иккидан бири бўлади: ёки бутун ситуациялар жин ургандай тум-тарақай бўлиб учиб кетади ёки қаҳрамонлар жонсиз қўғирчоқлардай авторнинг кўрсатмаларини бажара бошлайдилар. Шундай пьесалар ҳам бўлади. Улар қанақа пьесалар эканлиги ўз-ўзидан маълум.

Дарвоқе, мен овоз чиқариб ёзаман. Драматург асар ёзаётганда барибир артист бўлади. Менинг қаҳрамонларимнинг тили ёмон бўлиши мумкин. Бу махсус адабий масала. Бироқ, уларнинг ҳар бири ўз тилида гапиради. Менинг асаримда воқеани ҳам, сўзни ҳам образ бошқаради. Агар мен ўз қаҳрамонларимнинг нутқини эшитиб турсам, у вақтда мен осонликча «оҳанг»дан четга чиқмайман.

Сюжет ишларида сизлар билан баҳам кўрадиган қарийб ҳеч қандай тажрибага эга эмасман. Менинг асарларимда сюжет «заиф». Шундай ҳоллар ҳам бўладики, мен пьеса устида ишлаётганимда ўз қаҳрамонларимни йўқотиб қўяман. Лекин бу масалада энг муҳими шундаки, пьесадаги замонавий қаҳрамонларни мумкин қадар қизиқарли ва кескин бошқариб борадиган қандайдир сюжет «қонунлари»га ҳозирча эга эмасман. Шунини қатъий биламанки, ҳаммага маълум сюжет формалари биз бажараётган ижодий ишга ҳеч бир тўғри келмайди, аммо янги сюжет формалари ўз зебу зийнатлари билан столимиз устига ўз-ўзидан келмайди. Худди ана шу жойдан юксак маҳорат малакаси бошланади.

Пьесада воқеани қандай кўрсатиш керак, «уйдами» ёки «очиқ ҳаво»дами, яъни пардалар биланми ёки эпизодлардан иборат қилиб ёзиш керакми, деган масалада баҳслашиш, менинг назаримда, мутлақо асоссиздир. Ҳо-ялар бирлигига қатъий асосланган ҳаракат бирлиги йиғирмата эпизодда аниқ-равшан сақланиши ҳам мумкин ва бир ўриндаги уч пардадаёқ бузилиши ҳам мумкин. Драматик ситуация, албатта, воқеа ўрнини талаб қилади. Бу энг оддий талабдир. Ҳамма ситуацияларни бир жойга тўплаш ёки фақат ўзингга ёқиб қолгани учунгина воқеа ўрнини турли-туман қилиш, ўзгартириш, менимча, мумкин эмас. Бир пьеса бир декорацияга жойлашади, бошқа пьеса учун кўп ўзгартишлар талаб қилинади. Ҳозирги вақтда пьесаларимизнинг қаҳрамонлари ўзларининг кўп вақтларини ижтимоий фойдали меҳнатга сарф қиладиган совет кишиларидир. Шу сабабли воқеа



ўрнини фақат уй ичидангина иборат қилиб қўйиш ғайри табиий бўлар эди.

Ва охириги масала: асар ёзишга сарф бўладиган вақт?

Бир пьесани ёзиш учун менга бир йил ёки икки йил керак.

Иш тажрибаси кўрсатадики, пьеса Устида энг оғир ва узоқ давом этадиган иш даври материал йиғиш ва мулоҳаза қилишдир. Бу, менимча, фақат фактларни тўплаш, одамлар билан танишиш ва шу кабилардангина иборат бўлиб қолмай, шу билан бирга материалнинг ўзини ўрганишга ҳам ёрдам бериши керак.

Агар менинг тажрибам ёш касбдош ўртоқларга фойда келтирадиган бўлса, шуни айтишим керакки, мен Горькийдаги заводнинг ўзидан миямда қарийб бошдан-оёқ ўйланган тайёр пьеса билан қайтган эдим. Яхшиси «материалдан узоқлашиб», кейин пьесани тузаётган вақтда қайта эсга тушириш керак, дейдилар. Эҳтимол шундай қилиш ҳам мумкин. Лекин ҳар ҳолда, менимча, жонли материалдан фойдаланиб, фақат муҳим ва типик нарсаларнигина эмас, балки воқеликдан асар ғоясини ифодалаш учун зарур бўладиган энг ҳаётий, энг актуал фактлар ва шахсларни излаб топиб, ўз пьесангни «қуришинг» яхшироқдир.

Шундай қилиб, ҳунаримиз технологиясининг ўзи бизни ҳаётни ўрганишдан иборат энг муҳим ва биринчи даражали масалага олиб келади. Маълум талант бўлганда ўқиб-ўрганиб, драматик ижоднинг сирларини эгаллаш мумкин, бироқ ҳеч қандай қуруқ махсус ўқиш ва саҳна тажрибалари бўлган театрнинг ёлғиз ўзи сюжет, образ, тилимизнинг манбаи бўлган улуг ҳаёт мактабининг ўрнини босолмайди.

Ҳаётдан ўрганиш билан бирга биз жуда катта бадиий мероснинг ҳаммасини билиб олишимиз керак.

Мен Шекспирдан жуда кўп нарса ўрганаман. Лекин баъзи бировлар «классиклардан ўрганингиз» деб маънодор қилиб такрорлашни яхши кўрадилар. Бундай маслаҳатгўйларга қараб туриб мен уларнинг бутун фикрларининг нимадан иборат эканлигини кўпинча образли тасаввур этаман. Бу насиҳатгўй бизни классик меросни ўрганишга даъват эта туриб, афтидан, «Қирол Лир»ни эслаб ва бўрон, момақалди роқ ва саҳродаги ёлғиз Лирни тасаввур қилиб... «Классиклардан ўрганингиз» деб

айтса керак. Мени Шекспирдан ўрганишга чақираётган бу киши ўрганиш билан тақлид қилишни чалкаштириб юбораётганлигини кўриб турибман. Ғоят саънаткорона ва усталик билан ишланган «Қирол Лир» интригаси унга ёқиб қолган ва у бошқалар буни тушунмайди, деб ўйлайди. У янги пьесаларнинг ҳаммасида шундай интрига бўлишини истар эди. Бу танқидчи мен реал воқелигимизда кўрган, ўрганган ва мен тасвирлаётган кишилар Шекспирнинг «Қирол Лир» трагедиясидаги интригага тақлид қилишимга йўл бермаслигини тасаввур қила олмайди. Бизнинг орамиздан ҳам кимки тушунмасдан кўр-кўрона тақлид қилса, ўқимиса, фақат ўз асарини бузали, холос.

«Ваҳима»ни мисол оламиз. Уни «ажойиб интригали асар» дейишадилар. Афиногеновнинг пьесалари ғоявий йўналиши ва баъзи образлари билан менга жуда ёқади. Лекин пьесаларининг интригаси тор, чеклангандир. Оддий чой столи атрофидаги воқеаларнинг тор, чучмал интригасига ваҳима ва жасорат ғояси сингдирилган. Мен бунга ўхшаш ўзлаштиришга, бундай «ўрганишга» қаршиман.

Мен баҳслашаман ва ўз нуқтаи назаримни ҳимоя қиламан, чунки биз ижодий жанг қилишимиз, маҳорат ҳақида қизгин баҳслашишимиз керак.

Драматургияда стиль жуда муҳимдир, стиль мазмунга сеҳрли таъсир қилади, уни шакллантиради. Шундай қилиб гўё мавҳум ва махсус масала бўлиб кўринган форма ҳақидаги масала ҳозирги куннинг чуқур идеологик масаласи даражасига кўтарилади.

Бизга сюжетларинг мураккаб эмас, деб таъна қилишади. Бизга «мураккаб сюжетлар яратинглар», деб қайта-қайта айтадилар. Ҳолбуки, «Егор Буличов»да баъзи бир «билимдонлар» бизни даъват этаётган ўшандай мураккаб ва аниқ сюжетлилиқ, ўшандай махсус фабула йўқ.

Скрибни мисолга олиб, бизга тез-тез эслатаётган ўша интрига ҳам Горькийда йўқ. Бунда баъзи бир танқидчиларимиз ўйлаб кўришлари лозим бўлган зиддият келиб чиқади. Бизнинг томошабин Горький пьесасини зўр эътибор билан кўради. Ғоят оддий сюжетли «Егор Буличов» биз драматурглар учун йўлимизни ёритадиган машъалдир. Шунинг учун ҳам классиклардан ўрганиш билан бирга, ҳаётдан тинмай ўрганиш керак. Кимки шу

классиклардан ва ҳаётдан ўрганишнинг бирортасини эътибордан соқит қилар экан, у санъаткор сифатида ҳалок бўлади. Ҳаётни ҳақиқий, аниқ ва ҳар тарафлама кенг ўрганиш ўрнига ҳаёт ҳақида тахминий тасаввурлар ва ўз фантазиямизга асосланиб қолсак, ҳатто ўтмиш санъаткорларининг маҳоратини кенг қўллай бошлаган тақдирда ҳам биз драматургия билан шуғулланишни қуруқ касб-корга айлантириб қўйишимиз мумкин. Улуғ рус драматурги А. Н. Островский ёзган эди: «Драматург камида тўқимачидир. У дуч келган парсани тўқийвермайди, бунини ҳаётдан, тарихдан, афсонадан олади, унинг асосий вазифаси қайси бир воқеа қандай психологик далиллар асосида вужудга келганлигини, нима учун бошқача эмас, фақат худди шундай бўлганлигини кўрсатишдан иборатдир.»<sup>1</sup>

Ҳаёт ўзгармоқда, одамлар ўзгармоқда. Агар бирортамиз ўз пьесаимизда юксак социалистик тушунчага эга бўлган янги одам образини яратишга муваффақ бўлганимизда, агар биз замонамизнинг бу янги қаҳрамони қандай психологик далилларга асосланиб ҳаракат қилишини кўрсатишга муваффақ бўлсак, бу менинг фикримча, саҳнадаги социалистик реализм бўлар эди.

1936.

#### УЙДИРМАЧИЛИК ВА ҲАЁТ ҲАҚИҚАТИ ТЎҒРИСИДА

Пьеса ёзиш жуда қийин ва айни вақтда жуда осон... Агар пьеса материали ҳақиқий ҳаётдан олинган бўлса, қийин, агар бошдан-оёқ ҳаммаси ҳаводан олинган ёки адабий қилиб айтганда, «санъаткор ижодий фантазиясидан туғилган бўлса» жуда осон.

Нега?

Ҳаётдан олинган материал сиртдан қараганда авторни ўз тасаввурини ишга солишдан халос қиладигандай бўлиб кўринади.

Ҳаётда турли хусусият ва хатти-ҳаракатларга эга бўлган жуда кўп тайёр шахслар, ўйлаб чиқариш мумкин бўлмаган, кутилмаган конфликтлар, ўз ўйингда қидириб топиб бўлмайдиган бутун-бутун сюжетли воқеалар бор.

<sup>1</sup> А. Н. Островский. Театр ҳақида. «Мақолалар, нутқлар ва хатлар», 2— Нашр. М. Л., «Искусство», 1947, 165-бет.

Умуман, тайёр нарса устида ишлашдан кўра, кашф этиш, хийла қийинроқдир. Лекин, ҳаммага маълум бўлган бу ҳақиқатлардан қатъи назар, драматургияда ҳар ҳолда, кашф этиш, хаёлдан ўйлаб чиқариш, уйдирмачилик билан шуғулланиш тайёр ҳаётий материал устида ишлагандан кўра анча осон, оддий, ҳаммабопдир.

Ҳаммадан аввал шуни тушуниш керакки, автор ўз таланти ва маҳсрати имкониятларига мувофиқ ўзи учун ўз диди билан бўлажак қаҳрамонларини кашф этади, воқеалар тўқийди. Бунда у ўзига ўзи мавзу, ўзига ўзи ҳаётдир. Шу билан бирга, олдиндан шуни айтамикки, у ўз ҳаётий тажрибаларига, ўз мушоҳада ва таассуротлари запасига таяниб, ўзини ва бошқаларни алдайди, чунки, ҳаёт тажрибалари аллақачон эскириб қолган бўлиши, мушоҳада ва таассуротлари ҳам янгилигини йўқотиб қўйган бўлиши мумкин.

Драматик ижодда энг қийини бош конфликтни топиш, пьесани шу конфликт асосида қуришдан иборатдир. Бу уйдирмачилик билан шуғулланадиган автор ишининг энг муҳим қисмидир. Бу жараён равон давэм этади, чунки автор ўз фантазиясини ўзи учун зарур бўлган томонга қараб йўналтиради. Авторнинг бутун иши бошдан-охир белгиланган планга тўғри келади ва сюжет ҳам ўз-ўзидан «автор мақсадига» мувофиқ тузила бошлайди.

Бутун шахслар — персонажлар автор томонидан қўйилган вазифага мувофиқ ҳаракат қилаётганида, ўз тажрибамдан биламанки, пьеса ёзиш нақадар осон. Ўз хонангда парвариш қилиб ўстирилган бу шахслар пайдо бўлганларидаёқ уларга топширилганидан бирорта ортиқ ёки кам сўз айтмайдилар. Аммо агар сен ранг-баранг бой материал тўплаган бўлсанг ва бу материалдан оқилона маҳорат билан фойдаланишга тўғри келса, у вақтда пьесани тузиш ва ёзиш нақадар қийин ва оғирдир.

Гап шундаки, драматик санъатимизда ҳеч қандай «ижодий лаборатория» йўқ. Бу, чиройли сўзлашни яхши кўрадиган танкидчилар томонидан ўйлаб чиқарилган сўздир, холос. Ўз ижодини ҳозирги замон вазифаларига хизмат қилишга бағишлаган драматург ишида воқеликни ўрганиш бизнинг даврда, бизнинг шароитда ҳал қилувчи процессдир.

Воқелик бизга одатда тайёр драматик схемалар бермайди. Ҳатто, жуда яхши ишланган, аммо ҳаёт матери-

аллари билан бойитилмаган схема ҳам одатда пьесани бўш ва сунъий қилади. Ҳаёт драматургиянинг на эски, на янги қонун ва йўналишлари билан ҳисоблашмайди, ҳаёт қулай қонун ва йўналишлар, схемалар, образлар, ситуациялар тўқиб чиқарадиган бадий ижодга очиқдан-очиқ қаршидир. Аини вақтда ҳаётда ҳамма нарса автор хоҳлаганидай бўлмайди. Шундай ҳам бўладики, одамлар ва фактлар авторнинг куч ва талантига оғирлик қилади. Ўз фантазиянг ҳамиша сенинг хизматингга тайёр, ҳаёт эса, аксинча авторга ҳеч қандай «хизмат» кўрсатмайди.

Хуллас, ишга ҳақиқий ижодий муносабатда бўлганда ҳеч кимга маълум бўлмаган жуда кўп меҳнат қилиш керак: кузатиш, сўраб-сўроқлаб билиш, қидириб топиш, ўнларча кишилар билан танишиш, улар орасида яшаш, улар билан бирга еб-ичиш, уларнинг турмушини билиш, касб-корини тушуниш, сўз-терминларини ўзлаштириш, баҳсларни, конфликтларни билиб олиш, уларнинг ички дунёси ва ҳис-туйғуларига кириб бориш ва ҳоказо. Буларнинг ҳаммаси автор воқеликдан олган нарсаларининг ўндан бири ҳам сарф бўлмайдиган тўрт босма листдан ошмаган ҳажмдаги уч соат кўрсатиладиган битта пьеса ёзиш учунгина қилинадиган ишлардир.

Мана, шунинг учун ҳам материал ҳақиқий ҳаётдан олинганда пьеса ёзиш жуда қийиндир. Аммо ҳақиқий ҳаёт акс эттирилган бундай пьесалар ўйлаб тўқилган, ҳатто, у қадар ёмон ёзилмаган тақдирда ҳам изсиз келиб кетадиган пьесаларга қарама-қарши ўлароқ драматургия ва сахна санъатимизни олға ҳаракат қилдирадиган, ривожлантирадиган ўзига хос мустақил янги асар бўлиб чиқади.

В. Панова ўзининг «Ҳунаримизнинг технологияси ҳақида бир неча фикрлар»<sup>1</sup> деган мақоласида биз драматурглар учун энг муҳим бўлган сюжет ҳақидаги масалани кўтаради. Бизда бу масала ҳаддан ташқари чигаллашиб кетган. Чигаллик шу даражага бориб етдики, эндиликда бир декорация ва бештагина иштирок этувчи шахсларни «сиғиштирган» сюжет асосида усталик билан ёзилган пьеса етук асар ҳисобланадиган бўлибди.

Ваҳоланки, сюжет мутлақо олғирлик, уйдирма, ҳийла-найранг ва тасодифий лўттивозлик натижаси эмас, у

---

<sup>1</sup> «Литературная газета», 1950, №-72.

кўнгил очиш воситаси ҳам эмас. Сюжет оддий, табиий, яъни бош конфликтдан, пьесанинг моҳиятидан келиб чиқадиган ҳаётӣ воқеа ва тўқнашувларнинг бир-бирига уланишидир. Сюжет, шунингдек, қотиб қолган тушунча эмас. Сюжетда фақат интрига бўлиши керак, деб ҳисоблайдиган драматург ва танқидчилар буржуа вульгаризаторлик позициясида турадилар.

Сюжет фикр, ғоядан, асарнинг конкрет мавзудан туғилади. У нима истаса шуни тўқийдиган авторнинг ўзбошимчалиги билан амалга оширилмайди. Сюжет иштирок этувчи шахслар ва уларнинг образли тузилиши билан ягона бир бутундир. Драмада образлар сўз вулқонида эмас, балки хатти-ҳаракатларда ифодаланади.

Сюжетсиз пьеса икки ҳолда: 1) пьесада бирон бир жиддий конфликт бўлмаганда, 2) муҳим нарсалар мақсадга ёпишмайдиган бегона, ёт нарсалар билан хиралаштириб юборилганда содир бўлади. Ҳар икки ҳолда ҳам томошабиннинг пьесани кўришга бўлган қизиқиши йўқолади.

Бу нарсалар фақат технологик нарсаларгина бўлиб қолмай, шу билан бирга, принципиал нарсалардир, чунки ҳар қандай уйдирмачилик «яхши», «кўнгил очувчи», «ҳаммабоп» сюжетни тайёрлашдан бошланади. Йўқ ердан сюжетни ўйлаб чиқариб бўлмаганлигидан, эски, бир неча бор ишлатилган драматик қолип ва схемалардан чор-ночор фойдаланишга мажбур бўласан. Кейин стахановчилар, учувчилар, олимлар, комсомоллар бу қолип ва схемаларга келтириб «уланади». Бошқача айтганда, бундай «ижод» ўз табиий қонун-қоидаларининг аксига қараб боради: автор сюжетни ҳаётдан олмайди, балки у кўпдан бери маълум бўлган формаларни ҳаётга уриб тақади.

Ана шунда кўпинча муқаррар бўлиши мумкин бўлган нарса юз беради (менда, масалан, «Қайиқчи қиз», ёки «Дунёнинг яратилиши»да, Софроновда «Бекетовнинг карьераси»да содир бўлганидек), яъни авторни таажжублантирадиган ва қаттиқ хафа қиладиган нарса, ҳаётга тўғри келмайдиган сунъий уйдирма келиб чиқади. Шундай бўлиши муқаррардир, чунки пьеса ёзишда тайёр сюжет схемалари ва шаблонлардан фойдаланиб, биз сунъий сюжетда иштирок этувчиларнинг ахлоқ, ҳис-туйғу, одат ва характерларини белгиловчи сунъий хатти-ҳаракатлар тўқийганлигимизни унутиб қўямиз.

Бир масала кетидан иккинчиси келиб чиқмоқда. Сюжет ҳақидаги масала технология ва расмий соҳадан мафкура соҳасига кўчади. Бошқача бўлиши мумкин эмас: бизнинг шароитимизда воқеликни ўрганиш драматург ижодий ишининг юксак жараёни ҳисобланади. Фақат шундагина сюжетлар қотиб қолган, уйдирма схемалардан эмас, балки воқеликнинг ўзидан вужудга келади, улар ҳаётини материални ўрганиш натижасида келиб чиқади.

Драматургиянинг жони конфликт, асоси тўқнашувдир. Худди ана шу конфликт драматик асарга жон киргизади, ҳаракатга келтиради ва уни охирига еткази.

Пишиқ, кескин сюжетларга эга бўлмаган пьесалар эмас, балки иштирок этувчи шахслар роса жанжаллашиш у ёқда турсин, ҳатто тузукроқ баҳслашадиган ҳам ҳеч нарса бўлмаган пьесалар томошабинни ранжитади.

Социалистик реализм драматургиясида тасдиқланадиган асосий фикр ҳал қилувчи ҳисобланади. Демак, ижобий қаҳрамонимиз — совет кишиси асосий конфликтни бошқаради ва ҳал этади. Бу қаҳрамоннинг шахсияти қанча бой ва қизиқарли, диққатга сазовор бўлса, асосий конфликт шунча чуқур бўлади.

Аммо биз ўз пьесаларимизда ҳамма вақт ўзини яхши, ижобий қаҳрамонгина эмас. . . Йўқ! Энг ижобий қаҳрамон деб кўрсатувчи талтайган қаҳрамонни тўқишга зўр бериб уринамиз. Мана шу бемаъни мақсад учун хатти-ҳаракат ва ситуациялар тўқилади ва ёзувчиликда муқаррар бўлиши мумкин бўлган нарса келиб чиқади, яъни ҳаётини ҳақиқатга ҳеч бир риоя қилинмайди.

Бу қаҳрамон Энгельс таърифлаган аллақайси метафизикка ўхшаб қолади. Энгельснинг сўзича, бу метафизик «бир-бирига мутлақо алоқаси бўлмаган қарама-қаршиликлар билан фикр қилади; унинг сўзи «ҳа-ҳа, йўқ-йўқ, бундан бошқаси шайтоннинг иши, — дейишдан иборат бўлади».<sup>1</sup>

Ҳаётда ижобий ва ҳақиқатан чинакам намунали совет кишилари талтайиб кетмайдилар, ўзларининг юксак ғоявий, ахлоқий сифатларини исботлашга ҳаракат қилмайдилар, бундай кишиларда коммунистик сифатлар хўжа кўрсин учун эмас, ҳаётини вазиятнинг талаби билан,

<sup>1</sup> Ф. Энгельс. «Анти-Дюринг». Ўздавнашр, 1957, 27-бет.

зарурият юзасидан келиб чиқади. Умуман олганда, улар бошқа ҳамма кишилар каби яшайдилар, яъни куладилар, йиғлайдилар, хафа бўладилар, ўз симпатия ва антипатияларига эгадирлар, ҳатто заиф томонлари ҳам бўлади... Шунинг учун улар ўртасида пайдо бўладиган конфликтлар ҳам уларнинг характери ва шахсий хусусиятларини акс эттиради. Албатта, драмада шахслар, биринчи навбатда асосий кишилар мукамал типиклаштиришни талаб қилади. Бироқ, жонли типиклаштириш бошқа-ю, бутун ҳаёт бўёқлари ва жилвалари танлаб олинган схема бошқа-дир.

Ҳаётда конфликтлар кўп. Кўпинча пьесаларда биз учинчи саҳифадан бошлаб конфликтнинг характерини, хусусиятини билиб оламиз. Нега? Ўз-ўзидан маълумки, биз кўпинча типик шахслар сифатида тақдим этаётган ўта ижобий қаҳрамонлар диалектикани тан олмайдилар, тараққий этмайдилар, ўзларининг метин постаментларида қимир этмай турадилар. Ҳатто диққатга сазовор янгиликлар бўлган пьесаларда ҳам бош ижобий қаҳрамон атрофида вақтинча адашганлар тез-тез парвона бўлиб турадилар. Аммо бош қаҳрамон атрофидаги бу кишилар пьеса тараққиётига мутлақо ёрдам бермайдилар, чунки қаҳрамон пьесага қандай кирган бўлса шундайлигича, ҳеч бир ўзгармай чиқиб кетади.

Бизнинг пьесаларимизда кўпинча илғор новатор билан амалпараст директор ўртасида конфликт келиб чиқади. Наҳотки, ҳозирги замоннинг энг муҳим темаларидан бўлган янгилик билан эскилик ўртасидаги кураш бирдан-бир конфликт ёмон раҳбар билан шу раҳбар ҳалақит берадиган новатор ўртасидаги тўқнашувдангина иборат бўлса? Ҳаётда конфликт фақат ана шу тўқнашувдангина иборат эмас. Драматургияда бу мотив аслида бир мақомда қайта-қайта куйланмоқда.

Ижобий қаҳрамонга нисбатан реал муносабатда бўлиб, сунъий муҳит тўқимасдан, уни жонли муҳит билан боғлиқ равишда тасвирлаб, бу қаҳрамон ўзига хос шахсий индивидуал хусусиятларга эга эканлигини унутмасдан иш қилсақ, биз ўз драматургиямизни янги, ўзига хос қаҳрамонлар билан бойитамиз, бу қаҳрамонлар янги, замонавий конфликт ва сюжетлар тақдим этади. Ана шунда «ўта ижобий» қаҳрамон-новаторга сюжет схемаси бўйича тўқилган тўсиқларни ёпиштиришга ҳожат қолмайди.



Бунга осонгина уйдирмачилик йўли билан эмас, балки фақат шу шарт биланки, ҳозирги замонга бағишланган ҳар бир пьеса ҳаётни чуқур ўрганиш натижасида ёзилган тақдирда эришиш мумкин.

Қонфликт учун, менимча, бир хил қоида бор: конфликт чинакам ҳаёт ҳақиқатини жамиятимиз ўз олдига қўйган мақсадлар билан мувофиқ равишда акс эттириши керак.

1950 — йил.

---

### БИРИНЧИ САҲИФАНИ ЁЗИШ ОЛДИДАН!

Ёзувчининг меҳнати фақат ёзув столи ёнидагина бўлмайди. Уйлаб қўйилган китобни бевосита бошлашдан, биринчи саҳифани ёзишдан олдин одатда узоқ ва хилма-хил тайёргарлик ишлари олиб борилади: фактлар ўрганилади, одамлар билан суҳбат ўтказилади, материал йиғилади.

Бундай олдиндан тайёргарлик ишлари олиб бориш даври турли ёзувчиларда хилма-хил бўлади, албатта. Бу ҳақда ҳикоя қилинар экан, умумлаштиришга даъво қилмай, шахсан ўзининг тажрибангдан далил келтирганинг, муваффақиятларинг ва муваффақиятсизликларингдан баъзи практик фойдали хулосалар чиқарганинг маъқулроқ деб ўйлайман.

1949 йили «Қурашаётган Хитой» деган очерклар китобимни ёздим. Бу китобнинг кўпгина камчиликлари борлигини тан олсам-да, барибир, худди шу китоб устида тўхталиб ўтмоқчиман. Чунки, шу китобни ёзишга тайёргарлик кўрар эканман, бир томондан ёзувчи ва журналист сифатида илгари ҳам дуч келиб юрган вазифаларга йўлиққан бўлсам, иккинчи томондан, бу гал материал олиш ва янги материални ўрганишда шундай қўшимча қийинчиликка дуч келдимки, булар ҳақида тўхталиб ўтиш фойдали деб ҳисоблайман.

1949 йилнинг ноябрида Жанубий Хитойга, Халқ озодлик армиясининг ҳаракатдаги қисмларига корреспондент

---

<sup>1</sup> Мақола Горький номидаги Адабиёт институти студентлари билан суҳбат асосида ёзилган.

сифатида жўнаб кетдим. Мен, дўст, лекин менга жуда кам таниш мамлакатга, менга тамомила бегона тилда сўзлашувчи кишилар орасига бориб қолдим. Турмушида, урф-одатида минглаб номаълум хусусиятлар. Кузатиш майдони ажойиб, бепоён деса бўлади. Одатда Ватанимиз ҳақида ҳозирги замон темасида китоб ёзиш учун керакли материал тўплаганингда шундай бўлади: воқелар асосан таниш бўлади, ёзаётган нарсамизнинг кўпини ўз бошимиздан кечирганлигимиз учун баъзи ёки кўпгина етишмаган қисмларини тўлдириш билан кифояланишга тўғри келади, холос. Бу гал эса аҳвол жуда мураккаб эди. Мен умуман деярли ҳеч нима билмас эдим. Нимага дуч келсам ҳаммасини билишга, тушунишга ҳаракат қилишим керак эди.

Бунинг устига: мабодо шу қисқа сафар давомида бирор нарсани шу ерда, Хитойнинг ўзида билолмай қолсам, буни — бутун жонли тафсилотлари билан кейин ҳеч қачон билолмайман деб ўйлардим. Агарда кейинчалик керак бўладиган нарсаларни ҳозир текшириб олмасам, кейинчалик муфассал текшириб олишнинг сира иложи бўлмайди. Бирон факт ёки ҳодисага дуч келганимда бу нарсадан бир оз бўлса-да хабардорман, тафсилотларини кейинчалик биларман, тушуниб оларман, десам аҳвол чатоқ бўлади: қўлимга кирай деб турган энг зарур деталлар, сувдан олиб чиқилган жойида қармоқдан чиқиб сувга тушиб кетган балиқдек, қўлдан чиқиб кетади...

Ҳар қадамда бундай хавф-хатарга дуч келиб турамиз. Бу ялқовлигимиздан, ўзимизга ўзимиз талабчанлик билан қарамаганимиздан келиб чиқади. Агар шу ялқовликни енгсак, катта материаллик бўлиб оламиз. Агарда ялқовлик устун келса — чиқадиган китобимизнинг энг муҳим, энг қимматли қисми бўла оладиган тафсилотларни қўлдан бериб қўямиз.

Шундай қилиб, курашаётган Хитой ҳақидаги очерклар учун материал тўплар эканман, кўрган нарсаларимнинг деярли ҳаммаси ҳақида суриштиришга тўғри келарди. Деярли ҳар доим таржимон орқали гаплашишга тўғри келгани учун ҳам бу анча мушукул иш эди.

Хитойда муҳожирлардан бўлаклар ҳам таржимонга муҳтож бўлиб туради. Масала шундаки, Хитойнинг турли районларида яшовчи аҳоли турли шевада сўзлашадилар. Масалан, агарда кантонлик киши Пекинда ўз ше-

васида нутқ сўзласа, унинг гапини шимолликлар яхши тушуниши учун, албатга таржимон керак бўлади.

Бир неча ҳамсуҳбатлар орасида — турли районларда яшовчи одамлар ўртасида бўладиган суҳбатлар кўпинча шундай характерда бўлади: бир-бирларининг гапини тўлдириш, сўзловчилар эса аниқроқ тушунтириш ниятида бир сўзни ҳар куйга солиб айтишарди, тушунчани тасвирловчи иероглифларни ёзишарди. Хитой тилидаги турли диалектда, турлича айтиладиган сўзлар бир хил иероглиф билан ёзиларди. Шунинг учун ҳам кўпинча одамлар бир-бирига гап тушунтирадиган бўлса, иероглифга мурожаат қилар, бармоқ билан ҳавога ёки кафтга ёзиб кўрсатарди. Ниҳоят, айтилган сўзнинг маъносига тушуниш учун қилган кўпчиликнинг ҳаракати бежиз кетмасди. Лекин, бу аҳвол материал тўплайдиган одамга анча оғир тушарди. Мана шунда кишининг интизоми синаларди: факт олишнинг, шарт-шароитга тушунишнинг бунчалик қийинлиги журналистлик ва ёзувчилик интилишига синов бўларди. Шуни ҳам айтиб ўтишим керакки, материал олишда шошилиб, бўшанглик қилиб қолдим дегунча ҳамма вақт ишим хом бўлар, китобимнинг шу саҳифалари муваффақиятсиз бўлиб чиқарди.

Хитой Халқ-озодлик армияси жангчиларига хос муҳим хусусиятларидан бири шуки, улар ниҳоятда камтар. Бу айни вақтда ҳам халқ характерининг хусусияти, ҳам коммунистик партия томонидан тарбияланган хусусиятдир. Армия сафидаги мен учратган одамлар, одатда, ўзлари ҳақида гапиришдан тортинишар, умумий характердаги маълумот бериб қутулишга ҳаракат қилишарди. Ваҳоланки, армия босиб ўтган йўл, у ёки бу операциянинг қандай ўтгани ҳақидаги маълумотни армия қўмондони ёки сиёсий комиссардан тўла-тўқис олишим мумкин эди. Взвод командири ёки жангчидан эса жонли ҳикояни, бевосита таассуротларини, ўз ҳаёт йўлларини тасвирлашларини кутардим.

Ҳар гал бирон одам билан қизиқиб қолиб, шахсан ўша одамнинг ўзига мансуб савол берганимда, ҳамсуҳбатим ўзи ҳақида гапиришга тортинар, нега унга қизиқиб қолганимга ҳайрон бўлиб, корреспондент сифатида унинг ўзига бўлган қизиқишимни қониқтиришдан воз кечарди.

Назаримда ўша солдат ўзига-ўзи: «Мен халқ армиясининг оддий солдатиман-ку, нега энди фақат мен тўғримида гапириш керак экан?»— деб савол бергандай бў-

ларди.— Мен босиб ўтган йўл — армия босиб ўтган йўлнинг ўзи-ку. Армиянинг йўли эса минглаб, миллионлаб менга ўхшаш одамлар босиб ўтган йўлдир».

Шундай одам билан гаплашганда, иш манфаати нуқтаи назаридан туриб муғомбирлик қилишга тўғри келарди. Шундай пайтларда мен ўзимни бу одам шахсан сира қизиқтирмайдигандек, у ёки бу воқеанинг қачон, қандай шароитда юз берганини билиб олишни истаётгандек қилиб кўрсатардим. Шу баҳонада ўша одамнинг ўзи шу ҳодисага қандай қарайди, нималарни кўрди, нималарни эшитди, нималарни ҳис этганини билиб олишга уринардим.

Хитой ҳақидаги китобни ёзиш билан боғлиқ бўлган мисоллардан бошқа мисолларга ўтмоқчи бўлсак, келажакда ёзмоқчи бўлган китобингга тахминан материал йиғишда муҳим аҳамиятга эга бўлган элемент шундан иборатки, автор ҳамсуҳбатини қизиқтира олиши, унда бўлажак шу китобга қизиқиш уйғотиши керак, деб ҳисоблайман.

Сўхбат пайтида ҳамсуҳбатингни йўлга солар экансан, фикрларнинг одам тафаккури занжирига тизилиши тартибидаги ўзига хосликни назарда тутиш керак. Ҳаётда бундай ўзига хосликни кун сайин, соат сайин кузатамиз-у, лекин ўз ишимизда, керакли материал тўплаётганимизда, одамлар билан суҳбатлашиш пайтида, кўпинча буни унутиб қўямиз. Тафаккур занжири илмоқдор, мураккабдир. Бунда фикрлар бир-бирига боғланиб келади-ю, лекин бу боғланиш ҳамма вақт ҳам мантиқли бўлавермайди. Лекин шунга қарамай, ҳамсуҳбатимиз сўзларида ўзимизга керакли аниқ деталларни, шароитнинг аниқ тасвирини топиш учун, тафаккур занжирининг қайси бўғинидан ушласак шунга эришиш мумкинлиги ҳақида ўйлаш керак. Энг яхшиси ўзингни ўша одам ўрнига, ўша воқеалар орасига қўйиб кўриш, шу йўл билан воқеаларни аниқроқ гавадалантиришга эришишдир.

Масалан, ҳамсуҳбатингиз сизга икки воқеани гапириб беряпти деб тасаввур қилайлик.

Биринчиси: унинг ўртоқлари атакага боришаётган эди, тўсатдан милага дуч келиб ҳалок бўлишди.

Иккинчиси: ҳамсуҳбатингиз ёлғиз қолган, лекин шунга қарамай, атакага отилган.

Бундай ҳикояда иккала факт ўртасидаги алоқа йўқолган. Ўша одамнинг бундай ишга отланишга мажбур

этган сабабни, унинг психологиясини ўрганиш учун бўлиб ўтган ҳодисани тасаввур этиш керак. Бунинг учун эса, ҳамма тафсилотларни яхши ўрганиш лозим. Масалан, мина қаерга келиб тушди, ўртоқлари қаерга йиқилди, ҳикоя қилувчининг ўзи қандай қилиб тупроқ тагила қолиб кетди, ҳалок бўлганларни қандай қилиб кўриб қолди, қачон, қайси дақиқада қасос олиш иштиёқи вайғонди? Бир неча умумий қуруқ гаплар ортидан кўплаб ишончли тафсилотлар чиқади, албатта.

Мана, у дўстининг мажакланиб кетган гавдасини кўриб қолди. Ҳозиргина ёнма-ён жанг қилаётган шеригининг афтини таниб бўлмади. Кўни кечагина бир сафла туришарди, окопда ёнма-ён ётишарди...

Бундай пайтларда вақтнинг ўтиб кетаётганини ўйламай, вақтни кизганмай, воқеа деталларини сира эринмай бирин-кетин суриштириб шундай билиб олиш керакки, воқеа оқимининг қандай ўтгани аниқ бўлиб қолсин.

Бизга: «Аввал мина тушди. Кейин ўзим атакага отилдим» дейишди. Шу икки факт ўртасида нималар юз берди? Худди ана шуни очиш, аниқлаш лозим. Буни аниқлар эканмиз, ҳамма вақт фикр ва ҳаракат занжири қандай тузилишини эсда тутиш керак.

Бунда ўз иродангизни ишга солишингиз катта роль ўйнайди. Ипнинг учини топиб олдингизми қўйиб юбормай, чигални охиригача ечишга ҳаракат қилишингиз керак. Қўлдан чиқариб юбориш эса, жуда осон. Сал бўшашдингизми — ҳамсуҳбатингиз буни сезади: у ҳикоясини бошлаган пайтида эслаган таассуротларини хаёлидан қочириб юборади.

Бўлиб ўтган бир воқеани инсон гоҳ юзаки, гоҳ чуқурроқ эслаб айтиб бериши мумкин. Бу, у одамнинг воқеага қайси нуқтаи назардан туриб қараганига боғлиқ. У воқеани юзакигина ҳикоя қилиши ҳам мумкин, шунингдек ипидан игнасигача сўзлаб бера олиши мумкин.

Воқеани майда-чуйда деталларигача аниқлашга уринар экансиз, асарнинг ўткирлиги фикрларнинг теранлигидангина эмас, балки аниқ тафсилотлар йиғиндисига ҳам боғлиқ эканини унутмаслик керак.

Бундай тафсилотларни тўлиқ оламан десангиз, ҳамсуҳбатингизни баъзан юзаки хотиралар билан чекланиб қолишига йўл қўймаслигингиз керак.

Ҳамсуҳбатни йўлга солиш усулини ишлатишнинг ҳам оқибати ёмон бўлиб чиқиши мумкин. Бундай пайтда

ёзувчи ҳамсуҳбатини йўлга солиш, хотираларининг чуқур қатламларини очишга ёрдам бериш ўрнига ўзи эшитишни истаган нарсасини айтиб бериб туради. Ҳақиқий тафсилотлар ўрнига автор ўзи ўйлаб чиқарган деталларини айтиб бериб туради.

Бу журналист ва ёзувчиликка хос хато бўлиб, материал тўплашдаги кераксиз шошқалоқлик натижасидир. Бу хато кўпинча ёзувчи ёзадиган ишини олдиндан барча деталларда тўлиқ тайёрлаб олган пайтда юз беради. Бундай пайтларда у одам билан билимини ошириш учун суҳбат қилиш ўрнига, ўзини текшириш учун суҳбатлашади; у ҳамсуҳбатига шахсан ўзи ўйлаб топган хотиралар мазмунини юклайди-да, кейин шундай деб тўғри тасаввур қилган эканман, деб бекор севинади.

Бундай пайтларда, айниқса ҳамсуҳбатингиз кўнгилчан киши чиқиб, айтганингизга қўшилиб кетаверса, зарардан бўлак нарса бўлмайди.

Мана бундай манзарани тасаввур этайлик.

Икки одам ўтирибди. Уларнинг бири ёзувчи. Иккинчиси ёзувчи гаплашаётганини, ёзувчи не мақсадда у билан суҳбатлашаётганини билиб турган бошқа бир одам. Бу одам назарида оддий бўлиб кўринган бир воқеани ёзувчи бир қадар улуғворлаштириб, гўзаллаштириб, бошқача қилиб тасвирлаётгани унга хуш келади. Бундай пайтларда ҳақиқий фактлар ва ҳамсуҳбат бошидан кечирган туйғулар ўртасида тафовут кўп бўлмаса, у одам, яъни ўша ҳамсуҳбат ҳаммасини ҳам ёзувчи тасвирлаган даражада ҳис этмаган бўлса-да, камтаринлик қилади-да, баҳслашмай қўя қолади. Ёзувчи учун шундай бўлгани дуруст экан, шундай бўлса бадиий бўлар экан, деган хулосага келади.

Бундай пайтларда ҳақиқий ҳаёт материали ўрнига ёзувчи ю з а к и материал олади, холос.

Бу кенг тарқалган хатолардан бири бўлиб, ўз ишимда мен ҳам бундай хатоларга йўл қўйганман. Бу хато ишга катта халақит беради, шунинг учун бу хатони ҳеч қачон эсдан чиқармаслик керак.

Баъзи ёзувчи суҳбатни дарҳол тезлаштириб юбораман, деб адашади.

Ёзувчи суҳбатдошидан энг қизиқ воқеани томдан тараша тушганидек сўраб, дарров билиб оламан, деса ҳам адашади.

— Қани, менга энг қизигини сўзлаб беринг. 1941.

йилнинг августида Одесса яқинидаги Н. пунктида бўлиб ўтган жанглар ҳақида сўзланг, биринчи бор орденни қандай қилиб олганингизни айтиб беринг.

— Бунинг нимасини айтаман, ўртоқ ёзувчи?

— Эсингизда жуда яхши қолган, ўзингизга жуда қизиқ кўринган воқеани айтиб беринг.

Қарабсизки, суҳбатдошингиз «энг қизиғи» ҳақида шу тақлидда ҳикоя қила бошлайди:

— Уша кунни қўмондон келган эди... Кейин атакага бордик... Иккита пулемётни қўлга туширдик... Энг қизиғи шу бўлса керак.

Баъзан камтаринликдан шундай лўнда-лўнда гапирдилар, баъзида эса суҳбатдошингиз сизнинг вақтингизни бекорга олгиси келмайди, «энг» қизиғини гапиринг» деган сўзингизни эшитиб, бу одам шошиб турган экан деб ўйлаб, гапни қисқа қилиб қўя қолади.

Аммо, сиз шу куннинг барча тафсилотларини секин-аста суриштира бошласангиз, эрталаб нима бўлганидан бошлаб сўрайверсангиз, суҳбат давомида жуда қизиқ деталларни аниқлайсиз.

— Ҳаво қанақа эди?— деб сўрайсиз.

Бундай пайтларда суҳбатдошингиз ҳавонинг қандай бўлганини эслаши катта гап, чунки шу кунни бошидан кечирган кечирмалари ҳавонинг қандай бўлгани билан боғлиқ. Емғир ёғаётганмиди ё ҳаво очиқмиди? Осмонда булут бормиди ё қуёш қиздираормиди? У киши исиб кетганмиди ё совуқ қотганмиди? Ўзини қандай ҳис этганлиги, қандай тутганлиги ҳаммаси шу билан боғлиқ, қарабсизки, биринчи қараганда икир-чикир бўлиб кўринган эзмалик орқасида ниҳоятда зарур бўлган тафсилотларни билиб олибсиз.

Бир кунни бир одам билан қилган суҳбатим, кейинчалик менга ҳикоя учун материал берган эди. Биринчидан мен воқеаларнинг изчиллигини билолмай қийналдим. Суҳбатдошимнинг гапига қараганда воқеа бундай бўлиб ўтган эди: солдат ўз взводи билан биргаликда атакага борган, жанг қилиб немис окопларини эгаллаган, кейин негадир яна взводи қолдириб кетган позицияда пайдо бўлиб қолган-у, взводига боришида йўл-йўлакай душманнинг икки солдатини ўлдириб, «За отвагу» медали билан мукофотланган.

Бу қандай рўй берди? Кейинчалик маълум бўлишича, воқеа жуда оддий экан. Солдат тамаки солинган бан-



касани окопда унутиб қолдирган экан. Атакадан сўнг жуда чеккиси келиб қолибди-да, фақат ўзигагина эмас, тамакисиз қийналаётган ўртоқлари учун тамаки олиб келиш мақсадида орқасига, ташлаб чиқилган окопга қайтибди. Бутун взводда бор-йўғи ўшанинг банкасидаги тамаки қолган экан. Тамакини олиб қайтишида буталар орқасида писиб ётган икки немисга дуч келибдию, икковини отиб ўлдирибди.

Бутун шу шароитни ҳамсуҳбатим менинг саволимга биноан ўша куни ҳаво қанақалигини айтаман деб, ёмғир ёғиб турганини, лойгарчиликни, позицияга кўпдан буён тамаки келтиришмаганини эслади. Мана шу кичик деталь жонли хотираларини бирин-кетин очиб берди.

Бундай мисоллардан жуда кўп келтириш мумкин. Булар «энг қизиғи»ни олдиндан кўриб олишга ҳаракат қилмаслик кераклигини тасдиқлайди. Баъзан суҳбат бошида одамда қизиқарли, кўзга ташланадиган хислатларни кўрмаймиз. Кейин шошмасдан, аста-секин, одамга ҳар томонлама яқинлаша бошлайсиз, қарабсизки, унинг ҳаётида, характерида шундай қизиқарли хислатлар чиқиб қолибдики, шу одамнинг бундай хислатларга эга экани етти ухлаб тушингизга ҳам кирмаган эди.

Бир одамдан материал олмоқчи бўлдингизми, сизни ҳамма нарса қизиқтириши керак. Ахир одам тўла-тўқис сиз олдиндан тасаввур этган ҳолатда яшамайди-ку. У одам, сиз кейинчалик ёзган асарингизда тасвирлаган ҳолда ҳам яшамайди, албатта. Маълумки, суҳбат давомида эшитган тафсилотларингиздан ҳам тўла фойдаланишнинг иложи йўқ. Аммо шуниси борки, жуда кўп жонли, ҳақиқий деталлар орасидан адабий режангизни амалга оширишда жуда зарурларини танлаб олиш имкониятига эга бўласиз.

Инсон ҳаёти хилма-хилдир. Ана шу кишилар ҳаётидаги хилма-хилликни ҳис этишгина китобнинг яхши чиқишига ёрдам беради, ўқувчига манзур қилади.

Одамлар билан суҳбат қилганда, кейинчалик ёзувчига қаҳрамонини, унинг бутун фикри-зикри, туйғуси ва одатлари билан характерлашга ёрдам берадиган хислатларини топиш учун нима қилмоқ керак?

Масалан, бир соатдан кейин атакага боришдан хабардор бўлган солдатнинг окопда қандай ўтирганини кўрсатишингиз керак дейлик, қаҳрамонингиз аниқ, блокнотингизни очасиз, қаламингиз тайёр.

Ҳамсуҳбатингиздан ўша пайтда нима қилганини сўрайсиз. У сизга: «Уйладим», деб жавоб беради.

Ҳақиқатан ҳам тўғри жавоб. Лекин, сизга бу камлик қилади. Жангчининг ўша пайтдаги фикри-зикрини яхши тушуниш учун шу саволга тўлиқроқ жавоб олишингиз керак: айнан нима қилганини билмоқчисиз. Шунини аниқ билиш унинг руҳий аҳволини, фикри-зикрини тушунишингизга ёрдам беради.

Суҳбатдошингизга бир қатор зарур, равшан, мантиқий саволлар бера билиш — ўқувчи олдида қаҳрамоннинг психологиясини очиб беришни ўрганишга олиб боради.

Баъзан танқидчилар руҳий ҳолатни кўрсатишга берилиб кетган, деб ҳам сўкадилар.

Руҳий ҳолатни кўрсатишга ортиқча берилиб кетишлар ҳам бўлади, албатта. Адабиётчи ёзаётган нарсасини, қаҳрамонларининг ички кечирмаларини яхши билмасан, лекин бунини яширмақчи, ўзи тасвирлаган қаҳрамонни жуда ақлли, кўпни кўрган одамлигига ўқувчини ишонтирмақчи бўлса шундай қилади. Ана шунда инсон аҳвол-руҳиясини кўпиртириб юбориш бошланади: адабиётчи илгари турли одамларда, ҳар хил вазиятларда учратган кайфиятлар, ҳиссиётлар, кечирмалар, фикрларни асар қаҳрамонига тақиштиради. Ёзувчини, яхши психолог экан деганларида шу ёзувчининг китобида психологик деталлар кўп экан деган гапни тушуниш керак эмас. Бу ёзувчи инсоннинг фикри-зикри, аҳволини яхши билганидан жуда кўп кузатишларга таяниб, бирон ҳодисани тасвирлаётганида энг муҳим, ҳақиқий, теран томонларини киритади демакдир.

Ҳақиқий қ и з и қ а р л и асар қунт билан узоқ ишлаш натижасида рўёбга чиқади. Хоҳ «қизиқ» бўлсин, хоҳ «қизиқмас» бўлсин, ҳамма фактларни тўла билгандагина яхши тасвирлаш мумкин.

Асар ёзишга киришилар экан, материални тўла ва аниқ билиш керак. Одамнинг ҳиссиётлари ва қилган ишлари айниқса аниқ бўлиши, асар қаҳрамонининг қилган ишлари, фикри-хаёли ҳаёт ҳақиқатига таяниши керак.

Ёзувчининг тайёргарлик ишларидаги аниқлик бор-бора китоблари бадийлигининг муҳим элементига айланади.

Кўпинча бирон китобни мақтаганларида: «қисқа, лўнда ёзилипти» дейдилар. Лекин, улар қисқалик, лўндалик

принципини ҳамма вақт ҳам тўғри тушунавермайдилар. Ҳаёт жуда кўп миқдордаги тафсилотлар, сон-саноқсиз деталларни ўз ичига олади. Ҳақиқий лўндалик тафсилотлардан қочиш ҳисобига бўлмайди. Кенгроқ қилиб айтадиган бўлсак, шуни айтиб ўтиш керакки, фактларга бепарво қараш натижасида эмас, балки олдиндан ҳеч эринмай факт тўплаш билангина умумлаштирмаларга эришиш мумкин.

Бунда энг муҳими — барча тўпланган факт ва ҳодисалардан энг кераклигини, баъзан майда бўлса-да, жонли ҳаётни кўрсатиб беришга қодир бўлганини танлаб олиб ишлатишдадир. Ҳақиқий бадий лўндалик деб ҳам шунга айтилади.

Факт ахтаришда, одамлар билан суҳбат қилишда эшитганингни ҳаққоний ва яхши ёзиб ола билиш ҳам катта роль ўйнайди. Стенограф бўлмасанг, ҳаммасини батафсил ёзиб ололмайсан, албатта. Ёзиб олаётганингда ҳикоя қилувчининг жонли оҳангини, талаффузидаги ўша одамнинг характерини очиб берадиган томонларини, унинг ҳикоя қилинаётган нарсага бўлган шахсий муносабатини кўрсатадиган томонларини қўлдан бериб қўйиш мумкин. Шунинг учун ҳам блокнотга ҳамсуҳбатингиздан олган зарурий тафсилотлардан ташқари, ўша одам қўллаган жонли сўзларни ҳам, гапининг ифодаси, ишлатган ибораларини ҳам, хуллас, ҳамсуҳбатингизнинг сўзлашдаги портретини қисқача қилиб ёзиб қолишга ҳаракат қилишингиз керак. Бунда хотирага ишонмоқ ярамайди. Кўп тафсилотлар ўйлаганингиздан кўра анча илгари унутилиб кетади.

Баъзи асарларга хос камчиликлар гапдаги жонли оҳангни йўқотиб қўйиш натижасимасмикан? Баъзан китобларда одамларнинг қандай гаплашаётганини ўқиб қоласан: улар автор истаган гапни бир тартибда гапиришади, бундай қарасанг, гаплари ҳам тўғри. Аммо, ўқиган сайин персонажлар тилидаги сунъийликни, зўрма-зўракиликни сезасан. Мабодо сиз билан гаплашаётган одам, бутун гапи давомида бирон марта бўлсин чеҳрасини ўзгартирмаса, қимирламаса, бошини қимирлатмаса, қўлини кўтармаса, сизда унга нисбатан бир ҳис уйғонса керак эди. Бундай қараганда тўғри гаплар, лекин уни одам гапирипти демайсиз, уни гапираётган ҳайкал.

Фақат хотирангизгагина таянадиган бўлсангиз жуда кўп зарур нарсалардан айрилиб қоласиз. Бунга наза-

рингизда бутун икир-чикиригача сизга ёд бўлиб кетган куни кечагина ўтган воқеалар ҳақида китоб ёзганингизда айниқса, ишонч ҳосил қиласиз.

Бошда бу китоб устида ишлаш учун ҳеч қандай материал керак бўлмайди: ҳаммаси ёдимда, ёдимдан чиққанларини эса, эски блокнотларимдан топиб оламан, деб ўйлайсиз.

Иш бошлаганингиздан кейин қарабсизки, аҳвол тамомила бошқача: энг юзаки нарсаларни, кундалик ҳаёт тафсилотларини билмайсиз.

Бунда одамлар билан суҳбат қилишдан ташқари, билимингни бировнинг хотираси ёрдамида текширишдан ташқари яна бошқа катта бир таянч бор. Бу ёзмоқчи бўлган китобингиз даврида чиққан газеталардир. Даврнинг шарт-шароитини тўла гавдалантириш учун бир неча ёки кўп йиллардан кейин ҳам ҳамманинг ёдида қолган асосий воқеаларни эслатиб ўтиш камлик қилади. Бунинг учун ўша даврда мамлакатимизда ва халқаро аҳволда рўй берган жуда кўп майда, лекин кўпчиликнинг диққатига сазовор бўлган, оғиздан тушмай юрган воқеаларни билиш керак. Уша пайтларда қайси китоблар оғизда дoston бўлганини, қандай кинофильмларни томоша қилганликларини, театрларда қандай спектакллар қўйилганини, томошабинларни қандай спорт мусобақалари жалб этганини эслаш керак. Турмушнинг бу тафсилотлари аллақачон хаёлдан кўтарилиб кетган, газета эса ана шуларни ёдга солади. Газета китобингизда ҳаётнинг жонли нафасини, тасвирлаётган даврингизнинг такрори йўқ тафсилотларини гавдалантиришингизга ёрдам беради.

Одамлар билан суҳбатлашиш, факт ахтариш, газета комплектлари ёрдамида хотирангизни тўлдириш — шуларнинг ҳаммаси стол ёнига ўтириб иш бошлашдан олдинги «блокнот билан сафар қилиш»нинг зарурий этапларидир.

Агар шу ишда вақтингиз билан кучингизни аямаган бўлсангиз, агар бўлаётган воқиаларни аниқ кўрадиган ва тушунадиган қилиб астойдил материал йиғган бўлсангиз ёзадиган асарингизнинг муваффақиятли чиқишига ишонаверинг. Шундай тайёргарликдан кейин ёзган биринчи саҳифангиз пишиқ-пухта пойдеворга қўйилган гишт бўлади.

1952 йил.

ЕШ ЕЗУВЧИЛАРГА<sup>1</sup>

— Ҳар биримиз ҳам кўнглимиздагини ёзсақкина яхши чиқади. Буни алоҳида таъкидлайман. Санъат асари киши ўзи бирор нарса ёзишим керак, деб ҳисоблаганидагина эмас, балки ниманидир яратиш, ёзишишти ёқити туғилганида вужудга келади.

Санъат ва фандаги интилишнинг фарқи мана шунда: фан — бу билиш, тажриба, тажрибалар йиғиндиси, гоё, кашфиётдир. Санъат — бу образлар орқали ҳикоя қилинган, ҳис этилган шахсий турмуш тажрибалари, — умумлашма бўлишни даъво қилувчи шахсий тажрибадир.

Ҳар биримизнинг тажрибамиз шуни кўрсатадики, ижод қилиш жараёни — қаршилиқни енгиш жараёнидир. Материални енга олсангиз, ўз-ўзингизни ҳам енга оласиз.

Ижод жараёни ҳамма вақт тўсиқлар билан тўсилган, сиз уларнинг устидан ошиб ўтишингиз керак. Сизларга ҳамма вақт қийин бўлади. Ҳеч қачон, ҳеч ким осонлик билан ижод қилмайди, ижод қуйилиб кела бермайди. Ижод қилиш доим машаққатли, лекин қанча машаққатли бўлса, ёзган нарсангиз шунчалик яхши чиқади.

Бу тўсиқлардан қандай қилиб ошиб ўтиш мумкин? Ишонч билан айтиш керак, бунинг фақат битта йўли бор: бадий масалани ечиш имкониятларидан қайсиниси

---

<sup>1</sup> 1938 йил, 30 декабрда миллий республикалар ёш ёзувчилари конференциясида сўзланган нутқ. Нутқ тексти А. Толстой ҳаёт эканида босилган. «Новый мир» журналининг 1939 йил, 2-сонидан олинди.

сизга—қизиқарли туюлса, қайсиниси кўнглингизга яқин бўлса, ўшанисини танланг.

Бошқача қилиб айтганда, ўзингизнинг ҳар бир бадий ҳолатингизни шахсий нафратингиз билан синаб кўринг: шу нарсани ёзишга иштиёқингиз борми ёки йўқми? Агар ёқмаса, зерикарли бўлса ёзманг — барибир ёзганингиз билан бемаза, қалбаки нарса бўлиб чиқади. Фақат кўнглингизга ўтирсагина, ўзингизни қизиқтирсагина ёзинг.

Буни шунинг учун гапиряпманки, ёш, ҳали тажрибасиз ёзувчи кўп вақт кўнглига ўтирмаса ҳам, иштиёқи бўлмаса ҳам тўсиқлардан оша асар ижод этишга ҳаракат қилиб қолади. Кўнгил ғаш бўлатуриб, тўсиқлардан тармашиб ўтишга интилмаслик керак, балки руҳланиб, учиб ўтиш керак.

Бу гапни доим ёдингизда сақланг: санъат — образлар яратишдаги шундай жараёндики, санъаткорнинг ўзи учун ижод этиш қизиқ, ниҳоятда қизиқ, баъзан унинг яратган асари китобхонга қараганда ҳам ўзига қизиқроқ туюлади. Дарҳақиқат, гоҳо шундай ҳам бўлиши мумкин: ёзувчи жуда иштиёқ билан ёзади-ю, китобхон эса, кўнгилсизлик билан ўқийди. Бу нарса ёзувчида ҳали ифодалаб бера билиш малакаси йўқ-у, аммо у тўғри йўл топа олганлигини кўрсатади.

Санъат фанга ўхшаб—ҳаётни билиш демакдир. Фан (олимнинг йўналтирувчи ғояси ёрдамида) тажрибалар ёрдамида ҳақиқатни билиб олади. Тажрибалар, далиллар қанча кўп бўлса, илмий хулоса шунчалик аниқроқ бўлади. Агарда бирорта илмий-текшириш иши учун тажриба далиллари сон-саноқсиз кўп тўпланса, хулоса ҳам мутлоқ ҳақиқатга яқинлашган бўлади.

Санъат ўзининг умумлашмаси учун тажрибалар соҳни кўпайтиришга уринмайди. Санъат х а р а к т е р л и факт топиш учун интилади. . . Сиз бирорта кишини учратсангиз, у билан гаплашсангиз, кейин шу киши асосида давр типини яратишингиз мумкинлигини ҳис этасиз. Шундай бўлиши мумкинми? Мумкин.

Санъат, яна такрорлайман, (фанга нисбатан) оз тажрибага асосланади, лекин санъаткорнинг лу оз тажрибага асосланган к о м и л и ш о н ч и, «беорлиги» давринг умумлашмасини очиб беради. Достоевский твбанлашган, беватан, виждонсиз киши типини, эллик йилдан сўнг СССР Олий Суди томонидан сотқин, зараркуанда

ва жосус сифатида ҳукм қилинган Николай Ставрогин образини яратганида, аминманки, Достоевский ён дафтаридан фойдаланишдан ташқари, кўпроқ дилидаги ишончига суянган.

Мен ҳаётни кузатишнинг кераги йўқ, ён дафтардан фойдаланишнинг ҳам кераги йўқ, демоқчи эмасман, асло. Мен фақат ҳаётни эътиборсизлик билан (фактларни санабгина) кузатиш керак эмас, балки ҳаётдан ўз умумлашмаларингизнинг прототипларини қидиришларингиз керак, демоқчиман.

Сизлар, фалончини кузата туриб, шу одам давр типини яратишнинг учун материал бўла олишини нимага асосланиб билдингиз, деб сўрарсизлар? Виждонан айтишим керак: билмайман. Сизлар адашишингиз ҳам мумкин. Дадил киришаверинглар. Санъаткорнинг психик, ақлий, эмоционал томонлари ўрганилмаган. Қачон бўлмасин ўрганишади. Журъатли бўлинглар, ўз кучларингизга ишонинглар. Сиз — ўз кузатишларингиз ва туйғуларингизга суяниб туриб, — давр типини яратаётганингизни ҳис этасиз. Агар сиз шу ижодингизда алдам-қалдамга йўл қўймасангиз, агар руҳингиз тетик бўлса, — юз ҳодисадан тўқсон тўққизида сиз ижодий муваффақият қозонасиз.

Аксинча ғайри табиий қилиқлар қилиб, илжайиб, қадамни ўлчаб босиб, сал оғир келган жойда чапга босиб, ҳар кимга қулоқ солиб, кўп одамлар қалам урган нарсага қалам уриб судралиш — бу санъат эмас, бу шунчаки кор-ҳол учун қилинадиган қаламкашлик, зарарли ва юзсизларча қилинадиган қаламкашликдир.

Ў Санъаткор журъатли, совет даврининг буюк ғоялари билан руҳланган бўлиши керак. Майли, у хатоларга йўл қўйсин, хатолар — улуг нарсани яратиш йўлидаги зарурий бадий тажрибадир.

Жасорат кўрсатиш бизнинг ҳаммамизга сув билан ҳаводай зарур.

Кўпгина оғир сабаблар туфайли бизнинг санъатимиз ҳозиргача бериши керак бўлган самараларни бермай келяпти. Бизнинг санъатимиз тепасида турли фронтнинг зараркундалари озмунча «иш» кўрсатмадилар.

Масалан, РАПП «раҳбарлари»нинг яширин вазифалари совет санъатини совет халқи ва бутун дунё кишилари олдида шарманда қилишдан иборат эди.

Зараркунандалик адабиётимиз тараққиётига, шубҳасиз эришадиган оламшумул самараларига ҳалақит берди. Социализм қураётган халқнинг адабиётигина оламшумул юксакликларга кўтарила олади. Революцион давримиз жасорати адабиётда санъат жасорати сифатида янграмоғи керак. Шундай бўлиши ҳам шубҳасиз. Чунки бизнинг мамлакатимизда ёзувчилар умумхалқ ҳурмати, муҳаббатини қозонганлар, уларга доим партия ва ҳукуматимиз ғамхўрлик қилиб келди ва қилади. Совет Иттифоқида яшовчи барча халқларнинг адабиёти йилдан-йилга гуллаб яшнамоқда. Мукофотланган ёзувчилар орасида кўпгина миллатларнинг вакилларини учратишимиз бежиз эмас.

Санъат — нозик нарса. Зараркунандаларнинг қастдан қилган зарарлари, ҳар хил қиёфадаги хушомадгўй каллаварамларнинг ва бошқаларнинг фаросатсизлик билан етказган зарбалари туфайли санъатимиз жиддий талафот кўрди. Буни тушунишимиз керак ва бадий ҳамда маданий қолақлигимизга иложи борича кескин, дадил барҳам беришимиз керак.

Бизлар ижодий кучимизнинг равнақиға имкон беришимиз керак. Бунинг учун барча моддий ва маънавий имкониятлар бор. Бизда барча талантлар гулласин ва матбуотимиз саҳифаларидан жой олсин.

Сизларнинг ўртанғизда ижодий ишга яқинда киришган ёзувчилар бор, ўшаларга кекса ёзувчининг босиб ўтган йўлига назар ташлаш қизиқ бўлса керак.

Шунинг учун ҳам мен ўз ҳақимда баъзи нарсаларни ҳикоя қилиб бермоқчиман. Ўзимнинг иккиланганларим, тушкунликка учраганларим, умидсизланганларим, ҳаяжонланганларим ва бошқа нарсалар ҳақида ҳикоя қилмоқчиман.

15—16 ёшимдан шеър ёза бошладим. Бўлмағур шеърлар. 1905 йилги революция пайтида революцион шеърлар ёздим. Улар ҳам унчалик тузук эмас эди. У вақтда ёзувчи бўларман деган ўй хаёлимда ҳам йўқ эди.

Аммо ижод жараёнининг мазмуни мени доим ўзига тортар эди: мана— рўпарангда дафтар, ручка, сиёҳдон. Нимадир, яқин жойда, тилингниг учиди тургандай, аммо ҳозирча илҳом желмай турибди. Ўз ҳисларинг, хотираларинг, фикрларингни сўзда ифодалаб ёзгундай бўлсанг қоғозга хира бўлиб тушади.

Узоқ вақтларгача аҳволим шундай танг бўлган. Ёз



қунларининг бирида Қримда бир шоир французчадан қилган прозаик таржимасини ўқиб берди. Мени образларнинг ёрқинлиги, аниқлиги ҳайрон қолдирди. Эшитган нарсамга тақлидан бир нарса ёзиш хоҳиши туғилиб қолди. Мен ижодий ишни тақлидчиликдан бошладим. Яъни мен қандайдир бир канвага қўл ургандай бўлдим, ўз ижодий кучимни йўллашга қандайдир сўқмоқ йўл топиб олгандай бўлдим. Аммо бу йўл меники эмас, бировники эди.

Шундай қилиб, ҳис-туйғуларим, хотираларим, фикрларим шу йўлдан оқа бошлади. Орадан ярим йил ўтгач, мен ўз темамни топиб олдим. Булар қашшоқланаётган дворянларнинг ўтаётган ва ўтган дунёси тўғрисида онам ва қариндошларим айтиб берган ҳикоялар эди. Тентакларнинг жимжимадор ва аҳмоқона дунёси. 1909—1910 йиллардаги ҳужумкор капитализм фониди, урушдан олдин, Россия ярим мустамлака мамлакатга тез айланаётган бир пайтда,— яқин ўтмиш — бу тентаклар, ўтиб кетаётган крепостнойчилик даврининг типлари сифатида ўзларининг бутун улуғворлиги билан кўз олдимда намоён бўлдилар. Бу бадиий кашфиёт эди.

Ўзимнинг «Заволжье» деган биринчи китобимни ёздим. Менинг тўғримада кўп ёза бошладилар. Шундан сўнг ёзувчи бўлибман, деган қарорга келдим.

Аслида эса мен чаламулло ва сирти ялтироқ, ичи қалтироқ ёзувчи эдим. Мен на рус тилини, на адабиётни, на фалсафани, на тарихни тузук билар эдим. Ўз имкониётларимни ҳам, ҳаётни қандай кузатиш кераклигини ҳам билмас эдим.

Ўзимни оқлаш учун шуни ҳам айтишим керакки, бунинг барини тушунар ва қаршимда қандай хавф турганини сезар эдим. Мен бундан кейинги ижодий тажрибаларим биринчи «кашфиёт»имдан кучсиз бўлади, деб хавфсирар эдим.

Шундай ҳам бўлди. «Заволжье» деган китобимдан кейин бетоқат бўлиб қолдим: тема, услуб қидирдим, ҳаётни кузатишга интилдим, бироқ фойдали кузатиш учун менинг на тажрибам, на қўл келадиган қуролим бор эди.

Натижада қатор кучсиз ҳикоялар яратдим. «Заволжье»дан бошқа «Чўлоқ барин» ва «Тентаклар» деган романлар билан хотирамдагиларни ҳам тамомладим. Шу даврининг ўзини эса, ҳис эта олмас, уни тасвирлашни билмас эдим.

Мен ўзимнинг ожизлигимни жуда яхши билар эдим. Аммо ишни ўнглаш учун нимадан бошлашни билмас эдим. Ҳа муҳим вақтларда (1911—1912 й.) сизлар олаётган тематик ёрдам, гоёвий ёрдам бизларда йўқ эди.

Биз, ёш ёзувчилар, реакция қутурган ва интеллигенция айниган бир вақтда шаклланганмиз.

Уруш бошланди. Инсоният ларзага келди. Натижада давр тўфони бизларнинг баримизни тўлқинга тўшиб қолган хас-чўпдай ҳар қаёққа оқизиб кетди. Адабий салонлардан бошқани тузуккина билмаган ёш ёзувчилар даб-дурустан ҳаяжонланган ва ғазаби қайнаган одамлар ўртасига тушиб қолди.

Бизларнинг мактабимиз, шахсан, менинг ҳам мактабим шундай бошланган. Рўпарамда ҳаёт. Эндиликда мен бу ҳаётда дарчадан кўчага мўраловчи ёт кузатувчи эмас эдим, мен унинг энг гавжум жойларида бўлдим. Шундан кейин ҳаёт парчаларини санъатда акс эттирадиган қурол тўғрисидаги жиддий масала қаршимда кўндаланг туриб қолди.

Шу билан бир вақтнинг ўзида шу қуролнинг ўзи ўзининг шаклланиши учун ҳам хизмат қилиши керак эди, чунки санъат жараёни ҳамма вақт и к к и томонламадир. Санъаткор ўз санъати билан бирга улғайиб боради. Унинг санъати тасвирлаётган халқ билан бирга ўсади. Санъаткор ўзи ҳам бош қотираётган қаҳрамонлари билан бирга ўсади. ʘ

Бу қандай қурол бўлди? Бу қурол — шу ўринда ўз халқинг гаплашадиган тилдир.

Ҳа вақтда мен биринчи марта рус тилини билмаслигимни тушундим. Нега жумлани бундай эмас, ундай ёзганман? Нега бу сўзларни эмас, у сўзларни танладим? Тилнинг қонунияти нимада? Бу ўринда бадиий ўлчов қандай бўлиши керак? Чиройлими? Чиройли бўлса бордир — аммо бу ҳали ҳозирча камлик қилади. Эстетик ўлчов — қуруқ гўч, чунки, у воқеликдан, халқ ҳаётидан, унинг тарихидан узилиб қолган.

Мен рус халқ тилини эртақлар, қўшиқлар, «Сўз ва иш» салномалари, яъни XVII аср суд актлари, Аввакумнинг асарлари асосида ўрганишга киришдим. Мен уни ҳаётда эшита бошладим. Тилнинг сири нимада эканини тушуна бошладим.

Франция символистлари фикрни битта ягона жумла-

да ифодалаш мумкин, шу жумлани топиш керак, дейшар эди.

Санъаткор шу ягона, йўнилган жумлаларга суяниб иш кўриши керак. Шу ягона, йўнилган жумлаларни топиш учун—олмосдай тил учун курашуви керак.

Олмосдай тилга қандай эришиш керак? Уни қандай қилиб топиш керак? Бу тилнинг қонунлари йўқ. Бундай тилнинг грамматикаси йўқ, уни ясаб ҳам бўлмайди.

Аммо шундай, яъни олмосдай тилнинг ўзи мавжуд.

Инсон тили мураккаб маънавий ва жисмоний жараённинг якунидир. Киши миясида ва танасида ҳаяжон, ҳис-туйғу, ғоялар оқими, уларнинг ортидан эса жисмоний ҳаракатлар бетўхтов давом этади. Одам тўхтовсиз равишда қўлларини ҳаракатлантиради, имо-ишора қилади. Бу гапни ёмон маънода тушунманглар. Баъзан имо-ишора—амалга оширилмаган ёки энди қилинмоқчи бўлган имо-ишоранинг белгисигина бўлиши мумкин. Аммо санъаткор имо-ишорани қалбдаги товланишнинг қитдай натижаси сифатида сезиб ола билиши керак.

Имо-ишоранинг кетидан сўз келади. Имо-ишора жумлани аниқлайди. Агарда сиз, ўзингиз тасвирлаётган персонажнинг (шу персонажни сиз ўзингиз, албатта кўз олдингизга келтира олсангизгина) имо-ишорасини ҳис этган, сезган бўлсангиз, ўша сиз сезиб қолган имо-ишоранинг кетидан, сизнинг персонажингизнинг шу пайтдаги руҳий ҳолатига мос тушадиган худди шундай тартибдаги, худди шундай танланган, худди шундай талаффуз этиладиган сўзлардан ташкил топган якка-ягона жумла келади.

Бу гапдан чиқадиган хулоса шундай: биринчидан, сиз, ёзувчилар, ҳамма вақт галлюцинация қилишингиз, яъни ўзингиз тасвирлаётган нарсани кўз олдингизга келтиришга ўрганишингиз керак. Ўз фантазиянгизда яратган нарсангизни қанча аниқроқ кўра олсангиз, асарингизнинг тили шунчалик аниқроқ, тўғрироқ бўлади.

Олмосдай тил яратишнинг йўли—шу. Халқимиз яратган фольклорнинг тили—шу, кўра оладиган ва жуда аниқ ҳис эта оладиган, икки кўзи очиқ кишиларнинг тили—шу.

Иккинчидан, халқ тили, яъни олмосдай тил—мукамал ҳаракат, максимал ҳаракат, аниқ ҳаракатга оид имо-ишоранинг ифодасидир. Санъат тахминийликни, ноаниқликни, думи юлиқ гапни ёмон кўради. Айниқса, бу

нарса бизнинг совет санъатимизга — социалистик реализм адабиётига тааллуқлидир.

Типик шароитда типик киши ўз ҳис-туйғуларининг ниҳоятда таранглашганини сезганида, у ёки бу жумланинг ритмикасида ифодаланган (ва албатта англаш мумкин бўлган) имо-ишора қилганида ва ҳаракат қилганида тил айнан шу дам учун яратилади.

Шундай қилиб, тил ҳаётнинг чуқур социал асосларига бориб тақалади.

Бу тилни қандай эшитиш керак? Уни кўра билиш керак. Тасвирлаётган нарсаларини ҳис-туйғулари ёрдамида кўра билиб, асар яратиш—ёзувчи учун қонундир.

Шундай экан, ўзингизда ҳис-туйғулар ёрдамида кўра билиш қобилиятини вужудга келтиришингиз керак. Шу қобилиятни тарбиялаш учун ўз устингизда ишлашингиз керак.

Қандай ишлаш керак? Ураб олган муҳитни кузатиш, одамлар билан алоқа қилиш, ўйлаш, ўқиш ва билиш даркор. Шу билан бирга ҳаёт қурилишига фаол қатнашув ҳам зарур. Умуман айтганда, ёзувчининг ташвиши кўп. Ижод этиш — осон иш эмас.

Ёзувчи ҳаётни кузатишга ўзини кўниктириши керак. Шу ишга меҳр қўйиши керак. Ҳар қачон, ҳамма вақт кузатиш керак, умумлаштириш зарур, кишининг қилиқларига қараб, сўзига ва бошқа хатти-ҳаракатларига қараб ўтмиши ва ҳозирги турмушини пайқаб ола билиш керак.

Шу билан рассомда, ёзувчида аста-секин таассуротлар тўплана боради. Натижада қандайдир бир дам, қандайдир бир учрашув унинг ишончи ва журъатига туртки беради-ю, у ўз хаёлидаги типни тутиб олади. Агар сизлар, нима учун дафъатан учраган кишининг худди ўзини бизнинг давримизнинг типи, деб ўйлаяпсиз, деб ёзувчидан сўрарсизлар. У: шундай эканига имоним комил, илҳомим жўш уриб турибди, деб жавоб қайтариши мумкин. У ўз жавобида ҳақ.

Қадимги кишилар менинг асарларимда қандай қилиб жонли чиқди, дейсизларми? Агар мен қишлоқда туғилмай, шаҳарда туғилганимда, болалигимда минглаб нарсаларни — чўлдаги, вайрона қишлоқлардаги қишки қор бўронни, диний байрамни, қишлоқ уйларини, фол кўришларни, эртақларни, шамчироқни, ўзгача ёқимли бир ҳид анқиб турадиган буғдой боғлари қуритиладиган сарой-

ларни билмаган бўлардим. Мен, балки, кекса Москвани бундай тасвирлай олмаган ҳам бўлардим. Қадимий Москва манзаралари жуда ёш чоғларимдаги тасаввурлар сифатида кўз олдимга келарди. Шунинг учун ҳам даврни, унинг моддийлигини ҳис этиш имкони туғилди.

Асаримда тасвирланган кишиларни, типларни, кейинча, тарихий документлар асосида текшириб кўрдим. Документлар романимнинг ривожи учун қўл келди, аммо таъм-маза, кўриш идроки (узоқ болаликдан қолган зўрға кўриш), сезиш мумкин бўлган, аммо айтишга тил ожизлик қиладиган нарсалар тўғрисидаги таассуротлар тасвирлаган нарсаларимга моддийлик бахш этди. Миллий санъатнинг негизи ҳам шунда, туғилган-ўсган тупроғингнинг ҳиди анқиб туришида, сўзлари гўё икки хил—бугунги ва ёшлиқдаги мазмунни шимирган, жўшқин бадий мазмун кашф этувчи она тилидадир. Миллий санъатнинг негизи — таъми-мазаси ҳам, кўриниши ҳам, ҳиди ҳам дилингга яқин бўлган сўзлардадир. Худди шулар чинакам санъатни вужудга келтиради.]

### ЁЗУВЧИ МЕХНАТИ

Ёзувчининг бадий маҳорати тўғрисида гапирганда қўйидагиларни эсда тутиш лозим бўлади, биринчидан, ёзувчи қўлига қалам олар экан, ҳаётни яхши билиши, ҳозирги замон билан бирга қадам ташлаши. чин маънода замон авий бўлиши, яъни ўз замонасининг илғор идеялари савиясида туриши ва халқ билан ҳамнафас бўлиб яшаши керак.

Иккинчидан, ёзувчи ўз асарини қандай мақсадга хизмат қилдирмоқчи ва нимага бўйсундирмоқчи бўлса, ана шу мақсадни аниқ-равшан кўриб туриши лозим.

Ва, ниҳоят, учинчидан, ёзувчи шу нарсани тушуниши керакки, бадий ижод — инсон меҳнатининг турларидан бири — меҳнатнинг ўзига ҳос тури, лекин, ҳар ҳолда меҳнат турларидан биридир. Демак, ёзувчи ҳам, меҳнатнинг бошқа барча соҳаларида ишловчи кишилар сингари, ўз ишининг санъатини техника асосларидан тортиб (бошқа ҳар қандай соҳа каби бадий маҳоратнинг ҳам ўз техникаси бўлади) форманинг энг мураккаб масалаларигача муттасил ва қунт билан эгаллаб бориши зарур.

Ҳаётни билиш адабиётчига ҳамиша ҳам зарур бўлган. Замонамиз санъаткори зўр бериб ривожланиб бораётган совет воқелиги, янгилик билан эскиликнинг қаттиқ кураши шароитида ҳаётни чуқур билмаса ва агар мутлақо онгли равишда ҳаёт билан қадамма-қадам бормаса асло асар ёзолмаслиги тўғрисида гапириб ўтирилмаса ҳам бўлади. Илгарилари ёзувчилар орасида бундай дегувчилар бўлар эди: «Мен ўзим яшаб, кишилар билан алоқада

бўлиб турибман, шунинг ўзи кифоя. Ҳаётни билиш учун менинг махсус уринишимнинг ҳожати йўқ. Мен яшайман, ҳаёт тўғрисида ўйга чўмаман — шу асосда асар ёзаман». Ахир бизнинг ҳозирги воқелигимизни кўз олдингизга келтирсангиз, сиз унинг қанчалик рангба-ранг эканлигини кўрасиз, у шунчалик шиддат билан ривожланмоқдаки, ҳаёт ҳодисаларини қунт билан муттасил ўрганмасдан, биргина «ўйга чўмиш»нинг ўзи мутлақо кифоя қилмайди.

Мана, масалан, «Ёш гвардия» устидаги ишни тугаллаганимдан кейин менда янги бир мўлжал пайдо бўлди. Қолхозларнинг урушдан кейинги дастлабки ойлардаги турмушини бирмунча кузатиш натижасида колхоз ёшлари тўғрисидаги тема туғилди. Мияда повестнинг плани таркиб топа бошлади. Бироқ мен бу ниятимни ўша вақтнинг ўзида, яъни 1946—1947 йиллар давомида рўёбга чиқара олмадим. Бу повесть учун асос қилиб олинган материал эскириб қолди: ёшлар ўзгарган, колхозлар ҳам бошқача бўлиб қолган, эндиликда ҳаёт сюжет йўналишининг ҳам бошқача бўлишини таклиф қилмоқда. Ҳамма нарса ўзгарган, ҳамма нарса олға қараб кетган. Ниятнинг ғоявий асоси эса шундайлигича қолди. Қаҳрамонларнинг асосий ва муҳим жиҳатлари ҳам ўзгармади, албатта. Лекин, уларга ҳаётнинг янги шароитлари нуқтаи назаридан қарамоқ лозим, бунинг учун эса мен ҳаёт мактабининг янги бир синфини ўтмоғим керак.

Лекин, бугунги ҳаётни билишдан ташқари, санъаткор олдида яна бир мураккаброқ вазифа ҳам туради: у кўп нарсаларни олдиндан пайқашга — янгилик уруғига қараб, бу янги нарсани келгусида тантана қилган ҳолда кўришга даъват этилган.

Бизнинг янги гигант қурилишларимиз, ҳатто дастлабки планларда ҳам шунчалик буюкки, биз ҳозир қанчалик газета ўқимайлик ва бир-биримиз билан қанчалик гаплашмайлик, бу планларни амалга ошириш ҳаётимизни қанчалик ўзгартириб юборажаги тўғрисида тўла тасаввур ҳосил қила олмаимиз. Бу буюк ўзгариш янги ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш соҳасидагина эмас, онгимизда ҳам муқаррар равишда содир бўлади. Ҳозир ана шу янги материал сари интилмаган, ҳозирданоқ унинг бутун деталларигача ўрганишга жиришмаган адабиётчи (айни вақтда келажакни кўра билиш, кўп

нарсаларни умумлаштириш ва олдиндан пайқай олиш имкониятига эга бўлиш учун ўқиб-ўрганишга, ўз гоёвий онгини, ўзининг умумий билимини ўстиришга киришмаган адабиётчи) иложсиз равишда кечикади, бу қурилишлар ҳақида кейинчалик ҳам ҳеч нарса ёза олмайди. Ёзувчи доимий равишда ҳаётнинг ўзидан ўргана бориб, жамиятнинг ривожланиши тўғрисидаги марксча-ленинча фанни эгаллаб, энг хилма-хил соҳалардаги катта амалий билимга таянибгина ҳаёт билан баравар қадам ташлаб қолмай, ундан ўзиб ҳам кетиши, кўп нарсаларни олдиндан пайқашлиги мумкин.

Биз «новатор санъаткор» деганимизда бу сўз бирикмасига шундай бир маънони, ёки, тўғрироғи, янги усуллар, янги формалар топган ёзувчи, деган маънонинг ўзинигина бериб қўя қолмаймиз, албатта. Бундай кашфиётлар, шак-шубҳасиз, зарур. Буларсиз санъатнинг олға қараб ҳаракат қилишини тасаввур этиб бўлмайди. Лекин биз учун новаторлик беҳад катта маъно касб этади. Новатор деб биз ҳаммадан бурун ҳаётда янги бир нарсани кашф этган, бу янги нарсани кашф этибгина қолмай, унинг ривожини, истиқболини ҳам бадий акс эттирган ёзувчини айтамиз.

Коммунизм деб аталган умумий тушунчада мужас-самланган янгиликнинг ғалабасига интилиш — совет санъаткорининг мақсадидир, у ўз ижодини ана шу мақсадга бўйсундиради.

Бироқ, санъаткорнинг меҳнати табиатини тушуниб олмасдан туриб бу мақсадга эришиб бўлмайди. Чинакам проза асари жуда катта ва қунт билан қилинган меҳнат натижасида, ҳикоя, повесть, роман ёзиш учун сарф этилган ҳам ақлий, ҳам жисмоний меҳнат натижасида яратилиши мумкин. Тугалланган проза асарининг кам деганда уч марта қўлда ёки машинкада кўчириб ёзилмаган бўлишини тасаввур этиш қийин. Ҳатто ёзувчи ўз асарини яхшилаб ўйлаб пиширганида ҳам иш бошлаши олдидан белгилаб олган планини жуда камдан-кам ҳолдагина бутунлай рўёбга чиқара олади. Илгариги замонда ҳам, ҳозир ҳам ёзувчининг, албатта, плани бўлади. План қоғозда ёзилган бўлиши ёки фикрда ўйлаб қўйилган бўлиши мумкин — бу ҳам ҳар кимнинг одатига боғлиқ. Қачонки характерлар, образлар бир оз аниқлаша бошлагач, уларнинг ўзи дастлабки планга ўз тузатишини кирита бошлайди. Образларнинг типик шароитларда ри-



вожланиш мантиқи дастлабки мўлжалларни ўзгартиради, баъзан эса бутунлай бузиб юборади. Иш давомида баъзи бир эски тасаввурлардан воз кечишга, баъзи нарсаларни янгича қуришга тўғри келади.

Масалан, «Тор-мор»да менинг дастлабки мўлжалимга кўра, Мечик ўзини-ўзи ўлдириши керак эди. Бироқ кейинчалик у бундай қилолмай хоинлик қилди, ўз-ўзини ўлдирмади. Дастлаб Метелица романда ўнинчи даражадаги шахс эди, иш давомида шу нарса аниқлашдики, романнинг ривожда у жуда муҳим ўринни эгаллаши керак экан. Шундай ҳол рўй берганида, то ўзинг тушуниб олгунингга қадар, аввал бошда «Менинг хатомни қаҳрамон тўғрилаяпти» деб бунга ҳайрон бўласан, ҳатто қаршилиқ кўрсатасан ҳам.

Тил устидаги иш — ўзинг кўриб турган нарсаларни, миянгада пишиб етилган нарсаларни энг аниқроқ қилиб ифодалашга интилиш сардиққат меҳнат талаб қилади. Ёзувчи қаршисида бир дунё сўз, тушунча мавжуд: ҳар қандай фикрни, образни ифодалаш учун ўн, ўн беш, йигирма сўз кўндаланг бўлиб туради... Айни сен кўриб турган нарсани, сен айтмоқчи бўлган фикрни ниҳоятда ҳаққоний ифодалаш мумкин бўлган сўзларни қандай танлаш керак? Кўп кишилар шуни унутишадики, бадий асарда ҳатто оғзаки гап, диалог ҳам оддий гаплашиб турган маҳалда оғизга келиб қоладиган ва ўз-ўзидан эсга келиб қоладиган жумла бўлмайди. Бу жумла ҳам махсус тузилган бўлади. Бунинг тузилиш процесси механик тарзда бўлмай, мураккаб процессдир.

Санъаткор бир неча жумлани ёзиб қўяди-да, ёзганлари бирдан ўзига ёқмай қолади. Ўзи истаганча бўлиб чиқмабди: бир жумлани олиб ташлагиси, бошқа бир жумлада сўзларнинг жойини ўзгартгиси, бошқаларни алмаштиргиси келади. Баъзи ёзувчилар бу ишни асар бошдан-охир ёзиб бўлингач қиладилар, жуда кўпчилик эса бу ишга ўша заҳоти киришади: бир жумлани ёздими, дарҳол уни силлиқлай бошлайди. Улар бирмунча силлиқланган бирон нарса қоғозга тушганини сезмасалар илгарига силжий олмадилар. Биринчи метод вақтни анча тежайди. Лекин ҳозиргина ёзган нарсасидан қаноат ҳосил қилмаслик ҳиссини енгиш ҳар кимга ҳам муяссар бўлавермайди. Мен ёшроқ вақтимда бирон бобни ҳам ёзиб тугата олмай, ўша заҳотиёқ қайта кўчирар, пардозлар ва шундан кейингина давомини ёзар эдим.

Кейинчалик кўпинча энг кўп меҳнат сарф этиб ёзилган абзацларнинг умуман керак эмаслиги маълум бўлди. Шунинг учун, бирмунча улғайганимдан кейин ўз ода-тимни ўзгартира бошладим, катта-катта парчаларни ёзиб бўлиб, шундан кейингина ёзганларимни силлиқлаб ишлайдиган бўлдим. Бу тарзда ишлаганда нимани бутунлай олиб ташлаш мумкинлиги кўриниб турали.

Асар яратишга сарф этиш зарур бўлган меҳнатнинг қанчалик зўр аҳамиятга эга эканлигини ўтмишдаги йирик санъаткорларнинг ҳеч мустасносиз ҳаммаси тушунганлар. Шунга кўра кекса, йирик сўз усталарининг қандай ёзганлари, қандай ишлаганлари тўғрисида айтган фикрларини, уларнинг бир-бирлари билан ёзишмаларини, бир-бирларига берган маслаҳатларини ўқиб -ўрганиш адабиётчи учун ғоятда фойдали ва илҳомбахшдир.

Ўз асари устида талабчанлик билан чарчамасдан ишлашнинг биз учун энг яқин намунаси — бу А. М. Горький намунасидир. Унинг бутун қўлёзмалари Алексей Максимовичнинг жуда кўп меҳнат қилганлигидан, унинг азамат маънавий куч-қувватидан далолат беради.

Ўтмиш санъаткорлари ўз олдиларига қандай юксак талаб қўйганликларини Л. Н. Толстой қўлёзмалари сақланган Толстой музейида яққол кўриш мумкин. «Тирилиш»нинг қўлёзмаларини ҳурмат ва жонсарақлик билан кўздан кечирасан киши: бир хил вариант, бошқаси, учинчиси, тўртинчиси... Толстойнинг бошқа асарлари ўн беш-йигирма вариантга эга. Тадқиқотчилар Толстой мақолаларидан бирининг тўқсондан ортиқ вариантини топганлар.

Толстойнинг хотира дафтаридан унинг янги бир китоб устида ишга киришиш олдидан қанчалик кўп тайёргарлик олиб боргани кўриниб туради. У муттасил ўрганарди. Хотира дафтариди у физикани ўрганаётиб қилган ҳар турли физик тажрибаларининг расмлари сақланган; унда одамлар билан суҳбатлашганидаги гаплари ҳам ёзилган. Булардан ташқари, Л. Н. Толстой рус тилини ўрганиш билан шуғулланган, характерли халқ ибораларини ёзиб борган, Даль луғатини таҳлил этган ва тажриба учун жумлалар тузиб, луғатни изоҳлаган.

Мана, масалан, унинг 1879 йилги хотира дафтари. Тил устида олиб борилган бирталай машқлар битилган. Лев Николаевич бирон бир сўзни олади-да, ундан фойдаланиш имкониятлари устида машқ қила бошлайди.

«обесхлебел, обезлошадел, обезлесел, обессилил, обездомил ты меня... Я к седлу привык, приобык. Я к ученью навык... Я с женою свыкся. Баловаться повык»... У бирон жумлани ёзади-да, шундай деса бўладими? деган саволни қўяди.

Шу ўриннинг ўзида у мақолларни ёзиб чиқади: «На руку ерзок был», «ты хочешь вперед попнуться, а нога сама назад отдаёт» ва ҳоказо. Сўнгра Л. Н. Толстой бундай ёзади: «Она ему не верста. Не в Иванову версту. Кого сверстал. Никого себе в версту не ставит. Безмерный человек... Каяться. Не заканвался. Пора покаяться... накаешься. Докайся до того, что еду в грех ставил... Поститься. Напостился вволю. Запостился вот второй год совсем. Отпостился уж я... допостился. Испостился в нитку...»

Бу хотира дафтари билан танишар экансиз, у қандай асар устида ишлашидан қатъи назар, қанчадан-қанча сўзни фақат ўқиб-ўрганиш мақсадида «ўзи учун» титкилаб чиққанини кўрасиз.

Хотира дафтаридида грамматика юзасидан машқлар кўп. Биз бу ўринда Л. Н. Толстойнинг ҳар қандай мураккаб феъл формалари устида қандай машқ қилганини кўрамиз. Маълумки, Толстой кўп тармоқли жуда мураккаб жумлалар тузиб, эргаш гапларни талайгина ишлатар эди. Шунга кўра турли замонларга оид сифатдош ва равишдош формалари унинг учун ниҳоятда аҳамиятга эга бўлган.

Уртоқ Сталиннинг тилшуносликка оид асарларини эсга олайлик, сиз булардан ёзувчи меҳнатининг бу жиҳатининг моҳияти ва аҳамиятини жуда яхши билиб olasиз. Л. Н. Толстой ўз она тили билан мустаҳкам қуролланиб олиш учун даставвал рус тилининг асрлар бўйи яшаб келган асосий луғат фондиди, иккинчи томондан тилнинг тарихий ривожланишини синчиклаб ўрганди. У бу фонднинг қандай бойигани ва бойиётганини билиш мумкин бўлган манбаларнинг ҳаммасини ўрганиб чиқди.

Ўз ҳаётининг сўнгги йилларида Толстой ниҳоятда оддий ва аниқ жумлалар тузишга ҳаракат қилди. Унинг умрининг охириги йилларида яратган ҳамма масаллари ва ҳикояларининг аксарияти «Уруш ва тинчлик», «Анна Каренина»га қараганда мутлақо бошқача тилда ёзилган. «Кавказ асири» ҳикояси устида ишлар экан, у жум-

лаларни ниҳоятда соддалаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди ва бунга эришди. «Кавказ асири» ҳикоясини ҳатто кичкина бола ҳам тушуна олади.

Қўп санъаткорлар, гарчи, эҳтимол, Толстой даражасида бўлмаса ҳам, тил устида шу тарзда иш олиб борганлар, албатта.

А. М. Горький ҳаваскор ёзувчиларга рус эртаклари-ни ўқишни, ўз халқининг мақолларини билишни тавсия этар эди. У, шунингдек, сўз заршунослари бўлган ёзувчиларнинг асарларини ўқишни маслаҳат берарди. У Лесков асарларини ўқиш керак, Мельников-Печерскийнинг «Урмонзорларда» ва «Тоғларда» деган асарларини ўқиш керак дерди, чунки бу ёзувчиларнинг луғат фонди жуда ҳам бойдир.

Табийки, революция тилни талайгина бойитди. Бу катта бойликдан воз кечиб, уни адабиётга олиб киришга ҳаракат қилмаслик ёзувчи учун кечирилмас бир ҳолдир. Лекин бу ўринда тилни кераксиз сўз ясашлар, терминлар, диалектизмлар, фақат вақтинчагина аҳамиятга эга бўлган сўзлар билан булғамаслик тўғрисида жиддий қайғуриш зарур. Луғат фонди бойитилар экан, рус нутқининг асосини авайлаб сақлаш, унинг грамматик қурилишини бузмаслик зарур.

Асарда бир неча эргаш гап бўлган жумлани тузиш унча қийин иш эмас. Қийини кейинги жумлаларни тузишда аввалгисини такрорламасликдир. Бир жумлани ёзасан, ўшанга ўшашроқ иккинчи, учинчисини ёзасан, бора-бора ўзинг пайқамаганинг ҳолда, бир хилликка йўл қўйиб қўясан: ўз китобхонингни беланчакда аллай бошлайсан.

Ваҳоланки, жумлаларнинг мускуллари бўлиши керак. Шу маънода асарни бақувват физкультурачининг гавдаси билан қиёс қилса бўлади. Инсон танасида турли хил мускуллар мавжуд бўлиб, уларни ўстириш учун турли хил машқлар талаб қилинади, лекин улар умуман узвий бир бутунликни ташкил қилади. Санъаткорнинг услуби ҳам ана шундай мускулларга эга бўлмоғи керак. Бу мускулларни ўстириш учун санъаткор доимий равишда ўзига хос «гимнастика» билан шуғулланиб, хилма-хил жумла тузилишларини машқ қилиши керак.

Тил устида эринмай, пухта ишлашгина китобхонда ёзувчи яратган асарнинг поэтиклиги тўғрисида яхлит тасаввур ҳосил қилиши мумкин. Ўз шахсий ҳиссиёти-

нгизни эслаб кўринг. Айтайлик, сиз бирон бир асарни ўқидингиз. Бир қанча саҳифалардан ўтасиз, буларни фақат ақл-ҳуш билангина идрок этасиз: булар ҳис-туйғуларингизга таъсир кўрсатмайди. Лекин бирдан санъаткор қандайдир торни чертиб юборгандай ҳамма ёқ жаранглаб кетади, ички бир поэтиклик пайдо бўлади: санъаткор ўз қаҳрамонининг кечинмалари гирдобига китобхонни шунчалик тортиб кетадики, китобхон қаҳрамон ҳиссиётларини биргаликда кечира бошлайди, китобхонда ғазаб ҳисси, пафос, кулги, кўзларида ёш пайдо бўлади. Инсонда бирон хил кайфият туғдириш санъатнинг энг сеҳрли хусусиятларидан биридир. Ёзувчи бу хусусиятни эгаллашга ҳам меҳнат натижасида эришади. Ёзувчи ўзида шундай ритм, шундай сўз, шундай сўз бирикмасини топиш уқувини тарбиялаб етиштириши керакки, улар ўқувчида тегишли ҳис-туйғу, тегишли кайфият туғдира оладиган бўлсин.

Поэзияда бу айниқса яққол кўринади. Ҳар қандай шеър поэтик бўлавермайди. Қофиялар техник жиҳатдан ҳатто жуда мукамал бўлса ҳам уларнинг биргина ўзи ёзилган мисраларнинг поэзия бўлиши учун кифоя қилмайди. Шеърлар, албатта ҳис-ҳаяжон туғдирадиган бўлиши шарт. Бу бамисоли сув ости оқимидирки, китобхонни муқаррар равишда ўз орқасидан эргаштириб кетади. Бу оқимнинг тўлқини шеърларда қўққисдан пайдо бўлади-да, ўз гирдобига тортиб, сизни бутунлай қамраб олади.

Некрасовнинг машҳур «Волгада» деган поэмасини эслайлик. Поэманинг бир ери шундай хитоб билан бошланадики, буни ҳар бир китобхон ҳис-ҳаяжон билан идрок эта олармикан: «Она-Волга! Утиб кўп айём, сенга яна келтирдим салом». «Она-Волга!..»— бу ҳозирча шартли бир нарса.

Сиз буни қандай ёзилган бўлса, шундай ўқийсиз,— бу сизга ҳозирча ҳис-туйғу бағишламайди.

Ўқишда давом этамиз:

Мен ўзгардим, аммо, сен ҳамон,  
Еруғ, кенгсан қадимги симон!

Кўп ажойиб хаёл ичра оҳ,  
Унутибман ўзни... ҳарорат  
Ва туш олмиш ақлимни ғоят.

Бу гарчи қофияланган бўлса ҳам, ҳозирча прозадай бўлиб боради. Лекин, яна ўқиймиз:

Эшитилди бирдан нола-оҳ,  
Соҳил бўйлаб ташладим нигоҳ:  
Гавдаларин эгиб, буралиб,  
Арқонларга қаттиқ ўралиб,  
Чипта кавуш кийиб оёққа,  
Дарё бўйлаб секин бу ёққа  
Тизилишиб келар бурлақлар,  
Кутар эди сокин қирғоқлар.  
Бу эзилган бечораларнинг  
Ҳоли жуда оғир кўринди,  
Ва уларнинг ҳазин фарёди  
Юрагимга қаттиқ урилди.  
Волга-Волга!.. менинг бешигим!  
Сени мендай сева олди ким?

Мана энди «Волга-волга!» деб хитоб қилгингиз келади. Сиз шундай бир интонацияга ички эҳтиёж сезасиз: шеърга яширинган сув ости оқимининг тўлқини сизни қамраб олиб, сизга шоирнинг ҳис-туйғусини етказди.

Ниҳоят, ёзувчи қаршисида яна бир, балки энг катта қийинчилик: тўпланган ва кўп ҳолларда бир талай материалнинг ҳаммасини яхлит бир ҳолга келтириш зарурати туғилади. Кўпдан-кўп фактлар, воқеалар, фикрлар бир-бирита тўқнаш келади: буларнинг орасида яхши ва катта-катта фикрлар ҳам мавжуд. Лекин буларнинг ҳаммаси жаранглаб эшитилсин, қўйилган мақсадга етишга ёрдам берсин учун керакли меёрни топа билиш, энг кераклиси нима-ю, кераксизроғи нима эканини: қаерда тепкини қаттиқроқ босиб, қаерда бўшаштириш лозимлигини аниқ билиш керак. Толстой буни адабий асарда «генерализация» билан «бачкилик»нинг бирикуви деб атаган эди, у «генерализация» деганда умумлаштиришни, «бачкилик» деганда конкрет батафсилликни кўзда тутган эди. У материални уюштириб олишни энг қийин иш деб ҳисобларди: дам деталлар ёзувчининг четга тортқилаб кетади, дам, аксинча, воқеалар ва образларнинг бутун мантиқи билан ҳали тайёргарлик кўриб бўлинмаган энг асосий, муҳим нарса вақтидан илгари қоғозга тушиб қолади. Китобхон бундай ҳолларда тегишли хулосага яқинлаш-

тириб келтирилмаган асосий нарсани фаҳмлаб олишга қодир бўлмай, уни совуққонлик билан ўтказиб юборади.

«Уруш ва тинчлик» билан «Клим Самгин»да материални уюштириш проблемаси адабиётимизнинг икки гиганти қаршисида ўзининг бутун мураккаблиги билан кўндаланг бўлиб турди. Масалан, Горький қирқ йил давомидаги ҳаёт воқеаларини умумлаштириши — бир хил ижтимоий идеалларнинг ҳалокатини, бошқа хил идеалларнинг туғилишини кўрсатиши, жамиятнинг ҳамма синфларини қамраб олиши лозим эди. Бу асарларда энг қийин вазифаларнинг қандай ҳал этилганлигини адабиётчиларнинг кўп авлодлари ҳали ўрганадилар, ва яна ўрганадилар.

Айтишим мумкинки, материалларни етарлича усталик билан уюштира билмаслик, асосий нарсани тўғри белгилай олмаганлик «Еш гвардия»нинг матбуотда ҳаққоний танқид қилинган камчиликларининг содир бўлишига сабаб бўлди.

Кўпинча прозамизда йўл қўйиб бўлмас даражада бўшлик, хомликни кўриш мумкин, бу нарса автор ўз асарининг ҳамма томонларини асосий фикрни, асосий идеяни ифодалашга бўйсундириш устида қайғурмаганини кўрсатади. Кўп кишилар ҳозирга қадар ҳам шундай ўйлайдилар: «Мен кўп нарсани кўрдим, кўп материал тўпладим, энди буларнинг ҳаммасини фақат бир амаллаб йиғиштириб олиб, кейин ёзиб чиқиш керак». Бундай ўйлаш катта хато. Романда бўлсин, ҳикояда ва айниқса, драмада бўлсин,— биз қаҳрамонлар ҳаётининг шахсий томонларига тақаламизми, қандайдир қўшимча, бориники, ўнинчи даражадаги персонажни киритамизми,— буларнинг ҳаммасини биз маълум бир муддао билан қилишимиз,— бу воқеа ёки персонаж ёрдамида асосий ғоянинг қайси томони ифодаланажagini мутлақо аниқ-равшан тасаввур этишимиз лозим. Акс ҳолда — сюжет бўш бўлади, асар эса қолмайдиган қаҳрамонлар билан тўлиб-тошиб кетади.

Турмушимизнинг ўзига хос томонлари бу ишнинг мураккаблигини ҳозир янада ордирди: воқеаларга жуда кўп кишилар оммаси жалб бўлди; инсон бошқа кишилар билан жуда хилма-хил алоқаларга кирганки, уни бу алоқалардан ташқарида кўрсатиш қийин.

Агар сен завком раисини оладиган бўлсанг, у партия ташкилоти секретарини, корхона директорини, оддий

ишчини, хуллас, ўзи алоқада бўлган бирталай кишиларни келтириб чиқаради. Лекин мана шу масалада ёйилиб-сочишиб кетмаслик, асосий нарсага футур етказиб, иккинчи даражадаги нарсаларга берилиб кетмаслик муҳим. Асар ҳам турар-жойга ўхшаш бир нарса: унга одамни ортиқча тиқиштиравериш жуда хавфли. Одам қалашиб кетган жойда ҳаммани алоҳида-алоҳида, мукамал таърифлаб чиқишга имкон берадиган даражада жойлаштириб бўлмайди, албатта. Фақат фамилияси айтилиб, типиклиги у ёқда турсин, бирон индивидуал белгилари ҳам бўлмаган персонажлар шу тариқа пайдо бўлади. Бу ҳам «генерализация» («умумлаштириш») билан «бачкилик»ни қўша билмаслик оқибатидир. Бундай қўша билмаслик кўп ҳолларда ортиқча ақлгўйликка олиб келади. Бу ҳол айниқса драматургияда тез-тез рўй бериб туради, бунда иштирок этувчи шахслар шундай гапириша бошлайдиларки, гапнинг бошиданоқ мақсадни маълум қилиб қўядилар. Авторнинг фикри схематик тарзда, образсиз, бадий мужассамлашмаган, ҳаётий конкрет бўлмаган ҳолда гавдаланади. Бундай драмаларни театрларимизда кўп кўриш мумкин. Бу шундан келиб чиқадики, автор ўзи яратган образлар, характерларнинг кучига ишонмайди, у характерларнинг бир хил бўлиб қолиши ва тўқнашувни орқали ғояни ифодалай олишига ишонмайди.

Бу шундан далолат берадики, адабиёт меҳнатнинг бир тури бўлганида ҳам меҳнатнинг оғир туридир. Шунга кўра, ёшлар учун ҳам, биз «кексалар» учун ҳам доимий равишда ўқиб-ўрганиш масаласи, маҳоратни ўстириш масаласи биринчи даражали аҳамиятга эга.

Бизнинг адабиётимизни турли хил кишилар ижод қиладилар, уларнинг турмушлари ҳам турлича кечган. Бизнинг ҳаммамизнинг ғоямиз бир бўлса ҳам, ҳар бир киши ўз индивидуаллигига эга, ёзув услуби ҳам ҳар хил, темпераменти ҳам ҳар хил, ҳис-туйғуси ҳам ҳар хил. Индивидуал тафовутлар мавжуд бўлгани ҳолда ёзувчиларнинг ижодида қандайдир бир-бирига ўхшаш томонлар бўлар экан, адабиётимизда бадий оқимлар, форма соҳасидаги оқимлар вужудга келади. Бундай хилма-хилликнинг бўлиши табиийдир: социалистик реализм формаларнинг хилма-хил бўлишини тақоза қилади.

Биз инсоннинг индивидуаллигига йўл очиб бердик.



Капитализм инсонни бир қолипга солишга, механизм даражасига туширишга ҳаракат қилса, бизда ҳамма нарса шахснинг ҳар тарафлама камол топиши учун қилинади, бизда қайси бир кишини олманг — ўзига хос характерга эгадир. Индивидуалликларнинг ҳар хиллиги эса адабиётда рангба-ранг формаларни туғдиради. Совет адабиёти миллий формаларининг хилма-хиллигини ҳам олиб кўринг.

Бизнинг танқидчилигимиз социалистик реализм методи туфайли вужудга келган имкониятларнинг кенг ва беҳисоблигини кўрсатиб бериш ва адабиётимизда янги сўз, янги штрих, янги ранг бўлган нарсаларнинг ҳаммасини қўллаб-қувватлаш устида жуда кам иш қилимоқда.

Социалистик реализм ҳаётни ҳаққоний, тарихан конкрет қилиб, уни революцион тараққиётида кўрсатади. Унинг мақсади — инсонни коммунистик руҳда тарбиялашдир. Айни шунинг учун ҳам социалистик реализм форма, услуб, жанрларнинг рангба-ранг бўлишлигини кўзда тутди. Социалистик реализмга ўртоқ Сталин берган таърифдан бирон томонини ҳам олиб ташлаб бўлмайди. Танқидчилик ана шу томонларнинг ҳаммасини анализ қила билиши керак. Биз, адабиёт яратадиган кишилар эса, коммунистик партиянинг улуғ ғоялари билан қуролланиб, ҳаётни чарчамай ўрганиб, ўтмишда яратилган чинакам буюк нарсаларнинг ҳаммасидан диққат билан сабоқ олиб, бутун маънавий ва жисмоний кучимизни совет халқи ва бутун прогрессив инсоният бахт-саодати учун янги ажойиб асарлар яратишга сарфламоғимиз лозим.

## МЕНИНГ АДАБИЙ ТАЖРИБАМ — ҲАВАСКОР АВТОРГА<sup>1</sup>

Уртоқлар! Профнашр менга сизлар билан, ишчилар орасидан ўсиб келаётган ёзувчилар билан ўз адабий тажрибам юзасидан ўртоқлашишни топширди. Сизларни огоҳлантириб қўйишим керакки, менинг бадий иш соҳасидаги тажрибам катта эмас. Мен 1921 йилдан ёза бошлаган бўлсам ҳам биринчи асарим 1923 йилда босилиб чиқди. Менинг матбуотда чиққан биринчи асарим («Тошқин», 1922—1923) ҳали жуда хом бўлиб, бу асар устидаги тажрибам асосан салбийдир. Бу асар устида қандай ишлаганим хусусида гапириб бериш бадий асар устида қандай ишламаслик кераклиги ҳақида гапириб бериш бўлади.

«Оқимга қарши» повести, «Тор-мор», «Удэгейнинг сўнггиси» (ҳали тугалламаганман) бирмунча яхшироқ ёзилган, лекин, буларни тўла мукамал асарлар, деб бўлмайди, албатта.

Уйлайманки, ҳар қандай бадий иш воқелик материалига, ёзувчининг ҳаётий тажрибасига асосланиши сизларнинг ҳаммангизга маълум. Ёзувчининг ҳаётий тажрибаси унинг ўзи кўрган, унинг қўлидан ўтган, унинг турмушида юз берган нарсалардангина иборат эмас, — бунга унинг китоблардан ўқиб билган ва бошқа кишиларнинг кўрган-кечирганлари тўғрисидаги ҳикояларидан эшитган нарсалари ҳам киради. Ёзувчининг ўзи бошидан кечирган, кўрган ёки у яқиндан дуч келган нарсалар бадий ишда энг катта аҳамиятга эга бўлади.

<sup>1</sup> 1932 йилда Москванинг Замоскворечье районидаги адабий тўғараклар йиғилишида қилинган доклад.

Табиий шундай савол тўғилади: ёзувчининг ўзи кўрмаган нарсалар,— кўп йиллар ёки юз йиллар муқаддам ўтган кишилар ҳаёти, воқеалар, фактлар тўғрисида гап юритиладиган тарихий асарлар қай тариқа вужудга келади? Тарихий материал, тарихий ўтмиш устида ишлаганда ёзувчи, биринчидан, даврни ва унинг қаҳрамонлари ҳаётини тарихий архивлардаги материаллар, мактублардан ўрганadi; иккинчидан, қаҳрамонларнинг қилмишлари ва хатти-ҳаракатларининг маъносини тушунишда унга ҳозирги замон кишилари турмушини кузатишлари ёрдам беради; мактублар, архивлар, китоблардан олинган ўтмиш ҳақидаги материал шу тариқа тўлдирилади ва шундай қилиб ҳаёт образлари санъаткор тасаввурида жонланади; бирмунча кейинги формацияларнинг одамлари орасида ўтмиш замонларда яшган кишиларнинг характерини тушуниб олишда бизга ёрдам берадиганлари ҳам топилади.

Табиий, мана бундан иккинчи савол келиб чиқади: санъаткорлар ҳали бўлмаган нарсалар тўғрисида, келажак ҳақидаги тасаввурулари тўғрисида, бўладиган ёки бўлмайдиган нарсалар тўғрисида ҳаёлий, фантастик асарларни қандай қилиб ёзадилар? Мутлақо равшанки, бу ҳолда ҳам санъаткор асар ёзганда жонли воқелик устидаги кузатишларига асосланади, келажакнинг ҳозирда мавжуд бўлган элементларини ўрганadi, воқеликнинг тусини ўзгартиради, бўрттиради, ривожлантиради (баъзан, ҳатто бузади ҳам!).

Мен ўз ижодий ишида асосан воқеликнинг ҳаётний тажрибасига, ўз шахсий тажрибасига суяниб иш кўрадиган ёзувчилар тоифасиданман.

Менинг назаримда ҳар қандай бадиий иш процессини шартли равишда уч даврга бўлиш мумкин: 1) Материал ж а м ғ а р и ш даври, 2) асарни ўйлаб «пиширмақ» даври ва 3) уни ёзиш даври.

Биринчи даврни «дастлабки бадиий ж а м ғ а р и ш» даври деб аташ мумкин. Бу давр шу билан характерланадики, ёзувчи қисман онгли равишда, қисман стихияли тарзда воқелик материални йиғиб боради ва кўпинча бунинг нима бўлишини ўзи ҳам билмайди: асарнинг ғояси, темаси, сюжети аввал бошда унга равшан бўлмайди.

Мен ўз асарларимни («Тор-мор», «Удэгейнинг сўнгисини») гражданлар уруши материали асосида ёздим,

мен ўзим граждaнлар уруши, жумладан партизанлар кураши мактабини ўтганман. У вақтда мен бoриб-бoриб ёзувчи бўлиб кетишимни билмаган эдим, кўрган-кечирганларимдан олган таассуротларим эса миямнинг бир чеккасида йиғилиб борди. Чамаси, мен ўзим қатнашган курашда нималардир мени ҳайратда қолдирган, бу курашнинг қандайдир томонлари алоҳида эътиборимни тортган бўлиши керак, лекин,— ўзим англамаганим ҳолда, мен кўп нарсаларни эътиборсиз қолдирган ва унутиб юборганман. Агарда мен ўша маҳалда кейинчалик бoриб ёзувчи бўлман деб ўйлаганимда кўп воқeаларни ўз вақтида, қизиғида ёзиб борган бўлармидим. Лекин, шундай қилинган тақдирда ҳам, ёзиб бoрилган ҳамма нарсалардан қандай фойдаланишимни олдиндан билмаган бўлар эдим.

Афтидан, «дастлабки бадий жамғариш», воқелик образларини дастлабки жамғариш даврида ҳам санъаткор воқеликдан олган таассуротлари орасида бирон бир социал тоифа, синф вакили сифатида ўзининг онгини, психикасини, айниқса ҳайратга солган нарсаларни алоҳида ажратиб кўяди; бошқача қилиб айтганда, ижодий ишнинг ҳатто энг дастлабки давридаёқ санъаткор социал шароитга ҳеч дахли йўқ «мустақил» индивидуал шахс сифатида намоён бўлмайди. Санъаткорнинг ўзи муайян ижтимоий тоифанинг, синфнинг намоёндасидир, у ўз дунёқарашига эга бўлади (аммо унинг дунёқараши кўпинча аниқ-равшaн белгилаб олинмаган бўлади), бинобарин, воқеликдаги нарсаларнинг ҳаммаси уни бир хилда жазм этмайди, бир хилда қизиқтириб, бир хилда ҳаяжонлантирмайди. Шак-шубҳасиз, ёзувчининг индивидуал хислатлари: истеъдод кучи, камолот даражаси, ақл-идроки, жўшқинлиги, ирода хусусияти ва характерининг бошқа шахсий хислатлари материал танлашда катта роль ўйнайди.

Бадий ишнинг дастлабки даври ҳақида гапириш нисбатан қийинроқдир, бу даврда санъаткор онгида образлар тартибсиз, айқаш-айқаш ҳолда бўлади; санъаткор онгида ҳали яхлит, тугалланган бадий образлар бўлмай, воқеликнинг хом материали: уни энг кўп ҳайратда қолдирган шахслар, кишилар характери, воқеалар, айрим ҳолатлар, табиат манзаралари ва шу кабиларгина мавжуд бўлади. Санъаткор ўз ишининг бу даврида ҳаётни кузатишлари ва ўрганишлари натижасида нима-

лар ҳосил бўлажagini ҳали ўзи ҳам аниқ билмайди. Ана шу ҳозонда материал қандай таркиб топишлиги, унинг сараги саракка қандай ажралиши, тема, сюжетнинг дастлабки хомаки тахминлари қандай пайдо бўлиши тўғрисида гапириб беришлик жуда қийин. Мен бунинг уддасидан чиқолмайман. Фақат шу нарсагина маълумки, тўпланган бутун материаллар маълум бир моментда санъаткорнинг ҳар қандай фикрловчи, курашувчи, севувчи, бир нарсадан қувонувчи ва бошқа бир нарсадан азоб чекувчи жонли одам сифатида илгари кўнглида туғиб юрган асосий фикрлари билан қандайдир узвий бирикма ҳосил қилади. Орадан бир қанча вақт ўтгандан кейингина воқеликнинг тарқоқ образлари гарчи унчалик тугал ҳолда бўлмаса ҳам яхлит бир нарса бўлиб таркиб топа бошлайди; санъаткор онгида асарнинг қандайдир асосий жиҳатлари шакллана бошлайди,— мана шу пайтда асарнинг бирон бир парчасини, бобини, хомаки планини ва шу кабиларни ёзса бўладиган фурсат келиб етади. Бу вақтда онгли равишда жуда ғайрат билан ишга киришиб кетасан — миянгда мавжуд бўлган бир талай таассуротлар ва образлардан энг қимматлиларини саралаб оласан, ҳамма керакли нарсаларни ажратасан, ортиқчаларини чиқариб ташлайсан, асарнинг тобора қиёмига етиб бораётган асосий идеясини мумкин қадар тўлароқ ва ёрқинроқ ифодалашни кўзлаб миянгда факт ва таассуротларни қуюқлаштирасан. Асар устида ишлашнинг иккинчи даври шундай ўтади.

«Тор-мор»нинг темасини мен уни ёзишга киришмасимдан анча аввал ўйлаб қўйган эдим. Бу теманинг асосий тахминлари миямда 1921—1922 йиллардаёқ пайдо бўлган эди, аммо «Тор-мор»ни ёзишга мен 1925 йилда киришдим. «Тор-мор» билан «Удэгейнинг сўнггиси» романларининг темаси у даврда (1921—1922) менинг тасаввуримда бир-бири билан жуда қоришиб кетган эди: у маҳалда буни иккита асар бўлади, деб ўйламаган эдим, биргина роман ёзмоқчи бўлган эдим. Материални саралаш процессида бунинг иккита асар бўлишлигини тушуниб олдим ва онгли равишда икки йўналишда ишлай бошлаб, буларнинг ҳар қайсисининг асосий мазмуни, идеясини белгилаб олишга ва уларнинг ўзига хос бадий ифодалаш воситаларини топишга ҳаракат қилдим.

«Тор-мор» ва «Удэгейнинг сўнггиси» романларининг

темаси борасида мен у маҳалда ижодий ишнинг иккинчи даврини кечирдим, яъни темаларнинг ўзи ва ҳатто айрим сюжет линиялари ҳам менинг тасаввуримда конкрет равишда гавдалана бошлади. Мен уларни қандай бадиий воситалар билан ифодалаш хусусида оғли равишда ўйлай бошладим.

Бу даврда сюжет устида, яъни асарнинг асосини ташкил қилган фикрлар, идеяларни қандай йўллар, қандай воқеалар сўқали, бу воқеаларни бирин-кетин қандай тартиблаштириш орқали бериш устида кўп ўйлайсан.

Ўз-ўзидан маълумки, санъаткор ишнинг учинчи даврига ўтиб, ёзишга киришганида илгари ўйлаб қўйган нарсаларидан кўписи қолиб кетиб, кўп нарсалар ёзиш процессида кўпроқ куч ва равшанлик билан ойдинлашади: унинг дастлабки планлари озми-кўпми даражада ўзгаради, лекин ўйлаб қўйилган асарнинг асосий негизлари деярли ҳамма вақт сақланиб қолади. Ёзувчилар доирасида расм бўлган «асарни етилтириш» деган термин ана шундан келиб чиққан. Қаламкаш ўртоқлар, асарнинг асосий идеяси мутлақо равшан бўлгач, асосий тема ва сюжет озми-кўпми ойдинлашгандан кейингина ёзишга киришиш керак, дейдилар. Асар етилтирилган ва чуқур ўйланган тақдирда ёзиш процессида унчалик катта ўзгаришлар бўлмайди. Етилмай, чала туғилган асар муқаррар равишда бўш, пўк бўлади, унинг идеяси авторнинг ўзига етарлича равшан ва тушунарли бўлмаганидан, кўпинча китобхонга англашилмай қолади. Менинг биринчи асарим ҳам айни шу сабабга кўра бўш, ёмон ёзилган эди, унинг устидаги иш тажрибаси салбий бўлиб, китобни бундай ёзмаслик кераклигини кўрсатади.

Февраль ўзгаришидан кейин ва Таъсис мажлиси олтидан Жанубий Уссурия ўлкасида бўлган 1917 йилги революцион ҳаракатлар манзарасини тасвирлаши лозим бўлган «Тошқин» номли биринчи повестимни ёзишга киришганимда асосий тема менга равшан эмас эди. У пайтда мен асарнинг асосида пухта ўйланган идея бўлиши лозимлигини ҳали тушунмас эдим. Мен санъаткорнинг вазифаси воқеликнинг у ёки бу материални бири-бирига улашдан иборат, деб тушунганман. Оқибатда шундай бўлиб чиқдики, китобда ҳамма нарса устида чалакам-чатти гап юритилди. Повесть materiali жуда хом, ишланмаган ҳолда қолаверди, унинг нима мақсад билан бир-бирига ёпиштирилганлиги ҳам англашилма-

ганича қолди. Мен ҳамма таассуротлар ва мулоҳазаларимни йиғиб, оддийгина баён қилиб берибман; повестнинг идеяси ғира-шира кўриниб қолади-ю, лекин унда китобхонга тезда англашилмайдиган юзаки нарсалар тўлиб-тошиб ётибди.

Бу асарнинг бир нуқсони.

Повестнинг бошқа камчиликлари тубандагича: мен ўша маҳалларда матбуотда босилиб чиққан бир қатор совет ёзувчиларининг асарларини ўқиб, ҳали яхши билан ёмоннинг фарқига бўролмас эдим. Мен кўп нарсага ишонаверар эдим, бунинг оқибатида мен ўқиб-ўрганиш учун намуна қилиб олган нарсаларим орасида бемаънилари ҳам бўлди.

Адабиёт тараққиётининг ўша даврида (1922—1923) «қирқма проза» деган нарса расм бўлган эди. Қалам аҳллариининг аксарияти бундай дейишарди: «Агар асар уч-тўрт сўздан иборат қисқа-қисқа жумлалар билан ёзилса, у динамик тусда бўлади». Динамикликни бундай юзаки тушуниш сунъий тилни келтириб чиқарди ва китобхонлар ҳадеб нуқталарга қоқилавердилар; нутқ бундай ғайри табиий тарзда тузилганида жумлалар ра-вон ва эркин бўлмас эди.

Мен адабий ишимнинг ўша даврида, «қирқма проза» билан ёзишни ўзим учун маълум даражада мажбурий ҳисоблар эдим. Ҳозирда ҳам бўлганидек эътиборсизлик билан хом-хатала ёзилган асарлар у маҳалларда кўп босилиб турар эди, ўзим ёзганларимни улар билан таққос-лаб кўрганимда ёзганларим чакки эмасдек туюлар ва бундан қаноат ҳосил қилар эдим. Мен у вақтда яхши-роқ ишлашга интилмас эдим. «Тошқин»— жиддий меҳнат қилмай, эътиборсизлик билан ёзилган асар. Унда табиат тасвирланган, айрим шахслар, воқеалар ифодаланган дуруст-дуруст саҳифалар бор-ку, лекин умуман олганда асар бўш, фикр ноаниқ, тили бўлмағур.

У вақтларда адабиётда «имажинистлар» мактабининг таъсири кучли эди. Имажинистлар бадиий ижоднинг энг муҳим вазифаси ғалати ўхшатишлар топиш, одатдан ташқари эпитетлар, метафоралар ишлатишдан иборат деб ҳисоблар эдилар. Мен ҳам ўшаларнинг таъсирида қандай бўлмасин «ғайри-табиий» нарсаларни ўйлаб топишга ҳаракат қилар эдим. Биринчи повестимда кўпгина қалбаки, сохта образлар ишлатилганки, ҳозир буларни эсласам хижолат чекаман.

Ана шу хилдаги камчиликлар маълум даражада менинг «Оқимга қарши»<sup>1</sup> номли иккинчи ҳикоямга ҳам хосдир, лекин бу ҳикояда имажинистлар таъсири у даражада кучли эмас. Сюжетнинг пухта эмаслиги ва тилининг жиддий камчиликларига қарамай, асарнинг асосий идеяси равшан, ҳикоянинг бадиий ишонтириш кучи зўр.

Бироқ тез орада бу ҳикоянинг ҳам камчиликлари менга унинг афзалликларига қараганда, яққолроқ кўзга ташланиб қолди. Шу орада ишимда анчагинага чўзилган (икки йилча) тиниш даври бўлиб ўтди. Бу даврда мен кўп ишладим. «Удэгейнинг сўнггиси» романини ёза бошладим, «Тор-мор»нинг айрим бобларини ёздим, повесть ёзишга киришдим, лекин бу повестни бостирганим йўқ. Уша вақтда нимаки ёзган бўлсам, ҳаммаси ҳам мени қаноатлантирмас эди. Ўйлаш ва ишлаш натижасида «Тор-мор» романининг темаси мени қизиқтириб қўйди. 1925 йилдан бошлаб бу романни систематик равишда ёзишга киришдим.

«Тор-мор» романидаги асосий фикрлар қандай? Мен буни шундай таърифлашим мумкин. Биринчи ва асосий фикр: граждандар урушида инсон зотини саралаш юз беради, душман кучларнинг ҳаммасини революция супуриб ташлади, чинакам революцион курашга қодир бўлмаган, революция лагерига тасодифан кириб қолганларнинг ҳаммаси ғалвирдан тушиб қолади, революциянинг ҳақиқий илдишларидан, миллионларча халқ оммаси бағридан ўсиб чиққанларнинг ҳаммаси бу курашда тобланиди, ўсиб улғайиб борди. Инсонларни қайта тарбиялашдан иборат жуда буюк ўзгариш содир бўлади.

Инсонларни қайта тарбиялаш шунинг учун ҳам муваффақиятли амалга ошмоқдаки, революцияга ишчилар синфининг илғор вакиллари — коммунистлар раҳбарлик қилади, улар ҳаракат мақсадини равшан кўрадилар ва орқароқда қолганларни ўз орқаларидан эргаштириб бордилар ва уларнинг қайта тарбияланишига ёрдам қилдилар.

Мен романнинг асосий темасини ана шундай таърифлашим мумкин.

Лекин бу романда бошқа бир қанча ёрдамчи темалар ҳам бор эди. Шундай ёрдамчи темалардан бири қуйи-

---

<sup>1</sup> Эндиликда бу ҳикоя «Амгунь полкининг туғилиши» деб аталади.



дагидан иборат: мен шунга эътибор бердимки, партизанлар ҳаракати тўғрисидаги повестларда бу ҳаракат фақат стихия тарзидаги ҳаракат сифатида, шаҳар ва ишчиларнинг таъсири жуда кам бўлган деҳқонларнинг мустақил ҳаракати сифатида тасвирлаб келинган. Бироқ мен партизанлар курашидаги ўз тажрибамда кўрдимки, партизанлар ҳаракатида стихиялик элементлар кўп бўлганлигига қарамай, унда ишчи-большевиклар ҳал қилувчи, ташкилотчилик ролини ўйнайдилар. Партизанлар ҳаракати тўғрисида бошқача фикрда бўлган авторларнинг хатосини исботлайдиган бу фикрни мен «Тор-мор» романида таъкидлашни истадим.

Мен романда йўл-йўлакай мавҳум, «умум инсоний» абадий ахлоқ бўлмаслиги тўғрисидаги фикрни ривожлантиромоқчи бўлдим. Ленин ҳар бир онгли ишчидан, ҳар бир коммунист ва комсомолдан ахлоқни шундай тушунишни талаб қилган эдики, бутун иш ва хатти-ҳаракат революция манфаатларига қаратилган бўлиб, ишчилар синфи манфаатларидан келиб чиқиши керак. Революция манфаатларига, ишчилар синфи манфаатларига путур етказадиган нарсаларнинг ҳаммаси ғайри ахлоқийдир.

«Тор-мор»даги икки образ — Морозка билан Мечик шу асосда вужудга келди. Морозка — оғир ўтмишни бошидан кечирган, революциягача бўлган ҳаётнинг жуда аччиқ мактабини ўтаган киши. У турмушда кўп нарсаларни тушунмасди; у бировнинг нарсасини ўғирлаши, қаттиқ сўкишиши, аёл кишига қўполлик қилиши мумкин; алдамчилик қилиши, маст-аласт бўлиши ҳам мумкин. Характерининг бу барча белгилари, шубҳасиз, унинг жуда катта камчиликларидир. Лекин курашнинг оғир, ҳал қилувчи пайтида у ўзининг заифликларини енгиб, революция қандай тақоза этса, худди шундай иш тутди. Унинг революцион курашда катнашиш процесси шахсиятининг шаклланиши, лаънати ўтмишнинг меросидан қутулиб, революцион курашчининг янги хислатларига эга бўлиш процесси бўлди. У батамом шаклланиш йўлини охиригача босиб ўтолмади, чунки у барвақт ўлдирилди.

Романнинг бошқа бир «қаҳрамони» Мечик, ўн ақида нуқтаи назаридан қараганда, ниҳоятда «соф дил»: у «самимий», «фаҳш иш қилмайди», «ўғирламайди», «уришиш-сўкишишни билмайди», бироқ сиртдангина шундай, унинг бу феъли ички эгоизмини, ишчилар синфи

ишига содиқ эмаслигини, унинг айни бачкана индивидуализмини яшириб туради. Революцион синов натижасида маълум бўлдики, Морозка Мечикка қараганда юксак бўлган инсон типидир, чунки унинг интилишлари юксак интилишлардир — унинг шахсияти юксак фазилатлар касб этиб, камол топиши ҳам шундадир.

Мен «Тор-мор» романида ифодаламоқчи бўлган асосий фикрлар тахминан ана шундай. Бу фикр ва идеяларни ифодаламоқ учун мен ҳаётнинг қандай материалига асослана олар эдим? Менга асосан ёрдам берган нарса граждандар уруши давридагина эмас, балки ундан кейин ҳам большевиклар, ишчилар, интеллигентларни шахсан кузатишим бўлди.

Шундай қилиб, «Тор-мор» романида мен кишиларнинг бир қадар умумлашган образларини беришга, шундай сиймоларни яратишга ҳаракат қилдимки, уларнинг ҳар бири орқали граждандар уруши даврининг бирон бир жонли кишисини гавдалантирибгина қолмай, шу билан бирга қуюқ социал-психологик образ ҳам яратишни мақсад қилиб олдим.

Қисман бунга муваффақ бўлдим, бунга қай даражада муваффақ бўлган бўлсам ҳам бу асар граждандар урушининг эпизодларидан бири тўғрисидаги оддий ҳикоядан кўра кенгроқ аҳамиятга эга бўлди. «Тор-мор» романининг қаҳрамонларини бошқача шароитларда, масалан, «тинч» қурилиш шароитларида ҳам тасаввур этиш мумкин.

«Тор-мор» романининг сюжети жуда ҳам мураккаб эмас. Романнинг асосий фикрлари бир отряднинг тақдирини тўғрисидаги ҳикоя орқали бу отрядни оқлар қандай таъқиб қилганлиги, у оқларга қандай қаршилиқ кўрсатгани, бу отряднинг қандай қирилганлиги ва сиқиб қўйилганлиги ва оқибат пировардида унинг кўп жангчиларидан ажрагани бўлса ҳам янги жангларга шайланган ҳолда оқлар ҳалқасини узиб, ёриб чиққанлиги тўғрисидаги ҳикоя орқали берилган. Романнинг бутун воқеаси, қаҳрамонларнинг иш-ҳаракати қисқа бир фурсат орасида юз беради. «Тор-мор» романида отряднинг тор-мор этилишидан бошлаб, охирида оқлар ҳалқасини ёриб чиқишигача бўлган ҳамма тўқнашувлари бирма-бир, раво баён қилинади. Ана шу қисқа фурсат орасида бир хил кишиларнинг реолюционер сифатида, бошқа бировларнинг душман ёки ҳар ҳолда революция учун яроқсиз

кишилар сифатида асосий хислатлари намоён бўлади ва шаклланади. Левинсон, Бакланов каби кишиларнинг матонати туфайли, романни ўқиган киши отряд тор-мор бўлганидан кейин ҳам революциянинг кучини англайди ва ҳис қилаверади.

Мен бу романни икки йил ёздим. Мен ишимда қандай асосий принципларга амал қилдим? Аввало, биринчи асарим «Тошқин»нинг жимжимадор тилидан фарқ этиб, мен иложи борича содда ёзишга, фикрни тушунарли қилиб ифодалашга ҳаракат қилдим. Мен бутун ишни ўзим кўриб турган, ўзим тасаввур этган нарсаларнинг ҳаммасини равшанроқ, ишонарлироқ ва аниқроқ ифодаладиган қилиб ёзиш вазифасига бўйсундирдим. Аввалги ишларимнинг кўникмалари хусусан дастлабки бобларда таъсирини сездирди: мен у бобларни ёзган пайтимда сўзларнинг ташқи гўзаллигига зеб бермасликка ҳали ўрганмаган эдим. Иш процессида мен бундан тобора қутула бордим. Ўзинг тасаввур этган, фикри-хаёлингда, миянгда бўлган нарсаларнинг ҳаммасини аниқ баён қилиш учун сўз устида кўп ишлаш керак: рус тили жуда бой, шунга кўра, у ёки бу тушунчани ифодалаш учун унда қанчадан-қанча сўзлар мавжуд. Фақат санъаткорни ҳаяжонга солган фикрларни энг аниқ ва энг нозик ифодаладиган сўзларни ишлата билиш керак. Бу осонгина бир нарса эмас, бу сўз устида қунт билан катта иш олиб боришни талаб қилади. Мен роман устида кўп ишладим, айрим бобларини қайта-қайта кўчириб ёздим. Йигирма мартадан кўпроқ кўчириб ёзилган боблари ҳам бор (масалан, «Йўллар» ва «Юк» боблари). Романнинг тўрт-беш мартадан кам кўчирилиб ёзилган боби йўқ.

Сизларга маълумки, танқидчилар «Тор-мор» романига энг йирик рус ёзувчиси Лев Толстойнинг таъсири бўлганлигини қайд қилдилар. Бу қисман тўғри, қисман нотўғри. Бу шу маънода нотўғрики, бу асарда Толстой дунёқарашидан асар ҳам йўқ. Лекин бадиий образларининг жонлилиги ва ҳаққонийлиги билан, акс эттирилаётган нарсаларининг ниҳоятда конкретлиги ва жуда ҳам сезиларли, яққол бўлишлиги ҳамда ғоятда соддалиги билан Толстой ҳамisha мени ўзига мафтун қилиб келар эди. «Тор-мор» асари устида ишлар эканман, баъзи ўринларда жумлаларнинг ритмида, уларни тузишда мен беихтиёр Толстой тилининг баъзи бир характерли хусусиятларига эргашдим.

Бу ҳол мени ортиқча ташвишлантирмайди. Чунки ишга энди киришган ҳар қандай санъаткор ҳар вақт ўтмишнинг тажрибасига суянади.

Турган гап, агар санъаткор бошқа ёзувчининг идеяларини ҳам, маҳоратини ҳам, унга танқидий ёндошмаган ҳолда қабул қилса, яъни тамомила ўзганинг таъсирида бўлса, уни биз эпигон, яъни ўз устозини бутунлай такрорлайдиган, ҳеч қандай янги нарса яратмайдиган киши деб атаيمиз. Бордию, санъаткор воқеликнинг янги материални кўтариб чиқа олса, қандайдир янги идеяларни ривожлантира олса, бу ҳолда таълим олиш процессида тажрибалироқ санъаткорнинг унга кўрсатган таъсири уни мустақилликдан маҳрум этмайди, балки мустақиллик санъаткорнинг ўсиш процессида тобора қарор топиб боради. Шубҳасиз, бизнинг ҳар биримиз учун, яъни классик ёзувчилар маҳоратидан таълим оладиган кишилар учун улар меросининг ғоявий мазмунини ҳам, уларнинг бадий ифодалашдаги формал усулларини ҳам танқидий ўрганиш зарур.

«Тор-мор» романи устида ишлаганимда мен биринчи марта шу нарсага дуч келдимки, илгари ўйлаб қўйилган нарсаларнинг кўпини асарга сиғдириб бўлмади, иш процессида илгари ҳеч хаёлимга ҳам келмаган янги-янги ҳолатларга дуч келдим. Масалан, менинг дастлабки мўлжалимга кўра, Мечик ўзини ўлдириши керак эди, бу образ устида ишлай бошлаганимдан кейин эса, бора-бора шунга ишонч ҳосил қилдимки, у ўзини-ўзи ўлдира олмас экан ва ўлдирмаслиги керак экан.

Қаҳрамонларнинг хулқ-атвори, психологияси, ташқи қиёфаси, ўзини тутиш усули ва ҳоказолар устида дастлабки иш қилинганидан кейин романнинг ривожиди, қаҳрамонларнинг қайси бири бўлса ҳам дастлабки фикр-режага тузатиш киритади — образнинг ривожиди унинг ўз мантиқи вужудга келади. Мисол келтираман. Мечик госпиталда, ўрмонзорда ётади,— бу бир ҳолат; у тузалгач, отрядга қўшилади — бу энди бошқа бир ҳолат. Мен янги ҳолатда унинг ўзини қандай тутишлигини кўз олдимга келтиришга ҳаракат қиламан ва оқибатда шундай бўладики, агар санъаткор асар қаҳрамонини тўғри тушунган бўлса, қаҳрамоннинг ўзи маълум даражада уни ўз кетидан эргаштириб боради.

Мечик романдаги бутун ривож процессида ўзини шундай бошқариб бордики, унинг ўзини-ўзи ўлдира ол-

маслиги менга равшан бўлиб қолди. Ўз-ўзини ўлдириш унинг бутун қиёфасига монанд бўлмаган майда буржуа «қаҳрамонлиги» ёки «азоб-уқубат тортиши»нинг қандайдир шуҳратини бағишлаган бўлур эди, аслида эса у бачкана, қўрқоқ кишидир ва унинг ташвиш-аламлари ниҳоятда юзаки, бачкана, ҳеч нарсага арзимади.

Метелица образини мен романда взвод командирларидан бирининг ўнинчи даражадаги фигураси бўлади деб мўлжаллаган эдим, иш процессида эса, қачонки мен романнинг учинчи қисмига ўтганимда бу фигурага кўпроқ тўхталиш лозимлигини сездим, Метелица образи Левинсоннинг характеристикаси учун муҳимлигини тушундим. Менга Левинсон характерида бўлмаган хусусиятларни Метелица образида гавдалантириш зарур бўлиб кўринди. Агарда Левинсон ўзидаги мавжуд хислатларга қўшимча равишда Метелица характеридаги хислатларга ҳам эга бўлганида, у идеал одам бўлган бўлур эди. Шунга кўра идеал характерни тасвирлаш учун Левинсон эга бўлмаган хусусиятларни ўзида мужассамлантирган, Левинсонни тўлдирадиган образ талаб қилинди. Бу ҳол мени взвод командири образини тўла-тўқисроқ ишлашга мажбур қилди. Қийинчилик шундай бўлдики, романнинг илгари ўйланган планида бу йўқ эди. Романнинг иккинчи бобидан учинчи бобини ишлашга ўтишда орада шу сабабдан тўхталиш юз берди. Мен буёғини ёзолмай қолдим. Аввалда ўйланган планга мувофиқ ёзсам яхши чиқмади. Бу қийинчиликларимнинг сабабини мен дарҳол тушуниб етмадим.

Фақат иш процессида ва кейин-кейин ўйлаб, мулоҳаза юритиб тушундимки, Метелица образини тўлароқ ривожлантириш керак экан. Мен буни олдин ўйлаб кўрган бўлганимда эди, романнинг дастлабки бобларида Метелица образига кўпроқ тўхталган бўлар эдим. Ҳамма нарсани қайтадан ўзгартириб чиқишга кеч эди, шунга кўра учинчи қисмнинг бошида бир қадар асарнинг уйғунлигини бузса ҳамки, Метелица воқеаси алоҳида ўрин олиб ажралиб турди.

«Тор-мор» романи ўзининг бутун ютуқ ва камчиликлари билан ана шундай ишлаш натижасида бунёд бўлди.

«Удэгейнинг сўнггиси» романига, мен юқорида айтганимдек, «Тор-мор»нинг темаси ҳам кириши керак эди. Бироқ, кейинчалик «Удэгейнинг сўнггиси» бошқа масала-

ларга ва бошқа проблемаларга дахлдор эканлигини тушундим. Турган гап, бу романда мен гражданлар уруши ва ўша давр кишилари ҳаётининг кенг манзараларини бермоқчи бўлганман,— бу ўз-ўзидан маълум. Мен «Удэгейнинг сўнггиси» романида яна бундай идеяни ҳам ифодаламоқчи бўлдим: буржуа ва помещиклар дунёсидан чиққан санъаткорлар — уларнинг эксплуататорлик жамиятининг зиддиятларини сезганлари кўп йиллар давомида ёзиб келганларича бу зиддиятлардан қутулишнинг йўли орқага қайтишлик, босиб ўтилган аввалги босқичга қайтишлик эмас, балки, бунинг аксича, тараққиётнинг янада юксакроқ даражадаги босқичига ўтишлик, социалистик жамиятга эришиш ва уни қуришлиқдир.

Мана, Толстойни олайлик. У, эксплуататорлик жамиятининг зиддиятларини сезган эди, бу зиддиятлардан қутулишнинг чораси деҳқонларнинг патриархал ҳаётига қайтишдан иборатдир, деб билади....

Ғарбий Европанинг кўпгина буржуа санъаткорлари ўтмишга қайтишни орзу қилдилар.

Улар капиталистик жамиятнинг зиддиятларидан қутулишнинг чораси ибтидоий тузумга қайтишдир, деб билдилар. Жан-Жак Руссо тўғридан-тўғри айтдики, инсоннинг табиий ҳолати бўлган ибтидоий жамиятга қайтмоқ лозим, маданият инсоннинг асл, табиий гўзаллигини айнитади, бузади. Биз, марксист-коммунистлар ижтимоий ривожланиш процессини орқага қайтариш мумкин эмаслигини биламиз. Капиталистик жамият зиддиятларидан қутулишнинг бирдан-бир чораси капитализмни зўрлик йўли билан улоқтириб ташлаб, пролетариат диктатурасини ўрнатиш ва унга таяниб туриб, бутун жамиятни социализмга бошлаб боришлиқдир. Мен «Удэгейнинг сўнггиси» романида айна ана шу катта идеяни ифодалашни истадим.

Мени бу идеяга ундаган нарса Узоқ Шарқда яшаган вақтимда тўплаган жуда катта материалим бўлди, чунки гражданлар уруши даврида, революция даврида у ерда кишилик жамиятининг энг илғор вакиллари — курашда ишчилар синфи ва деҳқонларга етакчилик қилган большевикларни ҳам, буржуазия ва зиёлиларнинг хулқатворини ҳам, Узоқ Шарқда яшовчи, ниҳоятда қолоқ, аксарияти ҳали ҳам уруғчилик тузуми босқичида, қарийб ибтидоий коммунизм босқичида бўлган халқларнинг ҳаётини ҳам кўриш мумкин бўлди.

Мен жамиятнинг коммунизм учун курашаётган илғор намояндалари революция процессида қолоқ халқлар билан қандай қилиб иттифоқ бўлаётгани, курашда уларга ёрдам бериб, уларни ўз кетларидан етаклаётганлигини кўрсатишни, революцион кураш процессида буржуазиянинг барча эксплуататорлик идеяларининг инқирози қандай рўй бераётганини, миллионларча ишчилар ва деҳқонларни қайтадан тарбиялаш қандай бўлаётганини, уруғчилик тузуми босқичида бўлиб келган ва ҳозир ҳам бўлган ибтидий халқларнинг намояндалари билан революция қандай элакишаётганлигини кўрсатиб беришни истадим. Революция уларни ҳам ўз кураши маромига тортади, ижтимоий ривожланишнинг кўпдан-кўп пиллапоясидан сакраб ўтишга мажбур қилади ва уларни социалистик жамиятнинг онгли қурувчиларига айлантиради.

Ҳозиргача мен романнинг уч қисмини ёзганман. Ҳаммаси бўлиб олти қисм ёзишни мўлжаллаяпман. Олтинчи қисм айти жойларнинг манзараси, ўша кишиларнинг ўзи граждандар урушидан кейин ўн-ўн беш йил ўтгач қандайлигини кўрсатишлиги керак, бундан мақсад шу фурсат срасида кишиларнинг қандай ўсганлигини кўрсатишдир. Мен асарнинг биринчи қисмида ўз турмуши ва тасаввурларида ибтидий коммунизм элементлари мавжуд бўлган қолоқ кишилар сифатида кўринган удэгейликлар эндиликда жойлардаги колхозларда қандай ишлаётганликларини кўрсатмоқчиман. Мен граждандар уруши даврида оддий жангчи бўлган, бизнинг кунларимизда эса социалистик қурилиш раҳбарлари даражасига кўтарилган шахтёрларни ҳам кўрсатишни, интеллигенция вакиллари (у даврда жуда беқарор бўлган) бизнинг кунларимизда ишчилар синфи билан қадамма-қадам бораётганлигини ва социалистик қурилишда у билан бирга, ҳамжиҳат бўлиб қатнашаётганини кўрсатишни истаيمان. Бу романда менга жуда турли-туман социал табақалар, турли миллатларнинг вакиллари тасвирлашга тўғри келади. «Удэгейнинг сўнггиси» романини ёзиш менга қийин кўчяпти, бу айти шунинг учунки, «Тор-мор»га қараганда бу романнинг сюжети ҳам мураккаброқ, унинг темаси ва идеяси ҳам мураккаброқ ва салмоқлироқдир. Менга романи кўп планли қилиб: аввал бир группа кишилар тўғрисида ёзиб, кейин бошқасига, сўнгра учинчигига ўтиш ва айти бир вақтда уларнинг ишларини, ўзаро

хатти-ҳаракатларини бир-бири билан боғлаб боришга тўғри келади.

Мен баён қилишим лозим бўлган воқеалар катта бир тарихий даврни, революцияга қадар бўлган давр, гражданданлар уруши даврини ўз ичига олади, охириги қисмида эса бизнинг кунларимизда бўлаётган воқеаларни кўрсатишим зарур. Асарнинг плани устида кўп ишлашга тўғри келади.

«Тор-мор»ни ёзма плансиз ёзган эдим. «Удэгейнинг сўнггиси» романининг ёзма планига эга бўлмай туриб, мен уни ёзишга кириша олмас эдим, чунки ёзилмоқчи бўлган воқеалар жуда кўп. Мен бутун романининг схематик планини ва ўзимга анча равшан бўлган дастлабки икки қисмининг муфассал планини тузиб чиқдим.

Ўз мўлжалимни рўёбга чиқариш қанчалик қийин бўлганлигини (менинг унчалик катта тажрибага эга бўлмаганимни назарга олганда) шундан билсангиз бўладик, мен «Удэгейнинг сўнггиси»ни ўн марталаб бошладим, лекин ҳар сафар муваффақиятсиз бўлди. Мен дам Серёжа билан Бояриннинг доводда турганликларидан, дам уларнинг Боярин кулбасида ўйқудан турганликларидан (охири романи шундан бошлаганман), дам Ольганинг шаҳарда телефонда гаплашишидан, дам Лёня Костенецкая турмушини тасвирлашдан, дам партизанларнинг хунхузлар билан учрашув моментидан бошлаб кўрдим. Мен романининг икки қисмини ёзиб бўлганимдан кейин ҳар икки қисм ҳам унча яхши тузилмаганини яқинда пайқаб қолдим ва бундан уч ойча муқаддам ҳар икки қисмни қайта ишлаб, иккинчи қисмининг ҳаммасини биринчи қисмга қўшиб юбориб, ҳар икки қисмда ҳам баъзи ўзгаришлар қилдим.

Бу билан сизларга шуни айтмоқчиманки, мен ўйлаб қўйган мураккаб идеяли катта романи ёзмоқ учун мен эга бўлган тажрибадан кўра катта бадий тажриба касб этмоқ лозим экан. Менга роман устидаги иш процессининг ўзида бундай романи яратиш мактабини ўтишга тўғри келмоқда. Ёзилганларни қайта ишлаб чиққангидан кейин романининг қай аҳволдалиги менга равшан бўлиб қолди ва ўйлайманки, буёғидаги ишимда ортиқча тўсиқларга учрамасман, хусусан, учинчи қисм ёзиб бўлинган, менимча, уни тубдан ўзгартириб чиқишга зарурат бўлмаса керак.



Ўз ишимдаги қийинчиликлар тўғрисида ва сўз санъаткорлари олдида турган жамийки қийинчиликлар тўғрисида айтган гапларим сизларни чўчитиб қўймаслиги лозим,— булар тамомила енгса бўладиган қийинчиликлардир. Бу қийинчиликларда материал устида қунт ва чидам билан ишлайдиган ёзувчи учун енгиб бўлмайдиган ҳеч нарса йўқ. Кимда-ким ўз бадий меҳнати тўғрисида гапирар экан, бу гўё мустасно бир иш, шу маънода мустасно ишки, ёзувчининг маҳорати — бу «парвардигор» ато қилган қобилият ва шу сабабли ёзувчилик иши пешонаси ярқираган бир нечтагина кишининг иши дейдиган бўлса, у ҳақли эмасдир. Бу нотўғри.

Асар ёзмоқлик учун бу соҳада кишининг қобилияти бўлиши керак, албатта, қобилият қанча кўп бўлса, шунча яхши.

Табиийки, агар киши каттами-кичикми ўз қобилиятини бирон бир соҳада кўрсатар экан, у шу соҳада ихтисос танлайди. Китоб ёзиш ҳам касб, юқори малака, юксак маданият талаб қиладиган мураккаб касб. Ҳаваскор авторнинг хатоси кўпинча шунда бўладики, у ишлаб чиқаришда жуда яхши меҳнаткаш бўлиб, кичик бир ҳикояни ёзиш жуда осон иш, деб ўйлайди; борди-ю, у ҳикояни ёзгудай бўлса, уни силлиқлаш, қайта ишлаш, ўз корхонасида ишланадиган ҳар қандай детални пардозлагандай пардозлаш шарт эмас, балки тўппа-тўғри уни редакцияга топшириш кифоя деб ҳисоблайди. Бадий иш соҳасидаги ишни бундай тушунишнинг нотўғрилиги мутлақо равшан. Иш юқори сифатли бўлсин учун ҳар бир кичик асарни ҳам, беш мартадан, баъзан эса бундан ҳам кўп мартадан қайта ишлаб чиқишга, кўчириб ёзишга тўғри келади. Жуда камдан-кам ҳолларни мустасно қилганда, чинакам санъаткорлар ҳамиша шундай ишламоқдалар. Шундай фавқулодда гениал одамлар ҳам бўлганки, улар бадий санъатнинг юксак чўққиларига эришиш учун бунчалик узоқ ишламаганлар, лекин улар меҳнатни кўп қилмаганлари билан қаттиқ риёзат чекканлар, ёниб-куйиб ишлаганлар, ёзишга киришишдан олдин кўпроқ меҳнат сарфлаганлар. Шунини ҳам назарга олмоқ лозимки, санъаткорнинг иши зўр билимга ҳам таяниши керак. Мисол учун шунини айтишим мумкинки, «Удэгейнинг сўнггиси» романи устидаги иш процессида менинг олдимда турган қийинчиликлар — бу фақат ёзувчилик тажрибасининг етишмаслиги орқасида келиб чиққан

қийинчиликларгина бўлиб қолмасдан, билимнинг етишмаслиги, маълумотнинг етишмаслиги, ҳаётдаги ўтмишда ҳам, ҳозирда ҳам мавжуд бўлган рангба-рангликни етарлича қамрай била олмаслик билан боғлиқ бўлган қийинчиликлар ҳамдир. Воқеликнинг олам жаҳон материали ичидан асосий темани ифодалашда менга ёрдам бериши мумкин бўлган муҳим нарсаларнинг ҳаммасини танлаб олмоқ учун турмушни жуда яхши билиш ва тушуниш, юксак маданиятли ва билимдон киши бўлиш керакки, А. М. Горький бунга намуна бўла олади. А. М. Горький санъаткорлар бўлак касб ва ихтисосдаги бошқа кўп кишиларнинг касб-кори талаб қилганидан кўра анча кўп нарса билиши кераклигини неча марталаб гапирган эди. Бу ниҳоятда тўғри гап. Мумкин қадар кўп нарса билмоқ керак — ҳар бир ходим шунга ҳаракат қилиши лозим; билим ҳар бир ишда ёрдам беради. Лекин агар санъаткор ҳаётнинг чинакам ифодачиси бўлишни истар экан, у ҳар тарафлама маълумотга, катта билимга эга бўлишга мажбурдир.

Бундан ташқари, санъаткор ҳаётни ҳаққоний тасвирламоқ учун унга жуда диққат-этибор билан ва синчиклаб назар солмоғи лозим. Биз социалистик реализм учун курашамиз, чунки биз инсониятнинг янги ҳақиқатини — социализм ҳақиқатини тарғиб қилишимиз зарур. Бу ҳақиқатни фақат китобларнинг ўзидангина билиб бўлмайди, бу ҳақиқатни фақат китоблардан, ҳатто, виждонан ва астойдил ўқиб-ўрганилганда ҳам, уни бадий мукамал қилиб ифодалаб бўлмайди. Кўп гуноҳ ишлар шоҳиди бўлган еримизда бу ҳақиқат кишиларнинг ўз амалий фаолиятида қандай рўёбга чиқаётганини мунтазам равишда ва доимий кузатиб ва ўрганиб бориш йўли билангина, социализмнинг ана шу ҳақиқатини амалга оширишда бевосита қатнашибгина воқеликни социалистик реализм методи орқали амалда кўрсатиш мумкин. Санъаткорнинг совет воқелигига киришиб кетуви, унинг ижтимоий иши, унинг кенг меҳнаткашлар оммаси билан алоқада бўлиши — булар ёзувчиларимиз ишининг юксак ғоявийлиги ва бадийлигини таъминлаш учун мутлақо зарурдир. Ҳаваскор авторларда кўпинча бундай бўлади: ўртоқларимиз корхонада ишлаб, ишчилар синфининг илғор вакилларини кўрадилар ва ўзлари ҳам ўшалардақа илғордирлар; улар қўлларига қаламқоғоз олган вақтларида эса ҳар куни кўриб, ўрганиб

турган нарсалари устида эмас, балки аллақандай одатдан ташқари нарсалар устида ёзгилари келиб қолади. Бунинг оқибатида улар «одатдан ташқари нарса»ни кўрмаганликларидан ўзлари бошқа китобларда ўқиган нарсаларини эсларида қолганича нари-вери ёзиб чиқадилар. Ҳаваскор авторларнинг вазифаси эса ҳар куни ниманики кузатсалар, ниманики яхши билсалар, шуни социализм катта ҳақиқатининг бир жузъи деб тушуна билиш ва бу тўғрида китобхонларга ҳикоя қила билишликдир.

Бир пайт ўртоқ Шагинян, ишчилардан чиққан ёш ёзувчилар ўзлари яшаб турган ва кўпгина малакали ёзувчилардан кўра яхшироқ биладиган ҳаётнинг жонли бўлагини дурустроқ қилиб кўрсатиб беролмаяптилар, деб тўғри айтган эди. Ёш авторлар ишчини станок ёнида тасвирлар эканлар, унинг бирон бир хилдаги станокда ишлаши билан боғлиқ бўлган ўзига хос одат-қилиқлари, ҳаракатларини кўпинча кўрсатмайдилар, унинг ўртоқлари билан бўлган муносабатларининг типи ва характерини чизиб бермайдилар.

Кекса ёзувчи қаҳрамонини стол ёнида тасвирлар экан, бу қаҳрамон папирос олаётганида қандай ҳаракат қилишини у билади, бу эса образга жонлилик бағишлайди. Ёш авторларимиз тасвирлаган образлар кўп ҳолларда шунинг учун жонсиз бўлиб чиқадики, улар қаҳрамоннинг сиртқи аломатлари, ўзини қандай тутишлиги, ишлаб чиқариш фаолиятида ҳосил қилган одат-қилиқлари ва шу кабиларни кўрсатмайдилар. Бизнинг ҳаваскор авторларимиз қаҳрамоннинг ички кечинмаларини ҳам бўш кўрсатадилар. Уларнинг аксарияти инсонни қайта тарбиялаш процесси қандай йўллар билан юз беришини кам кузатадилар. Масалан, бир одам кеча дангаса, танбал бўлган бўлса, бугун у зарбдор, санъаткорларнинг вазифаси унинг қолоқликдан зарбдорликка қандай қилиб ўтганлигини кўрсатиб беришдир. Бу нима учун керак? Бу ана шу китобни ўқийдиган бошқа қолоқ кишиларнинг тез орада бу йўлни босиб ўтишларига ёрдам бериш учун керак. Теварак-атрофдаги воқелик таъсири, бутун совет системасининг таъсири остида киши онгида, кечинмаларида юз берадиган процессларни кузатиб бориш санъаткор учун, унинг ижодий камолоти учун ғоятда муҳимдир. Бундай камолотга эришувда кузатувнинг қандай аҳамиятга эга эканлиги менга равшан бўлди,

менинг ўз бадий ишимда эришган айрим муваффақиятларимда кузатувнинг хизмати катта. Мен теварак-атрофдаги ҳамма нарсаларни тушунганим қадар, кишилар психикасида, уларнинг майлларида, интилишларида содир бўлаётган ўзгаришлар процессини имкон борича ҳаққоний ифодалашга, бу ўзгаришлар нималар таъсирида юз бераётганини кўрсатишга, социалистик маданиятнинг янги кишиси камолоти, шакллануви қандай босқичларни ўтишлигини кўрсатишга интилиб қелдим ва ҳозир ҳам шунга интиламан.

---

МАҲОРАТ ҲАҚИДА<sup>1</sup>

1

Ёзувчининг маҳорати ҳақидаги гапни тилдан бошлаш керак.

Тил ҳамма вақт асарнинг асосий материали бўлиб қолади. Бадий адабиёт — бу тил санъатидир. Ҳатто бадий форманинг бош бўлакларидан бўлган композиция ҳам ёзувчи тилининг ҳал қилувчи аҳамияти олдида кейинда туради.

Биз етилмаган ёки ҳатто ёмон композицияли яхши адабий асарларни биламиз. Аммо тили ёмон яхши асарнинг бўлиши мумкин эмас. Яроқсиз қурилиш материалдан яхши уй қуриб бўлмайди, аксига яхши уй унчалик қулай бўлмаслиги мумкин: ноқулайликнинг сабаби пландандир, қурилиш материалнинг яроқсиз бўлганидан эмас. Шунингдек ўзида иссиқни тутмайдиган чириб-нураб турган иморатнинг плани яхши бўлганидан нима наф?

Шогирд устанинг олдига ҳунар ўрганиш учун боради. Уста бир вақтлар ўзи қандай хатолар қилгани ва у хатоларни қандай қилиб тузатганини айтиб, шогирдига хато қилмаслик йўлларини ўргатади. Устанинг ҳам устозлари бўлган, улардан ўрганган ҳунарига у ўз малакасини қўшган.

<sup>1</sup> 1951 йили Бутуниттифоқ ёш ёзувчиларнинг иккинчи кенгашида сўзланган нутқ.

Ўзбек тилига таржима қилиш жараёнида бевосита рус тили табиатига хос бўлган айрим жойлар (3—4 бобларда) тушуриб қолдирилди.

Шогирд устозидан ўрганган билимига, албатта, ўзининг шахсий малакасини қўшади. Шунда маҳорат такомиллаша боради, юксалади.

Агар олимлар ўтмишдошларидан мерос қилиб олган билимлари билангина кифояланиб қолганларида фан турғунликка учрарди. Кашфиёт устоздан олинган билим тугаб, шогирднинг янги билими бошланган жойида дунёга келади. Ленинни эсласанг-а, у: «Меросни асраш — мерос билан чегараланиб қолиш деган гап эмас», — деган эди.

Санъатда ҳам худди шундай. Устанинг ҳунарини эгаллаш билан уста бўлиб қолмайди, киши. Қелажакка бардам қадам ташлаш учун ўтмишни билиш даркор. Лекин илгари қилинган кашфиётни яна қайта кашф этишга беҳуда куч сарфламаслик учун ўтмишни чуқур билиш зарур.

Еш ёзувчи адабиёт санъатига янги ажойиб ютуқлар қўшагина уни юксалтира олади.

Ёзувчи умрбод сўз устида ишлаши керак. Бусиз, менимча, ҳеч қандай ютуққа эришуви мумкин эмас.

## 2

Еш ёзувчи учун газетада ишлаш жуда фойдали, деб биламан. Газета — мактабдир. Адабиётда унинг ўрнини босадиган нарса йўқ.

Газета мактаби нима беради? Газетада ишлаш бадиий проза учун энг зарур: қисқа форма, ифода аниқлиги, фикр равшанлигига, энг қимматли фазилатларга эришиш мумкин.

Кейинги вақтда яратилган кўпгина романларимизда тарқоқлик, кўп сўзлик каби камчиликлар борки, буларни Лев Толстойнинг таъбири билан айтганда «мушаклар» ўрнини «ёғ» босиб кетган.

Газета адибнинг мушакларини пиштади. У прозага ёйилиб, тарқалиб кетишга йўл қўймайди. Агар газета мушаксиз прозани босса, бу газетанинг ўз айби. Газета ўз хажми-жисмига биноан адабиётдан ихчамликни талаб қилади.

Кўп сўзлик — газетанинг душмани. Чунки ортиқча сўз, ортиқча жой эгаллайди, шунингдек ортиқча сўз фикрни хиралаштиради. Газета бўлса фақат аниқ фикрни тарғиб қилиши керак.

Сўз аниқлиги фақат услубга хос талабгина бўлмай, соғлом диднинг, биринчи навбатда, фикрнинг талабидир. Қаерда ҳаддан ортиқ кишини ланж қиладиган сўз кўп бўлса, ўша жойда фикр бўш бўлади. Чалкашликни оддий, аниқ сўзда ифодалаш қийин. Адибнинг асарида мазмун тугаб қолган бўлса, чўзиқлик вужудга келади.

Рус адабиётининг биринчи улуғ устози Михайло Ломоносов: «Бирор нарса ҳақида хира тасаввур қилишса, хира ёзишди»,— деган эди. Бу XVIII аср учун ҳақиқат эди, XX аср учун ҳам ва кейинча ҳам доимо ҳақиқат бўлиб қола беради.

Бизнинг замондошимиз, улкан совет ёзувчиси Алексей Толстой ижодий камолоти барқ уриб турган бир пайтда шундай деган эди: «Тил — тафаккур қуролидир. Тилга нисбатан юзаки муносабатда бўлиш—юзаки фикрлаш демакдир».

Газета — ҳаётни кузатиш мактабидир. Газета учун ишлайдиган ёзувчи ҳаёт билан бевосита, мустаҳкам алоқа қилишга мажбур бўлади. Ёзувчи юзаки ҳикоя ёзса, бундай нарсани газета, умуман босмайди. Унинг саҳифалари — бизнинг шу кунимиздир. Лекин газета асло ёзувчидан шу кун ҳақида репортаж кутмайди. Бундай ишни репортаж ёзадиган газета ходими ҳам қилиши мумкин. Ёзувчи қисқа чизиқларда ҳозирги замон қаҳрамонининг ички дунёсини аниқ ва чуқур синчиклаб очиб бериши керак.

Горький газета ходими босиб ўтиши керак бўлган йўлни босиб ўтган ва газетачилик касбининг қийинчиликларини тўла-тўқис бошидан кечирган. Аммо Горькийнинг бадий асарлари ҳам газета учун ёзилган. Газета иши уни кўп нарсаларга ўргатганини қайд қилган эди. Бизнинг ажойиб, моҳир ҳикоянависимиз Чехов кўп йиллар давомида ўзининг асарларини газеталарда бостирган. У қисқа форма соҳасида беқиёсдир ва новеллист сифатида ер юзида шуҳрат қозонди.

Ёш ёзувчи, менимча, ўз йўлини қисқа формада асар ёзишдан бошлаши керак. Илк қадамидаёқ катта роман, романлар цикли, бир неча томлик эпопея яратишни ўз олдига вазифа қилиб қўйиш тўғри эмас.

Тушунаман, ёш ёзувчи роман ҳам, эпопея ҳам яратиши мумкин: унда куч бор, билган нарсаларининг барини бирданига бўлмаса ҳам иложи борица кўпроқ ҳикоя қилиш иштиёқи зўр, унда ғайрат бор, вақти ҳам

кўп. Аммо катта эпик формадаги кенг кўлам, ундаги қаҳрамонлар ва гапнинг кўп бўлиши, ундаги ёйиқлик, ундаги ҳисобсиз ҳар хил традициялар аралаш-қуралаш бўлади-да, автор ақлига келганини қилишга ҳақи бор экан, деган тасаввур туғдириб қўяди. Буларнинг бари ёш ёзувчини асарнинг формаси устида ишлашда ўзига нисбатан мумкин қадар қаттиққўл бўлишга ўргатмайди.

Кўп вақт, ёш ёзувчиларнинг ҳалигидай «катта полотно»лари ҳақида шундай дейиш мумкин: полотно-ку, катта, аммо бу полотнодан нимани кўрамиз? Унда темани ечишга ёрдам берадиган пишиқ композиция йўқ. Қаҳрамонларнинг ўртасидаги алоқа заиф. Бир бутун ёруғлик манбаи йўқ, аксинча, кинога олиш пайтидагидай, ҳар қайси персонажга алоҳида фанор-юпитер қўйилган. Сюжет иштирок этувчи қаҳрамонларнинг характерига боғлиқ эмас, фабула ҳам — воқеа содир бўладиган шарт-шароитга боғлиқ эмас. Катта полотно катта картинага айланмаган.

✓ Маҳорат тажрибасини яхшиси, ҳикоядан бошлаш керак. Ҳикояда ҳамма нарса — боблардаги мутаносиблик, характерлар ва сюжетдаги узвий яқинлик, ҳар бир эпизоднинг умум мақсадга, ҳар қайси деталнинг эса бутун асарга хизмат қилиши яққол кўзга ташланиб туради. Дарҳақиқат, бу ўринда сўзларни ҳис этишга қаттиқ талаб-тартиб бор: ҳикояда маҳмаданалик кетмайди, сўзларни битталаб танлашга тўғри келади.

Албатта, ҳикоянавислик мактаби ҳар бир ёш ёзувчи учун ҳам романчиликка йўл очиб бера бермайди. Лекин мен аминманки, ҳар бир романчи қисқа форма маҳоратини қанчалик чидам билан ўрганса, ўшанчалик бақувват бўлади. У дабдурустан роман ёзишга киришса ҳикоянависликдаги ўзига нисбатан талабчанликка эриша олмайди.

Лев Толстойнинг ибораси билан айтганимизда, бадий прозада «ёғ»ни йўқотиб, «мушаклар»ни пишитиш романчилик тажрибасига қараганда ҳикоянависликда анча қулай.

Нима учун Чехов ва Горькийнинг газеталарда босилган ҳикоялари кундалик матбуот тахларида йўқолиб кетмай, рус адабиётининг классик меросига кирди?

Бу ҳикоялар рус жамиятининг ҳаётини ўзида акс эттирган, улар асримизнинг бошидаги у ёки бу синфий



муносабатларнинг умумлашган картиналаридир. Шубҳасиз шундай.

Шу билан бирга бу ҳикоялар жуда катта талантларнинг бутун куч-қудрати билан ёзилгани ҳам шубҳасиз. Чехов ва Горький ҳикояларини газетада бостира туриб, ўз санъатларига нисбатан талабчанликни пасайтирмаганлар. Улар ўз тилларини бузиб, бачканалаштириб юбормаганлар, услубини ўзгартирмаганлар, типик бўлмаган характерларга тўхтамаганлар, кўп марта тилга олинган сюжетлар билан қаноатланмаганлар. Улар ҳаёт ва санъат ҳақиқатига содиқ бўлиб қолганлар.

Санъаткор ҳамма вақт санъаткор бўлиши керак. Ойлик журналга яхши ёзиб, ҳафталик журналга эса ёмон ёзиши мумкин эмас. Роман ёзганда бутун таланти ишга солиб, очеркка эса озроқ талант ишлатиб, газета учун ёзилган мақолани шунчаки ёзиш мумкин эмас.

✓ Езувчилик маҳоратини бирорта жанр бўйича эмас, ҳар қандай жанрда ҳам ўрганиш керак. Қўлингга қалам олдингми, бас, сен барча санъатнинг учун жавобгарсан. Агар сенинг газета очеркинг, мақоланг, тақризинг, ўртоғингга ёзган хатинг, шунчаки бирнав ёзилган бўлса, ҳеч қачон ҳикоянависликда ва романчиликда санъаткор бўлолмайсан. Езувчи шунчаки қўл учида ижод қилишни ўзида умрбод ман қилиши керак.

Бу ҳам — саводга ўхшаган бир гап. Ахир сиз езувчилар союзига ёзган аризангизни имло хатосиз, ўй-жой идорасига берадиган аризангизда хатога йўл қўйиб ёзмайсиз-ку? Мактабда адабиётдан олинган иншодаги имло хато учун баҳони пасайтирганларидай физикадан олинган ёзма ишда йўл қўйилган имло хато учун ҳам баҳони пасайтиришади. Жуда тўғри қилишади, аксинча ўқувчи саводини чиқара олмайди.

Нима учун санъатда кўпгина ёш езувчилар, масалан, газетага бирор нарса ёзсалар тилга ҳафсаласизлик қилдилар? Маҳоратни қачон ўрганишади? Эпопея ёзишга киришганларидагинами?

✓ Езувчи газета учун ишлаганида ўз позициясини мана шу оддий талабларга асосан қуриши керак.

«Тубан жанрлар» йўқ, аммо жанрларга нисбатан тубан муносабатлар бор. Бу нарса ҳар қандай жанрда ҳам бир хил эҳтирос, бир хил ғайрат билан ишлашни ўз шаънига тўғри келмайдиган иш, деб қаровчи баъзи адабиётчиларнинг айби билан юзага келади.

Ёзувчи газета учун бутун қобилияти, кучини ишга солиб, ёзувчи деган номга муносиб нарса ёзиши керак.

### 3

Кўп вақт газета тилни бузаётгани тўғрисида, газетанинг ёзувчига ёмон, ҳатто «бузувчилик» таъсири ҳақида гапиришади.

Бироқ нима учун энди ёзувчи газета тилидаги заифлик ва камчиликларни, газетадаги жумла қолипларини такрорлаши керак экан? Бу ким томонидан амр қилинибди? Тушунаман, репортёрларнинг кўпчилиги репортажлардаги шаблонларни кўпчилик томонидан қабул қилинган малака сифатида ёйишга, профессионаллаштиришга уринишлари маълум. Лекин мен ёзувчи шаблонларни ўрганиши керак деб ишонтириш учун гапирётганим йўқ, балки газета ишининг фойдаси ҳақида гапирётгиман.

✓ Санъаткорнинг ўз индивидуаллигини, айниқса сўз соҳасида ўстириши — газетада йўл қўйилган тил ғадирбурдурликлари ва хатолардан холи бўлиш, шу билан бирга газета тилининг умумий савиясини кўтариш демакдир.

Ёзувчи газета тилидаги хатоларни такрорлаб, оҳ, газетада ишлаш менга ёмон таъсир қилаётибди, деб гапиради. Аксинча шундай ёзиш керакки, сизнинг тилингиз газетага таъсир этсин, газетачи менинг тилимнинг нимаси ёмон, ахир бадий адабиёт нури билан ёритилганку, деб ўзини оқлайдиган бўлсин.

Баъзан бизда шундай тил билан ёзишадикки, қаерда репортаж тугаб, қаердан повесть бошланганини била олмайсиз.

Газета жонли, образли тилдан ҳар вақт ҳам фойдалана бермайди. Канцелярия, идора терминлари газетага кириб кетиб қолади, газета уларни сал-пал тузатади-да, ўзининг тили қилиб олади.

Бизнинг сўзга нисбатан талабчанлигимиз жуда қаттиқ бўлиши керак, шунинг учун ҳам ўз хатоларимизни газета тилидаги заифликка тўнкамаслигимиз зарур.

### 4

Қейинги вақтда танқидчилигимиз томонидан бадий асарларнинг тили маҳаллий шева иборалари ва сўзлари билан ифлосланаётгани тез-тез қайд қилинмоқда. Ёзув-

чидан рус тилининг софлигини талаб қилиши ҳаққоний талабдир. Лекин бу ўринда расмиятчи бўлиб кетиш ҳам тўғри эмас.

Алексей Максимович Горькийнинг бундан ўттиз йил муқаддам мен билан илк бор қилган суҳбатларидан бири ёдимда. Унинг олдида ёш ёзувчиларнинг яқинда ўқиб чиққан ҳикоялари турган эди. У қўлёзмаларнинг ичидан биттасини олди-да, очиб сўради: «Нега тушуниб бўлмайдиган тилда ёзишар экан? «скляный» дегани нима дегани? Ёки — «ширкунок» дегани нимаси? Бу ё асбоб, ёки қуш бўлса керак. Тилга ўхшамайди, товушлар йиғиндиси Масалан, буни чет тилга таржима қилиб бўлмайди. Бирорта таржимон ҳам эплай олмайди...»

Лениннинг «Рус тилини тозалаш ҳақида»ги ёзишмаси ҳаммага маълум. Уша ёзишмада у, чет тил сўзларини керак бўлмаса ҳам ишлата беришга қарши исён кўтаради. Лекин баъзи шева сўзлари рус китобхонининг қулоғига ҳатто чет тил сўзларидан қолишмайдиган даражада ғалати эшитилади ва тушуниб ҳам бўлмайди. Горький тил ҳақидаги мақолаларида тушуниб бўлмайдиган маҳаллий шева сўзларига ўз муносабатини очиқ-ойдин билдирган, унинг қарашларига бутун совет адабиёти қўшилади.

Маҳаллий шева сўзларини ортиқ даражада кўп қўлланишни танқид қила туриб, албатта, чегарадан чиқиб кетиш, санъаткордан адабий тилнинг аллақандай беғубор бўлишини талаб қилиш ҳам тўғри эмас.

«Маҳаллий шевачилик»га қарши кураш, демак ёзувчидан, қандай мақсадни кўзда тутишидан қатъи назар, тилни ортиқча, ғалати сўз чиқиндилари билан тўлдирма, деб талаб қилишдан иборатдир. Аммо, бундан маҳаллий шева сўзларини ишлатмаслик керак, деган маъно келиб чиқмайди. Маҳаллий шева сўзлари асарда ўз жойини топган бўлса, тилни бойитишга хизмат қилса, уни ҳамма жойда ишлатиладиган сўз билан алмаштириш қийин, ёки иложи бўлмаса қўлланилиши мумкин.

## 5

Юксак адабий техникани эгаллаш нима учун зарур? У фикр заифлигини, билим қашшоқлигини яхшироқ ниқоблаш учун керак эмасмикан? Йўқ, албатта.

Фикр ва билим бойлиги ўзининг яхшироқ ифодасини топиш учун бой формага, яъни маҳоратга муҳтож.

✓ Маҳорат — катта ҳаёт ҳақиқатини ифодалаб бера билиш санъатидир. Ёзувчи юксак бадий техникани эгаллаган бўлса, у нотўғри ҳолатни тасвирласа ҳам тўғри бўла беради, деб ўйлаш керак эмас. Нотўғри нарса устанинг қўлида ҳам, шогирдда ҳам бир хил, нотўғрилигича қола беради.

Катта мазмунга хизмат қилмаган маҳорат — у алдамчиликдир. Уни формализм ҳам дейишади. Формализм — жиддий ички мазмунга эга бўлмаган бўшлиқдир, техника — техника учун демакдир.

Юксак маҳорат қаҳрамоннинг ички дунёсини анча сезгирлик билан ҳар томонлама тасвирлаш имконини беради. Формани ташкил этган ҳақиқат ва сўздаги равлонлик барча элементларнинг чиройли бўлиши, китобхоннинг тасаввурига ва юрагига кучли ва чуқур таъсир этади. Аммо сўзнинг биргина ихчамлиги, унинг биргина ташқи безакдорлигининг ўзи юракни кесакка айлантириб қўяди.

Алексей Толстой Бутуниттифоқ ёзувчилар съездида, декаданс даврида ёзувчилар бошларидан ўтказган касалликни «сўзга жодугардай муносабатда бўлиш», деб атаган эди. Бу жуда тўғри.

Кекса авлодга мансуб бўлган совет ёзувчиларининг анчаси, шу жумладан мен ҳам, биринчи пайтларда, Октябрь революциясидан кейин ўз умрининг охириг кунларини яшаётган декаданснинг таъсирига озми-кўпми тушиб қолган эдим.

Толстойнинг сўзга жодугардай муносабатда бўлиш, деган гапининг мазмунига Андрей Белий мисолида тушуниш қийин эмас. У сўзга, ҳақиқатан ҳам жазаваси тутган жодугардай муносабатда бўлар эди. Унинг учун тил физиологик мавжуд бўлган, илк бор яратилган феномендир. Бу — глоссоларнинг стихиясидир. Белийнинг ўзи ёзган нарсаларини глоссолалия, яъни жазаваси тутиб турганда оғзидан чиққан мазмунсиз сўзларнинг йиғиндиси, деб атаган. Жумлалар тўлқини Белийнинг фикрларини ўз кетидан эргаштириб кета берган, улар борган сари тушуниб бўлмайдиган бўлиб хиралаша борган, сўзлар бўй бермаган.

Так звуки слова — дар Валдая  
Балды, над партою болтая,  
Переболтают в дарвалдай,

Белийнинг «Биринчи учрашув» поэмасидаги шеър ана шундай.

Унга ўзининг чалкашиб кетган, нураган, мистик дунё-қарашини сал бўлса-да, аниқлаб олишига «дарвалдай» халақит берди. Натижада бизнинг адабиётимизда у фақат қари жодугаргина бўлиб қола берди.

Сўзнинг ўзини асл мақсад қилиб олиш, бирор фойдаси тегмайдиган қуролдай бемаъниликдир.

✓ Биз бирор мақсадни кўзлаб ишлаймиз, шу мақсад қуролни ишга солади. Сўзлар фикрни ифодалайди, фикр кишилар учун ўз кетидан сўзларни эргаштиради.

Чинакам маҳорат фикрни хиралаштирмайди, аксинча химик реактив ёруғликка таъсирчан фотопластинкани равшан қилгани каби равшанлаштиради.

Санъаткорда асарнинг қимматини белгилайдиган ишчи-техник малака ана шундай юзага келади. Агар сен формада нуқсон борлигини кўрган бўлсанг, мазмундаги нуқсонни қидир, Сеннинг санъаткорлик дидингга романдаги ўлим тасвири ёқмаса, демак ўлим бўлмаган, яъни автор уни билмаган, санъаткор сифатида ҳис эта олмаган.

Агар картинадаги қуёшнинг ботишига ишонмасанг, демак уфқнинг ўзи йўқ.

Бу билан шуни айтмоқчиманки, ҳаёт ҳақиқатини билиш санъаткорни тасвир ҳақиқатини излашга йўллайди ва улар ўртасида уйғунлик вужудга келтиради. Натижада санъаткор шу уйғунлик асосида асарнинг қимматини синчиклаб текшириш қобилиятига эга бўлади. Бундай текширишда фақат талантгина эмас, талантдан ҳам зўрроғи — маданият, билим, тажриба қатнашади. Бу фазилатларга тинмай ишлаш натижасида эришилади.

✓ Санъаткорлик — унвон, ёки ном эмас, буни эсдан чиқармаслик керак. Ёзувчи адабиётда санъаткор бўлганидан кейин ҳам маҳоратини ошириши устида ишлашдан тўхтамайди. Санъаткорликнинг чеки йўқ.

Вольфганг Гёте «Шекспир драматург сифатида» деган мақоласида шундай дейди: «Ажойиб санъаткорнинг ёзган нарсаларининг ҳаммаси ҳам ажойиб бўла бермаган».

Шубҳасиз, улуғ санъаткорларнинг ҳам хатоси бўлган. Лекин улар умр бўйи ўз хатоларига қарши курашганлари учун ҳам буюк санъаткор бўлганлар.

Маҳоратни эгаллаш албатта, осон иш эмас, Чехов бир хатида шундай дейди: «Асар қанчалик яхши бўлса, ундаги нуқсонлар шунчалик кўзга яққолроқ ташланади ва уларни тузатиш ундан ҳам қийин». Улкан санъаткорларнинг тажрибаси шу нарсани кўрсатадики, борган сари санъаткорга ижод қилиш осонлаша бормади, балки қийинлаша боради.

Аммо бундай ижод — фақат азобгина бўлиб қолмай, ҳаловат ҳам, чинакам шодлик ҳамдир.

## 6

Ижодий меҳнатни кундалик одатга, табиий эҳтиёжга айлантириш муҳимдир. Табиий эҳтиёжни меҳнатда қондириш эса, жуда кўп гапириладиган ва дарҳақиқат ёзувчига яхши таниш бўлган «ижод азоби»га мукофот бўлиб тушади.

Менга Горький номидаги Адабиёт институтида бир неча йил проза бўйича семинарга раҳбарлик қилишга тўғри келган эди. Мен кўпгина студентларни, бўлғуси адибларни, кўпчилиги қобилиятли бўлган ёшларни узоқ муддат давомида кузатиб юрдим. Шунда энг яхши муваффақиятга, одатда, осонлик билан ёзганлар эмас, қийналиб ёзганлар эришганини пайқадим.

Бунинг сабаби оддий: ёзувчилик ишига хос бўлган қийинчиликларни енгишга интилган кишига, бу қийинчиликларни четлаб ўтишга ҳаракат қилган кишига қараганда оғирроқ, албатта. Натижада, қийналиб ёзганларда, осонлик билан ёзганларга нисбатан тенглаштириб бўлмайдиган даражада юксак талабчанлик вужудга келади. Ниҳоят, аста-секин, икки хил типдаги — чуқур ва юзаки ёзадиган ёзувчилар майдонга келади.

✓ Шунинг учун ҳам ёш ёзувчидан ижоддаги илк қадамиданоқ сонига қараганда ҳам кўпроқ сифатли меҳнат талаб қилиш керак.

Оз бўлсин-у, соз бўлсин — деган маслаҳатга ҳамма ҳам амал қила бормади. Лекин бу маслаҳатга амал қилувчилар тезда ўз тажрибаларида бу гапнинг тўғри эканлигига амин бўладилар.

Семинарда жиддий ва чидам билан ишлаган, яқиндагина студент бўлганлар энди бизнинг янги, ёш совет ёзувчиларимизнинг сафида фаол ижод қилмоқдалар. Бу мени ниҳоятда хурсанд қилади. Повестлар, романлар, очеркларнинг авторлари Николай Евдокимов, Борис Бедний, Юрий Трифонов, Елизар Мальцев ва бошқалар урушдан кейинги йилларда адабий стажга эга бўлдилар.

Улар Улуғ Ватан урушининг қаҳрамонона йилларида биринчи ҳаётий малака ортирдилар, маълумот олдилар, асарлари журналларда босилди, китобхонларга танилдилар. Уларга Ватанимиз кенг, узоқ, ёруғ исгиқбол йўлини очиб берди. Бу улуғ сахийликдир.

Улар муваффақият қозонган бир пайтда ҳам биз ёзувчилар ўзимизнинг янги дўстларимизга, сизларнинг ижодингизга халқ юксак баҳо берганда ҳам бу сизларнинг муваффақиятларингизнинг охириги нуқтаси эмас, деб айтишимиз керак.

Юрий Трифонов ўзининг «Студенлар»ини яхши ёзди, лекин у жуда яхши ёзиши мумкин эди. У қайсарлик билан ва руҳланиб, жуда яхши ишлай олади. Унда ёзган нарсасидан қониқмаслик ҳисси бор. У студентлик даврида яхши ҳикоялар ёзган, аммо ўзининг ҳамма ҳикояларидан ҳам норози эди. У ишлашдан эринмайди. Энди унинг олдида турган вазифа — ўзида меҳнатга нисбатан ҳурмат ва муҳаббат ҳиссини ўстириши ва мустаҳкамроқ тарбиялаши керак. Энди ундан кўп нарса талаб қилинади, шунинг учун ҳам у ўз маҳоратини ўстириши керак.

Елизар Мальцев ҳалитдан икки роман ёзиб бостирди. Биринчисини Адабиёт институтида бошлаган эди. Иккинчиси — «Бутун юрагимдан» ўз темасининг замонавийлиги, колхоз воқелигида типик бўлган баъзи характерларнинг жонлилиги билан кенг оммалашиб кетди. Лекин иккинчи китобнинг айрим жойларини Мальцев бутун кучини ишга солиб ёзмаган, унинг биринчи романига қараганда кучсизроқ, семинарда ўқилган айрим ҳикояларидан ҳам кучсизроқ. Мальцев ҳам яхши ҳикоялар ёзган, сиқиқ мазмундорликка эришиш, сюжетни тўғри тузиш йўллари билди. Бироқ, у сўзларнинг рангбаранглигига ортиқча берилиб кетади, сўз танлашда қаттиққўл эмас, тutilмаган айрим сўзлар билан ўзини кўрсатишни яхши кўради. Романлари бир текис эмас, чўзилиб кетган жойлари бор, тасвир бериши керак

бўлган жойда бўёқ чаплайди. Энди у енгил меҳнатга интилмаслиги керак, ўзида бор бўлган энг яхши лаёқат ва фазилатларни тўплаб туриб, ўз қобилиятини ўстириш ва юксалтиришга хизмат қилишга мажбур қилиши керак.

Албатта, гап ижод технологияси устида ишлаш тўғрисидагина эмас, балки ҳар томонлама ишлаш, биринчи навбатда — ҳаётни ўрганиш ҳақида боряпти.

Адабиёт институтининг бир студенти Волга-Дон канали қурилишидан менга хат ёзди. У ёққа уни «Смена» журнали юборибди. У шундай деб ёзади: «...Илгарироқ ижод қиладиганларга хос бўлган бир хатоликка йўл қўйган бўлсам керак; ҳаётни умуман билмай туриб, ҳаётнинг бирор соҳасини — колхозни, қурилишни билмасак керак, деб ўйлаймиз; кишиларни умуман билмай туриб, қандайдир маълум кишиларни — колхозчиларни, қурувчиларни билмасак керак, деб ўйлаймиз. Шундай деб, биз ўзимизни ҳамма жойда ўраб олган кишилар тўғрисида, қочиб қутулиб бўлмайдиган ҳаёт ҳақида ўйлаш ўрнига колхозни ёки қурилишни ўрганиш мақсадида ўша ёққа жўнаймиз. Жўнаганда ҳам кўп вақт ҳаёт ҳақидаги ўй-хаёлларимиздан қутулиш учун ўй-хаёлларимизнинг ўрнини юрган ва кўрганларимиз билан алмаштириш мумкин, деб ҳисоблаб жўнаймиз.

Ўзимнинг бу хатоимни тузатишга ҳаракат қиламан. Лекин, ялқовлигимданми ёки бекорчиликданми мен ўз қондамни унутиб қўйиб, атрофга суқланиб қараганимда ва ҳеч нарса ҳақида ўйламай, анграйиб қараб қолганимда баъзан ишим юришмайди, шуниси ёмон».

Бу хат қизиққонли, зийрак кишининг қўли билан ёзилган. Унда ҳақиқат ҳам бор, янглишиш ҳам.

Янглишиш шундан иборатки, ҳаёт ҳақидаги ўй-хаёллар ҳаётни ўрганишнинг ўрнини боса олар эмиш. Албатта бу тўғри эмас. Тўғри ва самарали ўйлаш, фақат ҳаётни билишнинг натижасигинадир. Ҳаётни ўрганмай туриб уни тушуниш мумкин эмас.

Хатдаги ҳақиқат шундан иборатки, ҳаётни айрим соҳалар, бўлақлар бўйича ўрганиб бўлмайди. Ҳаётни кузатиш ва у ҳақида ўйлаш — ҳеч қачон ҳаётдаги умумийликни назар эътибордан четда қолдирмай ва тасодифий нарсани қонуний нарсадан ажратиб туриб, ҳаётнинг айрим томонларини кўра билиш демакдир.



Хатдаги бошқа бир ҳақиқат шундан иборатки, дар-ҳақиқат, Волга-Донга ўхшаган қурилишда юриб, ҳаётимиздаги мураккаб, улуғвор жараённи умумлаштириш тўғрисидаги вазифаларни баъзан унутмасликнинг, ҳам-да бажараётган ишига фидокорона берилиб кетиб ва қаҳрамонлик кўрсатаётгани эсига ҳам келмаган оддий меҳнат қаҳрамонига мафтун бўлмасликнинг иложи ҳам йўқ!

Мен ўйлайманки, ҳозирги студент, бўлғуси ёш сўвет ёзувчиси тўғри йўлга тушиб олган. У ҳаётни ўрганadi, уни синчиклаб кузатади ва ёзувчилик маҳоратини эгаллашнинг асосий бош шarti шу эканини тушунади.

Бошқа ёш ёзувчиларга ҳам ўзларининг юксак ишларига мана шундай эҳтиросли ва шу билан бирга тўғри муносабатда бўлишларига истак билдираман.

---

МЕН ҚАНДАЙ ЁЗАМАН

Эсимда, ўн тўққизинчи йил Самарада эканлигимда, ҳар куни кечқурун, ухлашга ётишимдан олдин биттадан шеър ёзардим: улар яхшими, ёмонми (ҳар ҳолда яхшидан кўра ёмонроқ эди) ҳар ҳолда ёзаверардим. Бу аҳвол бир неча ҳафта давом этди. Шеър ёзмаган кунларим ҳам бўларди, албатта, аммо баъзи кунлари уч-тўрттадан ёзиб ташлардим. Ундан кейин совуб қолиб, анча вақтгача ёзмай қўярдим. Умуман ёзганманми, йўқми билмайман, эсимда йўқ. Уша пайтда, Самарада худди вужудимни қандайдир шарора қоплаб, қасирға қўзғаларди-ю, мендан шеър ёзишни талаб қиларди. Фурсат ўтгач, бундай ҳол юз бермасди. Нега бундай бўлганлигини билмайман. Лекин шундай пайт бўлган.

Москвага, бу ерга келдим-у, Москва ҳамда Иванюво-вознесенск газеталарига кўпгина публицистик мақолалар ёздим.

Вақт ўтиб борарди.

Публицистик мақолаларни ёзмай қўйдим (чунки унга ҳавасим йўқ эди, фронтда бўлса, азбаройи зарураддан ёзардим). Бу ерда эса бутун фикр-хаёлимни бадний ижодга жалб қилдим: «Қизил десант»ни икки марта қайта ишлаб, партияни тозалаш давридан «Ишонч» номи бадний очерк ёздим. Бу мутлақо муваффақиятсиз чиқди. «Ўт қувур» қаҳрамонларининг портретларини кўз олдимга келтириб, биринчи нусхасини чизиб чиқдим... Сиртдан қараганда ишим қайнарди; у мени бутунлай

қамраб олган; ҳамма вақт у ҳақда ўйлардим. Кўчада кетаётган пайтимда ҳам бошимни баъзан композицион ва техник масалалар, баъзан психологик ҳолатлар ва эволюцион процесслар қотирарди... Ҳа, бадий асар ёзаётганимда бошингда қандай хаёллар, режалар бўлмайди, дейсан! Қузатувчанлигим шундай ўткирлашиб кетдики, асти қўя берасиз. Томдан қор қулаб тушади. Мен уни дарров бир нима билан боғлайман; Арбатда савдогар хотинлар қичқиришади, мен уларнинг нима деб бақиришаётганини қулоғим билан эшитаман, энг қизиқ гапларини билиб оламан, ёдлайман, уйга келганимда эса, ўша сўзларни дафтаримга ёзиб қўяман, Кузьма ва бошқалар билан маслаҳатлашаман, «Темирчилик дўкони»га кираман, Политехник институтидаги лекцияга қатнашаман... Хуллас, энг самарали бадий ҳаёт гирдобига шўнғиганман...

Мана, бир ой бўладики, ҳеч нарса ёзмаяпман, ҳеч қаёққа бормаяпман, ҳеч кимнинг гапига қулоқ солмаяпман ва ҳеч ким билан маслаҳатлашмаяман, ҳеч нарса ҳақида ўйламаяпман ҳам. Китоб ўқишнинг-ку жонини киргизяпман, ёзишга келганда эса бир йўл ҳам ёзаётганим йўқ. Ҳафсалам пир бўлиб қолди дейишим ҳам мумкин, ҳатто, дастурхон тепасида уч-тўрт соатлаб ўтириб қоламан. Уртоқларимдан қайси бирлари келиб қолишади, то ўзлари чиқиб кетмагунларича улар билан мириқиб суҳбатлашаман, шоширмайман, бозначилик қилиб ҳайдамайман ва ўзим ҳам ишга бора қолай деб шошилмайман. Папирос чекиб ва ёнбошлаб ётиб олиб ширин хаёлга чўмаман... Ҳеч қандай касалим йўқ, бироқ гўё аллақандай бир дардга мубталога ўхшайман. Нималигини ўзим ҳам билмайман. Менда ланжлик, ялқовлик йўқ. Эрта билан тўрт-беш соатлаб сурункасига китоб ўқийман. Бир ҳафтада иккита кичкина мақолача, яна бир-иккита хабар, тақриз ёзаман. Катта асар ёзмай қўйдим. Ҳикояларни-ку, мутлақо ёзмайман. Материал бўлса жуда кўп. У йиғилгани-йиғилган, ўз-ўзидан йиғилмайди, албатта, ўзим йиғаман: газеталардан қирқиб оламан, дафтаримга ёзиб қўяман, баъзи нарсалар ҳақида аҳён-аҳёнда суриштириб билиб оламан... Ўзимни худди бир ишни бошлаётгандай ҳис қиламан, ҳис қилганда ҳам ўша ишнинг қандайлигини билмаган ҳолда ҳис қиламан. Кўнглимда аллақандай билиб бўлмайдиган нарсалар ўз-ўзидан содир бўлаётгандай. Кўнглимда содир бўлаётган бу ишни бартараф қи-

лиш у ёқда турсин, унинг ўзи нима эканлигини аниқлаш, тушуниш мумкин эмас эди...

Жуда кам ёзяман, деярли ҳеч нарса ёзаётганим йўқ... Ҳар ҳолда мен шундай ёзаман:

Олдин ўйлаб юрган нарсамнинг схемасини қоғозга чизиб оламан, скелетини қураман, сал-пал эт битираман... сийпаб «ўраман, баъзи нарсалар қўлимга тегади, баъзиларини улайман. Ишнинг хомаки нухаси пайдо бўлади. Ҳамма ишни ҳам шу тартибда қиламан. Қилаётган ишимнинг хомаки нухаси беками-кўст тайёр бўлганидан кейингина унинг етук варианты устида қайта ишлай бошлайман. Аммо очигини айтиб қўя қолай — қайта ишлаш процессини хуш кўрмайман, чунки бу ишни қандай ўтказишни билмайман, шунинг учун ҳам бу қайта ишлаб чиқиш ўзининг бутун қийинлиги билан тинкани қуритади... Ижод қилиш осон, мана, бу ёзиш эса — қийин.

Мен «иш» деганда, шартли равишда, журналда бўлим бошлиғи бўлиб ишлашимни тушунаман.

Уйдан соат ўн бирда чиқиб, тўппа-тўғри редакцияга бораман (фақат баъзи вақтларда босмахонага ёки цинкографияга). У ерда техник секретаримиз Илья Андреевич ўлтиради. Унинг қўлида одатдаги бир неча иш йиғилиб қолган бўлади; машинисткаларнинг смети, ведомостлар, баъзан эса ҳар хил қоғозлар серияси.

Илья Андреевич «ренат петици» ҳақида баҳс очади (у биргина шу шрифтнигина билади). Эҳтимол, мен ҳам бу «ренат»ни нотўғри ёзаётгандирман.

У қоғозлар ичида аллақачон қайтариб юборилган мақолаларнинг ҳужжатлари, турли справкалар, гонорарни аниқлаш ҳақидаги қоғозлар (айниқса буниси ҳамавақт бўлади). Бу ҳужжатларни кўриб чиқиш учун ўн минут етади. Стол устида верстка қилинган листлар, гранкалар пайдо бўлади, уларни текшириб бўлганимдан кейин босмахонага бориб садоқатли Швовга топшираман. Бошқа пайтларда редакцияга маҳсус ҳарбий мухбирларимиз хабар олгани кириб келишади, улар баъзан мақолалар олиб келишади, баъзан топширган мақолаларининг тақдирини суриштиришади, кўпинча эса яна ўша гонорар масаласи: қачон олиш мумкин, неча пул қўйилган, олишни тезлатиш мумкинми, бир ҳафтадан кейин гонорар оширилар эмиш, тўғрими ва ҳоказо, ҳоказо сўроқлар билан мияни ачитишади.

Гранка ва листлардан қутулганимдан кейин адабиёт бўйича китоблардан ўз асарларимни ўқийман. Ҳа, ордер, паёк олишга, ўтин, мебель, қўра, телефон ва бошқа ишларнинг ташвишига озмунча вақт кетмайди... Бу ишларни битирганимдан кейин босмахонага жўнайман, тамаки тутуни ичида Швовни излаб топаман:

— Хўш, ишлар қалай, нималар тайёр, нималар тайёр эмас?

— Петит етишмай турибди, клишенинг оттискасини йўқотиб қўйишибди, махсус топшириқ орқали берилган заказ ишимизни тўхтатиб қўйди ва ҳоказо.

Ишимиз имиллаб юришмоқда... Учинчи сонидан бошлаб журналимизни ҳар ойда бир чиқадиган қиламиз, деб ўйлаган эдик, икки ой ўтиб кетди, у ҳам ҳалига қадар чиққани йўқ. Журнални ойлик қилиб чиқариш умуман мумкин эмасга ўхшайди.

Швов билан маслаҳатлашамиз, унга ўз материалларимни топшираман, у ҳам менга янги лист ва гранкаларни беради... Кейин Гирс билан ҳангамалашамиз. Бу доим серташвиш одам елкасига қопини орқалаб, пойтахтнинг у бошидан бу бошига қатнагани қатнаган... Кун ҳам кеч бўлиб қолади... Соат тўрт яримда уйда бўламан... Иш куни шундай тамом бўлади...

Уйда ўз ишим билан банд бўламан — китоб ўқийман, ёзаман, баъзан эса лекцияга бораман.

Ёзгим келмаган пайтларда худди қафасдаги жонивор каби уй ичида у бурчакдан бу бурчакка жаҳл билан бориб келавераман.

Иг. Вас. бутунлай бошқача.

Столда қишлоқи хотинни ифодалайдиган ёғоч қўғирчоқ туради: у бўяб қўйилган.

У қўғирчоқнинг бошини бураб очади-да, унинг ичидан кичикроқ қўғирчоқни олади, ундан кейин яна бошқасини, шундай қилиб бирининг ичидан бирини ола беради-да, бир-бирига ўхшаган ўн иккита қўғирчоқни қатор қилиб териб қўяди. Ундан кейин уларни бошқатдан бирининг ичига бирини солиб беркитади. Умуман бу қизиқарли машғулот соатлар мобайнида давом этади. Баъзан столдан нарига кетиб қолади, бу қўғирчоқларни бутунлай унутади. Кейин рафиқаси келади-да, бир жилва қилиб ҳаммасини биллиб олади.

5-сентябрь, 1925-йил.

Хурсандлигимдан теримга сизмайман: Максим Горький хат юборибди! Хатда «Чапаев» ҳақида, «Исён» ҳақида, менинг адабий ишларим ҳақида ёзибди. Шундай яхши уришади, шундай оқилона рағбатлантирадики...

Настя кабинетимга кириб келди:

— Сенга иккита хат келди, — дейди у.

Биттасига қарасам: Луганскдан экан — бу ўртоғимдан. Иккинчисига қарайман: Сорренто...

Ҳовлиқиб кетдим:

— Настя, — дейман унга, — ўн минутгача менинг олдимга ҳеч кимни киритма... Жуда бандман, дейман.

Хатни очиб, ўқийман.

Ҳар сўзни ўқиганимда, ҳар маслаҳатни эшитганимда хурсандлигимдан теримга сизмайман. Унга китоб юборганимда, жўрттага ўзимдан қўшиб ёзиб юборган эдим.

Биринчидан, эҳтимол хат очиб ўқилгандир.

Иккинчидан, ўзимдан қандай илиқ сўз қўшсам экан, балки у менинг олдимга меҳмон бўлиб келар экан, деган андишага борар, деб ўйлаганман.

Шу сабабли ҳам унга айтадиган гапларим жуда кўп бўлишига қарамай, қуруққина қилиб ёза қолган эдим.

Унинг хати мақтов хати эмасди, бу хат аксинча кўпроқ койишдан, кўрсатишдан (танқиддан) иборат эди. Бу руҳни тетиклантирадиган сатрларни ўқиб, ўзимда қандай куч ҳис қилганимни сўрамай қўя қолинг.

У, шундай улуг, ғамхўр одам, менга ёза беришни маслаҳат берарди, шундай қилсанг бир нима чиқади, дерди.

У менга ёзганларимни кўпроқ йиртиб ташлашни, ёқиб юборишни маслаҳат кўрарди, ёзаётган асаримни бир неча марта қайта ёзиш кераклигини айтарди. Мен бўлсам шундай қилишим лозимлигига, айниқса ёзган нарсаларимни аяб ўтирмаслигим кераклигига минг марталаб амин бўлдим. Бир асарни аъло даражага етказмагунингча куйдир, йиртиб ташла.

Хатининг охирида хат орқали алоқа қилиб туришим мумкинлигини айтганди.

Мен унга хат ёзаман. Энди унга чинакамига, чин қалбимдан ёзаман. Хатимгаки, яхши жавоб ёзиб юборибдим, бас, у мендан жавоб кутади. Демакки, мен унга энг қимматли нарса ҳақида гапиришга ҳаққим бор.

Алексей Максимович, қадрли инсон!

Сиз, хатимда агар тушунилмаган жойлар бўлса, тезроқ жавоб ёз, дебсиз. Борди-ю, ҳаммасига тушунган бўлсам-чи — наҳотки хат ёзиш мумкин эмас? Йўқ, бунга кўнмайман. Менинг бу иккита китобим — «Чапаев» ҳамда «Исён» — мен ёзган нарсалар ичида ҳозирча ягона, муҳим материал. Яна иккита-учта китобчам бор, лекин уларнинг аҳамияти кам — ўзимга шундай бўлиб туюлади.

Сиз менга йўл-йўлакай бир неча мушт туширдингиз, ҳар бир муштингиз эса ишга ундайди, ишга.

Агар сизнинг хатингиздаги гапларнинг ҳаммаси мен учун тушунарли десам, буни барча кўрсатмаларингизни қабул қилганлигимдан, билганлигимдан, сезганлигимдан, уларнинг барчаси тўғри ва ҳаққонийлигидан айтаман.

Сизнинг асосий фикрингизга келайлик:

«...Китобнинг тарихий ва мафкуравий аҳамиятидан унинг бадий қиммати устун туради». Дарвоқе шундай. Буни энди кўришим, тушунишим жуда алам қилади. Чунки мен энди икки-уч йил ичида бир энлик бўлса ҳам, лекин санъаткор сифатида ўсдим дея оламан. Энди мен ўзимнинг яхши, балки жуда яхши кўриб қолган китобларимни ҳозирги ёзилганидек ёза олмас эдим, уларни бошқача қилиб ёзардим. Билмадим, ўша асосий композицияни қолдирармидим, қолдирмасмидим, (очеркни ҳам, романни ҳам, ҳикояни ҳам эмас) — балки қолдирардим: асарларимнинг қурилишидан хафа эмасман, чунки бу формал рамкада ҳам ҳаяжонли — таъсирли мазмунни ифода қилиш мумкинми, мумкин. Мени хафа қиладиган нарса асарларимнинг камбағал, ожиз тил билан ёзилганлигидир. Энди бу туссизгина, жайдаригина тилдан ўзимнинг кўнглим айнияди.

Мен яқинда, кейинги икки-уч ҳафта ичида «ЦИК Известиялари»да бир неча бадий очеркларимни чиқардим. Уларнинг бадий қимматлари ҳақида ҳар хил фикрлар бўлиши мумкин, лекин улар илгариги китобларимга нисбатан чоғиштириб бўлмайдиган даражада янги ва афзал қилиб ёзилган. Мен энди асарларимнинг ҳар бир бети устида соатлаб эмас, бутун тун бўйи ўтираман; «Чапаев»им босмага биринчи корректурасидаёқ кетган (буни айтиш даҳшат ва уят), энди-чи, энди бўлса, оддий газета хабарини ҳам қайта-қайта ёзаман... Етти-ўн марта кўчираман.

Қадрдон ва талабчан Алексей Максимович, ўз ёзган материалларинг тўғрисида иккиланиш ва бировга кўрсатишга уяла бошлашнинг ўзи олдинга қўйилган бир қадам эмасми? Менда уйроқган қаттиққўлли критицизмнинг учун самимий миннатдорман: у менинг кўзимни очди, ёзаётганимда мени тежаб, тергаб туради. Чунки еттинчи, саккизинчи корректурадан кейин айтмоқчи бўлган гапингни, қандай айтмоқчи бўлсанг шундай айтганингни кўриб, қандай хурсанд бўласан киши. Бу одамни ўсишга томон тетиклантиради. Агар «Чапаев» билан «Исён»ни ҳозир ёзган бўлганимда уларни боплаган бўлардим. Буларни бир неча марта қайта ишласам деган андишага борганман. Кейин иккиланиб қандай туғилган бўлишса, шундай яшай беришсин деган фикрга келганман. Чунки қўлимда бошқа материалларим кўп бўлгани учун бундай қилишга кўнглим бормаган, янги-янги асарлар ёзишни кўнгил тиларди. Энди шошмайман, асарларимни қайта ишлаб бостиришга ошиқмайман. Бу нарса маҳоратни эгаллашга, ютуқни қўлга киритишга қараганда камроқ қизиқтиради. Шуниси ҳам борки, босилиб чиққан, одамлар томонидан ўқилган асарларимни қайта ишлашга унчалик хушим йўқ, янги-янги асарлар ёзишга интиланман.

Ўзимнинг мана шу фикрларим билан сиз кўрсатган ўз камчиликларимга ҳам жавоб бердим.

«...Сиз шошиб, жуда эҳтиётсизлик билан ёзасиз...» дейсиз. (Энди бундай ёзмайман, ёзмайман, Алексей Максимович.)

«Кўз билан кўргандай баён қиласиз-у, лекин санъаткор сингари бадиий ифода қилиб бермайсиз» дейсиз.

Бундан қутулишга ҳам шошилиб кўраман. Бу ҳам ўша умумий, кенг тарздаги ҳолдир.

«..Иккала китобингиз ҳам,— деб ёзибсиз, Алексей Максимович,— сўзлар иқтисод қилинмай ёзилган, уларда қайтариқлар, изоҳлар тўлиб ётибди».

Бу нима учун шундай бўлган экан? Айтмоқчи, бунга ўзингиз ҳам, жавоб бериб ўтасиз:

«Изоҳлар бу — ўз-ўзингизга ва китобхоннинг ақлига ишонмасликнинг очиқдан-очиқ кўриниб турадиган белгисидир», — деб ёзибсиз. Сизнинг бу гапларингиз тўғри, лекин ҳамма вақт ҳам шундай бўлавермаган.

Эҳтимол, асосан, сиз айтгандай бўлгандир, лекин мен қуйидагича мулоҳазалар ҳам қилганман:



1. Мен китобларим олдига гражданлар уруши кунларида биз қандай курашганлигимизни ҳеч қандай ҳашамсиз, қўшимчасиз кўрсатиш, ҳаётни кенг ишчи-деҳқон оммаси кўрадиган, ҳис қиладиган қилиб ифодалашдан иборат практик, жанговар ҳам революцион мақсадни қўйганман (менинг мақсадим ана шу томонда). Балки бу чиқмагандир, лекин шу мақсадни кўзда тутганман, менинг изоҳларимни эса китобни мўлжаллаган аудиториям тақоза қилган.

2. Иккинчи мулоҳаза шундай, мен бу китобларимни повесть, ҳикоя, роман сифатида соф бадиий асар деб қараган эмасман (бу сўзни олдинги маъносига ҳам). Шунинг учун уларнинг формаси одатдагича эмас, шунинг учун ҳам у ерда ҳужжатлар, телеграммалар, мурожаатномалар келтирилган. Мен тарихий, илмий равишда асосланган нарсаларни уларга бадиий шакл бериб, ёзиб чиққанман.

Қўп сўзлик, эзмалик — ёзишни билмаганимдан, изоҳларим эса (бу ҳам шундандир) — буларни ўзим атайлаб қилганман. Тўғри, жуда тўғри, Алексей Максимович, асарнинг бадиийлиги учун менинг изоҳларим керак эмас, улар ортиқча, зарарлидир.

Сизга ўйлаб юрган нарсаларимни, режаларимни очаман:

Мен, бошқа фронтлардаги гражданлар уруши бўйича материални «Чапаев» ва «Исён»даги сингари синчиклаб, жиддий ишлайман. Уларни қачон тўла ўрганиб олсам, қачонки илмий асосда бунга тайёр бўлсам, гражданлар уруши эпопеясини ёза бошлайман, бу энди роман шаклида бўлади, бунда менинг қўлим бу иккила китобимдаги сингари тарихий фактлар билан боғланиб қолмайди.

Сўзимнинг охирида яна бир гапингиз ёдимга тушди: Сиз «қўлёмани аёвсиз йиртиб ташлаш, куйдириш» ҳақида гапирасиз. Бунгача етиб бориш учун қийин ва катта йўлни босиб ўтиш лозим. Мен ўз қўлёмаларимга раҳмсиз муносабатда бўлишга энди яқинлашаётганга ўхшайман — бу маҳорат сари бирдан бир йўлдир. Ҳар ҳолда ҳамма вақт журъат қилина берилмайди, бу ўсиш касали бўлса керак. Ҳатто менда шундай қарама-қарши фикр ҳам пайдо бўлиб қолди: «Қўлёмани жуйдириш уни ёзишдан ҳам қийин ишдир».

Езиб ташлаган сатрларимнинг ўз устимдан ўлик ҳукм-  
ронлигини ҳали ҳам ҳис қилиб турибман.

Мен шу пайтгача хатингизда кўрсатилган камчилик-  
ларим ҳақида гапирдим. Аммо хатингизда, Алексей Мак-  
симович, тетик сатрлар ҳам кўп, бу сатрлар мен учун худ-  
ди ҳаётбахш сувдай. Агар Сиз менинг қўлларимни  
қаттиқ сиққан экансиз, қўлингизни беринг, Сизнинг қўл-  
ларингизни ҳам қаттиқ сиқай, Россиямизга, Сизнинг  
бизнинг совет Россиямизга қайтиб келганингизда, бир-  
биримизнинг қўлларимизни чинакамига сиқишамиз.

Адрес: Москва, Госиздат, Д. Фурмановга десангиз ке-  
либ тегаверади. Хайр, Алексей Максимович, хатингиз  
учун ташаккур.

*1925 йил.*

ЁЗУВЧИ ВА ҲАЕТ<sup>1</sup>

Ҳар бир ёзувчи ўзига хос услуб билан ишлайди, умумий бир қонда йўқ. Ёш ёзувчига фалон методни қўлла деб маслаҳат бериш хавфли: уни ёзишга эмас, кўчирмачиликка ўргатиб қўйиш мумкин. Шунинг учун ҳам бу ерда мен айтмоқчи бўлган ҳамма гапларга ёзувчилардан бирининг ижодий йўлининг тасвири деб қарашингизни сўрайман, шуни эсда тутиш керакки, қанча ёзувчи бўлса, ижодий йўл ҳам шу қадар хилма-хилдир.

Мен ҳаммадан аввал романнинг туғилиши ҳақида гапиришни истаймман. Бу ерда мен «Бўрон»ни мисол келтирмоқчиман. Ёзувчи ўзининг шахсий тажрибасига суяниб, кўп нарсаларни осон тушунтириб бериши мумкин.

«Бўрон»ни ёзиш фикри менда уруш йиллари туғилди. Мен у вақтда романи ёзмадим, ёзолмас ҳам эдим — бошқа иш билан банд эдим. Мен учун уруш 1936 йилнинг ёзидан бошланди. Уруш ҳамма учун 1945 йил, 9— майда тугаганда, унинг мен учун ҳам тугашини истар эдим. Агар «Бўрон»ни ёза бошласам уруш менинг хонамда, столим устида, қалбим ва идрокимда қолишини билар эдим. Мен уруш ҳақида романларни бошқалар, урушга қатнашган оддий кишилар, мактаб партасидан тўғри олдинги линияга борган ёшлар ёзишар деб, ўзимни-ўзим оқлашга тиришар эдим. (Пайти келганда шуни ҳам айтиб ўтай: мен ҳозир аминман, ўтган уруш ҳақида яхши китоблар

<sup>1</sup> А. М. Горький номидаги Адабиёт институти студентлари ўрта-сида қилинган суҳбатдан.

ҳали ёзилгани йўқ, уларни ёзишади, бундай китобларни ҳаётида уруш биринчи катта синов бўлган кишилар ёзади).

Мен «Бўрон»ни ёзмоқчи эмас эдим. Шунга қарамай, мен уни нега ёздим? Менингча, ўлганларнинг гапиришга ҳаққи бор. Мен ҳали урушдан қайтмаган танишлар, дўстлар тўғрисида кўп ўйлардим, фронтда эшитган ҳикоя ва руҳий эътирозларни эсга олганимда: энди булар ўзларининг қандай яшаганларини, қандай жанг қилганларини, ўлганларини ёза олмайдилар-ку. дедим ўзимга. Мен китобни ёзишга киришдим, чунки хотиралардан узоқлаша олмадим, бурчим деб фаҳмлаган нарсадан ўзимни четга ола олмадим.

Балки, «Бўрон»— ёмон китобдир, лекин, мен бунга ёзганим учун ўкинмайман: тўғриси, бунга ёзмасдан иложим йўқ эди.

Л. Н. Толстой Леонид Андреевнинг яхши ёзмоқ учун ёзувчига нима керак, деб берган саволига: «Агар сиз китоб ёзишни ўйлаган бўлсангиз, лекин уни ёза олмасангиз, ёзмай қўя қолинг», деб жавоб берган эди. Менингча, бу жуда оқилона гап. Мен ёзувчи Икс у ё бу романни ёзмади, деб таъна қилган китобхонга ҳайронман. Мана шу китобхон ёзувчи Зетга: «Сиз нега роман ёздингиз, бунга ёзмасангиз сиз учун ҳам, мен — китобхон учун ҳам яхши бўлар эди-ку»,— деб мурожаат қилса тўғрироқ бўлмасмиди?..

Хотин киши ҳомиладор бўлса туғиши керак, бўлмаса ўлади. Ҳомиладорлик даврини бошидан кечирмасдан туриб, туғишни намойиш қилишдан жирканчроқ нарса борми? Қичкина ёзувчи бўлиш мумкин, муваффақиятсиз китобнинг автори бўлиш мумкин, бироқ санъат ўрнига сунъий нарсалар етказиб берувчи бўлиш ярамайди, ички заруратдан ташқари бошқа ҳар қандай нарсалар туфайли яратилган китобларни, баъзан усталик билан ёзилган бўлса ҳам, жонсиз, китобхонларга таъсир этмайдиган китобларни ёзиш ярамайди.

Романни шунчаки ёзиб бўлмайди, аввало уни бошдан кечириш керак.

Ёзувчи кузатувчан бўлиши керак, деган гапни жуда кўп эшитиш мумкин. Бу гап шубҳасиз, тўғри! Лекин санъаткорнинг «кузатувчанлиги» нимадан иборат? Фоторепортёр машҳур одамларни пойлаб учрашади, қизиқ кўринишларни, ифодали «тип»ларни қидиради ва «лейка»си

билан «чирқ» этиб суратга олади. У ҳам кузатувчан, буни ҳеч ким инкор қилмайди. Рембрандт баъзан фақат ўз оиласи ва қўшниларигагина маълум бўлган одамларнинг портретини чизар эди, у портретларда уларнинг руҳини очиб кўрсатар эди, биз энди у чизган портретларга ҳайрат билан тикилиб қараймиз. Рембрандт ҳам кузатувчан бўлган, лекин унинг кузатувчанлиги фоторепортёрни-кига ўхшамаган, бошқачароқ эди. Фото объектив ҳар бир одамнинг, ҳар қандай манзаранинг суратини олиши мумкин, ammo рассомнинг эса модель танлашда чегараси бор: унинг кузатувчанлиги ўзининг маънавий табиати ва биографияси билан боғлиқдир.

Баъзи бир матоларга қўй тикан ва бошқа тиканлар дарров ёпишади, бир хил матога эса сира ёпишмайди. Фараз қилайликки, ёзувчи ҳам бамисоли эҳтирос, шодлик, қайғу каби «тиканлар» илашадиган шим кийган одамга ўхшасин. Бироқ ҳамма тикан ҳам ҳар қандай шимга ёпишавермайди. Ёзувчи кўпинча баъзи бир одамларнинг ёнидан, ҳатто уларнинг кўзларига қарамасдан ўтиб кетади, бироқ бошқа одамларнинг тақдири, муваффақияти, хатоси, юксалиши, пастлаши ҳақидаги ўйлар билан йиллар бўйи яшайди.

Ёзувчининг бу хусусиятини тушунмоқ учун китобхонларга кўз-қулоқ бўлиш кифоя. Мутолаа ҳам ижод ахир, шубҳасиз, китобхон ҳам романи тўлдириб боради. «Бўрон» ҳақида бўлган китобхонлар конференциясидан бири ҳали ёдимда. Студент йигит-қизлар олдиндан тайёрлаб қўйилган рецензияларни ўқиб бердилар, улар профессионал танқидчиларга ўхшашга тиришдилар ва «Бўрон»дан кўра кўпроқ шу темага бағишланган адабиёт ҳақида гапирдилар. Конференция тамом бўлгач, қизғин суҳбат бошланиб кетди; иккита қиз романининг қаҳрамони ҳақида баҳслаша бошлади. Улардан бири: «Ҳаётда Сергейга ўхшаган одамни жуда-жуда учратгим келади» — деди. Иккинчиси «Тушунмайман, сенга унинг нимаси ёқади? Аҳамиятсиз. Латта», — дея эътироз билдирарди. Буларнинг иккаласи ҳам тенгдош, бир хилда тарбия кўрган, дунёга қарашлари ҳам бир хил қизлар эди. Булардан ҳар бири роман текстини ўз фантазияси билан, ўз қалбларининг тажрибалари билан, ўз характерларидан келиб чиқадиган хусусиятлар билан тўлдирдилар. Шундай қилиб, бир-бирига сира ўхшамаган икки хил Сергей пайдо бўлди.

Шу қизлар билан иккита ёзувчи учрашди деб фараз қилинг. Улардан ҳар бири ҳам иккала қизни бирдан тушуниши маҳол. Ёзувчининг ўзига хос характери, ҳаётий тажрибаси, ўз фантазияси бор; қаҳрамонларни танлашни мана шулар белгилайди. Ёзувчининг кузатувчанлиги — воқеалар, характерлар, конфликтларни қайд қилишни билиш эмас, қаҳрамонларнинг кечирмаларини бирга ҳис қилиш истеъдодидир. Одатда, ёзувчининг ўқиётгани тўғрисида гап борар экан, кўпинча унинг адабий маҳоратни ўзлаштириши кўзда тутилади. Ёзишни ўрганиш қийин, албатта. Яхши ёзиш ҳам мумкин, лекин шу билан бирга ёзувчи бўла олмаслик ҳам мумкин. Ёзувчи фақат ёзув столи ёнидагина шаклланмайди, у ҳаётнинг энг қайнаган ерида шаклланиб боради. Чунки эҳтиросларни тасвир қилиш учун шу эҳтиросларни бир карра бошдан кечирмоқ лозим.

Албатта, саёҳатлар ҳар бир одамга кўп нарса берганидек, ёзувчига ҳам кўп нарсалар беради. Роман ёзмоқчи бўлган ёки ёзаётган ёзувчи ҳаётнинг ё у, ё бу хусусиятини, воқеа жойининг деталларини, тасвир этмоқчи бўлган драмасининг фонини текшириб кўриш учун узоқ шаҳарларга ёки қурилишга ёки қишлоққа бориши кераклиги табиийдир. Аммо, шартта роман ёзаман деб ўйлаш, авторнинг китоб идеясини йўлдан топиб олишига ишониб бу ўтакетган соддалик бўларди. Қўзиқорин териш учун ўрмонга бориш мумкин, лекин одамларнинг руҳий кечирмаларини йиғишга бағишланган экскурсияни тасаввур қилиш қийин. Қаҳрамонни топиш учун у билан учрашиш камлик қилади, уни тушуниш қобилиятига эга бўлиш керак, бу эса ёзувчининг биографиясига боғлиқдир.

Маълумки, ёзувчи тасвир этмоқчи бўлган ҳар бир нарсани, қаҳрамонлари бошидан кечирган ва кечирмоқда бўлган ҳар бир нарсани ўз бошидан кечири олмайди. Бироқ ёзувчи, ўз қаҳрамонларининг ҳаяжонларини тушуниши учун бир оз бўлса ҳам ҳаяжонланиши керак. Унинг қўлида ўзгаларнинг қалбини оча оладиган калит бўлмоғи лозим. Бир хил ёзувчиларда бунақа калитлар кўп, бир хилларида эса оз, лекин нақадар улуғ бўлмасин, бир боғлам калити бор ёзувчи бўлган эмас, бўлиши ҳам мумкин эмас.

Менга: «Уруш ва тинчлик»да тасвир этилган воқеа юз берганда Толстой дунёга келган эмас эди-ку, деб эътироз билдиришлари мумкин. Бу ҳақ гап, бироқ бу ташқи жи-

ҳатдангина ҳақ гап. Менингча, агар Толстой Севастополда тўпчи-офицер бўлмаганида эди, Ватан урушини бу қадар кучли қилиб кўрсатиб бера олмаган бўлар эди. Урушлар ўз мазмуни ва формаси эътибори билан бир-бирига сира ўхшамаган урушлар эди, дейишлари мумкин. Аммо Толстой қўрқув ва мардлик нима, ўлим ва жанг нималигини билди, бу эса унга тарихий романни жонли қилиб ёзишга ёрдам берди.

Полк команда пунктига қўлида блокноти билан ёзувчи келади. У қўрқувни, енгил нималигини билмоқчи, у буни бир кун бурун «тил» тутиб келган солдат Зайцевдан сўрайди. Зайцев бутун бўлган воқеани, (тўғрироғи, дивизия газетасида ёзилгандагидек) сўзлаб беради. Агар Зайцев окопдан чиққан минутидан тортиб то уни майор табрик қилгунгача бўлган вақт ичида ўз идрокида ва қалбида нималар юз берганини эслай олганида эди, у салкам ёзувчи бўлиб қолар эди. Хира ва қуруқ эътирофлар ёрдами билан Зайцевнинг руҳий оламини ёритиб бериш ҳам осон, ҳам қийин — бунинг учун ёзувчининг калити бўлиши керак.

Унча жиддий бўлмаган бир мисол келтирмоқчиман, бунинг учун кечирингизни сўрайман. Бир кун олдимга бир ёш автор келди. Менинг бошим оғриётган эди, пирамидонни қидираётган эдим. Мен дорини ичишим биланоқ, йигит: «Қолдими?» деб сўради. Кейин кетаётганида яна бир савол бериш учун рухсат сўради. У: «Айтингчи, одамнинг боши оғриси ёмон оғрийдими?»— деди. Маълум бўлишича, унинг ҳеч қачон боши оғримаган экан. Бу, албатта яхши, буни ҳавас қилиш мумкин, борди-ю, мана шу ҳеч қачон оғримаган бош, бош оғриғини тасвир қилмоқчи бўлса унинг хаёлига шу қадар аҳмоқона фикрлар келадик, сира қўяверасиз. Бундай автор бировнинг китобидан бир неча сатрни кўчириб олади ёки китобхонларнинг кулгисини қистатиб, жаҳлини чиқарадиган бирон бемаъни нарсани тўқийди.

Гап, албатта, бу йигитда ҳам эмас, бош оғриғида ҳам эмас, гап шундаки, баъзан китобхонлар, ёзувчига нота ниш бўлган фикрларнинг ёки туйғуларнинг ифодасини ўқир экан, ё куладилар ё бўлмаса ғазабландилар. Ёзувчининг ўзи кўрмаган ҳаётни кўрсатишга уриниши ёмон. Бир хил танқидчилар баъзи бир авторларнинг унинг романида кўп нарсаларнинг йўқлиги учун таъна қилишни яхши кўрадилар. Улар китобда йўқ нарсаларнинг алоҳида

рўйхатини тузиб чиқишади. Мана шундай мақолаларни ўқиб чиқиб — ёзувчилар ўта кетган паришон ва енгилтак одамлар экан, улар фақат кўзойнак ёки трубкаларини йўқотибгина қўймай, роман ёзишга ўлтирганларида китобга киритиш лозим бўлган энг муҳим нарсаларни ҳам унутиб қўядилар, деб ўйлаш мумкин. Ҳолбуки, ҳар бир ёзувчининг тепасида фақат шифтгина эмас, апрофида деворлари ҳам бор. Ёзувчи мана шундай узоқни кўра олмайдиган танқидчиларнинг гапига кириб, ўзининг руҳига ёт ва нотаниш бўлган нарсаларни ёзар экан, яхши романда ҳам шундай саҳафалар бўладики, китобхон асарни варақлар экан: «Буни эплолмапти», деб ранжийди.

Жамиятдан ажраб қолган ёзувчи ўзини маҳсулсизликка ҳамда ўлимга маҳкум этишини ҳозир исбот қилиб ўлтиришнинг ҳеч ҳожати бўлмаса керак. Бу ҳар бир совет кишисига аён. Француз танқидчиларидан бири ёзувчи инсон оёғи етмаган оролда ҳам китоб ёза олади, деб исбот қилишга тиришган эди. Бунинг учун у овоз кирмайдиган, деворлари пўкакдан ишланган уйга кириб олиб, бир цикл романлар ёзган Марсель Прустни мисол қилиб кўрсатган эди. Бироқ, Марсель Пруст пўкакдан қилинган хилват уйга яшириниб олгунига қадар ўз жамиятининг ҳаёти билан яшаган, шунинг учун ҳам унда ёза бўладиган нарсалар бор эди.

Ёзувчининг жамият билан алоқаси пассив бўлмаслиги керак. Ҳаётда фақат кузатувчи бўлиш камлик қилади, унда бевосита иштирок қилиш зарур. Ёш автор учун барвақт профессионаллашиб олишдан кўра хавфлироқ нарса йўқ, бу нарса уни тенгдошларидан, уларнинг кундалик ҳаётидан, уларнинг ишларидан узоқлаштириб қўяди. Максим Горькийнинг ҳаёт «университетлари»да нечоғлик узоқ ўқиганини эслайлик, Чеховга врачлик йиллари қанчалик кўмак берганини эслайлик. Ўтган уруш ҳақидаги «Сталинград окопларида», «Юлдуз» каби энг яхши китобларни фронтда кузатувчи бўлган одамлар эмас, солдат бўлган одамлар ёзгани ҳеч кимни таажжублантормаса керак.

Бир вақтлар Россияда адабиёт кўпчиликнинг мулки эмас эди. Оддий кишилар кўпгина яхши ёзувчиларнинг номларини билишмас, бироқ мана шу ёзувчилар оддий кишиларнинг ҳаётини яхши билишар эди, чунки улар ўттиз, гоҳо қирқ ёшларигача ўз тирикчиликларини адабиётдан бошқа ҳар турли касбларда ишлаб ўтказишга маж-



бур эдилар, буларнинг ҳар бирида ўнлаб ҳунар бўлар эди. Бизнинг барча китобхоналаримиз ёзувчиларимизни яхши танийдилар, лекин, тўғриси айтиш керак, афсуски, ҳамма ёзувчиларимиз ҳам ўз китобхоналарининг ҳақиқий ҳаётларини билавермайдилар.

Мендан гоҳо: «Сиз Мадони кимга ўхшатиб ёзгансиз?» ёки «Сергей Влаховнинг асли исми нима эди?» деб сўрайдилар. Баъзи китобхонлар ёзувчи қаҳрамон қидириб дунёни айланиб юради ва ниҳоят уни топгач ё ҳақиқий номи билан ёки уйдирма ном билан китобда чиқаради, деб ўйлайдилар. Ваҳоланки романнинг қаҳрамони ёзувчининг миясида, қалбида туғилади. Қаҳрамон бу — қуюлма. Мадонинг образини яратиш учун бир ёки юзлаб қизни учратиш керак, бироқ бу учрашувлар камлик қилади — қуюлмани яратиш учун автор ўзидан бирон нарса қўшиши керак.

Ёзувчининг кўзини рентген нури билан тенглаштира с бўлади: У жуда ичкарига кириб боради, одамнинг борлиқ ҳаётини кўришга ёрдам беради. Бироқ у нақадар «ёритиб» кўрсатса ҳам қаҳрамонлар руҳий оламининг бир чеккаси ҳамон очилмай қолаверади. Автор ўз тажрибасига суяниб, кўп нарсаларни тахмин қилади ва қалбининг бир четиди асраган ўз ҳисларини қаҳрамонларига тақиши муқаррар.

Баъзи бир тадқиқотчилар, ёш бир аёлнинг ўзини ўзи ўлдиргани ҳақидаги газета хабари Толстойда «Анна Каренина»нинг идеясини туғдирди, деб таъкидлашар эди. Эҳтимол бу тахминлар асослидир, бироқ булар асосий масалани — қаҳрамоннинг юрагини ва унинг ҳаётийлигини тушунтириб бера олмайди. «Анна Каренина»даги муҳаббат тасвири бизни ҳаяжонга солади ва кўпгина китобхон аёллар ўз-ўзларидан: «Толстой хотин-қизлар қалбининг изтиробини қандай қилиб шу қадар яхши тушунди экан»,—деб сўрашади.

Тўғри, Толстой юрак тилсимини очишга моҳир эди. Лекин Толстойнинг кундаликларини, хатларини ўқир экансиз, Анна образида ёзувчининг ўз қалб тажрибасидан кўпгина нарсалар қўшилганини пайқайсиз. Аннанинг тақдири, кўпгина китобхон аёлларни ҳозиргача ҳам ҳаяжонга солади; чунки ҳисларнинг саринлиги, кучи узоқ ўтмиш шартлилигини ҳам унутишга мажбур этади.

Утган йили мен французча бир мақолани ўқидим, бу мақола, Бовари хонимнинг прототипиман деб даъво қил-

ган хотинларнинг ўн биринчисига бағишланган эди. Руан архивларини титкилаб чиққан, шаҳарнинг кексаларидан суруштирган тадқиқотчилар бир вақтлар Флоберга модель бўлиб хизмат қилган хотин ҳаётда ҳақиқатан бўлган, деб ишонтиришга тиришадилар. Мен мақолани ўқиб кулдим ва Флобернинг ўз дўстига ёзган бир хатини эсладим, ўз хатида у роман ёза бошлаганини айтиб: «Эмма-ўзимман», деб қўшимча қилган эди. Бундай қараганда, бу эътироф одамни ҳайрон қолдириши мумкин. Бир томонда, ёши бир ерга бориб қолган, услуби нозик, талабчан, тажанг бир бўйдоқ Тургеневни қойил қолдирган ёзувчи бўлса, иккинчи томонда — ёш, шўх, ҳар нарсани дарров севиб қоладиган, диди йўқ провинцияли бир хотин. Бундай қараганда иккаласининг орасида ер билан осмонча фарқ бор. Бироқ Флобер ўз хатида ёлгон гапирган эмас, у қўққисдан ўз дардини айтиб қўйган. Агар биз унинг биографиясини, муҳаббатда ҳимоясизлигини, баъзан «гўзалликка» кулгили бир тарзда маҳлиё бўлишини, уни қуршаб олган муҳитнинг омонсизлигини кўз олдимизга келтирсак, ҳақиқатан ҳам Эмма образига у ўзидан кўп нарсаларни қўшганини ва бу эса бечора хоним Боварига аптекачи эри, ошиқлардан ва ҳатто «Саламбо» авторидан ҳам кўра кўпроқ яшашга ёрдам берганини кўраимиз.

Бир хил ёзувчилар борки, асарни ёза бошлашдан аввал муфассал план тузиб олишади. Бир хиллари эса, келажакда нима бўлишини кўз олдига аранг келтириб турибоқ ёза бошлайдилар. Марҳум А. Н. Толстой бир кун менга, қаҳрамонининг тақдири бир неча саҳифадан кейин нима бўлишини билолмайман, деган эди. У романни ҳайкалтарошга ўхшаб ёзар эди — лой парчаларидан қиёфа вужудга келарди. Баъзи ёзувчилар қўлига паргар ва чизғич ушлаган архитекторларни эслатади, лекин булар учун ҳам қаҳрамонлар юз, гоҳо икки юз саҳифа ёзилгандан кейингина яққол кўзга ташланади. Жон кирган қаҳрамон ёзувчининг дастлабки мақсадига қаршилиқ кўрсата бошлагандан кейин планнинг ўзгариб кетишин турган гап. Эътироф қилишим мумкинки, мен романни ёза бошлаганимда ва тасвир қилаётган одамларим ҳали унча аниқ бўлмаган бир вақтда, Сергей, Мадо ва бошқа баъзи қаҳрамонларимнинг тақдирларини бошқачароқ тасаввур қилар эдим. Романни ёзишга киришганимда тасвир қилмоқчи бўлган одамларимни ҳали мен унча

аниқ кўролмас эдим. Қаҳрамонга эт битиб, хира соядан жонли образга айлангач, гоҳо автор ўйлаганидек ҳаракат қилмай қўяди.

Баъзан ёзувчини унинг қаҳрамонларининг янглиш хатти-ҳаракатлари учун ноҳақ айблайдилар. Ваҳоланки ёзувчи ўз қаҳрамонларидан кўра узоқни кўрадиганроқ, мулоҳазалироқ, ақллироқ бўлса ҳам, у ўз мантиқини ёки ўз ахлоқини уларга тақишга ожизлик қилади, борди-ю шундай қилса кучли ва заиф сифатларга эга бўлган тирик одамлар ҳақидаги ҳикоя қуруқ схемага айланиб қолади.

Мен, ёзувчининг ўз қаҳрамонларига бефарқ қарашига ишонмайман. Улимни тасвир қилиш — бу ўзини ўлим ҳолатида кўриш деган сўз. Бир кун Бальзакнинг олдига унинг дўсти келган. Дўсти ёзувчини креслодан сирганиб тушаётганини, томир уриши суст эканини кўрган. «Тез доктор чақиринг! Бальзак жаноблари ўляпти!», деб бақирган. Бу қичқириқдан ўзига келган Бальзак: «Сенинг ҳеч нарсадан хабаринг йўқ. Ҳозиргина Горио ота ўлди...» деб жавоб берган.

Мен китобхонлардан жуда кўп хатлар олдим: улар «Бўрон»нинг қаҳрамони Сергейнинг ҳалок бўлганидан хафа бўлишади. Автор учун бахтсизликни тасвир қилишдан кўра, бахтни тасвир қилиш яхшироқ. Мен гоҳо Диккенсга ҳавасим келади. Унинг романларида одамлар азоб чекишади, эр хотиндан, куёв қаллиғдан, болалар ота-оналаридан айриладилар. Лекин асарнинг охирида буларнинг ҳаммалари яна топишадилар, лампа остидаги тўгарак стол атрофида ўтиришиб, ўзларининг бошдан кечирган азоб-уқубатларини қувонч билан эслайдилар. «Давид Копперфильд» ёки «Оливер Твист»ни ёзиб تامомлагандан кейин Диккенснинг сайрга чиққанини кўз олдимга келтираман: унинг ёнида бахтли одамлар юради, қаҳрамонларнинг бахти эса авторга ҳузур бағишлаган.

Сергейнинг тақдири масаласига қайтаман. Мамлакатимизда ғалабадан кейин атрофида бўш жой қолган тўгарак столлар озмунча бўлмади. Биз дунёни фашист ваҳшийларидан сақлаб қолиш учун нақадар қурбонлар берганимизни биламиз, ана шу ҳалок бўлган қаҳрамонларнинг қабрлари бизни чўктирмайди, аксинча юқори кўтаради.

Диккенс романларининг охири бахтли равишда тугашини ўйлаб кўринг. Унинг қаҳрамонлари тўгарак стол атрофида айш-ишрат қилишаётган бир пайтда, қўшни уй-

да гўдакка азоб беришда давом этадилар, қарздорлар турмасида жабрланган одам йиғлайди, қиз бола, бурунгидек, таҳқирларга дучор бўлишда давом этади. Миллионларча одамларнинг тақдири аввалгидек қолаверади. Диккенс қаҳрамонларининг бахт-саодати фақат карта ўйинидаги тасодифий ютуққа ўхшайди. Диккенсни майдонга чиқарган давр ва жамиятнинг фалсафаси шундай эди.

«Бўрон» дунёни ларзага келтирган улуғ жанглар даврида ёзилди. Бу китобнинг охири — ғалаба, яъни халқ бахтидир. Бироқ бу бахт урушда ўз яқинларини йўқотган жуда кўп одамларнинг шахсий фожиаси билан боғлиқдир. Одамлар тўғарак стол атрофидаги бўш жойга қараб, ўз қайғулари миллионларча одамларнинг тақдирини яна ҳам бахтли қилиш учун берилган қурбонлар қайғуси эканини ҳис этишар эди, «Бўрон»нинг «бахтсиз» тугаши билан Диккенс романларининг «бахтли» туғашининг асосий фарқи шунда.

Совет одамнинг ички дунёсини очиб берадиган мураккаб симфонияни фақат биргина духовой музика асбоблари билан чеклаб қўйиб бўлмайди. Одамларнинг юрагидан руҳий синов ёки қайғуларни чиқариб ташлаш, уларнинг ички дунёсини соддалаштириш ярамайди. Қандай ёзувчи бўлмасин,— хоҳ катта, хоҳ кичик — у фақат диаграмма учунгина ярайдиган шартли шаклни эмас, жонли одамни тасвир этиши керак.

Мен урушдан кейин буржуа жамиятининг талантли ёзувчилари ёзган бир қанча француз романларини ўқиб чиқдим. Бу романлар менинг гоҳо кулгимни қистатади, гоҳо жаҳлимни чиқаради, бироқ ҳеч ҳам юрагимни жижиллатмайди. Уларнинг схемаси мана шундай: 1-боб — йигит ўз севгани билан учрашади; 2-боб — йигит севгилисидан шубҳаланади. 3-боб — йигит севгилиси билан учрашади ва шубҳаланмай қўяди; 4-боб — қиз йигитдан шубҳаланади; 5-боб — улар учрашади ва бир-бирларидан шубҳаланмай қўйишади; 6-боб — йигит яна қиздан шубҳаланади; 7-боб — қиз йигитдан яна шубҳаланади; 8-бобда — икковлари бирга шубҳаланадилар ва ҳоказо.

Бунинг нимаси менинг кулгимни қистатади-ю, нимаси жаҳлимни чиқаради? Темасими? Йўқ. Муҳаббат ҳақида жуда кўп ажойиб романлар ёзилганига қарамай, улар ҳали бу темани тўла қамраб олганларича йўқ. Мен му-

ҳаббат ҳақида, севгининг шубҳалари ҳақида, айрилиқ ва бахт ҳақида ёзилган ҳозирги замон романини зўр қувонч билан ўқир эдим. Инқирозга юз тутган буржуа романи шу жиҳатдан ҳам ёмонки, унда жонли одамлар йўқ. Икки учрашув ўртасидаги вақт ичида қаҳрамон нима қилди? Балки унинг касби, ташвиши, қайғуси, ошна-оғайниси бордир. Қиз ҳамма вақт муҳаббат шубҳалари билангина яшамаса керак. Бироқ китобхон уларнинг ҳаёти, уларнинг иши, уларнинг муҳити тўғрисида ҳеч нарса билмайди, шунинг учун ҳам қаҳрамонлар уларга жонли киши сифатида эмас, оқ чекиш, ўпишиш ва ҳатто гапириш (лекин ҳис қилиш эмас) қобилиятига эга бўлган машина қўғирчоқларидек кўринади. Роман муҳаббат кучини кўрсатиши керак эди, лекин унда муҳаббат йўқ, чунки бунда жонли одамларнинг ўзи йўқ.

Бизда яхши китоблар бор ва ҳозир Ғарб китобхонлари бизнинг китобларимизни, босиб қолган шахтада бир ютум тоза ҳавони одам нақадар кутса, ана ўшандай кутишмоқда. Рус классик романи ҳеч қачон меҳмонхона китоблари ва сатангларга хос бўлган эмас. Совет даври адабиётга ижодий меҳнат темасини киритди. Бу энг олижаноб тема. Бироқ бу масалада ҳам соддалаштириш, шаблонлаштириш орқасида муваффақиятсизликка учраш мумкин. Яқинда мен бир ҳаваскор авторнинг романини ўқиб чиқдим. Унинг схемаси шундай: 1-боб—Иванов янги иш методини ўйлаб топади; 2-боб—Петров Ивановнинг методидан шубҳаланади; 3-боб—Иванов Петровга ўз методининг тўғрилигини исбот қилади; 4-боб—Петров ҳамон шубҳаланади; 5-боб—марказдан бир ўртоқ келади ва Иванов ўз планини унга айтиб беради; 6-боб—Петров ўз шубҳаларини марказдан келган ўртоққа айтиди; 7-боб—марказдан келган ўртоқ Иванов билан Петровни яраштириб қўяди ва ҳоказо.

Мен романнинг мазмунига қарши эмасман; буларнинг ҳаммаси турмушда юз бериши мумкин. Меҳнат бизнинг одамларимиз ҳаётида жуда катта ўринни эгаллайди ва Ивановнинг ихтироси кўпларни ҳаяжонлантиргани табиий ҳол. Биз янгиликнинг ҳар бир соҳада механикада ҳам, адабиётда ҳам қийинчилик билан ўзлаштираётганини биламиз, шунинг учун ҳам Ивановнинг таклифини дарров ҳамма қувватламаган. Иванов совет кишиси бўлгани учун чекинишни истамайди. У ҳақиқат тантанаси учун курашган, Романнинг схемаси ёмон эмас,

лекин романнинг ўзи фақат схемадан иборат экани ёмон. Китобхон қаҳрамонларнинг ишлаб чиқаришга бағишланган икки кенгаш ўртасидаги вақт ичида нималар қилганини билмайди. Балки Ивановнинг хотини бордир? Эҳтимол хотини унинг фикрини қувватлагандир? Балки, у шахсий ҳаётда бахтсиздир? Балки, Петров музикани яхши кўрар? Балки, унинг табиатида синовлар билан боғлиқ бўлган, яқин дўстидан умидсизланиш билан боғлиқ бўлган ишончсизлик бордир? Балки, марказдан келган ўртоқнинг ўғли қаттиқ касал бўлиб қолгандир? Одамлар жуда мураккаб яшайди, агар уларни яшаш миқёсидан маҳрум этсалар, улар китобхонларга жонсиз бўлиб кўринади, китобхон уларнинг ихтироларига ҳам, шубҳаларига ҳам, меҳнатларига ҳам ишонмайди.

Ёзувчиларни киши руҳининг инженерлари, деб атайдилар, бу нарса ёзувчиларнинг зиммасига катта вазифалар юклайди. Ёзувчи фақат инженерлик роли билан чегараланиб, романини ишлаб чиқариш процессларини тасвирлашгагина бағишлаб қўйиши мумкинми? Бир қиз ўқиган романи ҳақида менга шундай деб хат ёзибди: «Қурилишнинг тасвири менга жуда ёқди, нега автор давримизнинг ажойиб ишлари ҳақида ёзаркан, мана шу ишларни бажараётган одамларни кўрсатмайди?» Китобхон ўсди, у китобдан фақат вақеаларнинг ташқи тасвирини эмас, чуқур ҳисларни, фикрларни қидиради, у улуг давримизда катта адабиёт яратилишини истаydi.

Юксак санъат ҳаётни акс эттирибгина қолмайди, ҳаётда иштирок қилиш билан уни ўзгартиради. Ламанчилик рицарь асрлар бўйи дунёни кезиб юради, Гамлет асрлар бўйи изтироб чекади. Санъатнинг гуллаган даври учун ёзувчиларнинг ўз қаҳрамонларини ҳақиқатда бўлган одамларнинг ўз номлари билан аташлари эмас, аксинча, жонли одамларни уйдирма номлар билан аталиши характерлироқ. Гоголга қадар Маниловлар, Собакевичлар, Ноздревлар бўлганми? Албатта бўлган! Бироқ улар шаклсиз, атрофдаги одамлар учун хира бир ҳолда эди. «Улик жонлар» чиққанидан кейин одамлар: «Кеча мен фалончини учратдим, Маниловнинг худди ўзи» ёки «Бунга қаранг — худди Ноздревнинг ўзи-я!» дейдиган бўлишди. Чацкийнинг пайдо бўлишини эсга олайлик. Грибоедовнинг эсига келган эмас, лекин Чацкий рус жамиятининг ҳаётида доим қолиб кетди. Воқеанинг му-

фассал ёзилган протоколига кўпинча одам ишонгиси келмайди, жонли суҳбатнинг стенограммаси ғайри табиий кўринади. Ҳолбуки, биз Гойя ёки Гоголь типларининг реаллигига ишонамиз.

Менингда, бизнинг давримиз янги мазмун учун ҳали янги форма топганича йўқ. Баъзан форма қидиришни формализм деб атайдилар. Менингда, формалист — гапиришни биладиган, аммо ичида гапиргани ҳеч вақоси йўқ, қуруқ, ичи пўк одам. Бунақа одам эски формани эпчиллик билан ўзлаштира олади, ҳатто янги формаларни юмалоқ-ёстиқ қилиб яратиши ҳам мумкин, лекин, у ҳар икки ҳолда ҳам формалистлигича қолаверади. Бошқача қилиб айтганда, формализм фақат формага қизиқиш эмас, мазмунининг йўқлигидир.

Классик роман кўпинча ўз индивидуал архитектура-си билан шахсга ёки оилага бағишланган бўлар эди. Энди индивидуал шахснинг илдизи кўпгина бошқа илдизлар билан чатишиб кетган, бир одамнинг тарихи, кўпчилик тарихи, жамият тарихи бўлиб қолмоқда. Ёзувчи янги мазмун учун унга муносиб янги форма топиши керак. Мисол учун театрни олайлик. У грек фожиасидан вақтнинг ва воқеанинг содир бўладиган жойнинг бирлигини, даврлар талаб этган манзараларни тасвирлашга ўтди. Ғарбда дастлаб социал роман ёзганлардан бири бўлган Эмиль Золя Бальзакнинг ажойиб композицияларидан қаноатланмаган эди: у кенгроқ майдонни, саҳналарни тезроқ алмаштириш чораларини излаган эди. Қайтариб айтаман: умумий бир қоида йўқ, ҳар ёзувчи ўз формасини излайди. Ёш ёзувчи ўтмишнинг ажойиб меросига яқинлашиши билан эски устозларидан ўрганиши керак, бироқ улардан кўр-кўрона нусха кўчириш ҳам ярамайди.

Менингда композиция тўғрисида гапирганларим ритмга ҳам тааллуқлидир. Толстойнинг ажойиб услуби бор. Тургеневнинг ҳам услуби бор. Тургенев романларининг тили фақат бойгина эмас, жонли ҳам. Бироқ ритм ўзгарди, агар совет романининг қаҳрамонлари аста-секин узундан-узун нутқ сўзлай бошласа, бу услуб бўлмайди, балки стилизация бўлади.

Мен баъзи бир ёш авторларнинг қўлёмаларини ўқиб кўриб, тилининг камбағаллигига ҳайрон қолдим. Булардан кўплари рус тилида ёзишмай, аллақандай бе-маза тил билан ёзишади. Сўз кам, худди эсперантога

Ўхшаб қуп-қуруқ ва ожиз. Бунақа тил билан фақат турмушнинг оддий гапларини ифода қилиш мумкин, бунақа тил билан на «Замонамизнинг қаҳрамонлари»ни, на Чеховнинг кичкина ҳикоясини ёзиб бўлади. Баъзи хаваскор авторлар ўзларининг тилга камбағалликларини тумтарақ, баландпарвоз сўзлар, муболағалар ишлатиш билан хаспўшлашга уринадилар.

Бу эса, ярмаркада, устига «100 кило» деб ёзиб қўйилган картон «тош»ни кўтарган паҳлавонни эслатади. Сўзларнинг табиий таъсири йўқолади. Мен бир хаваскор ёзувчидан: «Сизнингча қалай, «Мен сени яхши кўраман» дегани жаранглироқми ёки «Мен сени жуда яхши кўраман» деганими, деб сўрадим. У, ўйламасданоқ: «Албатта, «жуда яхши кўраман» дегани жаранглироқ, деб жавоб берди. Уйлайманки, ҳар қандай китобхон қиз ҳам бу сўзларнинг аҳамиятини, мана шу икки-учта ҳикояси босилган ёш йигитдан кўра яхшироқ тушунса керак.

Энди мен тенденциячилик тўғрисида гапирмоқчиман. Менинг фикримча, санъат ҳамиша тенденциялидир, чунки у жонли одамнинг муҳаббатини, нафратини, ғазабини, азоб-уқубатини, орзу-умидини, иродасини ифода этади. Рассом таносубни ўзгартади, бўёқларни танлайди, баъзи деталларни аниқлайди, баъзиларига эса тегмайди ҳам. Ёзувчи ўз қаҳрамонларининг болалик чоғидан тортиб то жон бергунигача бўлган ҳаётини билади ва билиши керак, бироқ, у, бу ҳаётнинг ҳар бир кунини батафсил кўрсатмай, ўз асари учун зарур бўлган томонларинигина танлаб олади.

Бундан беш йил бурун Франциянинг кекса рассомларидан Анри Матисс менинг суратимни солмоқчи бўлди. Биз у билан санъатнинг тенденциячилиги ҳақида гаплашдик. Матисс касал бўлгани учун ёнбошлаб ётиб ишларди. У ўз секретаридан филни олиб келишни сўради. Секретарь қиз негр ҳайкалтароши ишлаган бир ҳайкални келтирди. Фил ғазабли бир вазиятда тасвирланган эди. Матисс мендан ҳайкал ёқадими, деб сўради, мен ижобий жавоб бердим. У кейин: «Сиз бу ҳайкалда ғайри табиий ҳеч нарсани пайқамаяпсизми?» деб сўради. «Йўқ» дедим. «Фикрингизга қўшиламан. Лекин диққат билан қаранг-а, бу филнинг фақат хартумигина эмас, ҳатто тишлари ҳам кўтарилган. Аҳмоқ бир одам келиб: «Филнинг тишлари юқори кўтарилмайди» деган, негр ҳам унинг гапига қулоқ солган»... Матисс секретаридан



иккинчи филни олиб келишни сўради. Бу ярамас ҳайкалча эди. Матисс: «Кўряпсизми, тишлари жойида. Бироқ бунда санъатдан асар қолган эмас»,—деди.

Бизнинг китобларимиз ҳаётни ўзгартиришга даъват этилган. Бу иш сохта санъатнинг эмас, фақат ҳақиқий санъатнинг қўлидан келади. Бизга улў аждодлармиз одамларнинг қалбини оташин сўз билан алангалатишни васият қилишган. Бунинг учун ёзувчилар Союзининг аъзолик билетига эга бўлишгина кифоя эмас, бунинг учун оташин қалбга эга бўлиш керак, бунинг учун ёзувчи бўлмоқ лозим.

1951 йил.

---

## АБАЙ ҲАҚИДАГИ РОМАНЛАРИМ УСТИДА ОЛИБ БОРГАН ИШИМ

«Абай», «Абай йўли» романларини яратиш учун сарф қилган меҳнатим, менинг ижодий фаолиятимда энг ёрқин саҳифа бўлиб қолгандир. Бу ишга ўн уч йиллик вақт кетгандирки, у ҳақдаги гапларни ҳикоя қилишга бағишланган бу мақолада буни айтиб берсам, ёш дўстларим, ёш ёзувчилар учун фойдадан ҳоли бўлмас.

Гап маълум бир давр, маълум бир ижтимоий шароитда ҳаёт кечирган тарихий шахс ҳақидаги романлар устида борганлиги учун мазкур романларни тарихий роман категориясига киритиш лозим. Бундай романларнинг яна қўшимча хусусиятлари ҳам бўлади, яъни ижодкор шахс ҳақидаги асарлар ҳам тарихий роман турига кирдилар. Қаҳрамон образида, унинг ҳаёти ва кураши орқали даврнинг ижтимоий-иқтисодий хусусиятларини акс эттириш ҳар қандай тарихий роман учун ҳам умумий вазифа эканлиги бу ерда ҳам ўз кучида қолади. Лекин мен шоир ҳақида ёзаётганим учун менинг ишим «Петр I», «Емельян Пугачев» ёки «Степан Разин» типидagi романлардан фарқ қилади. Менинг олдимда қаҳрамоннинг ижтимоий турмуш билан бевосита боғлиқ бўлган фаолиятини ва дардини текшириш ҳамда кўрсатишгина эмас, балки унинг ижодиётининг психологиясини, асарларида кейинчалик ифода қилинган поэтик майлларнинг тарихий — реал илдизларини ҳам очиб кўрсатиш вазифаси турар эди.

Шундай қилиб, менинг тарихий романим «қўшимча вазифани» ҳам ўз устига олади. Ижодкор шахслар —

шоирлар, ёзувчилар, рассомларга бағишланган асарларнинг хусусияти умуман шундай бўлади.

Бундай типдаги романнинг мураккаблиги ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Унинг фақат XIX асрда пайдо бўлиши ҳам бежиз эмас. Уни яратувчилардан совет ҳамда чет эл ёзувчиларининг бу соҳадаги тажрибалари мен учун кўп жиҳатдан ўрнаткич бўлди. Баъзан мен улардан шунчаки қандай ёзишни ўрганган пайтларим ҳам бўлди, баъзан эса бошқаларнинг асарларини танқидий ўзлаштириб, мазкур асарларнинг авторлари йўл қўйган хато ва камчиликларга дуч келмасликка интилдим.

Моруа томонидан Байрон ҳаётининг тасвир қилинишни олайлик. Моруа шоир билан унинг синглиси Августа ўртасидаги ўзаро муносабатни кўрсатиб, аристократия томонидан Байроннинг хўрланишига, у ҳақда гийбат-бўхтонларнинг пайдо бўлишига Августа сабаб бўлганлигини кўрсатади. Мен ана шундай биографик характердаги фактларни, умуман бадий асарда акс эттириш мақсадга мувофиқми, йўқми деган масала устида ўйлаб қолдим.

Менингда, бизнинг замонавийлигимиз ўтмишдаги сиймолар ҳаётини натуралистик ифода қилиш билан чиқиша олмайди. Бизларни уларнинг биографияларидаги ўткинчи факт ва тафсилотлар қизиқтирмайди. Бу фактлар эсдан чиқиб кетадилар. Халқ хотирасида буюк арбоблар ҳаётининг энг муҳим томонлари, уларнинг тарихда ўйнаган ролларини кўрсатадиган томонлари ўзоқ вақт яшаб қолади. Шу туфайли ҳам ажойиб кишилар биографиясига, аввало, ана шу нуқтаи назардан қараш лозим, деб ўйлайман.

Масалан, менинг романларимга Абай биографияси юзасидан тўпланган барча материалларим кирган эмас. Баъзи фактларни ўзгартирдим, баъзиларини бутунлай тушириб қолдирдим, чунки мен ўз китобимда қуришни мақсад қилиб қўйганим — тарихий бинога у материалларнинг унчалик аҳамияти йўқ эди.

Тиняновнинг «Вазир Мухторнинг ўлими» асари адресига қилинган танқид мен учун сабоқ бўлди. Бу китобдаги энг катта камчилик шундан иборат эдики, унда ҳақиқатан ҳам асар қаҳрамони — Грибоедов халқдан ажралиб қолган эди.

Мен Абай образида, у орқали қозоқ халқининг революцияга қадар ўтмишидан ярим асрлик турмушини

кўрсатишни назарда тутиб, мурожаат этдим. Маълумки, Абай чуқур замонавий шоир бўлган. Ҳаммаси бўлиб унинг икки-уч поэмасигина ўтмишга бағишланган, асарларининг асосий қисми эса, замонавийлик билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Айниқса, унинг ҳажвий шеърлари қудратлидир. Абай сатирик сифатида Салтиков-Шчедринни эслатади. Абай томонидан салбий қаҳрамонларнинг бутун бир галереяси яратилган. Унинг сатирик образлари орасида волость бошқарувчиси, чўл корчалонлари ва шуларга ўхшаш кишиларни учратиш мумкин. Абай мазкур асарларида ўша муҳитдаги оғир турмушни, ўтмишнинг шармандалик иллатларини, хотинқизларга нисбатан шафқатсиз феодал зулмини сатира қилиш, мавжуд тузумни қоралаш, даражасига кўтарилди.

Абай шахси ўзининг бутун тарихий ва ижодий фазилатлари билан мен кўзлаган режаларимни амалга оширишим учун энг қулай ва мос бўлиб туйилди. Чунки у менга дастлаб чўлда эндигина туғилган илғор, тарихий — прогрессив янги тушунча билан умри тугаётган, лекин ўша даврда жуда кучли нуфузга эга бўлган эскилик ўртасидаги конфликт тасвирини фокусга йиғиш имкониятини берар эди. Маълумки, романда эскилик кучи сифатида Абайнинг отаси — Қунанбой ҳаракат қилади.

Бу романларимдан кейин совет даври ҳақида бир неча романлар ёзишни мўлжаллаганман. У романларда қозоқ халқининг феодал-патриархал тузумдан коммунизм томон бораётган йўли ифодалаб берилиши керак. Ленин, Россиядаги баъзи халқлар социализмга капитализм босқичи устидан сакраб ўтиши ҳақида гапирган эди. Қозоқ халқи ҳам социализмга худди ўша капитализм босқичи устидан сакраб ўтиб келди.

Энди ишга тайёргарлик кўриш, фактик материаллар ҳақида бир-икки оғиз сўз айтмоқчиман. Абайнинг ҳаёти ва фаолияти, айниқса унинг болалиги ва ёшлик йиллари ҳақида бизга ҳеч қандай ёзма маълумот етиб келган эмас. Ҳолбуки, Абай даврида айрим ёзувчилар бор эдилар, ёзув эса, Абай шоир бўлиб танилмасдан анча илгари пайдо бўлган. Лекин Абай ўзини шоир деб ҳисобламай, асарларини ёзиб қолдиришни лозим кўрмаган. Шу сабабли унинг кўп асарлари ёзма ҳолида сақланган

эмас, балки улар шоир ва унинг яқин кишилари хоти-расидагина сақланиб қолганлар.

Абайга бағишланган ҳеч қандай мемуарлар, кундаликлар, нашр қилинган асарлар йўқ.

Менинг ўзим қаҳрамоним туғилган область, у катта бўлган районликман, шунинг учун ўсмирлик пайтимда Абайнинг замондошлари, уни танийдиган кишилар (баъзилари ундан катта эдилар) билан учрашиш бахтига муяссар бўлганман.

Абайнинг хотинлари билан суҳбат қилганман. Унинг хотинларидан Дилда 1924 йили, севикли хотини Айгерим эса, 1918 йили — олтмиш ёшида ўлган. Уша давр ҳаёти — турмуши ҳақида Абайнинг ўз оғзидан кўп ҳикоялар эшитган бир қанча ёшларни билардим.

Абайнинг шеърлари ва бошқа асарлари билан бешолти ёшлигимданоқ танишганман, бобом шоирнинг дўсти эди. У, биз, набираларини Абай шеърларини, ўша пайтда биз Татьяна ёки Онегин кимлигини билмасак ҳам шоир таржима қилган «Евгений Онегин»дан айрим парчаларни ёдлашга мажбур қиларди. Шаҳарда ўқиб юрган пайтимдан бошлаб, Абай билан астойдил шугуллана бошладим. Ўрта мактаб талабаси, кейинроқ эса, Ленинград университетининг студентлик давримда бу машғулотимга унчалик жиддий аҳамият бермаган эдим.

1930 йиллардан кейингина биограф сифатида Абайнинг ҳаёти ҳақида материал йиғишга жиддий киришганман. Бахтга қарши бу даврда Абайни шахсан танийдиган кишилардан фақат бир неча чолларгина ҳаёт эдилар. Шундай қилиб, 1933 йилдан бошлаб, Абайнинг замондошлари оғзидан у ҳақда ёзиб олган ҳикояларим матбуотда чиқа бошлади.

Роман устида олиб борган бу иш босқичини карвон кетиб қолгандан кейин манзилга етиб келган, карвон кетгач ўчиб қолган гулхан ичидан энг сўнгги чалани олиб, нафаси билан уни жонлантиришни, пуфлаб ундан аланга чиқаришни истаган йўловчи меҳнатига қиёс қилсам бўлади. Чолларнинг хиралашиб қолган хотиралари мен учун Абайнинг ёшлиги бўйича йўл кўрсатувчилик қилди. Олтмиш ёшли Айгерим чеҳрасидан бир вақтлар шоирни мафтун қилган, унинг ёш жозибали ҳуснини қайта тиклашга уриндим.

Борди-ю, шу кунларда бирор автор Пушкин ҳақида асар ёзмоқчи бўлса, гарчи у билан менинг қаҳрамоним

Ўртасида таққослаб бўлмайдиган даражада узоқ масофа ётса ҳам, мен Абайга сарф қилганимдан кам меҳнат сарф қиларди, деб ўйлайман. Чунки Пушкиннинг ҳаёт йўли жуда кўп кундалик хотира дафтарлари, турли ҳужжат, бой материаллар воситасида кенг ёритилган. Шу сабабли шоир ёзувчи олдида яққол гавдаланади, уни тирик тасаввур қилиш мумкин. Буюк шоир образини қанчалик жонли қилиб яратиб бериш, уни ана шу материалларга суяниб қаламга олган ёзувчининг ўзига боғлиқ.

Менга эса, Абай ҳақида уни кўрган, билган кишилардан эшитган ҳикояларга суянишга тўғри келган. Улар баъзи фактларни аниқ, баъзиларини эса афсоналаштириб, безаб менга етказганлар.

Ёзувчи ўз қаҳрамонини ҳар томонлама билиши, уни ўраб олган муҳит, атрофидаги одамларни чуқур ўрганиши лозим. Шунинг учун ҳам мен маълумот олиш мақсадида Абайнинг дўстларигагина эмас, балки унинг рақибларига ҳам мурожаат этганман (агар қозоқлардаги уруғчилик тартибларини назарда тутганимизда унинг душманлари кўп эканлигига ишонч ҳосил қиламиз). Бир-бирига зид бўлган фактларни қиёс қилишга, ҳар сафар уларни худди юридик ва тарих фанларининг барча қондалари асосида чуқур текширишга тўғри келарди. Абай дўстларига ўзининг шеърларини китоб ҳолида тўплашга рухсат берган даврга, шоир умрининг охириги даврига тааллуқли материаллар ишончлироқ, муътабарроқдирлар. Шундай қилиб, 1885 йилдан бошлаб менга Абайнинг ўзи ўз шеърлари билан кўмакка келади. Ана шу вақтдан бошлаб унинг асарларига ёзилиш тарихи, вақти қўйила бошлаган эди.

Романда иштирок этувчи шахслар (жуда кичкина истисно билан) тарихий, уларнинг номлари ҳужжатлар асосида аталган; Октябрь революциясига қадар қозоқ халқ уруғлари, бўғинлари, қабилалари қандай мавжуд бўлган бўлсалар, асаримдаги қаҳрамонларим фаолиятида ҳам ана шу ҳол шундай мавжуд. Жойларнинг номларини ўзгартирмаганман. Асарда ўзим ўйлаб топган нарсалар жуда оз. Лекин айрим воқеа-ҳодисалар ҳақида мен қўлга киритган парчалардан иборат бўлган ҳужжатларни ўша давр, ўша муҳит ситуацияларига мос келганларини асарда акс эттириш учун ишлаб, пишиштиришга тўғри келган.

Замондошларимиз томонидан ҳар хил изоҳланган конкрет фактлар орқасида тарихий процесснинг ҳаракатлантирувчи кучларидаги ҳақиқий моҳиятни кўриш лозим эди. Бунда мен ёзган одамларнинг қилиқлари, ҳаракатларининг ижтимоий томонини асослаш масаласи уларнинг психологик қиёфаларини белгилашда муҳим моҳият касб этди.

Романим устида олиб борган иш давримга ҳаёлан қайтар эканман, даставвал, Қўдарнинг ўлдирилиш саҳнаси ёдимга келади. Бу саҳна мўлжалим бўйича, китобдаги марказий конфликтнинг маълум турдаги ҳаяжонли калити бўлиши керак эди.

Бошда мен бу саҳнада (айниқса Қунанбой овулларида) кенг тарқалган нақлларга кўра, Қўдарга чиндан ҳам адолатли жазо берилганлигини кўрсатмоқчи бўлганман. Бироқ тарихий материалларга таъқидий ёндошиш, уларни чуқур ўрганиш натижасида мазкур фожианинг содир бўлиш сабабларини билиб олдим. Ҳужжатларни чуқур ўрганиш натижасида бу фожа тагида Қунанбойнинг Қўдар ва унинг уруғларига қарашли ерларни ўзига қаратиб олишдан иборат бўлган мақсади ётганлигини аниқладим. Бу фақат Қунанбой қиёфасининг кўп томонларини очиб кўрсатди, фожа саҳнасини психологик жиҳатдан кескинроқ, чуқурроқ ва ўткирроқ тасаввур қилишга ёрдам берди.

Ун уч ёшли бола экан, Абай шаҳардан овулга қайтиб келади. У бу ердан кетганига уч йил бўлган эди. Роҳатбахш шамоллар, ковиллар, барра ўтлардан келиб турган ватан иси уни маст қилади, чўлга бўлган соф ишқ туйғуси чулғаб олади. У ҳеч қандай қабоҳатдан беҳабар, ҳатто ундан гумон ҳам қилмайди. Мана, боланинг соф қалбини отаси томонидан бегуноҳ камбағал Қўдарнинг ҳақсиз ўлдирилиши картинаси ларзага келтиради. Бу даҳшат боланинг соф қалбига олов бўлиб ёпишади ва бунинг натижасида юрагида пайдо бўлган жароҳат умрининг охирига қадар тузалмайди, унга азоб беради. Китобда Қўдарнинг ўлими унинг ерига эга бўлиб олиш учун отаси Қунанбой зимдан олиб борган маккорона сиёсатнинг оқибати эканлигини Абай кейинроқ фаҳмлаб қолади. Эпизоднинг фақат ана шу вариантигина шоирнинг бутун умри мобайнидаги можароларнинг бошланиш моментини мақсадга мувофиқ ифода қила олади.

Отаси энди ўз фарзанди олдида аллақандай ҳўрқинчли қиёфадаги ғаразгўй, қотил сифатида гавдаланади.

Мен келгуси бир неча боблардаги воқеаларни ривожлантириб юборадиган пружинани ана шу ердан топиб олдим. Романда муҳолифлар сингари бир-бирига қарама-қарши қўйилган ота ва бола менга одамлар муносабатидаги мураккабликнинг энг таранг кучлари тугунини ечишга имконият берди. Бундай қарама-қарши қўйиш рус ва жаҳон адабиётидаги шунга ўхшаш коллизияларни хотирамда қўзғатмаслиги мумкин эмас эди. Мен Тургеневнинг «Ота ва болалар»и ҳақида, Федор Карамазов ва унинг болалари ҳақида хотирладим, Петр ва Алексей ҳақида, Иван Грозний ва Федор Иоаннович ҳақида ўйладим, немис ва француз адабиётларидан кўп нарсаларни юқоридагилар билан бирга хотирладим.

Мен китобим устида ишлар эканман, қаҳрамонларимнинг ҳар бир ҳаракатини; юрак тепишини худди мана шу чўлда, унинг сокин оқшомларида туғилган куйдек органик ва табиий акс эттира оладиган психологик деталларни излаб, ана шу «ота ва болалар»нинг шунча турли ва шунча мураккаб тақдирларига хаёлан тез-тез мурожаат қилганман.

Ҳаётий фактларга асосланган тарихий асарлар ҳақида ўйлаганингда табиийки, типлар ва прототиплар ҳақида, ҳаёт ҳақиқати санъат ҳақиқатига қандай ўтиши ҳақида масала туғилади.

Айрим «саховатпешва»ликлар билан шуҳрат қозонмоқчи бўлган чўлнинг йирик феодаллари — Қунанбойнинг ҳақиқий қиёфасини қайтадан тиклаш осон бўлмаган. Чунончи, менинг эшитганларимга қараганда, Қунанбой ўлиmidан ўн йил олдин тарки-дунё қилиб, пайғамбарнинг равзасини зиёрат қилиш учун хажга кетган, у ердан қайтиб келгач, зоҳидлардай ҳаёт кечирган киши бўлган. Маккада мусофирлар истиқомат қиладиган уй қурган. Буларнинг барчаси халқ ҳисобидан қилинган, бироқ дашт жаҳолати шароитида, яъни мулла, эшон, ислом мутаассиблари ҳал қилувчи таъсир кучига эга бўлган, уларнинг айтгани айтган, дегани деган бир пайтда, ана шу шариятпаноҳ, «саховатпешва»лар Қунанбой томонидан қилинган барча ярамас ишларни нодон кишилар тасаввуридан яшириб келар эдилар.

Қунанбой эса бутун бир уезд аҳолиси устидан ҳукмронлик қилар, ўз тасаррифидаги жойда у томондан қан-



чадан-қанча ўзбошимчалик, зўравонликлар содир бўлар эди. Ҳатто, у бутун бошлиқ бир уруғнинг ерини тортиб олиб қўйишгача борган. Баъзи овуллардан топган ҳужжатларимга қараганда, Қунанбой одамлардан пора ҳам олган. Ҳатто, бу ҳол фольклорда, фаросат билан айтилган шеърӣй характеристикаларда, халқ эпиграммаларида ҳам қайд қилинган. Қунанбойнинг шафқатсизлиги ҳақида кўп тарихий фактларни кўрдим, уларни ўргандим. Шундай қилиб, Қунанбойнинг ҳаётӣй прототипи — ёвуз ҳоким, феодал кўз олдимда борган сари аниқроқ гавдалана бошлади.

Биринчи китобимнинг энг асосӣй вазифаларидан бири Абай онгида отаси билан очиқ кураш тушунчаси қандай қилиб аста-секин, ҳамда мураккаб йўллар билан шакланганлигини кўрсатишдан иборат эди. Унинг норозиликлари узоқ вақтгача пассив ҳолда бўлади — отасининг кирдикорлари туфайли аламли ёшлар тўкади, унинг устидан қилинган шикоятларнинг ҳақлигига тобора қаноат ҳосил қила боради.

Абай бепоён қозоқ чўлларидаги оддий халқнинг Қунанбойга берган чинакам баҳосини кўради. Кекса халқ оқини романимда Қунанбойни очкўз қузғун деб атайди. Ҳатто, Қунанбой томонидан қурилган мачит, унинг халқдан олган поралар ҳисобига мачитнинг барпо бўлганлиги ҳақидаги оддий халқ гапига мен Абайни шоҳид қиламан. Абай камбағаллар нима деб гапираётганликлари ҳақида онасининг гапларини эшитиб боради. Хуллас, уни отаси билан бетма-бет учраштиришга тайёрлаб бораман. Фақат биринчи китобнинг энг охиридагина у билан отаси ўртасида бўлган ҳал қилувчи гапни келтираман.

Роман учун Абайнинг рус дўсти—Михайлов образи катта аҳамиятга эга. Михайлов образи романда унча кўп ўрин олмаган бўлса ҳам, лекин ғоявий жиҳатдан жуда муҳим аҳамиятга эгадир, чунки у ҳам Қунанбойга қарши ҳаракат қилади. Михайловнинг прототипи ҳам мавжуд реал шахс бўлган. У Семипалатинскга Чернишевскийнинг граждaнлик қатлидан кейин сургун қилинган студент — народник Михаелисдир. Михаелис Абайнинг дўсти эди. Унга биринчи марта рус маданиятини таништирган, ўз устида ишлаб, саводини чиқаришда кўп йиллар давомида раҳбарлик қилган ана шу Михаелис бўлган. Абай томонидан Пушкин ва Лермонтов асарларидан қилинган таржималарга қараганда, у рус

тили ва адабиётини яхши билган. Абай Белинский, Чернишевский, Добролюбовларнинг эстетик қарашларини чуқур эгаллаган. Абай ижодиёти, адабиёт фақат борлиқни акс эттирибгина қолмайди, балки унинг устидан ўз ҳукмини чиқаради, деган маслакни қабул қилганлигидан шаҳодат беради. Бу жиҳатдан, Абайнинг ўзи этироф этишига кўра, у Михаэлисдан катта миннатдордир.

Учинчи китобнинг марказий қаҳрамони Абдирахмон ҳам реал, тарихий шахсдир. У, Абайнинг 1895 йилда вафот этган ўғлидир. У Семипалатинскида ўқирди, кейин уни Михаэлиснинг маслаҳати бўйича, Тюменга юборишди, ундан кейин, у Петербургга жўнайди ва у ерда Михайлов артиллерия билим юртига ўқишга киради. Ундан кейин Верний (ҳозирги Олмаота) шаҳрига қайтиб келади ва бу ерда сил касали билан ўлади. Абайнинг Абдирахмонга бағишланган шеърларига қараганда, шоир унда, илғор, бутунлай янги инсонни, келажак кишисини кўрган ва ифодалаган. Романда мен яратган характернинг асосида бу белгилар ётади.

Албатта, Абдирахмон образида уйдирма ҳам мавжуд. Романда Абишнинг морозовчилар иш ташлаши, Россияда деҳқонлар ҳаракати ҳақида айтган гапини, гарчи бу ҳақда менда маълумот бўлмаса ҳам, эслатиб ўтаман. Мен ўйлайманки, ўша замоннинг илғор ёшлари бундай ҳодисаларга манфаатдорлик билан муносабатда бўлганлар, чўлга қайтгач эса, у ҳақда оталарига айтмасдан қололмаганлар.

Ёш Абайнинг севиклиси Туғжон ҳам ҳақиқатан бор одам бўлган, мен уни қариган вақтида кўрганман. Тўғри, бу ерда менга Абайнинг ўзи ёрдамга келган, унинг Туғжонга бағишланган дастлабки шеърларидан икки мисра сақланиб қолган.

Қўдарнинг авлодларидан ёш шоир Дарменга келсак, у мутлақо уйдирма образ. Қозоқ халқининг фарзанди Дармен ҳаёти романда революцияга қадар тасвирланади. Унинг тарихида кўпчилик қозоқ «разночинецлари» нинг тақдирлари акс эттирилган. Агар романимнинг биринчи китоби—Абай характери ва дунёқарашининг шаклланишига бағишланган бўлса, иккинчи китобида эса, Абай шоир сифатида камолатга эришганлиги тасвирланади. Биринчи китобдагига қараганда, иккинчи китобда Абайнинг шеърларига кўпроқ мурожаат қиламан, бу қонуний. Бу даврда Абай ўзининг бутун тафаккур ва

таассуротларини ўз шеърларида ифодалаган эди. Учинчи ва тўртинчи китоблар «Абай йўли» деб аталган ва иккинчи роман циклини ташкил этган. Менинг бутун фикри-зикрим бу романларим цикли давомида, қозоқ чўллари ҳаётини Абай кўзи билан кўриб тасвирлашга, уни шоирнинг ҳис-туйғулари, дард-ҳасратлари орқали очиб беришга қаратилган эди. Шундай қилиб, қозоқ халқи турмушидаги барча тарихий ҳодисалар авваллари Абай учун батамомила тушунарли бўлмаган, яъни шоир ҳали ўз даврининг ижтимоий зиддиятларини фаҳмлай олмаган, фақат отасининг ёмонликларини бевосита кўрган ва сезган. Мен уни ана шундай кўрсатаман. Чунки ҳали Абай ҳаёт ҳақиқатларини кенг планда умумлаштирадиган даражада эмас эди. Бу ерда автор ўзининг нуқтаи назарини ҳам айтмайди.

Биринчи китобда менинг Абайим хаёлпараст бўлиб гавдаланади, чўлдаги барча нарса унга чўлнинг романтик беағи бўлиб кўринади. Чунончи чўлдаги кўчманчиларнинг ҳаёти, ўтов ва ярим ўтовлари, ўтовлар олдида кечқурунлари бўладиган бағир-буғир овозлари, оқшомдаги аллалари ва ҳоказолар. Абайнинг ҳаёт ҳақидаги фикр доираси кенгайган (иккинчи китобда) пайтдан бошлаб, шунингдек учинчи, айниқса тўртинчи китобларда қаҳрамон етук бир одамга, шоир ва курашчига айлангач, чўл турмушидаги романтика олиб ташланган. Энди Абайга илгари жозибали бўлиб кўринган чўлда ҳеч нима йўқдай туйилади, қалби бўшаб қолади. Абай қалбидаги руҳий тангликка жўр бўлувчи чўл сароби, қоронғи тундаги қор бўрони характерлидир. Бу даҳшатли манзарадан ларзага келган шоир ўзи катта бўлган чўлнинг ҳувиллаб ётган бир даштлигини, унга маданият таъсири келиб етмаганлигини сезади. Абайнинг ана шу такомилли, менингча, энг муҳим, ҳаётий ва ҳаққонийдир.

«Абай» китобининг ҳар бири бир неча боблардан иборатдир. Менинг мўлжалим бўйича, ҳар бир бобнинг номи иккинчи китобда анча шиддатли тус олган Абай образининг ҳаракатини кўрсатади. Масалан, иккинчи китобда бобларнинг номлари ўша бобларнинг мазмуни сингари Абайнинг шоир бўлиб етишишидаги узоқ жараёни кўрсатишга бўйсундирилган: «Кечув олдида» (ўйга чўмиш), «Адирлардан» (ахлоқий кўтарилиш, умидлар), «Яйловда» (дам олиш пайтлари, жимжитлик, аниқлик),

«Сой-қирлар бўйлаб» (шубҳалар, турмушдаги фалокатлар) ва ҳоказо.

Мен тўқнашувларни ўз ичига олган қаҳрамон характери ривожини, драматик ситуацияларни, Абай онгли ва ҳис-туйғуларини ўзига хос характерга эга бўлган бир қатор эпизодларда: шахсий юрак дардини кўрсатадиган, оилавий, ижтимоий ҳодисаларда очиб бераман. Бу эпизодларни тарқоқ, сунъий безак планида эмас, балки реализм қонунлари талаби билан табиий, ҳаётий қилиб, бутун мураккаблиги билан бериш зарурлигини назарда тутиб иш кўрганман.

Китоб макка-мадинага хаж қилиш учун жўнаб кетаётган Қунанбой ва унинг томонидан аллақачон ўлдириб юборилган Қўдарнинг хунини талаб қилувчи Даркембой (Қўдарнинг набираси) ўртасидаги конфликт билан бошланади. Иккинчи китоб қаҳрамони Абай онгида Қунанбой билан Даркембой ўртасидаги тўқнашув ҳусусий жанжал сифатида гавдаланади. Абай хун талаб қилувчиларни дағаллик билан ҳайдаб юборган ўз отаси Қунанбойнинг гуноҳқор эканлигини билади ва Даркембойга мурожаат қилиб, отамнинг гуноҳи учун сенинг олдинда жавобгарман,— дейди.

Бу эпизод орқали мен китобдан китобга кўчиб, ғоявий мазмун жиҳатидан ҳодисаларнинг чўққиси сари олиб борадиган асосий омилнинг занжирини очаман. Қунанбой томонидан жабр-зулм кўрган оила ва уруғ олдида Абай ўзини қарздор деб ҳис этади. Бугина эмас, у ўзининг поэтик ижодиётини, ижтимоий фаолиятини халққа, Қунанбой томонидан зулм кўрган меҳнатқашларга бағишлайди, чунки отасининг жиноятлари, яъни халққа зулм қилувчи бойлар, ҳукмдорлар жинояти учун ўзини жавобгар деб билади. Бутун китобда қизил ип бўлиб ўтадиган бу ғоя Абай яратган жуда кўп асарлардан олинган.

Биринчи китобда Абай отаси билан юзма-юз тўқнашмайди. Иккинчи китобда биз Абай ўз отаси қўлидан Амирни тортиб олганда, Қунанбой набираси Амирдан ўч олганлигини кўрамыз. Қунанбой Қўдарга нисбатан қилганидек, бунда ҳам «хайрихоҳлик»ни ҳимоя қилиш юзасидан иш тутаяди: Амир уруғ қоидасини бузиб, бошқа бировга унашиб қўйилган қизни олмоқчи бўлади. Ҳақиқатини олганда, Қунанбой ўзига яқин бойларнинг даъволарининг олдини олиш учун шунчаки ҳаракат қилади. Қунанбой Абайни дуоибад қилади, лекин Абай унинг ду-

ойбадини назар-писанд қилмайди. У отасини фош қилиб ўзбошимчалик даврлари ўтиб кетди, бошқа давр келмоқда, дейди. Менингча, худди ана шу эпизод оилавий конфликт ўсиб социал конфликтга айланаётганини аниқроқ, таъсирлироқ қилиб кўрсатади. Абай ҳаётида янги, ўзи мансуб бўлган синфдан аста-секин четлашиш даври бошланади.

Бу китобда мен Абайни руҳан ижтимоий-сиёсий кураш ғояси томон олиб бораман. Энди Абай ўз йўлини аниқроқ кўради. Шунинг учун ҳам у жатақларнинг қашшоқ овуллари кўргач, чўлдан қандай бўрон эсганини, чўл ҳукмдорлари қандай зулмлар қилганликларини тушунади. У тўғридан-тўғри бойларни, манопларни қоралайди, чоризм амалдорларига қарши жатақлар қўзғолонига биринчи марта бошчилик қилиб, золимлар билан данғал бетма-бет тўқнашишга чиқади. Абайнинг шариат, руҳонийлар ва мазлум қозоқ хотин-қизлари ҳақида ёзилган энг яхши асарлари ана шу даврда яратилганлигини биламиз. Абайнинг поэтик меросида фақат икки-уч поэма учрайди. Асосан, улар жуда ҳам катта бўлмаган лирик шеърлардан иборат. Шу туфайли ҳам мен романда шоир ишқий лирикасининг турмушдаги манбаини, мазкур асарларнинг энг машҳурлари қандай қилиб яратилганини кўрсатишни лозим деб ўйлаганман. Масалан, Абай лирикаси орасида табиат манзарасини тасвирлайдиган бир қанча шеърлар учрайди. Унинг энг ажойиб шеърларидан бири бургут овига боғишланган. Бу шеърдаги реалистик манзара Абай ижодига рус классик поэзияси традициясининг, Пушкин традициясининг самарали таъсиридан далолат бериб туради.

Мен Абайни қўлида бургут билан овда тасвир қилар эканман, шеърхонлари ниҳоятда яхши кўрадиган мазкур шеърнинг қандай яратилганлигини қайта бошдан кўрсатишга интилганман. Овда учириб юборилган бургут ўзини тулкига ташлагач, Абай оппоқ қор устида бир қизил тулки қора бургут билан жонҳолатда олишаётганлигини кўриб қолади ва унинг хаёлида чўмилаётган қиз образи гавдаланади, шоир уни кейин ўз шеърига ўтказди. Бу эпизод ўзига хос узайтирилган лирик пауза, Абайни овулга, кўз очиб кўрган севиклиси Туғжон олдига олиб келган, шоирнинг ўзи томонидан кечирилган қалб туғёнининг тимсоли ва шароити бўлиб қолган бўрон картинасини тасвирлаш олдидан қўлланилган психологик

тараддуд приёмидир. Мен ана шу учрашувнинг мураккаб психологик картинасини имкониятим борича аниқ қилиб кўрсатишга ҳаракат қилганман. Мен бўронни бирмунча қуюқ бўёқларда тасвир қилганман. Овчилар бир неча кун давомида чўлда адашиб юришади, уларнинг ҳаёти хавф остида қолади. Ниҳоят овчилар, ҳорган-толган ҳолда нотаниш овулга келиб қолишади. Улар бўрон қутириб, одамларни ўз қаърига тортиш учун ув тортаётган пайтда, узоқдан милтиллаб кўринган чироқларга эргашиб, бу овулга келиб қолишган эди. Абай ўтов ичига кирар экан, бирдан анчадан бери ғойиб бўлган севиклиси Туғжонга кўзи тушиб қолади. Абай бу учрашувга руҳан тайёрланмаган, жисмоний жиҳатдан эса, ниҳоятда ҳолдан тойган эди, унда иситма бошланади.

У ҳароратнинг зўридан алаҳлар экан, ўлим унинг кўз олдида муқаррардай бўлиб қолади. Уни фақат Туғжон қутқариши мумкин эди. Туғжон ундан ашула айтишни илтимос қилади, у севиклисига аталган ашулани хотирлашга уринади, лекин хотирлай олмайди. Бу учрашув Абайда унинг Туғжонга нисбатан ҳис-туйғулари қанчалик зўрлигини кўрсатади, вужудини янгидан қоплаб олган муҳаббат унинг учун энг интим, энг ҳаяжонли қўшиқларнинг битмас хазинаси бўлиб қолади.

Икки катта уруғ ўртасида Солиқа исмли қиз туфайли содир бўлган жанжални ҳал қилиш учун оғзаки ривоятга кўра, Абайни ҳакам қозиси қилиб сайлашади. Бундай жанжаллар Абай даврида учраб турадиган кундалик ҳодисалардан эди. Солиқа бир йигитга унашиб қўйилган бўлади, лекин йигит тўйгача вафот этган эди. Чўл одати бўйича, қизни марҳумнинг қариндошларидан бири олиши лозим эди. Марҳум куёвнинг акаси қизни иккинчи ёки учинчи хотин қилиб олмоқчи бўлади. Қиз Абайнинг олдига келади ва унга бутун ҳисратларини айтиб беради. Абай бу воқеадан кейин зўрлаб қари кишига эрга берилган, бу хўрликка чидай олмай, тоғ қоясидан ўзини гирдобга ташлаб, ҳалок бўлган қиз ҳақида шеър ёзади.

Китобда Абай шоир сифатида ўз асарларига материални ҳаётдан олишини кўрсатувчи бу эпизод контраст приёми усулига қурилган. Абай ҳаётдаги жирканч ҳодисаларни кўради, айниқса чўл табиатининг ажойиб картинаси олдида улар янада аниқ бўлиб кўринади. Мана бу турмуш таассуротлари кейинчалик унинг шеърларига сингдириб юборилади.

Романда шоир сифатида Абай фаолиятини безашнигина мақсад қилиб олмаганман, балки шоир ижодининг тарихий, сиёсий, ҳаётий, фалсафий асосларини очиб бермоқчи бўлганман. Бу жиҳатдан Абайнинг Пушкин меросига мурожаат қилиши, айниқса эътиборимни ўзига жалб қилган.

«Чўққида» бобида Абай «Евгений Онегин»ни ўқийди ва ўз бошидан кўп азоб-уқубатларни кечирган қозоқ хотин-қизлари қисматида жуда кўп ғам-аламларга дуч келган киши кўзи билан чўл табиатини кузатиб, Пушкин қаҳрамони орқали фақатгина Татьяна Ларинани кўрмайди, балки бу билан бирга умумбашар идеали бўлган аёлни кўради. Татьянанинг чин қалбдан тавба қилиши шоир учун ўзининг яқин кишиларининг овози бўлиб эшитилади. Унинг кўз олдида Туғжон, Айгерим, Салтанат, Солиқаларнинг образлари гавдаланади. Шундай қилиб, у Татьяна хатининг таржимасида Пушкинни қозоқ тилида и апиртирибгина қолмай, у орқали ўзининг ва ватандошларининг орзу-армонларини, ғам-аламлари ва дард-ҳасратларини ифода қилади.

Шарқда назирачилик, ўтмишдан қолган меросга ижодий ёндошиш, унга ўз даври нуқтаи назаридан муносабатда бўлиш традицияси мавжуд. Чунончи, Низомий, Навоий каби буюк шоирлар яратган классик асарларнинг сюжети ўзларидан бирмунча кейин ўтган шоирлар томонидан такрор куйланган. У асарлар ўз мазмунлари билан мазкур муҳитга ҳам мос келар эдилар. Абай менинг романимда чўл ҳаётидан юз ўгириб, Пушкин сюжети ва образларига ана шундай мурожаат қилади. Мен Абайни чўлдаги баландликка қурилган қўрғонда Пушкин генийсидан чуқур ҳаяжонланиб турган ҳолда тасвирлайман, худди ўша куни шоир бир куй яратади ва бу куй туфайли Татьяна қалбидан оқиб чиққан сўзлар халқ кўшиғига айланиб кетади. Бу кўшиқ Семипалатинскдаги никоҳ тўйида айтилади, ундан кейин эса, бепоён чўл бўйлаб қанот ёзиб учади. Китоб ана шундай тугайди.

Қозоқ шоирлари ичида Абай ўз асарларини ёзма ҳолда ижод этадиган биринчилардан бўлгани учун унинг халқ оғзаки ижодига муносабати ҳақидаги масала ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Абай фольклорга, унинг мотивлари ва сюжетига бевосита мурожаат этган эмас. Бироқ, у халқ мақолларини, ҳикматли сўзларини севган, қозоқ тили луғат бойлигидан кенг фойдаланган, бу билан бир-

га, у ўз навбатида салафларига қараганда чоғиштириб бўлмас даражада уни бойитган. Абай луғати ўз ичига қозоқ тили бойлигининг турли-туманлигини олади. Шоир бу тилнинг бутун ифода воситаларини тўла эгаллашга интилган. Унинг шеърларида халқ мақоллари тез-тез учраб туради, айниқса, ҳикматли сўзлар кўп учрайди. Абай асарлари то унга қадар яратилган асарларга қараганда тамомила янгидир. Қозоқ чўлларида Абайга қадар ҳеч бир шоир табиат бойлигини куйламаган эди. Қозоқ поэзиясида пейзаж аслда ёзма адабиёт ривожланиши билан пайдо бўлади. Абайга қадар бизнинг чўлларда ҳеч ким шоирнинг роли, санъатнинг вазифалари ҳақида, хохин-қизларга зулм қилишга қарши норозиликларга бағишланган шеърлар яратган эмас.

«Абай йўли» — циклининг учинчи китобида маърифатпарвар шоирнинг келгувси ҳаёт йўли ёритилган. Лекин, бу китобнинг вазифаси, унинг аҳамияти олдингиларига қараганда кенгроқдир: «Абай йўли» — Абай ўзи мансуб бўлган синфдан қатъиян юз ўгириб, камбағаллар томонига ўтгани, деҳқонлар оммасининг манфаатини куйлаганлигини кўрсатади. Бу масаланинг бир томони бўлса, иккинчидан, машҳур илғор арбоб ва мутафаккир бўлиб қолган шоир Абайнинг йўли асрлар давомидаги феодал қолоқлигидан Пушкиннинг маънавий мероси орқали рус адабиётига, Лермонтов, Крилов, Салтиков — Шchedрин асарларини ўрганишга, рус маданияти билан танишиш натижасида ниманики эгаллашга муяссар бўлган бўлса, ўшанга олиб келган йўл сифатида кўрсатилган.

Китобнинг кейинги икки қисми устида ишлар эканман, романнинг биринчи китоби адресига айтилган танқидий фикрлар менга кўп жиҳатдан ёрдам берди. Мен учун жатақлар, уларнинг курашлари орқали Абай ҳаётга бошқача қарайдиган бўлганини кўрсатиш, синфий табақаланиш, содир бўлаётган чўлдаги ижтимоий курашнинг сиёсий-тарихий моҳиятини очиб бериш муҳим аҳамиятга эга бўлган. Энди уруғчилик муносабатлари номи остида яшириниб келган синфий кураш тобора ошқора бўлиб боради, халқ оммасининг энг камбағал табақасининг онгги ойдинлаша боради.

Абайнинг ҳаёт йўли бизнинг замонамиз томон илгарилаган сари менинг тасаввуримда қозоқ жамиятининг тараққиёт йўли рус деҳқонларининг умумроссия ижтимоий кураши тақдири билан қўшилишга яқинлаша бо-



риши керак эди. Шу сабабли ҳам 80-йилларнинг охири 90-йилларнинг бошларини ифода этувчи «Абай йўли»—циклининг учинчи китобида ана шу курашга кўпроқ эътибор берилган. Бу ерда Абай деҳқонлар ғалаёни, морозовчилар стачкаси ҳақида эшитади. Шундай қилиб, унинг ватан тушунчаси, илгари у ўйлаб юрган, яъни чўл корчаллонларининг ўзбошимчалиги шароитидаги ҳамма ёқдан ажралиб қолган, Осиё ўрта асрчилиги шароитидаги чўл эмас, балки, у энди ватан тушунчасини кенгроқ англайди. У ўз давридаги ижтимоий ёвузликнинг маъносини борган сари кенгроқ ва тўлароқ фаҳмлай бошлайди, мана, бу ҳолат китобда жамоат арбоби ва унинг шоир сифатида Абайнинг ишлари, фикрлари ва унинг жасорати, изланишлари, хатолари, муваффақиятлари орқали берилган.

Асарнинг биринчи иккита китоби чиққандан кейин, Абай ҳақидаги романни давом эттириш керакмиди, деган табиий бир сўроқ туғилиши мумкин. Менингча, Абайнинг ҳаёти ва кураши ҳақида ҳикоя қилишни давом эттириш янги романда икки жиҳатдан лозим эди. Чунки романнинг олдинги китобларида Абайнинг ҳаёт йўли, ижтимоий фаолиятидаги программа батафсил тасвир қилинмаган эди. Унда шоир, илғор қозоқ жамиятини шакллантирувчи Абай кўрсатилган бўлса ҳам, лекин унинг ҳаётидаги сўнгги ўн йил кўрсатилган эмас. У китобларда Абай мутафаккир, чўлдаги феодалларнинг маразларини аёвсиз фош этувчи сифатида ётук, очиқ ижтимоий курашларда бир қатор муваффақиятларни қўлга киритган, қозоқ халқининг илғор рус маданиятини эгаллаши учун тарафдор бўлиб чиққанлиги тўла тасвир қилинмаган эди.

Янги романнинг вазифаси бу йўлнинг асосий босқичини XIX асрнинг сўнгги чорагида қозоқ халқи ҳаётида юз берган илғор, тарихий — прогрессив дебочани гавдалантирган босқич сифатида янада кенгроқ очиб беришдан иборат эди. Шунинг учун ҳам роман «Абай йўли» деб аталган. Бу йўл—ўз жамиятининг илғор граждани ва тарихий арбоби бўлган Абайнинг йўли, энг қолоқ чўл укладидан халқ демократиясига ўтиш ва илғор-прогрессив рус маданиятини эгаллаш йўли, Абай теварагида қозоқ халқи илғор кучларининг шаклланиш йўли эди. Халқ ҳимоячиси, буюк шоирнинг фаолиятини кўрсатишга бағишланган романнинг энг охириги—тўртинчи китобини

ёзишга киришганимда ҳам ўз олдимга ана шу йўлни, унинг бутун моҳияти билан кўрсатиш вазифасини қўйганман.

Табийки, бу янги икки романнинг биринчи планида Абай ҳаётидаги хусусий фактлар эмас, балки унинг халқ билан алоқасини, халқ манфаати учун олиб борган курашини ва чўл феодалларининг меросхўрлари билан Абайнинг тўқнашувларини ифода қилиш вазифаси турган. Тарихий ҳақиқатга амал қилганим ҳолда мен бу китобларда қаҳрамонимни ўзининг қавм-қариндошлари, йирик феодаллар, хонлар, султонлар билан, шу жумладан ўзининг туғишган акаси Такежон билан (гарчи Такежон отасига караганда жуда кичкина фигура бўлса ҳам, лекин феъл-атворда ундан заррача ҳам қолишмасди) тўқнашувларда тасвир қиламан. Қаҳрамоним ўзи мансуб бўлган синфдан алоқани узиш билан ўзининг илгариги дўстларига қарши курашга киришади. Абай ёшлик йилларида феодал муҳитидаги Жиренше ва бошқа унга ўхшаш йигитлар билан танишиб, улар билан ошначилик қилган эди. Унинг бу ошналари кейинчалик оталарининг йўлларини давом эттирадилар. Шундай қилиб, улар Абай мафкурасига зид бўлган позицияда турадилар. Бу эса асар сюжетиинг бир линияси бўлган.

Романда яна бир сюжет линияси борки, у муҳим аҳамиятга эга. Бу сюжет линияси илгари чўлда мутлақо кўринмайдиган янги одамлар образларини кўрсатишдан иборатдир. Буларга ёш авлоднинг энг яхши вакиллари, шу жумладан Абайнинг ўғли Абдирахмон киради. Абдирахмон маърифатпарвар отасининг, рус маданиятидан тўлароқ озуқа олган, ҳамда Сибирь сургуналарида бўлган, у ердан сиёсий жиҳатдан вояга етган киши сифатида қайтиб келган Бозорали сингари йигитнинг таъсирида ўсиб улғаяди. Мен учун кўчманчиликдан ўтроқ турмуш кечирishга ўтган қари деҳқон — Даркенбой ҳам диққатга сазовордир. Жатақлар онгида янги тарихий силжишлар рўй беради.

Иккинчидан, янги романимда Абай ҳаётини, турмушини бадний идрок этиш йўлида руслар образи катта аҳамият касб этади. Бу ерда Павлов типидagi рус кишилари ҳаракат қилади, кейин эса Пенза, Орлов губернияларидан кўчиб келган рус деҳқонлари ҳаракат қилдилар. Қашшоқлик туфайли Марказий Россиядан си-

қиб чиқарилган бу деҳқонлар қозоқ чўлларига келиб қоладилар. 80-йилларнинг охири, 90-йилларнинг бошларида Қозоғистонга рус деҳқонлари оқиб келиб, ҳосилдор водийларга ўрнашиб ола бошлайдилар. Шундай қилиб, рус деҳқонларининг энг қашшоқ табақаси Қозоғистонга ўтроқ деҳқончиликни олиб киради ва қозоқ камбағал табақалари бундан кўпгина фойда кўрадилар. Рус қишлоғи ва қозоқ овулининг камбағаллари ака-укадек бўлиб қоладилар. Улар бир-бирларининг тилларини билмасликларига қарамай, умумий манфаат, умумий мақсад йўлида бир-бирларига яқин социал группаларга мансуб бўлганликлари учун бир-бирларини тезда тушуниб оладилар. Бу ҳол янги тарихий ҳодиса эдиким, бу Абай манфаатларининг марказий орбитасига кириб бормаслиги мумкин эмас эди, шунингдек бу ҳодиса тарихий роман устида ишловчи ёзувчининг эътиборини ўзига жалб қилмасдан иложи йўқ эди.

Илғор рус интеллигенциясининг вакили Павлов образи Михайлов образига нисбатан бирмунча бошқача характерга эга. Михайлов Чернишевский фаолиятини бевосита давом эттирувчи народоволец эди. У Сибирга сургун қилинган, революцион муҳитдан бир қадар узилиб қолади ва очиқ фаолият йўлига ўтади. Унинг ўрнига ўринбосар сифатида Павлов пайдо бўлади. Уша даврдаги рус революцион ёшларининг бу вакили 80-йиллар охиридаги рус марксистлари группалари қатнашчиларидан бири сифатида фикр қилади. Мен Абайнинг тевааратпрофида шаклланаётган янги кучларни акс эттиришга ана шундай интилганман. Бир томондан, революцион халқ Россияси чўлнинг энг ичкарисигача сингиб борса, иккинчи томондан, чўлнинг ўзи ҳам ўзининг янги кучларини майдонга чиқаради. Абай ана шу муҳитда ҳаракат қилади. Энди менинг қаҳрамоним ўз халқи тараққиётининг навбатдаги тарихий йўлини актив белгилайдиган мутафаккир, курашчи — шоир сифатида гавдаланади.

Идеалист — файласуф Платон томонидан Гомернинг тарихий роли ҳақида айтилган бир тўғри, тарихий фикри ёдимга келиб қолди. Платон, бу шоир Элладани тарбиялади,— дейди. Худди шунга ўхшаш фикрни турли халқларнинг кўпчилик шоирларига нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Абай ҳам қозоқ шоирлари ва ёзувчилари авлодини тарбиялади. Шахсан менинг ўзим ҳам ундан энг қимматли икки белги ёки хусусиятни ўрганганман.

Биринчидан, у менга рус адабиётини чексиз севишни ўргатди, иккинчидан, илғор рус ва жаҳон классик адабиётидан ўрганишнинг энг юксак намунасини кўрсатди. «Абай йўли» романида келажак авлоднинг устози бўлган ана шу шоир ҳам тавдаланади.

Булар билан бирга, мен романда феодал кучларининг аста-секин жипслашишини ҳам тасвирлайман. Урядник ва приставлар қозоқ овулининг реакцион, тескаричи кучлари билан бирлашадилар. Романда реакцион лагерь вакиллари Абай билан бевосита тўқнашувларда кўрсатилган.

80-йиллар охиридаги тарихий ҳақиқатнинг ҳақиқий картинасини чизиш учун мен Абайнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятини тасвирлаш билан бирга ўша даврда қозоқ чўлларида рўй берган кенг тарихий процессни ҳам кўрсатишим лозим эди. Роман устида олиб борган ишларининг турли этаплари ана шу мақсад билан боғлиқ бўлган ҳолда бажарилган.

Учинчи китобнинг биринчи боби «Абай оға» деб аталган. Бошда мен бутун романни шу ном билан атамоқчи эдим (дарвоқе романнинг 1950 йили қозоқ тилида чиқарилган нашри шундай аталган): «Оға — ака, амаки демакдир; у сўз қозоқчада катталарга нисбатан ҳурмат юзасидан уларнинг исмларига қўшиб, ёки алоҳида, мурожаат манъосида қўлланилади. Бу сўзнинг аниқ маъносини русчада бериш қийин бўлди. Украин тилида «батько» дейиш мумкин эди, лекин рус тилида унинг айнан эквивалентини тополмадим, шу сабабли ҳам мен романнинг номини ўзгарттирдим, унинг асл номи биринчи бобда сақланиб қолди. Шунга кўра ҳам Абай бу бобда ҳақиқатан ҳам ёш шоирлар гуруҳи ичида ўзига хос устоз сифатида ҳаракат қилади. Улардан баъзилари ёшлари бўйича Абайдан кўп кичкина бўлмасаларда, аммо Абай ўзининг ижтимоий обрўси, тафаккурининг чуқур ва кенглиги билан улардан шубҳасиз юқори турарди, катта эди.

Бу китобда Абай дунёқарашини чуқурроқ ифодаламоқчи, ислом дини ва унинг маддоҳлари илгари сурган догмаларга нисбатан унинг назарида шаклланган танқидий қарашларни кўрсатмоқчи бўлганман. Бизнинг кунларимизгача етиб келган Абайнинг сўзларидан маълумки, у муқаддас китобларни тарғиб қилувчи мулла, эшон ва ҳазратлар билан суҳбатларда жуда ҳам дадил бўл-

ган, улар тарғиб қилган хурофотни ниҳоятда ўткир тил билан фош қилган.

Халқ шоири Абай ва ўзида халқ оммасининг норозилигини мужассамлантирган Бозоралилар ўз ҳаракатларида, энди қўлни қўлга бериб иш кўришлари, бир-бирларидан қувват олишлари, халқни ҳимоя қилиш йўлидаги курашларини бирлаштиришлари лозим. Абай ва Бозоралилар ўртасидаги дўстлик иттифоқида худди уйғониб келаётган мазлум омма ижтимоий ҳаракатининг ҳақиқий характери — танқидий фикр билан революцион ҳаракат ўртасидаги иттифоқнинг характери очилаётгандай бўлади.

«Абай йўли»нинг иккинчи китобидаги романлар циклини яқунловчи, тўртинчи китобдан мақсад — Абайни мутафаккир ва шоир, халқ орзу армонларини ифода қилувчи, халқнинг ғоявий илҳомчиси сифатида кўрсатишдан иборат эди.

Тўртинчи китобда бутун циклнинг асосий ғояси тўла гавдаланади. Қозоқ халқини рус халқи маданиятига яқинлаштириш учун Абай олиб борган кураш майдони шаҳарга кўчирилади. Тўқнашувлар энди мачитларда, бозорларда, мустаҳкам деворли уйларда, рус маъмурияти чиновникларининг идораларида содир бўлади. Шаҳар шароити асарда шу пайтгача қўлланган услуб ва ритми бутунлай ўзгартириб юборади. Бу романда бири-бири билан яқин турган социал гуруҳлар ўртасидаги драматик тўқнашувлар анчагина бор. Бу ерда руҳонийлар черков қавмлари билан, шаҳар савдогарлари ва даштлик бойлар шаҳар камбағаллари: қайиқчилар, юк ташувчилар, қушхона ҳамда жун ювадиган корхона ишчилари ўртасида бевосита конфликтлар келиб чиқади. Мен, ёзувчи сифатида даштдан яқингинада келиб, ҳали ташкилий бўлмаса ҳам шаҳар пролетариатига айланган ана шу камбағаллар тоифасига катта эътибор берганман. Худди мана шу кишилар муҳитидагина янги миллий характернинг шаклланишини кузатиш мумкин. Феодал турмуш муносабатларидан батамомила қутулмаган шаҳар ҳаётидаги бирликнинг ўзига хос ифода қилиниши янги бўёқлар, янги бадий тасвир воситалари ва усулларини талаб қилган. Саҳнадан саҳнага ўтган сари кучайиб борувчи драматик кескинлик, бунинг Абай ҳаётига суи қасд қилиш билан очилиши ҳам ана шундадир.

Янги ижтимоий-сиёсий мураккаб зиддиятларда мутафаккир-файласуф, халқнинг ҳимоячиси ва йўлбошчиси сифатида Абайнинг характери бошқачароқ намоён бўлади. Энди ҳаяжонли, жўшқин шеърлари билан ҳодисаларнинг оқимини белгилаш кифоя қилмайди. Энди, айниқса ибрат кўрсатиш, энг кескин курашнинг ичига кириб бориш талаб қилинади.

Абай бозор майдонига, ҳунармандлар, юк ташувчилар, чайқовчилар муҳитига кириб боради. У руҳонийлар, адвокатлар, тескаричи савдогар ва феодаллар билан суҳбатда бўлади. Улкан съезд минбаридан сўзлаб, ўтроқлашган қашшоқлар табақасини ҳимоя қилар экан, бунда ўз отасини ҳам халқ олдида фош қилишдан тоймайди. Худди ана шу ердагина отаси билан (гарчи бу даврда Қунанбой тирик бўлмаса ҳам) унинг ўртасидаги конфликт ниҳоясига етади. Агар эпопеянинг иккинчи китобида Абай отасининг барча гуноҳларини ўз бўйнига олган бўлса, энди эса, у Қунанбойнинг бутун кирдикорларидан юз ўгиради, уни халқ бошига кулфат солган зolim сифатида қоралайди. Съезд эпизодини мен бутун циклнинг кульминацияси сифатида назарда тутганман.

Халқ трибуни бўлган Абайни кўрсатиш учун қайиқчилар билан бўлган хусусий суҳбатдан то руҳонийлар билан очикдан-очик тортишувгача, карвон сарой бекаси билан гаплашишдан то бийлар билан бўлган аскияда уларни тап тортмай фош қилишигача; балиқчи ишчилар билан ўзига хос ташвиқий суҳбатдан то Павлов билан суҳбатдаги катта ижтимоий — тарихий умумлашмагача бўлган воқеаларни келтириб, бунда мунозара усулидан фойдаланганман. Кўрдингизми, турли-туман бадий усулларга мурожаат қилишга тўғри келган. Ҳаммол Сепит билан феодал Уразбой ўртасидаги даҳанаки жанг ва қочиб кетишга отланган, таҳқирланган уруғга Бозоралининг хайрлашиш нутқини мен қозоқ халқ оғзаки ижодиётида кенг тарқалган халқ оғзаки публицистикаси орқали бераман. Абайнинг съезддаги катта монологини гувоҳнинг сўроқ бериши тарзида тасвирлаганман. Абайнинг машҳур «Агар ўлсам» кўшиғидан олдинги ички монологи, шунингдек, унинг дўстлари ва қариндошлари билан суҳбатларини ҳикоя қилиб бериш (масалан, яшин билан олишган қудратли дарахт ҳақидаги рамз) катта поэзия ва проза шаклида ёзилган. Марҳум Абайнинг

қайта туғилиши ҳақидаги Айгерим қўшиғини ўз ичига оладиган хотима ҳам худди ана шундай ёзилгандир.

Мен кўпинча конкрет ҳодисаларни рамз даражасигача қуюқлаштириб тасвир қиламан, чунончи, ют картинасида отлар ҳалок бўлади, бу орқали чўлдаги кўчманчилик ҳаёти Абай ва унинг яқинлари билан бирга тугаб-битган бутун бир даврни ифода қилганман. Романнинг хотима саҳнасидаги Абайнинг халқ билан мангу яшаш учун қайта туғилиш картинаси муносабати билан ҳам шундай разм даражасидаги «қуюқ ифода» ҳақида гапириш мумкин. Бир қатор эпизодларда кенг мажозлар берилади, дарахт ҳақидаги рамзда, Абайнинг туши, унда узоқлардаги қоп-қора бўлиб кўринган қирғоқларда жимирлаб турган тонг нури сари тўлқинлар узра ўзининг сузиб кетаётганлигини кўриши шундай мажозлар жумласига киради.

Абай образи халқ йўлбошчиси сифатида романнинг бутун стилини, унинг барча таркибий қисмини белгилайди. Мен баъзан унинг лирик шеърларига, баъзан эса ҳажвий мисраларига қўйилиб кетган Абайнинг ички дардлари бутун бобларнинг оҳангдошлигини, стилнинг хилма-хиллигини белгилаб беришини назарда тутганман, Абай образининг синтезини бермоқчи бўлганман. Айни вақтда мен ўткир мунозара билан лирик интонациянинг бирлигини, оҳангдорлигини излаганман. Масалан, Абайнинг муфтиёт, Россия ва рус маданиятининг қозоқ халқининг тарихий тараққиётидаги аҳамияти ҳақидаги адвокат билан тортишиб қолиши ана шу нуқтаи назардан ўйланган. Абай бийлар билан тортишув вақтида ўзининг фалсафий маслагини айтади, бийлар ўзлари ўрганиб олган формула асосида унга найрангбозлик қиладилар. Абай эса, ўзининг оригинал образли тафаккури билан импровизиатор-шоир сифатида уларга қарама-қарши позицияда туради. Чўл фасоҳатининг эски қонда ва формалари эндиликда замон мазмунини беришга ожизлик қилиб қолади — улар устидан Абайнинг ҳаётий ҳикматли сўзлари ғолиб чиқади.

Абай бойликни фош қилар экан, улар билан бўлган мунозарада парчалаб ташловчи ҳажвга мурожаат қилади. Халфа ва адвокатлар билан жанжал, чўл қозилари, бийлари билан тортишувларда мен тасвир воситаларни абайчасига ишлатишга, унга яқинлаштиришга интиланман. Абайнинг ҳажвий шеърлари оддий халқ орасида

жуда тез тарқалиб кетган. Кўплар унга эришганлар, ишини давом эттирганлар. Масалан, ҳаммол Сеитнинг йирик феодал Уразбой билан айтишуви менга Абай поэзиясининг қудратини кўрсатишга ёрдам берган.

Китобнинг асосий ғоявий — бадий вазифаси материалнинг нисбатини ҳам белгилайди. Шу сабабли ҳам ижтимоий — тарихий тўқнашувлар бу ерда асосий ўринни олиши керак, олдинги китобларда ўзича мустақил аҳамиятга эга бўлган оилавий масалалар эса, ёрдамчи эпизод ёки ижтимоий тўқнашувларнинг сифатида берилса дуруст бўлади, деб ўйлаганман.

Роман циклидаги тўртинчи китобнинг олдинги уччала китобдан барча образ ва стил жиҳатидан фарқини уларнинг ҳаммаси қўшилиб, бирликни ташкил қилишида деб қараш лозим. Уларни бир-бирига фақат китобдаги ғоявий мақсад бириктириб турмайди, балки теманинг, приёملарнинг муштарақлиги ҳам бириктириб туради.

Бу билан бирга биринчи китоб билан энг охириги — тўртинчи китоб ўртасидаги тафовутни мен ёш қаҳрамон билан балоғатга етган қаҳрамон ўртасидаги, ёшлик романтикаси билан балоғат давридаги романтика ўртасидаги тафовутдай деб ўйлайман. Абай худди ана шу балоғат давридаги романтикаси билан йиғлаганда, қадрдон Туйеўркеш тоғларига қараб Туғжонни соғиниб эмас, балки халқ қайғуси билан унинг ҳимоячиси сифатида кўз ёш тўкади. Қаҳрамонининг қирқ етти йиллик умри ва унинг даврини кўрсатишдаги роман қисмларининг бирлиги, ягона сюжет чизиги асар асосий қаҳрамонларининг кўп қисматини ҳал қилишга имконият яратиб берган.

Абайнинг қирқ етти йиллик умридан йигирма етти йили «Абай» романида ва йигирма йили «Абай йўли»да ўтади. Шундай қилиб, «Абай йўли» — Абай сиёсий ва поэтик фаолиятининг энг муҳим тарихий даврини акс эттиради. Зотан Абай халқ куйчиси ва ҳимоячиси сифатида келгуси авлод ўртасида ҳаётининг худди ана шу палласи билан шуҳрат қозонган. Бундан кейин романнинг иккала китоби «Абай йўли» деган умумий йиғма номга эга бўлади.

Тўрттала китоб бўйлаб шоир — мутафаккир Абайнинг юксак образида мужассамлантирилган янгилик билан кейинчалик майда қунанбойчаларга бўлиниб кетган, ўзида эскиликни бутун борлиги билан ифода этган



бир кўз, бадқовоқ Қунанбой ўртасида кураш ўтади-ки, «қунанбойчалар» (унинг бир кўзлиги бежиз эмас) ичидан энг типикроғи — Уразбой тўртинчи китобда реакцион кучнинг Абайга қарши кирдикорларига бошчилик қилади.

Қозоқларнинг тарихий тараққиёти йўлида руслар билан бирикиш учун Абай олиб борган кураш ҳам худди ана шундай, яъни романнинг барча китоблари орқали қизил ип бўлиб ўтадиган тема ҳисобланади. Бу тема Абай асарларида, мунозараларида, унинг рус дўстлари образида ифодаланади. Тўртинчи китобда рус маданияти темаси Абайнинг ўзида ва унинг севиқли ўғлида мужассамлашади.

Романнинг барча китоблари учун муштарак бўлган муҳим учинчи тема — ўз синфидан юз ўтириб, ўзининг ҳаётий, ижодий манфаатларини қашшоқлар табақасига қўшган қаҳрамоннинг демократик ривожланишидир.

Бу тема Абайнинг жатақ исёнчилари Даркембой, Бозорали, Сеит ва бошқа ҳаммоллар билан алоқаларини, муносабатларини тасвирлаб кўрсатиш орқали ифодаланади.

Муштарак бош темалардан тўртинчиси — қозоқларнинг бутун «Ромео ва Жульетта»лари комплексида ифода қилинган хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлилиги учун кураш темасидир. Бу даставвал Абай билан Туғжондир. Булар биринчи китобда ўз турмуш босқичларини бузаётган эскиликка итоаткорона бўйин эгадилар.

Улардан кейин Уролбой билан Керимболадирки, Сулар ҳуқуқсизликка қарши бош кўтарадилар, лекин уларнинг кучи синдирилади. Учинчидан, Амир ва Умидой. Булар ўз норозилиklarини бирмунча активроқ ифода этадилар ва Абай билан Қунанбой ўртасида келишмовчилик туғилишига сабаб бўладилар. Тўртинчидан, иккинчи китобдаги Солиқадирки, зўрлаб берилаётган қари эрдан Абайнинг ёрдами билан қутулади ва шоирнинг энг яхши асарларидан бири бўлган «Хон саройида бир қиз яшар экан» деган шеърнинг туғилишига сабабчи бўлади. Ниҳоят бу «Ромео ва Жульетта»ларнинг кейингиси, тўртинчи китобдаги Дармен билан Макенлардирким, булар шарият қонунларига дадиллик билан хилоф иш қиладилар ва Абай ҳамда рус маъмуриятининг ёрдами туфайли ўз мақсадларига эришадилар.

Менинг фикримча, конфликтларнинг ўз кўрянишларини ўзгартириб боришлари замон ҳаракатини акс эттириши керак эди.

Тўрттала китобда Абайнинг шоир сифатида камолотга етиш темаси ҳам ягона комплексда боради. Бу эса, Пушкин тилини ўзлаштириш орқали шоирдаги дасглабки ижодий уйғониш, кейин рус революцион демократларининг ғоя ва образларини эгаллаш ва буни камолга етган Абай томонидан қозоқ халқ поэтик нутқидаги традицион ҳикматли сўзларда жорий қила боришида акс эттирилган.. Шунинг ҳам айтишим керакки, шоир камолотини ўз тилининг ривожланиши орқали кўрсатиш, менинг фикримча, муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Романда Абай бошдан кечирган тадрижий такомилга кўра, унинг мадраса муллабаччаси давридаги ўн уч яшарлик ўсмирлигидан халқ орзу-армонларини «фода этувчи мутафаккир — шоир даражасига етгунга қадар унинг тил тафаккури ҳам ўзгариб, ривожланиб боради. Ешликдаги романтик тасаввурлар ўрнида етук арбобнинг чуқур мулоҳазалари, кенг танқидий фикрлари пайдо бўлади. Унинг дунёқараши ва нутқи ҳам мураккаблаша боради. Мен Абай тили эволюциясини унга хос бўлган барча хусусиятлари билан кўрсатишга интилдим. Масалан, сўнгги китобда у баъзан китобий фикр қилади, тилида рус бадий асарлари синтаксисининг таъсири сезилиб туради.

Шунингдек Абайнинг ўзини ўраб олган ёш шоирларга муносабати орқали очиб берилган ромanning мана бу барча чизиғи юқорида айтиб ўтилган «қайта туғилиш» саҳнасида ўз ниҳоясига етказилади.

Ниҳоят, тўртта китобни ўз ичига олган романлар циклининг биринчи ва тўртинчи китобларидаги марказий поэтик образни олайлик. Бу — тошлоқ ердан ўсиб чиқиб, осмонга интилаётган ёш чинор новдаси (биринчи китобнинг сўнггида), ҳамда яшин томонидан куйдириб юборилган, ўз уруғларининг тақдири ҳақида сўзлаб, бирон нарсани сўраётгандай осмонга қараб қотиб қолган эски дарахт (тўртинчи китобнинг сўнггида)лардир. Мен мана бу поэтик образда қаҳрамоним ҳаёти ва фаолиятининг тарихий моҳиятини символлаштирганман.

Барча китоблардаги бобларнинг номлари ва жойла-нишларида халқнинг энг яхши илғор томонларини ўзида акс эттирган қаҳрамон образи ҳаракатини кўрсатадиган,

бу орқали эса, халқ тарихий тараққиётини кўрсатиб турадиган усулни сақлаб қолишга ҳаракат қилдим.

Шундай қилиб, гуманист, маърифатпарвар ва шоир Абайнинг ҳаёти ва фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган ишимнинг биринчи этапи тугади.

Менинг олдимда олға чорловчи йўл ястаниб ётибди. Бироқ мен энди хронологик изчиллик принципларини рад қилишга, ишни «охиридан» — Абай маънавий авлодларининг шу бугунги кунлари, социалистик Қозоғистоннинг илғор кишилари ва уларнинг етти йиллик планни бажариш — коммунизмга яқинлашиб бориш йўлидаги курашлари, Абайнинг энг юксак поэтик орзуларини ҳам орқада қолдириб кетадиган коммунизм эраси ҳақида роман ёзишдан бошлашга қарор қилдим.

«Вопросы литературы» журналининг  
1959 йил, 6-сонидан олиб босилди.

---

### ЕЗУВЧИНИНГ САВИЯСИНИ ҚУТАРАЙЛИК

Баъзилар жуда ҳам оддий ҳақиқатни англамайдилар. Бизнинг давримиз адабиёт ва санъатнинг аҳамияти тарихда биринчи мартаба жуда ҳам баландга кўтарилган даврдир. Адабиёт ва санъат тарихи унга (адабиёт ва санъатга) бу қадар катта аҳамият берилган ва бу қадар кўп талаб қўйилган даврни билмайди.

Бизнинг давримизда адабиёт ва санъат янги социалистик жамиятни тез фурсат ичида қуриб улгуриш, коммунистик меҳнатга асосланган бир тузилишни тўла барқарор қилиш жараёнида максимал активлик касб этмоғи лозим. У пролетариат диктатураси қўлида синфларни ва капитализм унсурларини қатъий равишда тугатиб, синфсиз социализм жамияти қуриш вазифаларини амалга оширишда ўткир қурол бўлмоғи керак. Адабиёт ва санъат кишиларнинг онги ва сезгисига таъсир қилиш йўли билан ўзининг порлоқ келажаги учун бутун куч, бутун имкониятини сафарбар қилган ишчилар синфи қўлида актив, ўзгартувчи, кишиларни қайтадан тарбияловчи қурол бўлмоғи зарур. Бунинг учун шўро адабиёти бутун адабиётлар ичида фикран чуқур, қуюқ ва маънодор бўлиши лозим. Биз маълум даражада бунга эришдик ҳам. СССР шўро адабиёти ҳозирги фурсатда дунёдаги бутун адабиётлар ичида ўзининг фикри қуюқлиги эътибори билан энг биринчи адабиётдир.

Бунинг шундай бўлишлиги қонунийдир. Негаки, капитализм дунёсининг юз йиллаб ўтган йўлини биз 15 йил ичида ўтиб кетдик. Бизнинг кечирган ҳар бир йилимиз ўзининг мундарижаси эътибори билан капитализм-

нинг ўнлаб йилларидан қуюқлик қилади. Биз Днепрострой, Магнитострой каби дунёда энг буюк бўлган гигантларни ярата олдик Адабиётда, санъатда ҳам ана шу буюк гигантларни яратмоғимиз керак.

Ҳар бир шўро ёзувчиси чин ҳаёт учун бирдан-бир муносиб ва лойиқ бўлажак бир жамият қурилишида ўзининг бадий қуроли билан фаол қатнашмоғи керак. Бизнинг ҳар бир асаримиз ана шу қурилишга ўз муҳрини босмоғи, ўзига лойиқ бўлган тарихий ўринни олмоғи зарур. Бунинг учун ана шу асар даврга лойиқ, арзигулик бўлиши лозим. Бундай буюк бўлган бир тилакка осонлик билан эришилмайди. Ҳар бир ёзувчининг ҳам ўзига яраша қусурлари, камчиликлари, қийинчиликлари бўлади.

Бу кунги ёш шўро ёзувчиси учун энг муҳим масаладан бири жиддий равишда ўқиш ва ўрганиш масаласидир.

Замоннинг катта ёзувчилари доимо ўз даврларининг энг олим ва энг маданий кишилари бўлиб келганлар. Бизнинг замонамизда пролетариатнинг улуғ санъаткори Максим Горький бунга порлоқ мисол бўла олади. Ўз даврининг энг олдинги идеялари савиясида турмасдан, уларни чуқур англамасдан ва ҳатто шу идеяларни асословчи ва бойитувчи бўлмасдан туриб, ёзувчининг ўз асрига лойиқ асарлар бериши ҳеч бир мумкин эмас. Бизнинг ёзувчимиз марксизм-ленинизм фалсафасининг савиясида тура билмоғи ва шу фалсафа асосида кишилик жамияти томонидан яратилган бутун маданият бойлигини эгаллай олмоғи лозим. Бусиз у социализм даврининг тўлақонли ҳайкали бўлажак асарларни ярата олмайди.

Биз шу масалани яна бир карра эслаб ўтишга мажбурмиз. Чунки ҳали бизда ўқиш ва ўрганиш ишига чиндан юз ўгирмаган ёзувчилар кўп. Ўқиш лозимлигини айтганда хафа бўла турган ёзувчиларимиз ҳам оз эмас, Биз уларга ўқимасдан, ўрганмасдан катта ёзувчи бўлиш мумкин эмаслигини англатишга эришмоғимиз зарур. Жиддий ўқиш, жиддий иш, турмушни чуқур билиш асосида тўлақонли бадий асар яратиш мумкин. Биз шунга эришгандагина миллионларни тарбиялашга кучи етатурган асарлар ярата оламиз.

1933 йил.

## АДАБИЁТ ВА ХАЛҚ

Адабиёт ўзининг барча илдизлари билан халққа боғланган. У — халқ мулки. Халқсиз адабиётнинг юзага келиши ёхуд яшаши ҳақида ўйлаш ҳам мумкин эмас. Чунки у халқнинг ўз ичида кўкариб чиқади, гуллайди, яна халққа қараб боради. У ўзининг бутун маъноси, моҳияти ва аҳамиятини ҳам шу халққа яқинлашганда топади. Шу жиҳатдан совет адабиёти дунёда бор ва бўлиб ўтган адабиётлар ичида энг бахтли адабиёт, унинг ижодчилари энг бахтли одамлардир. Ижодчилар учун халқ керак, чунки ижод шодлигини, яратиш ифтихорини туғдирувчи куч халқнинг ўзидир.

Одамзод онгига янги тушунчалар сингдириш, кишиларнинг фикр доираларини кенгайтириш, одамларнинг миясидан феодал, патриархал жамият қолдиқлари, капитализм қолдиқларини чиқариб ташлаб, уларга инсоний фикр ва сезгиларни пайвандлаш — бугун бугун зарурияти билан санъат ва адабиёт устига тушади. Биз социализмдан аста-секин коммунизмга ўтаётган бир вақтимизда, учинчи беш йилликда, кишилар онгидаги капитализм қолдиқларини тамоман йўқотиш асосий вазифа қилиб қўйилган бир даврда, адабиётнинг зиммасига тушган вазифа яна ҳам масъулиятлироқ бўлади.

Санъат ва адабиёт ўзининг хос йўллари билан одамларга яхши ва гўзал хислатларни сингдиради. Кишиларнинг кўзига яхши ва ёмонни аниқ кўрсатиш адабиётга ҳамма нарсадан кўра осонроқ кўринади. Улуғ шоир Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин»ини кўрган кишилар дар-

ҳол дунёнинг нималардан иборат эканини англай бошлайдилар. Уларнинг кўзлари олдида бир-бирига зид бўлган дунёлар гавдаланади. Улар бу дунёларнинг қайсиси яхши, қайсиси ёмон, қайсиси вафо ва қайсиси бало экани ҳақида ўйлай бошлайдилар. Уларга Фарҳод маъқул бўлади, Ширинни умр бўйи севиб қоладилар, Хусравни бутун вужудлари билан ёмон кўрадилар, Ёсуман деб аталган айёр хотинни йўқ қилгулари келади. Шопурнинг ишларини севиб олқишлайдилар.

Навоий яратиб қолдирган бу образларнинг кишилар кўзи олдида бирини яхши, бирини ёмон қилиб кўрсатган нарса нимада? Бу образларга сингдирилган кишилик хусусиятларидир. Фарҳод ҳам, Ширин ҳам, Хусрав ҳам — ҳар бири кишилик жамиятида бор бўлган хусусиятлардан бирини ифода қиладилар. Натижада одамлар шу жамият, унинг кишилари, унинг яхши ва ёмон одамлари ҳақида ўйлай бошлайдилар. Уларнинг кўз олдида қарама-қарши гуруҳлар гавдаланади. Улар кишиларнинг тақдирлари, шу гуруҳлардаги хусусиятлар, инсоний сифатлар ҳақида тушунишга мажбур бўладилар. Улар ёмон хусусиятларни йўқотиш устида ўйлайдилар. Фарҳод, Ширин ва Шопурда бўлган хусусиятларни ўзларида ҳам кўргилари келади, яхши ва ёмон иш қилар, юрар, турар экан, уларнинг кўз олдида Фарҳод ва Ширин, Хусрав билан Ёсуман қилган ишлар, хислатлар, хусусиятлар намоён бўлиб турадилар. Хусрав билан Ёсуманни қарғаб, Фарҳод ва Шириндаги гўзал инсоний хусусиятларни тарғиб қиладилар. Фарҳод билан Ширинни мард ва озод инсоннинг йўлдошлари сифатида севиб олқишлайдилар.

Биз Навоийнинг шу мисолида адабиётнинг халқ учун қанча азиз, қанча керакли нарса бўлиб келганини ва унинг халқ ва жамият турмушида қанчалик роль ўйнаганини очиқ кўрамиз, шундай мисоллардан бири қилиб, Гоголни ҳам келтириш мумкин. Гоголь яратиб қолдирган «Ревизор»даги Хлестаков образи ҳозирги кунда ҳар кун эсга олиниб туради. Улар бизнинг социализм қурган жамиятимиздаги эски қолдиқларни эслатадилар. Гоголь томонидан яратилиб қолдирилган ёмон одамларнинг образлари, бизнинг жамиятимизда ҳозир ҳам тамом бўлиб етмаган муттаҳамлар, бюрократлар ва умуман ёмон, алдоқчи, бачкана, паст одамларнинг ота-болалари, қавми-қариндошлари экани аниқ англашилади.

Натижада улуғ Гоголь бизга ёрдамга келади. Биз унинг қуроли билан ўз душманларимизга қараб ўқ отамиз.

Шу хилдаги мисоллардан яна жуда кўп келтириш мумкин. Булардан адабиётнинг халқ учун, унинг ижодий иши учун нақадар зарур экани англашилади. Шунинг учун ҳам бугун халқимиз, партия ва ҳукуратимиз адабиёт ва санъатга зўр аҳамият берадилар. Айниқса бундан сўнг, коммунизм қураётган бир даврда, жисмоний меҳнат билан ақлий меҳнат ўртасидаги фарқ, қарама-қаршилиқ йўқолаётган бир даврда, бутун совет халқи ёлласига саводли ва маданий бир халқ бўлаётган бир вақтда, ўз-ўзидан маълумки, адабиёт ва санъатга бўлган эҳтиёж ҳеч кўрилмаган даражада зўраяди.

Ўзбекистон совет ёзувчиларининг республика II съездида тўпланар эканмиз, бизнинг назаримиз асрлар бўйи помешчик ва капиталистик зулм остида яратилиб қолдирилган буюк кишилиқ маданиятига, буюк адабиёт ва санъатларга қаратилади. Шу кишилиқ томонидан яратилиб қолдирилган буюк инсоний маданият устида кўпроқ ўйлаш, кўпроқ тушуниб, кўпроқ ўрганиш қанча муҳим ва зарур экани аниқроқ бўлиб қолади.

Биз кўп миллионли маданий ўқувчига, халққа эгамиз. Бизнинг ёзган ҳар бир нарсамиз эртаси куниёқ бутун халққа бориб етади. Бизнинг ёзганларимизга халқ беш юз минглаб қўл қўяди. Миллионларча тираж билан босиб чиқариб ўқийди.

Меҳнаткаш халқнинг душманлари, буржуа миллатчиларига қарши кескин кураш ва тортишувлар ичида ўзбек совет адабиёти ўсиб чиқди. Унинг кадрлари етишди. Биз бугун халқимиз томонидан севилиб ўқиладиган гўзал достонлар, ажойиб ҳикоялар ва драмаларга эгамиз. Халқ уни биледи ва қайта-қайта ўқиб туради. Уларни ижод этган ўз ёзувчиларини тақдир қилади. Халқ ёзувчиларимизнинг энди анча ижодий тажриба орттириб воёга етиб қолганидан ҳам хабардор, чунки у, уларнинг ҳар бирини якка-якка кузатиб боради. Шунинг учун ҳам бугун улардан жиддийроқ ва каттароқ асарлар кутади. Бу тамом қонуний бир ҳол, чунки маданий халққа кучли ва зўр адабиёт керак. Бунинг учун Ўзбекистон совет ёзувчилари халқ олдида қарздордир.

Бизлар чин маъноси билан санъаткорона бир даврда яшаймиз. Бу санъатнинг роли жуда баланд поғонага кўтарилган. Халқимиз санъат ва адабиётни зўр ишнинг



муҳим бир бўлаги деб қарайди. Шунинг учун ҳам санъат ва адабиёт зўр тарихий силжишлар замонида тиккасига, баландга кўтарилади. Кўтарилаётган даврнинг хусусиятлари унинг барча соҳаларида ҳам акс этади. Буюк давр буюк адабиёт яратади.

Ўзбек совет адабиётининг гуллаши таъмин этилган. Унга халқ ва ҳукумат ғамхўрлик қилади. СССР халқларининг дўстона оиласида ўзбек совет адабиёти баланд поғоналарга кўтарилади. Унинг ёзувчилари улуғ даври-мизга, буюк халқимизга муносиб ва лойиқ бўлган адабиётни, албатта, юзага келтиражаклар.

---

ЁЗИШҒУВЧИЛАРИМИЗГА

«Муштум» ўзининг ёзишғувчиларининг самимиятини, дардини яхши биладир. Чунки дард бўлмаса, самимият бўлмаса биз подачини қўлида калтаги билан кўрмас эдик.

Биз бу ўринда шу самимий йўлдошларимизга, қўлдошларимизга бир-икки оғиз гап сотмоқчи бўламиз; сиз бир муҳитда яшайсиз: яъни қишлоқда, шаҳарда ёки кўйда. Шу ўзингиз яшаган муҳитда шубҳасиз дағаллик бор, қўполлик бор, қинғирлик бор ва қийишиқлик бор. Шу аносири арбаа<sup>1</sup>дан қайси бўлса бўлсин мутаоқиб сизнинг ижтимоий руҳингизга ўзининг чучмал таъсирини бермай ва нафратингизни уйғотмай қўймайдир. Албатта шу вақт «Муштум»ни ўйлаб қўлингизга қалам оласиз. Аммо шу қалам олишдан илгари бирмунча андиша лозимдир; шошмаслик керакдир, «шошган қиз эрга ёлчимас» мақолини балки эшитганингиз бордир. Ун карра ўлчаб, бир мартаба кесмоқ яхши: 1. Сиз олган мавзунинг ижтимоий ва сиёсий манфаати? 2. Қош қўйиб, эвазига кўз чиқармайсизми? 3. Масала замирида шахсий манфаатингиз, яъни олди-берди жанжалингиз йўқми?...<sup>2</sup> Бу жиҳатдан қаноатингиз том бўлса, энди навбат қаламникидир.

Яхши билиш керакки, қалам — ўқлоғи ва матбуот — кетмон — бозори эмас. Йўсинсиз равишда хотирга келган ҳар бир сўздан жумлалар тўқимоқ фазилат санал-

<sup>1</sup> Аносири арбаа — тўрт унсур (элемент): сув, тупроқ, ўт, ҳаво. Ред.

<sup>2</sup> Мақола қисқартирилиб босилди. Ред.

майдир. Сўз қолип, фикр унинг ичига қўйилган гишт бўлсин, кўпчилик хумдонидан пишиб чиққач янги ҳаёт айвонига асос бўлиб ётсин!

Кулки журналида иштирок қилиш бир оз назокат талаб қиладир. Чунки сизни нафратлантирган, истеҳзолантирган масала ёки шахсни ўз ҳаётидан, ўз хусусиятидан олиб кулги ҳолига қўйишингиз керак. Яъни сиз бу кулгиликни ясаган бўлиб кўринманг, балки ўзи ясалган бўлсин. Ўз ҳолини ўзи арз қилсин. Токи ўқувчингизгина эмас, ҳатто кулгига қолган рақибингизнинг ўзи ҳам чорасиз сиз билан биргалашиб кулишмакка мажбур бўлсин.

Адабиётда бир неча хил кулги йўллари бўлса ҳам (масалан пичинг, кесатиш, киноя, тағофил ва бошқалар), лекин энг муътабари характер кулгисидирким, юқорида айтиб ўтдик, аммо бунда қуйидаги шартларнинг топилиши керак:

1. Қаҳрамоннинг характери. (Яъни сизнинг олган масалангиз ва ёки кишингизнинг ўзидагина топилган табиат. Масалан: сўз, иш, феъл ва... )

2. Шу характеристика ичидан сиз бермоқчи бўлган маъно ёки ибратнинг ўз-ўзидан томиб туриши.

3. Шу икки турли нарса ичидан истеҳзо ёки ха-ха-хо моддасининг табиий суратда келиб чиқиши.

Бу ўринда масала яхши англашилсин учун бир мисол берайлик: Тошпўлат ака маҳалла комиссиясидан, ўз таъбирича, бир қийиқ қоғоз оладир-да, севиниб жетади: «Ҳа, дедим, пошшоликка энди йигит керак бўптими, дедим» дейдир. Таҳлил қилсак бунда кўрамиз: а) Тошпўлат тажангнинг ўз ибрати — сўз характери (кўринишдан); б) Тошпўлатнинг оч қолиб пошшоликдан иш кутиши (маънодан); в) ҳолбуки бу қийиқ қоғоз билан уни ишга чақирилмайди, балки ундан беш сўм налог олинмоқчи (кулги).

Сўз сўзлашда ва улардан жумла тузишда узоқ андиша керак. Ёзувчининг ўзигина тушуниб бошқаларнинг тушунмаслиги катта айб. Асли ёзувчилик айтмоқчи бўлган фикрни ҳаммага баробар англата билишда, орага англашилмовчилик солмасликдadir. Бундан бошқа, фикрнинг ифодаси хизматига ярамаган сўз ва жумлаларга ёзувда асло ўрин бермаслиги лозим. Шундагина идоранинг тузатиб босишига йўл қўймаган ва мустақил услуб ва ифодага эга бўлиб, ўзингизнинг қаламдаги истиқболингизни таъмин қилган бўларсиз. Кишига ишо-

ниш ва беҳуда кучаниш маъқул гап эмас, бировга орқа қилиб ўзингизда бўлган талантнинг руҳига фотиҳа ўқий кўрмангиз! Бир соатда эмас, ўн соатда ёзиш, бир қайта эмас, ўн қайта тузатиш — кишининг ёрдамига термулишга қараганда ҳам фойдалиқ, ҳам умидликдир. Бундан сўнг «Муштум» кичкина қилиб чиқариладир. Аммо, сиз сизга қилишдан қўрқмай ёзганларингизни бизга йўллай берингиз. Ёзишувчи сўфиларимизда ҳунар бўлса хонақоҳ ҳеч бир вақт торлик қилмас.

«Муштум» ўғирлик, жаҳолат, залолат ва ғайрилар билан курашини давом этдирадир. Бироқ, мундан сўнг ул тилга, санъатга, адабга риоясини том қилиб, қўлидан келганча ёш талантларни шу доирада ўстиришга гиришадир..:

«Муштум», 1926 йил, №-17

---

## МАЙДА ҲИКОЯЛАР ЁЗГАНДА СЎЗНИ ҚАНДАЙ ТЕЖАШ КЕРАК

Майда ҳикоялар устаси Чехов сўз тўғрисида келганда ҳаддан ташқари хасис. Ортиқча сўзлар сарф қилиш у ёқда турсин, керакликларидан ҳам мумкин қадар юлишга ҳаракат қилади. Ўзи айтади: «Майда ҳикоялар ёзганда сўзни ортиқча исроф қилгандан кўра керакликларини ҳам мумкин қадар озроқ ишлатиш керак». Унинг ҳикояларида сўз исрофгарчилигига сабаб бўладиган ортиқча деталлар ҳам бўлмайди. У бутун деталларни ўзи айтган асосда ишлатади. «Биринчи кўринишда милтиқ бўлса, шу милтиқ учинчи ёки тўртинчи кўринишда албатта отилиши керак, йўқса милтиқ тўғрисида сўзлашнинг ҳожати йўқдир.»

Унинг «Хамелеон» ҳикояси ҳам бошқа кўп ҳикояларидай ғоят сиқик, қуюқ ёзилгандир. Унинг сўзга хасислиги ўқувчига малол келмайди. Яъни айтмоқчи бўлган фикрининг тушунилишини оғирлаштирмайди. «Хамелеон»да воқеа йилнинг қайси фаслида бўлаётгани айтилмайди, аммо бундаги сўзлардан фаслни аниқлаш мумкин. Албатта бу сўзлар йилнинг фаслини билдириш учунгина келтирилмайди. «Пальтомни еч-чи Елдири... Кун жуда исиб кетди, ёмғир ёғса ҳам ажаб эмас».

Қуйидаги сўзлардан воқеа тушки овқатдан кейин бўлаётганини ҳам билиб бўлади.

«Теварак жим, майдончада ҳеч ким кўринмайди. Дўкон ва қовоқхоналарнинг эшиклари очиқ. Ҳувуллаб турадилар. Бу эшиклар ёнида гадой у ёқда турсин, бир зор ҳам кўринмайди».

Мана булар икки мақсад кўзда тутилиб айтилган сўзлар бўлиб, иккинчи мақсад мантиқий равишда биринчисидан келиб чиқади. Деталлар (воқеани ташкил этган воқеачалар) ҳам ўзи ёлғиз қолиб кераксиз сўз бўлиб қолмайди. Масалан, ҳикоянинг бошида «Очумелов янги шинель кийган» дейилган экан, бу нарироққа бориб шинелнинг ечилиши, яна кийилиши билан боғланади. Хрюкиннинг ўнг қўлини юқорига кўтариб, халойиққа қонаган бармоғини кўрсатиши унинг «Энди шу мажруҳ бармоғим билан эҳтимолки, бир ҳафта ишга ярамасман» деган арзи Очумеловнинг «Сен аҳмоқ, қўлингни тушир! Айб ўзингда!» деб қичқириши билан боғланган.

Ҳикояни «серсув», кўп сўзли қиладиган нарсалардан бири кўрсатиш ўрнига сўзлаб беришдир. Агар Очумеловнинг «Хамелеон» эканини унинг сўзлари орқали кўрсатилмаса, автор томонидан таърифланса, дунё-дунё сўз кетар эди. Чехов бунини ўзи айтиб бермасдан Очумеловнинг ўз сўзи билан кўрсатади.

Очумеловнинг дастлабки фикри:

— Итни ўлдириш керак, қутурган бўлса ҳам ажаб эмас.

Ит генералга қарашли, дейилгандан кейин:

— Ит нозик, сен ҳўкиздай бўйнингни қара.

Яна ит генералники эмас, дейилгандан кейин:

— Генералнинг итлари қимматбаҳо нарсалар эди. Бу бўлса, эгасиз дайди итга ўхшайди. Эпақалик юнги ҳам йўқ. Шундай бемаъни итни ҳам сақлайдимки киши?

Яна ит генералники, дейилгандан кейин:

— Балки қимматбаҳо зотли итдир.

Ошпаз ит генералники эмас, дегандан кейин:

— Бу эгасиз, дайди ит.

Ит генералнинг укасига қарашли экани маълум бўлганда:

— Яхшигина ит кўринади. Ўлгунча югурдак кўринади.

Мана шу диалогларга авторнинг ҳеч қандай изоҳи керак эмас. Бу диалоглар ҳам воқеани силжитади, ҳам ҳикоя қаҳрамони Очумеловни характерлайди.

Чехов услубидаги айрим хусусиятни сезган Л. Толстой бундай деган эди: «Чеховнинг импрессионистларга ўхшаган ўзига хос формаси бор... Яқиндан қарасак, худди ҳар бир тўғри келган ва бир-бирига алоқаси бўлмаган бўёқларни фарқ қилмасдан ишлатганга ўхшайди,

аммо узоқроқдан қарасанг бу бўёқлардан ажойиб бир манзара вужудга келганини кўрасан».

Толстойнинг бу сўзи Чеховнинг ўз сўзига жуда мос келади. У дейди: «Табиатни тасвир қилганда майда бўлақлар олиш ва буларга шундай тартиб бериш керакки, ўқиб кўзингни юмганингда кўз олдингга бир манзара келсин».

«Хамелеон» ҳикоясининг бирон сўзини чиқариб ташлаш ёки бирон сўзни қўшиш мумкин бўлмаганлиги, Чеховнинг сўзга нақадар диққат қилганлигини кўрсатади.

(«Совет адабиёти журналы», 1936 йил, № 3)

**«НАВОИЙ» РОМАНИНИ ҚАНДАЙ ЁЗДИМ**

Навойй шеърляти ва Навойй образи ҳамиша кучли бир қуёш каби кўнглимни тортар эди. Ўз асарларимда шоир Навойй образини яратишга зўр майл, орзу, истагим бор эди. Лекин тарихга кўз ташласам, Навойй гигант, буюк бир сиймо ҳолида қаршимда турар эди. Ёшлигимдан бери Навоййнинг ўлмас, абадий шеърларини севиб ўқир эдим, унинг жозибали ғазаллари борган сари кўнглимга сингиб борди, шакл ва мазмунлари юрагимни маст ва мафтун этди.

Ўзбек адабиётининг энг буюк меъмори улуғ Навоййни биз эндигина текширишга киришдик. Унинг мисли йўқ. «Хамса»си, дилбар ғазалларини чала-чулпа палапартиш текширишлар бошланди; лекин баъзи адабиётчиларнинг айрим асарлари диққатга сазовордир. Умуман айтганда, Навойй ҳақидаги текширишлар ҳали тор ва сустдир...

Тахминан 1936—1937 йиллар кичик поэма — «Навойй»ни ёздим. Лекин бу машқ Навойй образини яратишда чизилган фақат бир эскиз эди. Кейин катта полотнога ўтиб, «Навойй» романини ёздим.

Бунинг учун, албатта, Навоййнинг барча асарлари, Навойй яшаган даврнинг тарихи, у даврнинг социал қиёфаси, у давр жамиятининг характери, урф-одати, хулқи-атвори билан танишишга тўғри келди. Кўп тарихий фактлар, материалларни йиғдим, уларни таҳлил этиб, мағзини чақиш учун чуқур ҳис этишга, ўйлашга бошладим. Бу ишга шу қадар ғарқ бўлган эдимки, романининг иш плани қоғозда йўқ эди, у менинг кўнглимда, ёдимда



эди, бутун борлигимни банд этган эди, Юрсам-турсам ҳамиша Навоийни ўйлар эдим. Унинг маънодор, ақлли кўзлари, хушфёл. раҳмдил, олижаноб қиёфаси, асл пок улуғ қалбини ҳис этардим, кўз ўнгимда кўрардим. Унинг теран, нозик, фалсафий фикрларини тўла тушунишга уринардим. Роман персонажлари ҳақида, уларнинг характерлари, бир-биридан фарқи, бир-бирига муносабатини равшан, яққол бериш устида хаёл юритиб, образларини тарашлардим.

Ниҳоят, юракка йиққан, юракда сақлаган бу материалларни ёза бошладим. Шунинг учун асар яратиш каби мушкул, оғир иш дунёда йўқдир, дейман... Чуқур ҳис этиш, қалбнинг зўр ҳаяжони, ўткир фикр, фаҳм, ажойиб илҳом... билмадим, яна ва яна кўп хислатлар керак.

Масалан, фараз қилайлик — Навоий ва Бойқаро масаласи. Бу тарихий конкрет шахслардир. Буларнинг образлари, ўзаро муносабатлари, фарқлари катта, кенг, мураккаб ва ғоят қарама-қаршидир.

Айрим боблардаги воқеалар тарихий чин, реалдир; айрим боблардаги воқеалар эса шу замон характерига мувофиқ тузилган хаёлимнинг натижаси, мевасидир. Умуман айтганда, бу романда мен кўрсатишим лозим бўлган давр, Навоий даври қийин, мураккаб даврдир. Роман устидаги меҳнатимда мушкул ва мураккаб воқеаларга кўп учрадим. Романда тарихий воқеаларни тўғри берганман, лекин баъзан хаёлга ҳам ҳуқуқ бериб қўйганман: бу нарса истак, орзу, ҳисларимнинг иши, илҳомбахш нарсалар, албатта.

Олайлик Навоий ва Жомийни. Романда Навоий ва Жомийни тарихий чин ва ҳақиқий бердим. Навоий ва Жомийнинг учрашувлари, суҳбатлари ҳақиқий реал воқеалардир. Лекин бу воқеалар тарихий материаллардан хира кўринади. Қандай қилайки, тарих ишлари, ҳаёт шундай мураккаб. Жомийнинг ҳовли-жойи, ҳужраси, китоб устида чуқур мутолааси, Жомийнинг муомаласи, сўзлаши, қилиқлари, одати, хаёли, дунёқарашларини тасвирлашда жиндай фантазия қўшилган хаёлим мевасидир.

Тил масаласи айрим масаладир. Навоий яшаган даврларда ўзбек тили ўзига хос рангли, тўла, таъсирли тил эди. «Муҳокаматул луғатайн»да Навоий турк тили хусусида кўп яхши гапиради. Форс тили ҳақида, умуман айтганда, андек шикоятмуз гапиради.

Навоийдан сўнг камбағаллашган, рангини йўқотиб ўча бошлаган ўзбек тили Октябрдан бошлаб яна жонлана бошлади. Жозибали ифодалар, рангба-ранг бой турлар билан тўла бошлади. Мен Навоий тилининг қудратини, гўзаллиги ва ҳуснини тўла кўрсатишга тиришдим. Унинг тилидаги айрим ўткир, моҳир, салмоқли ифодаларни, Навоийга хос терминлар ва шаклларни ишлатдим. Навоийнинг ёрқин шеърларидан, социал мотивларидан жиндай киритдим. Хонлар, подшолар, вазирлар, бекларнинг дабдабали ифодаларини, руҳонийларнинг форсий ва араб сўзларига ғарқ бўлган, безалган усулларини кўрсатдим. Халқнинг маъноли, бой оригинал, жонли, ўзига хос равшан тилини кўрсатдим. Бунинг учун, албатта, у давр адабиётини, ҳаётини, халқ тилини чуқур, муфассал ўрганишга тиришдим. Ёзувчилар тилни халқдан ўрганишлари лозим. Халқ тили ажойиб учирмалар ва қочириқларга бой, битмас-туганмас асл манбадир. «Навоий» романида асосан у даврдаги социал ҳаётни, кучли интригаларни, мураккаб сиёсий воқеаларни акс эттиришга тиришдим.

---

## ХАЛҚ ВА ПАРТИЯ ТАРБИЯСИДА

...Илк болалигимдан ёрқин бир таассурот хотирамда сақланиб қолган: ойдин кеча. Пахса деворли уйимизнинг пастаккина томида онам билан ёнма-ён турардим. Кўкда оппоқ тўлишган ой сузар, у ўзининг жозибаси билан мени мафтун қилар, қўлларимни чўзиб, унга қараб талпинардим ва онамга: «Ойи менга оймўмани олиб беринг»,— деб хархаша қилардим. Ўша дақиқада мени қамраб олган ҳаяжонни ҳамон ҳис этаман.

Ўқишга борган биринчи кунимни ҳам яхши эслайман. Тошкент кузи. Кечалари салқин, кундузи қуёш сахий нурларини сочиб, ҳамма ёқни яйратиб юборадиган пайт. Дарахтларнинг қуюқ барглари эндигина сарғиш тусга кира бошлаган. Ана шу қуёшли куз кунларининг бирида бобом мени эски шаҳар мачитларидан бирининг мактабига олиб борди. Чол дастурхонга ўттизга яққин катта-катта қилиб ёпилган иссиқ нон, бир халтача хитой чойидан ўраб, кўтариб олган, яктагининг чўнтагига эса, бир сўм — ўқиш ҳақи солиб олган эди. Мен янгигина ёғоч тахтани авайлабгина қўлимга олдим.

Домла совға-саломни одати бўйича, бамайлихотир қабул қилиб олиб, бобомни миннатдорлик билан дуо қила бошлади. Чол ҳам унга ташаккур айтди. Менинг исмиМ Муса эканлигини билиб олиб, домла албатта мулла бўлишимга ишонч билдирди.

Бобом домла билан хайрлашар экан: «Уни сизга, сизни худога топширдим, уни одам қилиб беринг. Эти сизники, устихони меники»,— деб чиқиб кетди.

Мен машғулот бўладиган хонага тезроқ кира қолсам деб ошиқардим. Домла мени пастаккина кенг хонага олиб кирди. Хонанинг ичи чангиб кетган; болалар уйчи бошларига илиб, қий-чув кўтариб тўполон қилиб ётишарди. Етти ёшдан ўн етти ёшгача бўлган элликдан ортиқ бола ҳар қайсиси ўз олдига алланарсаларни ўқиб шовқин солишарди. Кичкинтойлар айрим сўзларни қичқириб такрорлашар, сал каттароқ ёшдагилар қуръондан баъзи оятларни ҳижжалашар, катта ёшдагилар эса диний қоидаларни дадил қайтаришар, энг катталари тожик тилида Хўжа Ҳофиз, Бедил ва Сўфи Оллоёрнинг мистик ғазалларини гавдаларини тебратишиб қироат қилиб ўтирар эдилар.

Бу ола-ғовур ичида ким нима билан шуғулланаётганини билиб бўлмас, лекин болалар жим бўлиб қолишса домла қўлидаги калтаги билан аралашига туширар, калтадан қўрққан болалар яна шовқин кўтариб ўқишда давом этишарди. Бундай мактабда бир нима ўрганиш мушкул эди. Унда ўқувчиларнинг етмиш процентдан ортиқроғи ҳеч нима ололмайдиган чизма эдилар.

Мусулмон мактабларида қадим классик ва диний адабиёт ўқитиларди. Талабаларга бу асарларнинг туманли маъносидан бошқа ҳеч нима ўқитилмас, улар на тарих, на математика ва на географиядан билим олар эдилар. Мен ўн тўрт ёшлик чоғимда глобусни биринчи марта кўрдим, у менга аллақандай бир ўйинчоқ бўлиб туюлди.

Мана революция ҳам келди. Янги ҳаёт бошланди. Дастлабки пайтларда мадраса муллабаччалари мистик шоирларнинг жуда мураккаб шеърларидан бошқа ҳеч қайси илмдан беҳабар бўлганликлари учун довдираб қолишди. Шу сабабли ҳам, эски усул мактабини битирганим учун совет мактабининг иккинчи синфига кириб, кичкинтойлар орасида бошланғич билим олишга тўғри келди. Тўғри, ҳар нарсани тез ўқиб олар эдим, бунинг устига мактаб қошидаги интернатда яшар эканман, совет педагогикасининг кучли таъсирини сезардим. Бир йилда иккитадан синфни тамомлаган вақтим ҳам бўлди, шундай қилиб, мактабни муваффақият билан тугатдим. Ўқиш пайтида мен босиб ўтган йўл ўша даврдаги ўзбек ёшлари учун типикдир.

1925 йили, йигирма ёшда эканимда, педагогика техникумини битирдим ва Ўрта Осиё давлат университети

(САГУ) ижтимоий фанлар факультетининг иқтисодий бўлимига ўқишга кирдим. 1927 йилда Ленинград халқ хўжалиги институтига кўчирилдим. Биз, ёшлар, улуғ революция бешиги—Россияга интилардик, рус тилини билиб олишни истардик. 1930 йили олий ўқув юртини тамомлаб, САГУнинг экономика факультетида сиёсий иқтисод ва марксизм-ленинизм курсларидан дарс бера бошладим. 1932 йилдан 1935 йилгача мазкур кафедра қошида ассистент бўлиб қолдим. Мана шу йиллар мобайнида, мактабда ўқиб юрган пайтларимдаёқ шуғуллана бошлаганим—адабиёт иккинчи ихтисосим бўлиб қолди.

1935 йилга келиб, экономист-олимлик билан ёзувчиликдан бирини танлашим кераклигини ҳис қилдим ва билдимки, менинг чинакам майлим адабиёт томонида. Бу вақтга қадар бир неча шеърый тўпламларим чиққан. асарларим матбуотда мунтазам равишда босилиб турар эди.

Бизлар, ҳаммамиз, ижодни ўзбек адабиётида кўп асрлик традицияга эга бўлган поэзиядан бошлаганимиз. Революцияга қадар прозаик асарлар деярли йўқ эди. Революция поэзия жанрини ҳам ўзгартириб юборди, совет шоирлари «аруз»дан қочиб, халқ оғзаки ижодиётида мавжуд бўлган «бармоқ» вазнида ёза бошладилар. Бу вазнда ўзбек совет адабиётининг барча жанрларига асос солган ажойиб шоиримиз Ҳамза Ҳакимзода ўз асарлари билан намуна кўрсатган эди. Мен ҳам «бармоқ» да ёза бошладим.

Менинг биринчи адабий машқим,— агар уни шундай деб аташ мумкин бўлса,— ёшлармизнинг ижодий кучларини парвариш қилишда ўша вақтда катта роль ўйнаган, мактаб ўқувчилари чиқарадиган деворий газетада чиққан эди. Шеърнинг ўзи хотирамда қолган эмас, фақат унинг манзара лавҳаси эканлигини эслайман; «Қиш» деб атаганим.

Хусусан, қайси газетада босилгани ёдимда йўқ. «Ишчиларга» деган шеърим матбуотда чиқишимни бошлаб берган деб ҳисоблайман, ундан кейин кундалик воқеаларга муносабатимни билдириб, матбуотда мунтазам равишда чиқа бошладим. Уша даврнинг энг муҳим воқеаси—ер ислоҳоти бўлди. Ислоҳот натижасида батрақлар, кам ерли деҳқонлар ер олдилар. Илк шеърларимдан «Ер кимники?» ана шу воқеага бағишланган.

Менинг дастлабки шеърларимда ҳали кўпгина қарама-қаршилиқлар, изланишлар учраб турарди. Даврнинг энг муҳим воқеаларига ҳамоҳанг бўлган шеърлар билан бирга мавҳум шеърлар ҳам бор эди. Биринчи шеърлар тўплами «Тўйғулар» 1926 йилда, иккинчиси — «Кўнгил найлари» 1929 йилда босилиб чиқди.

Бироқ илк шеърларимда баъзан учрайдиган ғамгин оҳангларга қарамай, олдимда аниқ мақсад турар эди. «Турмуш йўлида» шеъримда шундай ёзганман: «Боряпман, туртинаман, лекин олға ҳаракат қиламан. Орқага қайтмайман. Қанчалик қийин бўлмасин, кучим етарли, идеалим юксак, йўлимни ҳеч нима тўсолмайди!». «Товушим» деган шеъримда қатъий қилиб, «Курашади икки тўлқин, қараб турайми? . . . Йўқ! Болғалар ўроқ сафи ила бораман!»— деганман.

Ҳамма вақт ишчилар ҳақида ёзгим келаверар эди. Ўзбек адабиётида ишчилар синфи ҳақида деярли ҳеч нима ёзилмаган эди. «Темирчи Жўра кофир» поэма-нинг темасига ана шу нуқтаи назардан ёндошдим ва унда Совет ҳокимияти учун курашган, 1919 йили Тошкентда оқ гвардиячилар исёнида ҳалок бўлган икки ишчи образини кўрсатдим.

Бу поэма 1934 йили ёзилган эди. Унга қадар яна бир шеърлар тўплами «Машъала» (1932) босилиб чиққан. Тўплам деярли янги ҳаёт қурилишига бағишланган эди. Бу пайтда ўзим ҳақимда, шеърларимнинг сўзлари билан айтганда, шундай дейишга ҳақли эдим: «Мени ой мафтун қилган эди, энди-чи, қонимда кўмир, темир, пўлат! Ҳамма вақт атрофимда буюк давр нафасини сезиб турман. Ой билан ажралишдик, лекин у ҳар куни кечаси столимга ўз энгларини ташлаб, кўксимга бошини қўяди. Аммо бу унинг сўнгги карашмаси».

Уша пайтда мени хотин-қизлар озодлиги темаси жуда қизиқтирган. Бу тема Ҳамзадан буён традиция бўлиб қолган эди. Бизнинг шароитимизда энг муҳим ҳисобланган ана шу проблемага барча ўзбек совет ёзувчилари мурожаат этган. «Ўзбек қизининг бахти» сингари қисқа шеъримдан кейин ўзимнинг биринчи поэма «Дилбар давр қизи»ни (1932) ёзишга киришдим. Унда революция томонидан озод қилинган Ўзбекистон хотин-қизлари ҳаётидаги янгиликни, бутунлай озод бўлиш йўлида мавжуд бўлган қийинчиликларни, оилавий урф-одатларни ифода қилишга уриндим. Поэма ўз вақтида ёзилган эди. Илга-

ри жуда сийрак учрайдиган Дилбар исми бу поэма босилиб чиққандан кейин оммавий тус олиб кета ёзгани қизиқ факт.

Менинг навбатдаги поэмам «Уч» (1933) революция-гача бўлган давр ҳақида баҳс этади.

Бунда революция туфайли қўлга киритилган ютуқлар ёрқинроқ кўринсин учун ўтмишда халқ бошидаги фалокатларни фош қилиб кўрсатиш лозим, деб ўйлагандим. Бу поэмада севмаганига тутиб бериб юборила берган хотин-қизларнинг қисмати нақадар даҳшатли эканини кўрсатмоқчи бўлганман. Менинг қаҳрамоним Лаъли ҳаётининг авжи гул очадиган даврида чидаб бўлмайдиган азоб-уқубатлар натижасида ҳалок бўлади. Поэмада ўтмишда озодлик учун курашганлар образи ҳам гавдалантирилган. Ешлик пайтимда отам билан ватанимнинг ва Қозоғистоннинг турли жойларида бўлганман. Ана шу ерларда эшитган кўпгина қўшиқ ва афсоналар ҳамон хотирамда. Қозоқ чўлларида отлиқ кезар эканмиз, мени бу бепоеён чўл манзараси мафтун этар, ижод қилишга ундарди. Шеърларимнинг биринчи мисралари ўша ерда туғилган. Тошкентлик бой савдогар сотиб олган қозоқ гўзали ва бойга қарши ҳунарманд ва батракларни кўзгаб, ўз севиклисини қутқарган халқ оқини ҳақидаги эртақ онгимда кўзғолон қилиб, 1934 йили «Бахтигул ва Соғиндиқ» поэмамнинг ёзилишига туртки бўлди.

Шундай қилиб, ўттизинчи йилларнинг биринчи ярмида бир неча поэмалар ёздим, лекин мени кўпроқ проза ўзига жалб қила бошлади ва ҳозирги замон темасида кент умумлаштирувчи асар ёзишга ўзимда катта эҳтиёж сездим. Бунга бирданига эришиб бўлмади. «Студентлар» романи устида ишлай бошладим, лекин уни тамомладим, турмуш ва адабий тажрибамни кенгайтиришим, янги гап айтишим лозим эди.

Менда янги майл пайдо бўлди: мен тараддудга тушиб қолдим. Бу вақтда Ўзбекистон учун энг муҳим иш билан машғул эдим. Деярли барча ўзбек ёзувчилари жаҳон маданияти хазинасига олтин фонд бўлиб кирган бадий ва илмий асарларни ўз она тилларига таржима қилар эдилар. Мен ҳам таржима билан шуғулландим, Карл Маркс «Капитал»ининг бир қатор бобларини. Гётенинг «Фауст»идан парчалар, Дантенинг «Илоҳий комедия»сини, Байроннинг «Каин»ини таржима қилдим.

Таржимачилик фаолиятимдаги энг муҳим иш деб Пушкин «Евгений Онегин»ини биламан.

Улуғ рус ёзувчиларидан кўп нарса ўргандим, Пушкин эса менга ҳамма вақт энг севикли ва жонажон устоз бўлиб қолади. У билан биринчи танишганимдан бир неча йил ўтгач, бир шеъримда шундай ёзган эдим:

Нур тўла қадаҳинг ичаркан диллар,  
Ҳислар гунчалайди ва очилади!  
Ерқин илҳомингла қайнар насллар,  
Асрдан асрга нур сочилади.

Мен таржима билан шуғуллана бориб, романиннг режасини тузиб бордим. Романда революцияга қадар ўзбек халқи ҳаётини, унинг ўз ҳақ-ҳуқуқи учун курашга интилишини, бу ҳаракатнинг машҳур 1916 йил қўзғолонига қўшилиб кетишини ҳикоя қилиб бермоқчи эдим.

Роман воқеаси содир бўлган даврда мен ҳам ҳали гўдак эдим, лекин буларни ўз кўзим билан кўрганман дейиш учун етарли турмуш тажрибасига эга эдим. Мен халқ турмушини, оддий халқ ва камбағалларнинг тор, қоронғи кулбаларини кўрдим, бойларнинг баланд девор билан ўралган, атрофи боғ-роғлар билан қопланган ҳашаматли уйларини кўрдим. Болалигимда бойларнинг боғига қараш учун бир неча марта деворга тирмашиб чиққаним ёдимда. Уларнинг турмушига тикилиб боқардим, кейинчалик романимда ифода этилган ижтимоий муносабатларнинг кўпгина томонларини ўша пайтдаёқ пайқаб олган эдим. Мен халқ ичидан чиққан қаҳрамонларимни, бўлажак революцион курашчиларни, совет жамиятини қурувчиларни ҳам кўрганман. 1938 йилда ёзилган «Қутлуғ қон» романим ана шу тарзда туғилган. 1940 йили роман ўзбек тилида нашр қилинган эди ва шу йили рус тилига таржима қилиниб, «Литература и искусство Узбекистана» журналида босилди. Кейинчалик Совет Иттифоқи ва чет мамлакатларда роман бир неча марта қайта нашр қилинди.

Ўз халқим тақдири ҳақида ўйлаб юриб янги темага жазм қилдим. Болалигимданоқ асарларини севиб ўқиганим, ўзбек халқининг улуғ классик шоири Алишер Навоий ҳақида асар ёзишни анчадан бери мўлжаллаб юрар эдим. Улуғ инсонпарвар шоирнинг ўрта аср тунини ёрқин машъаладай мунаввар қилган образи тасаввуримни



чулғаб олган эди. «Навой» поэмасини ёздим, кўпгина лирик шеърларимда Навой образи гавдаланади, ниҳоят 1942 йили «Навой» романини ёзиб тугатдим. Роман 1944 йили ўзбек тилида, 1945 йили эса, рус тилида босиб чиқди.

Роман устида олиб борган ишларим жараёнида буюк шоирнинг ўлмас асарларини ва у яшаган даврни ўрганиб, Навойнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида бир қатор тарихий — адабий аҳамиятга эга бўлган илмий ишлар ёздим. Бу асарларим ва XIX асрнинг охири ҳамда XX аср бошларида яшаб ижод этган ўзбек классикларидан Муқимий, Ҳамза ва бир қатор бошқа ёзувчилар ҳақидаги илмий текширишларим 1944 йили Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига сайланишим учун асос бўлди. «Навой» романи учун 1946 йили Сталин мукофотиغا сазовор бўлдим.

Уруш йилларида янги романим «Қуёш қораймас» устида ишлай бошладим. Бу асарда Улуғ Ватан уруши фронтларида жонбозлик кўрсатган ўзбек жангчиларини кўрсатишга интилдим. Артистлар бригадасида фронтга бордим. У ерга боргач, бригадadan ажралиб, ўша ерда қолдим, чунки уруш ҳақида ёзиш учун вазият ва одамларни чуқур ўрганиш лозимлигини тушунардим. Шу сабабли фронтда бир неча ой қолишга тўғри келган эди. Аммо романи яратиш жараёнида ундан бир неча парчаларни бостиргач, кишиларимизнинг, айниқса уруш натижасида зиммасига урушнинг оғир юки тушган хотин-қизларнинг фронт орқасидаги қаҳрамонона меҳнатлари ҳақида индамасдан туришим мумкин эмаслигини сездим. Ғалабага ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан ҳисса қўшган бешта қаҳрамон қиз ҳақидаги «Қизлар» поэма ана шундай ёзилган эди.

Мана уруш ҳам ғалабамиз билан тугалланди. Уруш натижасида вайрон бўлган жойларни қайта тиклаш учун қандай янги гигант ишлар қилиш лозим эди! Жанг ўти юракларида ҳали совумаган кишиларимиз ишга қандай жаҳду жадал билан ёпишмадилар! Ана шу гигант ишларнинг шоҳиди бўлган ёзувчининг бу ҳақда индамай туриши мумкинми? Ўзимнинг «Олтин водийдан шабадалар» романимни ана шу ҳис билан ёздим. Урушдан ўзининг жонажон колхозига қайтиб келган солдат Уктам образида мен кишиларимизни, шоввоз-захматкаш қаҳрамонларни кўрсатмоқчи бўлганман.

Қаҳрамоним номига, илгари Халқ — озодлик армиясининг солдати бўлган хитой деҳқонидан келган хат мен учун катта қувонч бўлди. У хатида шавкатли меҳнатда ўрناق кўрсатгани учун Уктамдан миннатдорлигини ифода этиб, ўз ватанида ўшандай ишлашга ваъда берган эди. Бу хат кимга тегишлиги аниқлангунча кўп саёҳат қилган. Уктам номига ўзбек колхозчиларидан ҳам кўплаб хатлар келган. Роман танқидий мулоҳазаларга ҳам дуч келди, уларни ҳисобга олиб, бир қатор тузатиш ва тўлдиришлар киритдим.

Урушдан кейинги йилларда кўп саёҳатлар қилдим. Шу орада Покистонда ҳам бўлдим. Бу саёҳатим натижасида «Покистон таассуротлари» очеркларим, «Нур қидириб» повести ва шунингдек шеърлар циклим ёзилди. Повесть 1958 йили ўзбек тилида, 1959 йили эса, рус тилида босилиб чиқди.

Ниҳоят, 1958 йили ҳарбий романим «Қуёш қораймас» ни ёзиб тугатдим.

Замондошим Ҳамза Ҳакимзода образи мени ҳамма вақт тўлқинлантириб келарди. У ҳақдаги фикр ва туйғуларим шеърларимга сингиб кетган. 1949 йили «Ҳамза» поэмасини ёздим.

Янги режаларим кўп. Болалик ҳақидаги повестининг биринчи қисмини тугатдим. «Бобом» деган кичик поэма ҳам автобиографик характерга эга. «Улуғ йўл» романини ёзишга киришяпман. Мўлжалим бўйича, роман Улуғ Октябрь революциясининг дастлабки (1917 йилдан 1922 йилгача) даврини қамраб олиши керак. Бу ҳақда асар ёзишни анчадан бери орзу қилиб келаман...

Режаларимни амалга оширмагунча тиниб-тинчимайман. Буни амалга ошириш учун менга бир неча марта ишонч билдириб, давлатимизнинг энг юқори органи — СССР Олий Советига депутат қилиб сайлаган халқ олдига қарздорман.

Халқ ва партия ҳамавақт менга куч ва илҳом бахш этиб келди, барча меҳнатим, бутун муҳаббатимни ҳаётимнинг сўнгги минутигача келажак — коммунизм жамиятининг қурувчиларига бағишлайман.

«Вопросы Литературы» журналининг  
1959 йил, 4-сонидан олиб босилди.

**ҲАЕТНИ ПУХТА УРГАНАЙЛИК**

*(Еш ёзувчиларга баъзи маслаҳатлар)*

Совет ёзувчилари отрядининг ажралмас бир қисми бўлган ўзбек совет ёзувчилари ҳам шу дўстона оилада ҳамиша ўз ҳиссалари билан иштирок қилиб келдилар ва келмоқдалар. Кейинги йилларда ўзбек совет ёзувчиларининг қатори ўнлаб талантли, ишсевар ва маҳоратли ёш ёзувчилар билан тўлди. Ўзбек совет адабиёти хазинаси катта-кичик, қари-ёш ёзувчиларимизнинг асарлари билан бойиб бормоқда. Барча қардош республикалар адабиёти сингари ўзбек совет адабиёти ҳам шонли партиямиз раҳбарлиги остида кундан-кунга ривожланмоқда. Илғор рус ва қардош республикалар адабиёти, шу билан бирга, ўзбек совет адабиёти ёзувчиларнинг энг яхши асарлари ёш ёзувчиларимизнинг ижоди, ўсиб-унишлари учун ўрнатилган бўлмоқда. Ўзбек совет адабиётини, ҳали етарли бўлмаса ҳам, ўрнатилган образларни яратилган. Ёш ёзувчилар ҳам совет кишининг образини яратиб бериш учун курашиб, баъзи бир ютуқларни қўлга киритдилар. Жонли, кундан-кунга ўзгариб бораётган, фидокорона меҳнат қилаётган совет кишининг бир-бирлари билан бўлган муносабатлари, руҳий кечирмалари баъзи ёш ёзувчиларимизнинг ҳам асарларида ўз ифодасини топмоқда.

Умр ўтиб борапти, гарчанд 50—55 ёшда бизнинг замонада ҳеч ким ўзини қариб қолдим, чарчадим, деб четга тортишга ҳаққи йўқ. Бу қурдаги ёш ижодкор учун айни маҳсул берадиган унумли йиллар ҳисобланади, ижодкорнинг ақли, фалсафий дунёқараши ўткирлашган, тажрибалар хазинасига айланган, устозлик йиллари

бошланади. Жаҳон адабиётида бўлсин, улуг рус адабиётида, шарқ адабиётида бўлсин, ёзувчиларнинг кўпчилиги ўзларининг энг ноёб, машҳур асарларини шу ёшларда — 40—50 ўртасида, 50—60 ўртасида ёзганлар. Демак, биринчи бўлин деб аталувчи бизнинг ёшимиздаги ёзувчилардан энди халқимиз, Ватанимиз шаънига яраша асарлар кутамиз. Ўзбек ёзувчиларидан бир гуруҳи: Ойбек, Уйғун, Собир Абдулла, Назир Сафаров, Яшин, Абдулла Қаҳҳор ва бошқалар эллик ёшдан ошдилар. Буларнинг айна йирик, тўлақонли, баркамол асарлар ёзадиган йиллари етди. Булар ёзиб берадилар, бунга ишончимиз комил. Хўш, яна ўн йил ўтгандан сўнг нима бўлади? Булар ахир 70 га кирадилар, қарилик бошланмасмикин, чарчаб қолмасмикинлар? Буларнинг орқаларидан, изларидан етиб келаётган ёшлар борми, шогирдлари борми? Аввало шуни айтиш керакки, бизда ёш ёзувчилар отряди етарли даражада бўлишига қарамай, уларнинг ўсиб-униши, ўз ҳунарининг эгаси бўлиб етишишлари учун қилаётган раҳбарлигимиз, танқидий-йўлланма ишимиз қаноатлантирарли эмас. Ўзбекистон Ёзувчилари союзи, редакцияларимиз, йирик ёзувчиларимиз бу ишда жон куйдириб ишлаётганлари йўқ. Ёзувчилар союзи ҳар йили ёш ёзувчиларнинг кенгашларини чақириб қўя қолиш билан қаноатланиб келмоқда. Шуни ҳам айтиш керакки, ёш ёзувчиларимиз фақат тамагиргина бўлиб қолмай, ўз-ўзларини ҳам тарбия қилишлари керак. Бизнинг ёшдаги ёзувчиларнинг, яъни катта ёзувчилар аталувчиларнинг кўпчилиги деярли олий маълумотга ҳам эга эмас эдилар. Чунки биз қалам ушлаган йилларда Совет давлати эндигина қаддини ростлаб келар эди. Биринчи жаҳон уруши, ундан кейинги ички урушлар, босмачилик, очарчилик, бузғунликларнинг ҳалокатлари мамлакатимиз бошидан эндигина ариб келар эди. Социал ҳаётимизнинг ҳамма соҳасида, адабиётда ҳам кадрларга танқислик жуда катта эди. Биз эса, билганимизча ёзар эдик. Биз жонажон партиямизнинг узоқ йиллар мобайнида кўрсатиб келган кундалик раҳбарлиги остида камолотга эришдик. Маълумотларимиз ҳам ўз тиришқоқлигимиз соясидида олий ва олийдан ҳам юқори поғоналарга кўтарилди. Сиз ёш дўстларнинг ижодий йўлга кирган замонангиз томонан бошқача. Сиз инженер деб аталишга арзийдиган оддий ишчиларнинг, агроном деб айтишга арзийдиган маълумотли колхозчиларнинг, фанлар кандидати, фанлар

доктори бўлган интеллигенциянинг шоири ва ёзувчилари бўласизлар. Демак сизнинг билимингиз ўз ўқувчиларингизнинг билимидан тубан бўлмаслиги керак. Ўз уйдан ташқари чиқмайдиган, ўз атрофини ўраб олган ҳаёт билан алоқасиз ўтган умрига шукур қилиб яшайдиган кишилардан ёзувчи чиқмайди. Еш ёзувчиларимиз замонамизнинг илғор илми билан — Маркс — Ленин илми билан суғорилган бўлишлари керак. Ёзувчи ҳаётдаги ҳамма нарсадан, ҳамма ишдан, ҳамма ҳодисадан, ҳамма илмдан оз-оз бўлса ҳам хабардор бўлиши керак. Кўпқиррали ҳаётимиз турли-туман психикага ва ажойиб характерларга эга бўлган одамлар билан тўла. Шу одамларни айрим-айрим танимай туриб, айрим-айрим ўрганмай туриб, улар тўғрисида ёзиб бўлмайди. Ёзувчилик иши ёзувчи ўз иш столига ўтирмасдан анча олдин бошланади. Бу иш атрофини ўраб олган ҳаётни ўрганишдан бошланади. Ҳаётни ўрганиш эса узоқ вақт мобайнида ўткир дид билан текширишни талаб қиладиган бир иш. Баъзи бировлар ўйлагандек бир ҳафта ижодий отпускага чиқиб, одамлар билан ва керакли материаллар билан танишиб қайтгач, ўтириб бирор мўлжал қилинган асарингни осонлик билан ёзиб бўлмайди. Истаган бир бадий асарни ёзиш учун ҳаётини ва ижодий тажриба керак бўлади, ёзувчининг шуури ҳаётда ўз кўзи билан кўрган ёки ўз бошидан кечирган ҳодиса ва маъзаралар билан тўла, бой бўлиши керак.

Ёзувчининг дунёқарашини ўстиришда кундалик матбуотнинг роли катта. Чунки оммавий тиражлар билан нашр этиладиган маҳаллий ва марказий газеталар, журнал, альманахлар ўқувчилар оммаси билан мухбирлар, ёзувчилар ўртасида алоқани мустаҳкамлайди. Ёзувчи учун дастлабки ижодий мактаб бўлади.

Ёзувчи Константин Федин «Маҳорат ҳақида» темасидаги бир нутқидан «Газета — ҳаётни кузатиш мактабидир», деган эди.

Михаил Иванович Калинин 1929 йилда Бутуниттифоқ ишчи-деҳқон мухбирлари кенгашида шундай деган эди:

«...Орангизда адабиётчи бўлишни истовчилар айниқса жуда кўп меҳнат қилишлари керак. Француз ёзувчиси Бальзак машҳур ёзувчи бўлганига қадар, нашриётчилар томонидан ҳеч нарсага ярамайдиган нарсалар сифатида бракка чиқариб ташланган юзлаб ва минглаб саҳифаларни ёзган эди. Мен сизларга нафис санъатлар музейи-

га боришни маслаҳат бераман. Унда Толстой виставкаси бор. Бу виставкада сиз Толстойнинг қандай ёзганини кўришингиз мумкин. Унинг қўлёзмасининг бошлаб ёзилган бир саҳифасига қаранг ва шу саҳифанинг оққа кўчирилганини ўқиб чиқинг. Сиз 15—20 вариантни кўрасиз ва дастлаб ёзилган саҳифадаги сўздан деярли битта ҳам топа олмайсиз. Мана ёзишнинг улуғ усталари, рус тилининг энг улуғ билимдонлари мана шундай ёзишган. Бизга эса уларнинг асарларини ўқиётганимизда ўқиётганларимизнинг барчаси жуда содда ёзилгандек туюлади!

«Содда» ёзиш учун жуда кўп ишлаш керак».

Бадий тажриба йиғиш деган сўз воқеаларни эса сақлаб, уларнинг керагини ажрата билиш демакдир. Бу процесс санъаткорнинг бутун умри бўйи давом этади. Турмушни кузатиб бориш ва ундан таъсирланиш жуда кўп материал беради. Ёзувчидаги бу материал маълум даражада тартибга солинган бўлади. Ёзувчи ўз қалбига ва сезгисига таъсир қилган нарсаларни эҳтиёт билан сақлайди.

Бадий материалларни йиғишда ён дафтарчанинг роли гоёт каттадир. Кўрган ва билган нарсаларни ёзиб бориш диққатни марказлаштириш ва шу образларни ёдда сақлаб қолишга ёрдам беради. Турмушдан олинган факт ва таассуротларни ажрата билишда бадий дид бўлмоғи керак. Бадий асар ёзганда керакли материалларни таялаб олиш, унинг мазмуни ҳаётда аҳамиятга эга бўлиши керак. Бу нарсани, бадий танлашнинг мағзини марксча-ленинча дунёқараш белгилайди. Ҳаётий ҳодисаларни мушоҳада қилиш билан бирга, ана шулар орасидан ўзи учун керак бўлган типик хусусиятларни илғаб ола билиш, булардан энг типикларини ажрата билиш лозим. Образлар ҳаётий ва психологик чуқур бўлиши учун автор, улуғ рус ёзувчиси Лев Толстой айтганидек, ўз қаҳрамонларини кўриб ёки эшитибгина қолмай, ўз тасаввурда улар билан бирга яшаши, уларнинг ҳис ва туйғулари, қилган ишлари билан бирга юргандек бўлиши керак.

Ҳаваскор шоир бирон сиёсий темани акс эттирмоқчи бўлиб қўлига қалам олади. У ҳаммага маълум бўлган фикрларни маълум ибораларда ифодалаб, кейин шеърининг босилмаганидан нолиб юради. Ваҳоланки, у, ўз шеърда руҳий кечирмаларни юзаки берган, янги тушунчанинг туб мақсадларини охиригача очиб бермаган, даври-

миз кишисининг туйғулар пафосини, юксак ҳаяжонини акс эттиролмаган.

Ёзувчи бирон темага мурожаат қилар экан, уни ҳаётдан олинган кузатишлар, тўпланган материаллар билан бойитишга ҳаракат қилади. Баъзи ёзувчилар материални тўплаб, умумлаштирилгандан кейин асарнинг планини тузадилар. Масалан, улуғ рус ёзувчиси Тургенев ўз асарларининг асосий қаҳрамонларини, характеристикаларини махсус равишда ёзиб борар эди. Баъзи ёзувчилар асарда ифода қилмоқчи бўлган мақсадлари ва фикрларини мияларида олиб юрадилар. Асарни у, тугал шаклланган ва авторнинг миясида образли яшай бошлагандан кейингина ёзишга киришади.

Агар автор ҳаётий материални яхши ўрганмай ва билмай туриб асар ёзишга ўтирса, бундай асар муваффақиятли чиқмайди. Иккинчи томондан, материални билиш билан бирга, кечикиб қолмаслик ҳам керак.

Сталин ёзувчиларимизни «Қиши руҳининг инженерлари» деб атаган эди. Нега бундай деб атаган эди? Чунки ёзувчи киши руҳини, кишининг туйғу ва характерларини яхши тушунади, ҳаётни яхши билади, унинг кўзи ўткир ва кузатувчандир. У, киши онгини қайта қуришда хизмат ҳам қилади.

Ёзувчи кишининг ички дунёсини тасвирлар экан, ўз тажрибасига суянади. Шунинг учун ҳам бу тажриба қанчалик кенг бўлса асар қаҳрамонининг ички дунёси ҳам шу қадар бой бўлади. Ёзувчининг меҳнати ҳақида кўп нарсаларни айтиш мумкин. Мен Островскийнинг Азов — Қора денгиз ўлкаси ёзувчиларининг 1935 йил 6 декабрда чақирилган съездидаги шу сўзларини келтирмоқчиман:

«... Кўриш, мушоҳада қилиш, ҳис қилишнинг ўзи камлик қилади... Ўз савиямизни ошириш, ўз тажрибамизни марксизм-ленинизм назарияси билан ёритиш учун ўқиб-ўрганишимиз, чуқур билимга эга бўлишимиз, жаҳон маданиятининг энг яхши асарларини билишимиз керак. Фақат шундагина дадиллик билан қўлга қалам олиб, ўз кузатишларимизни умумлаштиришимиз ва талабга жавоб бера оладиган асар ёза олишимиз мумкин.

Шунинг учун ҳам ёзувчининг шахсий таржимаи ҳоли масаласи — катта масаладир. Ёш ёзувчи киши сифатида, жангчи сифатида ўсгандагина, бутун мамлакат билан бирга ўсгандагина ёзувчи сифатида ўса олади... Ёш ўртоқларимиз шуни ёдларида тутишлари керакки, ўт-

мишнинг каттакон маданий меросини бир ҳамла билан эгаллаб бўлмайди. Унинг учун осойишта сабот, катта, улуғвор меҳнат керак. Бу йўлдаги қийинчиликларни енгишнинг ўзи энг гўзал нарса эмасми, ахир. Сизнинг вазифангиз ёзувчи бўлиш. Сиз яхши биласизки, ёзувчи бу ўқитувчидир. Ўқувчиларидан кўпроқ биладиган ва уларга нима дейишини биладиган кишигина ўқитувчи бўла олади, таълим бера олади. Бизнинг кўп миллионли китобхонларимиз ақлда тенгсиздирлар. Улар кўп нарса-ни билади ва асарларимизнинг зерикарли, туссиз бўлишига йўл қўймайди».

Совет ёзувчиларининг Бутуниттифоқ II ва III съездлари ёзувчиларимизнинг ишларига якун ясади, уларга янада бақувват асарлар яратиш учун йўл-йўриқлар берди. Шунинг билан бирга адабиётимиз майдонига кириб келаётган ёшларга ҳам ўз ижодларини танқидий кўздан кечириб, бундан кейин давримиз талабига мос бўлган асарлар яратишга ундайди. Ёшлар ўқиб-ўрганишлари, интилишлари, съезд материаллари билан қуролланган ҳолда бизнинг сафимизни тўлдиришга ҳаракат қилишлари керак.



• КИТОБ ШАВҚ БИЛАН ҲҚИЛИШИ КЕРАК

Икки кунда Ҳқиб ташлаш мумкин бўлган баъзи китобларимизни Ҳқувчи ҳафталаб Ҳқийди. Китоб столнинг чеккасида оғир юк бўлиб ётаверади. Ҳар сафар унга кўз тушганда узиб бўлмайдиган катта қарз ёдга тушгандай юрак орзиқади. Ҳқишга фурсат бўлганда киши не машаққат билан қўлга олади; хинин ютгандай афтини буриштириб, сабр етгунча Ҳқийди; авторни ичида ёки баралла сўқади. . . Бундай китобни адабиётчи Ҳқиса адабий ҳаётдан орқада қолмаслик учун Ҳқийди, китобхон нима учун Ҳқиши керак — худонинг ўзи билади.

Мана шу хилдаги китоблар озми: «ҳажми хийла салобатлик, ҳозирги замон темаси, ҳозирги замон темаси бўлганда ҳам «майда» эмас, «йирик» тема. Қаҳрамон «жамоат ишида актив», кундалик нормасини юз элликдан кам бажармайди: ишдан кейин романлар, ўз касбига доир китоблар Ҳқийди; қабр устида нутқ сўзласа ўлик бажаролмай кетган ишларни давом эттиришга ҳамма номидан сўз беради; тўйни ишлаб чиқариш кенгашига айлантрииб, ўзининг ажойиб режаларини, таклифларини ўртага ташлайди. . . Ҳамма унинг сўзларига қулоқ солади. . .

Бу хилдаги қаҳрамон ҳаммага ақл ўргатиши керак, шунинг учун атрофдаги одамлар ундан ақлсизроқ бўлиши шарт.

Эҳтимол бу схема дағалдир, эҳтимол баъзи бир ёзувчиларнинг иззат нафсига тегар, лекин илҳом, яъни қалб ҳарорати билан илитилмаган, дардсиз, эҳтироссиз ёзилган совуқ асарлар кўп. Бунақа асарларни мақтайдиган

дидсиз танқидчилар ҳам топилади. Бу тоифа танқидчилар ўқиб бўлмайдиган, бадий жиҳатдан ғоятда ғариб бўлса ҳам рўй-рост «ғоявий хатоси» йўқ китобларни ахтариб юриб, улар тўғрисида мадҳиялар ёзиб ўрганган, шуни касб қилиб олган. Мазкур китоб шундай танқидчиларнинг қўлига тушса ёзиладиган тақриз ҳам китобнинг ўзига жудо мос бўлади — тақризчининг ички қаноати эмас, ҳар хил «фойдали» мулоҳазалар натижаси бўлиб вужудга келади. Тақризчи аввал ҳозирги замон темасининг аҳамиятини тушунтиради, ундан кейин ижобий қаҳрамон ҳақида жуда тўғри муҳокамалар юргизади, сўнгра, «асар айрим камчиликлардан қатъи назар, ижобий ва тарбиявий роль ўйнайди» деган хулоса чиқаради.

Китобни ўша ижобий ролидан баҳраманд бўладиган, тарбия оладиган китобхон ўқиёлмаса, ўқимаса-чи? Танқидчининг бу билан мутлақо иши йўқ.

Бизнингча, бу хилдаги китоблар ҳеч қандай ижобий ва тарбиявий роль ўйнамайди, аксинча, адабиётнинг тарбиявий ролига заха етказилади; замонавий тема, ижобий қаҳрамон, умуман адабиётни китобхон кўзида бебурд қилади. Коммунизм бўсағасида турган кунларимизда адабиёт янги одамни, унинг онгини, ахлоқини яна ҳам такомиллаштиришда партиямизнинг қўлидаги энг ўткир қурол экани кўзда тутилса, бундай китоблар ва бу хилдаги танқидларнинг фойдасидан зиёни кўпроқ.

Социализм билан коммунизм бир жамиятнинг икки фазаси бўлиб, коммунизм социализмдан етуклиги билан фарқ қилса, бу икки фаза кишилари ҳам бир-биридан онгининг етуклик даражаси билан фарқ қилади. Лекин коммунистик жамият кишисининг онги ўз-ўзидан эмас, балки ғоявий-тарбиявий ишнинг зўри билан мукаммаллашади, етук ҳолга келади. Эртаги кишининг онгини етук қилишда, шубҳасиз, адабиётнинг роли жуда каттадир. Модомики шундоқ экан, ўқиб бўлмайдиган китоб ёзувчи халқ ҳаётини нақадар чуқур ўрганганига ва бу ҳаёт унга қай даражада илҳом берганига эътибор қилмайдиган танқид бундай ролни ўйнай олмайди.

✓ Бизнингча, рангсиз, нурсиз, ҳароратсиз ёзилган асарлар тасвир этилган ҳаётни чуқур ўрганмасдан, ўша ҳаётнинг аччиқ-чучугини татимасдан, ўша ҳаёт одамларининг қалбига қалбни пайванд қилмасдан дардсиз, эҳтироссиз, яъни илҳомсиз ёзилган асарлардир.

Бундан бир неча йиллар бурун бизда ҳамма ўзини поэзияга урган, ўшанда «литфондга бериладиган ариза ҳам ҳозир шеър билан ёзилаётибди» деб кулишар эдик. Кейинги йилларда проза жанри тараққий қила бошлади, прозачиларнинг сони кўпайиб кетди. Ҳозир адабиёти-мизда мустақкам ўрин олган, шу жанрда дадил-дадил қадамлар ташлаётган йигирмадан ортиқ прозачимиз бор. Булар, албатта, катта тўлқин яратди. Айрим прозачиларимиз, афтидан, шу тўлқин остида бир лаҳза бўлса ҳам кўздан ғойиб бўлмасликка толпиниб, баъзан зўрма-зўраки асарлар ҳам ёзишади.

Бундай асарлар илҳом натижаси эмас, ёзувчи бўлгандан кейин умуман ёзиб туриш, иложи бўлса мумкин қадар каттароқ нарсалар билан майдонга чиқиш хоҳишидан туғилади.

Бунақа илҳомсиз ёзилган ўлик асарларни ҳеч қанақа юксак ғоя, ҳеч қандай муҳим тема, техника, малака тирилтиролмайд.

Ўлик асарлар, хусусан, эҳтирос — илҳом, яъни юрак қони билан ёзилиб яшнаб турган асарлар ёлқинида яна ҳам хунукроқ кўринади.

Лермонтов Пушкиннинг ҳалокатига ёзган шеърини шу буюк воқеага ўзининг муносабатини айтиб қўйиш учун ёзган эмас. «Ревизор»ни ёзмаслик Гоголь учун ҳаётнинг маъносини йўқотиш билан барабар эди. Борис Полевой «Чин инсон ҳақида қисса»ни шу иродаси зўр кишига ўзининг муносабатини билдириш учунгина ёзган эмас, буни бутун вужуди талаб қилган. «Инсон тақдири» ҳикоясида совет кишисига бўлган чексиз меҳру муҳаббат, унинг уруш йилларида чеккан азоб-уқубатлари учун куйиш, ирода ва бардоши, олижаноб қалби учун фахр туйғулари Шолоховнинг кўкрагидан қўшиқдай отилиб чиқади.

Дарахтни ундирадиган, ўстирадиган ва мевасини лавиз қиладиган қуёш, ер ва сув бўлса, бадний маҳоратни ундирадиган ва ўстирадиган, самарасини жозибали қиладиган халқ ҳаётидан олинган илҳомдир. Бунинг яна ҳам ёрқинроқ мисолини профессионал ёзувчи бўлмаган, ҳатто қўлига биринчи мартаба қалам олган, лекин қаламни шуҳрат ёки бошқа нарса тама қилиб эмас, қалбидаги муҳаббат ва нафрат оловини оламга сочиш учун олган кишиларнинг асарларида кўриш мумкин.

Илҳом билан ёзилган яхши китобларимизнинг баъзан ҳуснини бузадиган иллатлардан бири сохта монументализмдир. Бизда ёзувчилар тегишиб китобнинг ҳажмини лист билан эмас, килограмлаб ўлчашади: фалончининг китоби эллик грамм, фалончининг китоби уч кило, беш кило. . .

Биз баъзан яхши очерк бўладиган материалдан ёмон повесть, ўртача повестни шишириб роман қиламиз. Наинки реформадан кейинги рус қишлоғи бу қадар ёрқин ва ҳаққоний тасвир этилган Чеховнинг «Мужиклар»и трилогия, совет кишиларининг фикр — туйғулари, хислатлари ва мамлакатимиз ҳаётининг улуғвор манзаралари куйланган «Узоқлардан-узоқларга» поэмаси шеърый роман бўлганда ҳуснига ҳусн, салмоғига салмоқ қўшилса!

«Ҳамма лақмаликлар орасида энг ёмон лақмалик, шубҳасиз, адабий лақмаликдир.

Жўн луқмага чап беришнинг иложи бор, унга оталарча насиҳат қилиш, у билан гаплашмай, саломлашмай қўйиш, уни қалака қилиш мумкин; бироқ битта Ивanning, битта Петрининггина эмас, мингларча одамларнинг кўнглини оздирадиган адабий лақмаликдан қутулишнинг иложи борми?» (И. Шчедрин.)

Афсуски кўпимиз мана шу олтин сўзларга риоя қилмаймиз.

✓ Китоб қайси жанрда ёзилмасин ўқишлик бўлиши керак. Китобнинг ўқишлик бўлиши авторнинг китобхонга айтадиган тўла мағизлик ва жуда зарур фикри бўлганини кўрсатади. Китоб ўқишлик бўлиши шарт эмас, дейдиган ёзувчилар ўқишлик китоб ёзиш қўлидан келмайдиган, ёки ҳаётни чуқур ўрганиб илҳом олишга эринадиган ёзувчилардир.

Рус классик ёзувчиларидан қайси бири ўқиб бўлмайдиган китоб ёзган? Буларни жаҳонга танитган китоблари энг ўқишлик китоблари эмасми?

Ўқишлик китоб гўзалликдир, лекин гўзалликда ҳам гўзаллик бор. Қоронғи кечада отилган мушак ҳам гўзал, қуёшга қараб хандон ташлаб турган гул ҳам гўзал. Осмонда сочилиб кетган ранг-баранг олов ва оқиш излар гўзаллиги кўзни қамаштирса ҳам пуч гўзаллик, шунинг учун бебақодир. Гулнинг гўзаллиги эса тўқ гўзаллик, чунки унинг бағрида ҳаёт бор, шунинг учун абадий гўзалликдир. Фунча гулдан ҳам гўзалроқ, чунки унинг бағрида икки ҳаёт — ўз ҳаёти ва яна гул ҳаёти бор.

### НАВОИЙНИНГ «ЧОР ДЕВОНИ» ҲАҚИДА

Навоий Хусрав Деҳлавий, Низомийлар даражасида турган буюк эпик шоиргина эмас, балки, айна ҳолда Ҳофиз, Саъдий, Жомийлар қаторида турган улуғ лирик ҳамдир. Навоий катта йирик асарлар ёзишга уста бўлгани каби, лирик шеърлар, ғазаллар ёзишга ҳам моҳир эди.

Навоий жуда кўп ғазаллар ёзди. У форс тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам ғазаллар битди. У Фоний тахаллуси билан форс тилида 12 минг мисрадан ортиқроқ шеър, ғазални ўз ичига олган бир девон яратди.

Навоий ўзбек тилида 47 минг мисрага яқин шеърни ўз ичига олган машҳур «Чор девон»ини вужудга келтирди. «Чор девон» Навоийнинг энг муҳим, катта бадий қийматга эга бўлган, шоҳ асарларидан биридир.

«Чор девон» форсча сўз бўлиб, ўзбекча тўрт девон — тўрт тўплам демакдир. «Чор девон»нинг биринчи девони «Ғароибус-сиғар» деб аталиб, болалик ғаройиблари-қи-зиқликлари демакдир; иккинчи девони «Наводируш-шабоб» деб аталиб, йигитлик нодирликлари демакдир; учинчи девони «Бадойиул-васат» деб аталиб, ўрта ёшлик бадиалари демакдир; тўртинчи девони «Фавондул-кибар» деб аталиб, кексалик фойдалари демакдир. Навоий ёшлик чоғларида ёзган шеърларини биринчи девонга, йигитлик вақтларида ёзган шеърларини иккинчи девонга, ўрта ёшлик даврларида ёзган шеърларини учинчи девонга, қарилик, умрининг сўнгги пайтларида ёзган шеърларини тўртинчи девонга тўплаган. Буларнинг ҳаммасига «Хазойинул-маоний», яъни маънолар хазинаси

деб ном қўйган. Навоий ўзининг «Муншоат» (хатлар) номли асарида бу ҳақда тубандаги маълумотларни беради:

«...Бурунги икки девон ашъор<sup>1</sup> билан сўнги айтилганларни буйла қўшиб тартиб билан тўртга айрилди. Доғи тўрт от қилиб битилди. Туфулиятда<sup>2</sup> воқе бўлган ғариб<sup>3</sup> маъноларга «Ғароибус-сиғар» ва йигитликда зоҳир бўлган нодир таркибларга «Наводуруш-шабоб» ва умрнинг васатида<sup>4</sup> жилва қилган бадиавашларга<sup>5</sup> «Бадойиул-васат» ва умрнинг охирига яқин назмга кирган фавоидларга<sup>6</sup> «Фавоидул-кибар» от қўйилди. Доғи мажмуиғаким, махлут<sup>7</sup> битилибдур, чун табъи хазойинидин<sup>8</sup> ҳосил бўлган маоний<sup>9</sup> эрди, «Хазойинул-маоний» лақаб берилди».

Навоий девонларини маълум бир тартиб билан тузди. У ўз «Чор девони»га ёзган дебочасида (бош сўзида) девонини қандай қилиб тузганини, қандай принцип асосида тартиб берганини яхши сўзлайди.

«Чор девон»га Навоийнинг ғазаллари, мустаҳзодлари, мухаммаслари, мусамманлари, соқийномалари, маснавийлари, рубойлари, туюқлари, қитъалари ва муаммолари тўпланган. Девонларда аввал ғазаллар, сўнг бошқа жанрлардаги шеърлар жойланган. Девонлардаги ғазаллар, қоида бўйича, радифларга кўра, араб алифбеси асосида тартибланганлар. Яъни энг аввал қофияларининг охири «О» ҳарфи билан тугайдиган, ундан сўнг «б» ҳарфи билан тугайдиган ғазаллар жойлашган ва ҳоказо.

«Чор девон» даги ғазалларнинг кўпчилигини ташкил қиладиган ғазаллар, умуман ғазал жанрида бўладиган каби, кўпинча сюжетсиз лирик парчалардир. Аммо бунга қарамай Навоийнинг ғазаллари орасида воқеабанд, сюжетлик ғазаллар ҳам учрайди.

---

1. *Ашъор* — шеърлар.

2. *Туфулият* — болалик;

3. *Ғариб* — ғароиб, қизиқ, мазақли;

4. *Васат* — ўрта ёшли;

5. *Бадиаваш* — гўзал, чиройли;

6. *Фавоид* — фойдалар;

7. *Махлут* — аралаш;

8. *Хазойин* — хазиналар;

9. *Маоний* — маънилар; *Хазойинул-маоний* — маънолар хазиниси.

Навоий шеърларининг фикри мундарижаси ғоят бой ва ранго-рангдир. Навоийнинг шеърларида унинг ўз замонасига, ўзи яшаган муҳитга, сарой аҳлларига, сарой турмушига, подшоларга, салтанатга, зулмга, кишига, кишининг ҳаққи-ҳуқуқига, хулқига, динга, дин арбобларига бўлган қарашлари ифодаланган, унинг юксак санъатга, жўшқин ҳаяжонга, оловли лиризмга, буюк таъсир қувватига эга бўлган ғазаллари, рубоиётлари ва бошқа шеърлари кишининг муҳаббати, кишилиқнинг юксак орзулари, келажакка бўлган умид ва армонлари ҳақидаги фикрлар билан тўла. Унинг шеърларида илмий ҳақиқатлар, фалсафий тушунчалар, юксак хаёллар жилва қилади. Унинг шеърларида ҳаёт тажрибалари, у яшаган ҳаётнинг аччиқ-чучуклари, ўз бошидан ўтказган саргузаштлар, ўзи яшаган муҳитдан ва турмушдан олган таассуротлар тўла акс этган. Навоий ўзининг рубоиётларини, қитъаларини ёзар экан, теран ҳикматли фикрлар, чуқур фалсафий тушунчалар юксаклигига кўтарилади. Навоийнинг «Чор девон»ини мутолаа қилар экансиз, тушунчалари юксак, хаёли кенг, муҳокамалари теран, мушоҳидалари ингичка, тасвирлари рангдор, ғазалларида ўз замонасининг илғор фикрларини ифода қилган қувватли бир санъаткор, буюк бир гуманист, улуғ бир файласуф ва олим кўз олдингизга келиб босади.

Бошқа буюк санъаткорларнинг ижодларида бўлгани каби, Навоийнинг ижодида ҳам киши ва унинг ҳаққи-ҳуқуқи, орзулари, кураши, тақдири, муҳаббати асосий ўринни ишғол қилади. Навоий ўз ғазалларида киши ҳақида сўз юргизар экан, у умуман, абстракт инсон ҳақида гапирмайди. Унинг тасавуридаги инсонлар муайян хислатларга, хулқларга, одатларга, муайян орзу ҳавасларга эга бўлган конкрет, ҳаётий инсонлардир. Навоий инсонлардаги маълум хислатларни қаттиқ танқид қилади ва маълум хислатларни ёқлайди. Навоий ўз шеърларида инсонлардаги, инсонни инсонликдан чиқарадиган, инсоннинг шаънига ярашмайдиган ярамас сифатларни: бировга қуллуқ қилиш, биров олдида тиз чўкиш, қўл қовуштириш, хушомадгўйлик, лаганбардорлик, тамагарлик, паразитлик, муттаҳамлик, номардлик, икки юзламалик, вафосизлик, қўрқоқлик, нодонлик, жоҳиллик каби одатларни жуда қаттиқ танқид қилади.

Навоий бировнинг олдида тиз чўкувчи, қуллуқ қилувчи хушомадгўй одамлар тўғрисида мана бундай дейди;

«Кимки махлуқ хизматига камар —  
Чуст этар, яхшироқ ушласа бели;  
Қўл қовуштурғуча чу бу авло  
Ки, анинг чиқса илги, синса бели;  
Чу хушомад демакни бошласа, кош  
Ким, тутулса дами, кесилса тили».

Навоий тамагир, паразит одамлар ҳақида мана бундай дейди:

«Таваккулни улким қўйиб, хотирига  
Тушар халқ олдида қуллик ҳавоси;  
Насиби анинг бир аёқ ош эрур  
Агар ганжи Қорун эрур муддаоси.  
Бировким бўлур бир аёқ ош учун қул  
Юзига керакдур қозоннинг қароси».

Навоий ярамас, золим, аблаҳ, нодон кишилар тўғрисида тубандаги сўзларни айтади:

«Сафиҳ золим ила бўлма хон уза ҳамдаст  
Муносиб ўлмади ит чунки ҳамтабақликқа;  
Узинга аблаҳу нодонни айлама ҳамроз  
Ки, яхши эрмас эшак доғи ҳамсабақликқа».

Бундай кишилар Навоий яшаган даврда, Навоий яшаган шароитда, хусусан сарой доирасида жуда кўп учрар, фисқу фужур, жабру ситам, ҳийла-ю найранглар билан тўлган сарой ҳаёти бундай типлар билан тўла эди. Навоий қаёққа кўз ташламасин, катталарнинг оёқларини ялашга тайёр турган хушомадгўйларни, тамагирларни, лаганбардорларни, разил одамларни кўрар эди. У қаёққа қулоқ солмасин, ўз шахсий манфаати учун ҳар нарсага ҳам ҳозир бўлган ғийбатчилар, номардлар, икки юзламачилар, жоҳиллар, аблаҳларнинг жирканч овозларини, нафратли шивирларини эшитар эди. Киши ва унинг ҳаққи-ҳуқуқига ўз замонининг илғор фикрлари нуқтаи назаридан қараган Навоийнинг виждони, шубҳасиз, бундай кишиларни ва бу кишилардаги бундай разил ва паст хислатларни ҳазм қила олмас эди ва Навоий ўз ижоди билан ҳам бундай кишиларга қарши ўт очар эди.

Навоийнинг тасаввуридаги ҳақиқий инсон — бировга қуллуқ қилишдан, тамагирликдан, риёкорликдан, икки юзламалик, номардлик, қўрқоқлик, сотқинликдан



озод, олижаноб, ҳаққоний, мард, ростгўй, фидокор, мурув-ватли, вафоли, бурдли, ақлли, ҳур инсондир. Навоий ўз шеърларида ва бошқа асарларида мана шундай киши учун курашади ва кишилардаги шундай хислатларни илгарига суради.

Навоий ўз шеърларида кишиларни юксалишга чақиради. Навоийнинг фикрича бойлик, камбағаллик, кишининг афзаллигини ёки ярамаслигини белгиламайди, кишини киши қиладиган нарса бойлик, сиртқи безаклар эмас, балки ақл, маъни, илмдир. Шунинг учун ҳам Навоий: нодон, жоҳил кишиларнинг, «аҳлисурат»нинг подшолигидан, ақлли, билимдон, доно одамлар, «аҳли маъни»нинг гадолиги афзал; ҳақиқий инсон экансан, аҳли маънининг гадолигидан ор қилма, ўшаларни ҳурмат эт, дейди:

«Аҳли маъни гуруҳида зинҳор  
Ҳеч ор айлама гадолиғдин,  
Ким, буларга гадолиғ ортиқдур  
Аҳли суратга подшолиғдин».

Шунинг учун ҳам Навоий кишиларга қараб:

«Қамол эт касбким, олам уйидин  
Сенга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ  
Жаҳондин нотамом ўтмак бнайних  
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ»,

дея хитоб қилади, кишиларни камол топишга, касб ўрганишга ундайди.

Навоий, кишининг тили билан дили бир бўлиши керак, тили бошқа-ю, дили бошқа бўлган киши дўст бўлмайди, ёр бўлмайди дейди:

«Ёр улдурким, тилию кўнгли онинг бўлса бир  
Ким тили ўзга ва кўнгли ўзгадир — ул ёр эмас».

Навоий одамларни сир сақлашга чақиради:

«Розни асра, чунки фош этдинг  
Яна пинҳон бўлурни қилма ҳавас.  
Кўнглинг ичра нафас кибидир роз  
Қайтмас кимсадин чу чиқди нафас».

Навоий ўз шеърларида кишиларни душмандан ҳазар қилишга, ҳушёр бўлишга ундайди. У, агар душман қа-

димий эски бўлса, гарчи у сенга ширин тапирса ҳам, гарчи унинг сўзлари жон бағишловчи бўлса-да, унинг зиёнидан ҳазар қил, душман, барибир, душманлигини қилади, эҳтиёт бўлмасанг, душман жонга офат бўлади, дейди:

«Чу душман ўлди қадимий, зиёнидан ҳазар эт,  
Агарчи нутқи равонбахш, жонга роҳат эрур.  
Сув бирла ўт аро зиддият ўлди чун азалий  
Агар ҳаёт суйидурки, жонга офат эрур».

Навоий, душманнинг ҳам энг ашаддийси, энг хавфлиси, энг зарарлиси яширин душман, дейди:

«Оғзи жон қасди қилур, жонга таваҳҳум йўқ ажаб,  
Хавфи кўпрақдур анингким, махфий бўлса душмани».

Навоийнинг шеърларида дин арбобларига, шайхларга, зоҳидларга қарши қаратилган кескин танқидлар, аччиқ кулишларга кўп учраймиз. У, ўз ғазалларини ёзар экан, шайхларга, зоҳидларга бир тегиб ўтмасдан иложи йўқ эди. У шайхларни қаттиқ танқид қилган, улардан кулган айрим ғазаллар ҳам ёзди. Ўз замонининг энг маърифатли, энг илғор кишиларидан бўлган Навоий, дин пардаси остида ўйналаётган найрангларни, пастликларни жуда яхши англари, уларга қарши нафрат ва ғазаб билан тўлиб-тошар эди.

Навоий хонақоҳ аҳлида, хонақоҳда тафриқа, ора бузишдан бошқа нарсани кўрмади. У ўзига хитобан:

«Э, Навоий хонақоҳда топмадим жуз тафриқа,  
Хум каби майхонанинг кунжида аромим керак»,

дейди. У яна бир ўринда:

«Шайх муқрий салот вақтида эл  
Масжид жумъани солиб чиқадур.  
Элни жам эткали эмас бу салот  
Гўёким, салоти тафриқадур»—

дейди. Шу равишча, Навоийнинг фикрига кўра, шайхлар, қорилар, хонақоҳ аҳллари халқни иттифоқсизлантирадиган, халқнинг орасида ҳар хил жанжал ва ихти-

лофларни кўпайтирадиган, фисқу фасод қўзғайдиган кишилардир.

Навоий ўз ғазалларида дин арбоблари ичида шайхларга алоҳида тўхтади ва уларнинг башараларини, кирдикорларини раҳмсиз суратда фош қилади. У, ўзининг «Хонақоҳда ҳалқайи зикр ичра ғавғо қилди шайх» деб бошланган машҳур ғазалида шайхнинг характеристикасини жуда яхши кўрсатади. У: шайх хонақоҳда зикр ҳалқаси ичига тушиб олиб ғавғо қилар экан, бекорга вақиллаб, аҳли дилларнинг нақд вақтларини тор-мор келтиради, шайх жойнамозини ёзиб тасбеҳ ўгириб ўтирар экан, у хайрли бир иш йўлида чалишаётибди, деб ўйламанг, балки, у жойнамозини дом (тузоқ), тасбеҳини у дом учун дона қилиб элни овлаб ўтирибди. қачонки шайх каромат тўғрисида сўзлар экан, унинг фикри банг тўғрисида ўйлайди, шайх пари юзлик гўзалларни сайд қилиш учун куф сочиб, фарёд этиб, сакраб талай девоналиклар, жинниликлар ошкора қилади; ўзи нодон, нодон башара-ю, ўзига мурид этиш учун ўзидан ҳам нодонроқ кишиларни пайдо қилади, дейди. Навоий дин арбобларини танқид қилиш, уларни фош этиш билангина қолмайди, у баъзан диннинг ўзидан ҳам кулади. Динга Ҳайёмона қараш қилади. У бир ғазалида севганига хитобан:

«Қўйинг борида қилмон жаннатга гузар ҳаргиз,  
Қаддинг қошида салмон тўбига назар ҳаргиз»,

дейди. У бир ғазалида зоҳидга қараб, шундай дейди:

«Танглағи кавсар учун, дерсен, бу кун май ичмагил  
Тек тур, э зоҳид, Навоий сен каби лошимудур» .

«Дема бу оламда ул ой хўб, ё жаннатда ҳур,  
Кўрмамиш мен андоғин, бори эрур мундоғи хўб» .

Бу сўзлар билан Навоий жаннатдан, жаннатда ўсади деб фараз қилинган афсонавий оғоч тўбидан, кавсардан, ҳурдан кулади. Навоий жаннатни ёрнинг куйига, кавсар сувини дунё шаробига алмаштиришга тайёр, у уйдирма гаплардан иборат бўлган танглиғи кавсардан ҳаётдаги майни, оти бор, зоти йўқ ҳурдан, ердаги гўзални афзал билади. Навоий зоҳидга хитоб қилиб, тўғридан-тўғри:

«Зоҳид, сенга ҳуру, менга жонона керак,  
Жаннат сенга бўлсун, менга майхона керак»,

дейди.

Навоийнинг салтанатга, саройга ва сарой доирасидаги одамларга бўлган қараши ҳам катта диққатга лойиқдир. Навоий сарой ҳаётини, сарой доирасидаги одамларни, салтанатни севмас, уларга жирканиб қарар эди.

У:

«Фақр кўйида гадолик гарчи фаҳримудур, ва лек,  
Салтанат арз этсалар майл айламон, ор айлабон»,

дейди. Нега? Чунки салтанатнинг элга зулм қилишини билар, у элга зулм қилишдан ўзига зулм қилишни аъло деб билар эди. У:

«Салтанатдин бода ортуқдур менга юз қатлаким,  
Ҳушёр эл бедодидин ўзумга бедод айласам»,

дейди. Навоий:

«Жаҳон ганжига шоҳ эрур аждаҳо  
Ки, ўтлар сочар қаҳр қанггомида.  
Анинг коми бирла тирилмак эрур,  
Маош айламак аждаҳо комида»,

дея, подшоҳларнинг моҳиятини, чин башарасини очиб ташлайди. Подшоларга берилган бу баҳо, халқнинг қонини сўрувчи золимлар учун жуда тўғри ва ҳаққоний бир баҳо эди.

Золимларга, зулмга қарши ғазаб ва исён бутун Навоий ижоди бўйлаб чўзилиб ётади. У паразитларга қарши ўт очиб, меҳнат қилувчи, тирикликнинг асосини тувувчи кенг халқ оммасини ҳурматлайди ва ёқлайди. Навоий ўзига хитобан:

«Эрур чун олам ичра жоҳ фаний, яхши от боқи  
Бас эл комин равон айла ўзингни комрон кўргач»,

дейди. Унинг фикрича, ҳақиқий инсон элга хизмат қилиши керак, халқнинг ғамини ейиши керак, халқнинг ғамини емаган, халққа хизмат қилмаган одам — одам эмас!

«Одами эрсанг демагил одами,  
Ониким, йўқ халқ ғамидин ғами».

Навоий ҳам ўзининг амалий ишларида, ҳам ижодида золимга қарши мазлумни ёқлаган, зулмга қарши курашиб, халқ манфаатини ҳимоя қилган халқпарвар, халқнинг асл фарзанди эди.

Навоий зулмга қарши қанчалик курашмасин, уни енга олмади, балки зулм уни босди, уни бўғди. Сарой муҳити, феодал реакция куч уни эзиб турди. Навоий кўп хайрли ишлар қилди, аммо унинг замонаси ва замондошлари, ҳатто баъзи дўстлари ҳам унга жабр қилдилар, ранжитдилар. У қилган яхшиликларининг эвазига, «Замон аҳли»дан туҳматлар, бўҳтонлар, ҳақоратлар олди, Навоий уларга вафо қилди, улар эса, Навоийга жафо қилдилар.

Навоий ўз атрофини ўраб олган шафқатсиз одамларнинг жафосидан, таъналаридан, бўҳтонларидан ранжир, кўнгли малул бўлар экан, тубандаги мисраларни айтди:

«Кимгаким қилдим вафо, ваҳким, жафо подош эди  
Олам аҳлида вафо мавжуд эмас беиштибоҳ,  
Орзу қилдим вафо аҳлин кўрай деб, топмадим  
Хоҳ зоҳид, хоҳ фосиқ, хоҳ сайид, хоҳ шоҳ».

«Э кўнгул, давр аҳлидин минг йилчалик йўл гўша тут,  
Ё алардин етса юз минг ғусса, афғон айлама!»

Навоий ғазалларида кўп учрайдиган фарёд, фиғонларнинг томирини, асосан мана шу ёқдан ахтармоқ керак. Навоий ғазалларидаги фарёд мана шу «давр аҳли» етказган «юз минг ғусса»нинг афғони эди. Навоий тубандаги парчаларни ёзар экан, ўз турмушининг бутун фожиасини очиб ташлайди:

«Агар одил эсанг узгил жаҳон аҳлидин улфатким,  
Алардин жуз жафо келмас, агар юз йил вафо қилсанг  
Бирига юз Хито мулки хирожин айласанг эсор,  
Хатосиз қасд жонинг қилғусидир бир хато қилсанг».

Бу мисолларда кўп аччиқ ҳақиқатлар, улуғ шоирнинг фожиаси, мислсиз санъаткорнинг ўз замонасидаги аянч тақдири яққол ифодаланган.

Навоий каби ақл эгаларини ерга урган, ҳақсизлик, адолатсизлик, зулм, зўрлик, тубанлик билан тўлган замон Навоийнинг кўзига зиндон бўлиб кўринди. У уқубатли ҳаёт кечирар экан, ўзини зиндонда, азоблар орасида сезди. У:

«Жаҳонким зоҳир айлар лола-ю боғ,  
Эрур ул боғ — зиндон, лоласи доғ»,

дея ўз замонининг аҳволини жуда тўғри ифода этди.

Навоий шеърларидаги фарёд, ана шу зиндондан иборат бўлган замонанинг ва жафокаш «давр аҳли»нинг зулмидан эди. Навоийнинг бу фарёдларида ўша даврдаги эзилувчи мазлум халқнинг ҳам овози эшитилар эди. Чунки эксплуатация асосига қурилган қора замон Навоийдек жуда кўп талантларни ва кенг халқ оммасини қон йиғлатди. Навоий ғазалларидаги фиғон унинг кўнглида тиғизланиб ётган алам ва изтиробнинг замон ва золимга қарши қаратилган кучли нафрат, аччиқ қарғишининг зўр наърасидан иборат эди. Бу, ҳаётдан ўз ижодига асос топа олмаган, ҳалокатга маҳкум бўлган, келгуси йўқ, бадбин, мистик бир шоирнинг умидсиз кўз ёши эмас, балки, ўз ижодида катта илғор фикрларни ташиган, келгуси порлоқ, фақат ўз даврида тақдир этилмаган бир шоирнинг ўз замонига қарши қаратилган протестидан, ғазаб тўла шикоятдан иборат эди. Бўлмаса, бадбинлик Навоий ижоди учун характерли эмас. Навоий ижодининг асосида бадбинлик ётмайди. Дунё-дунё ишларни қилиб ташлаган, мислсиз катта бир ижодни юзга келтирган, дунё ишларига катта ҳавас, зўр мароқ билан машғул бўлган Навоийнинг табиатида ва ижодида катта бир ҳаётнийлик, оптимизм ётади.

Навоий ўзига қарата:

«Э Навоий, умр ўтар елдек, ўзингни шод тут  
Елга етмак мумкин эрмасдур чу суръат кўргузуб»,

деб хитоб қилади. Навоий ҳаётни, «даҳр боғи»ни севар ва одамларни неча кун тирик экан, хурсандчилик билан яшашга, умрнинг қадрига етишга ундар эди:

«Даҳр боғида неча кун гар тириксан айш қил  
Ким, яна топмоқ эмас маълум бу бўстон каби».

Навоий ғазалларини мутолаа қилар экансиз, жўшқин бир муҳаббат юрагингизни эгаллаб олади. Зотан, ғазалларининг кўпи муҳаббат тўғрисидаги лирик шеърлардир. Навоийнинг ўз тили билан айтсак, ошиқларнинг муҳаббат мажлисларида гул юзли маъшуқларнинг ишқий суҳбатларида кучли ҳаяжон, зўр мароқ билан ўқилиб келинган жўшқин, рангдор ғазаллар бўйлаб оташин ва самимий бир ишқ чўзилиб ётади.

Навоий ғазалларида, дostonларида куйланган ишқ, қандай ишқ? Бу сўроққа Навоийни, умуман шарқ адабиётини текширувчи буржуа олимлари нотўғри жавоб бериб келдилар. Улар Навоий асарларида ифодаланган ишқ «ишқи ҳақиқий — ишқи илоҳий», яъни тангрига бўлган ишқ; Навоий қаерда «ёр», «жоним» калималарини ишлатар экан, бундан албатта тангрини фаҳмлаш керак; Навоий қаерда «май» калимасини ишлатар экан, бундан «Ваҳдат майи»ни англамоқ керак; Навоийнинг бутун ғазаллари, бутун ижоди рамзлардан иборат, у символист шоир; Навоий ижодидан ёр муҳаббатини, кишилар муҳаббатини, реал муҳаббатни ахтариш керак эмас, дер эдилар. Бу мутлақо нотўғри, бузуқ, ҳақиқатга хилоф бўлган сохта бир қарашдир. Бу билан буржуа миллатчилари Навоийни халқ олдида бузиб кўрсатишга, Навоийни халққа нотўғри тушунтиришга, буюк Навоийдан халқнинг рағбатини қайтаришга, Навоийни ўзларининг қора мақсадлари йўлида қурол қилишга уриндилар. Аммо, улар мақсадларига эриша олмадилар. Улар кўршапалак, Навоий бир қуёш эди, кўршапалаклар ўзларининг ифлос, ожиз қанотлари билан қуёшнинг юзини бекитишга уриндилар, аммо қуёш зўр эди, кўршапалакларнинг чиркин қанотларини куйдириб ўтиб, халққа чин юзини кўрсатди, халққа кулиб боқди, халқни ўз нури билан баҳраманд қилди.

Навоий асарларида, Навоий ғазалларида куйланган муҳаббат—кишилар муҳаббати, ёр муҳаббатидир. У «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» каби ишқ эпопеяларини ёзар экан, худди мана шу, реал одамларнинг реал ҳислар, реал тушунчаларига асосланган реал муҳаббатларини куйлади. Бу муҳаббат буюқ юракларнинг жон озиғи бўлган қаттиқ дўстлик, кучли меҳрибонлик, инсонлик туйғулари билан тўлган, ҳақиқий инсон муҳаббатидир. Бу муҳаббат ўз қаршисида нима учрама-син ошиб ўтадиган, мардоналикни, кишининг, юраклар-

нинг озод ва ҳур бўлишини талаб қиладиган, олий фикрлар билан тўла, соф, юксак бир муҳаббатдир. У ғазалларида ҳам мана шу муҳаббатни куйлайди. Навоий муҳаббат, ёр тўғрисида сўзлар экан, бу сўзларни ўз маъносида, реал маъносида англамоқ лозим. Навоий:

«Э Навоий, тушса маст илгинга бир тун, ўпкасен,  
Ҳам қобоғин, ҳам соқоғин, ҳам дудоғин, ҳам юзин»,

дер экан, бу гапларнинг худо билан нима муносабати бор!

Навоий ўз асарларининг мазмунигагина эмас, балки шаклига ҳам катта куч сарф қилган ва ўзини буюк бир санъаткор сифатида танита олган устоздир.

Навоий ўз асарларининг тилини ғоят пухта ишлади. Навоий ўзбек тилининг мустақиллиги учун олиб борган курашини фақат назариядагина эмас, балки амалиётда ҳам олиб борди. Навоийга қадар ўзбек тили камситилиб келинди. Турк—ўзбек тили дағал тил, бу тил билан шеър айтиш мумкин эмас, деган назария кенг тарқалган эди. Навоий мана шу нотўғри, бузуқ назарияга қарши курашди. У тор, миллатчилик нуқтаи назаридан эмас, ўз тилини ёқлаб, бошқа халқларнинг тилини камситиш, ерга уриш нуқтаи назаридан эмас, балки, бошқа халқларнинг тилини камситувчиларга қарши, ўзбек тилини ҳам бошқа маданий халқларнинг тили даражасига кўтариш, бошқа халқларнинг тили сингарн, ўзбек тилида ҳам энг нозик туйғулар, энг чуқур тушунчаларни тўла ифода қилиш мумкин эканини исбот қилиш нуқтаи назаридан, ўзбек тили учун курашди. Интернационализм руҳи билан суғорилган, бошқа халқларнинг маданиятига, тилига катта ҳурмат боғлаган, улардан тўла фойдаланган Навоий, ўз она тили учун ҳам кураш олиб борди ва бу курашда катта натижаларга, буюк ғалабаларга эришди, ўзбек адабий тилини яратди, юқори босқичга кўтарди.

Сўзда маънони биринчи планга қўйган Навоий ўз асарларининг тилига ғоят катта аҳамият берди. У ҳар бир сўзни ўз ерида ишлата олишга ғоят уста, у ҳар бир маънони аниқ, нозик нуқталарига қадар ифодалаб бера оладиган сўзларни топиб ишлатади. Унинг тили пухта, пишиқ, рангдор, ширали, маънига, образга бой, жонли бир тилдир. У сўзни ҳар қанақасига, истаган шаклда ишлата олади. У турмушнинг, табиатнинг энг нозик, энг



мураккаб нуқталарига қадар сеза олади ва уларни ҳеч қийналмасдан, деярли оригиналдан ўтказиб, тасвирлаб, ифодалаб бера юлади.

Арузни, шеър техникасини, поэтикани жуда мукамал ва яхши билган Навоий, бу билимлардан ўз ижоди учун тўла фойдаланди. Вазнининг ўйноқилиги, равонлиги, мусиқийлиги билан кишини ҳайрон қолдирадиган тасвирий воситаларининг рангдорлиги, чуқурлиги, образларнинг ширалилиги, мураккаблиги билан кишини ҳайратга соладиган, қофияларининг жарангдорлиги, тўла бўлишлиги, турли шаклдаги ички қофиялар, аллитрациялар билан ўқувчини қойил қолдирадиган, ғоят ажиб ғазаллар, мухаммаслар, мусаддаслар, мусавванлар умрбод ўлмайдиган юксак санъат намуналари, бадий сўз жавоҳирларидир.

Навоийнинг ғазаллари образли ифодаларга бой, унинг ғазалларидан оддий, образсиз, рангсиз бўлган мисраларни топиш қийин. Кўп ғазаллар бошдан-оёқ мураккаб, чуқур образлар билан тўла.

Навоийнинг санъатдаги моҳирлиги билан қисман таништириб ўтиш учун унинг ўхшатиш, истиора ва муболағаларидан бир қанча намуналар кўрсатиб ўтамиз.

Навоий бир ерда:

«Оразинг шавқидаким, ашкин тўкар кўз мардуми  
Боғбон янглиғ эрурким, сув очар гулзор учун»,

дейди, яъни юзингнинг шавқида ёшимни тўкаётган кўз мардуми (кўз қорачиғи) худди гулзор учун сув очаётган боғбонга ўхшайди, дейди; у юзини гулзорга, ёшини сувга, кўз қорачиғини гулзор учун сув очаётган боғбонга ўхшатади.

Яна бир ерда:

«Ўсма узра зарварақлик икки қошинг юз уза  
Жилвагар бўлган ики товус эрур гулзор аро»,

дейди, яъни юзингнинг тепасидаги ўсма қўйилган зарварақлик икки қошинг гулзор орасида жилвагар бўлган икки товусга ўхшайди, дейди; ёрининг юзини — гулзорга, қошларини — гулзор ичида жилва қилиб турган товусларга ўхшатади.

Яна бир ерда:

«Мови ёвлигин қошинг, э жонға бедод эткувчи  
Кўк булутға кирди гўё янги ойнинг бир учи»,

дейди, яъни у, бир қошининг учини бостириб, пешонаси-  
ни кўк ёвлиқ билан боғлаб олган, «жонға бедод эткувчи»  
гўзалга қараб туриб, унинг кўк рўмол остига бир учи  
кириб турган қошини, янги ойнинг бир учи худди кўк бу-  
лутга кириб турганига ўхшатади.

Яна бир жойда:

«Учуқ лабингда эмас, реза инжу лаъл узра  
Ки, барги гул уза бир қатра бол эмиш, билдим»,

дейди, яъни лабингдаги учуқ эмас, лаълининг устида  
турган майда марварид, гул барги устига томган бир  
қатра бол дейди; у ёрининг лабини лаълига, гул япро-  
ғига, унинг лабидаги учуқни лаълининг устида турган  
майда марваридга, ҳам гул япроғига томган бир қатра  
болга ўхшатади. Навоий яна бир ўринда:

«Заврақ ичра ул қуёш сайр айламас Жайхун аро  
Ахтари саъде ҳилол ичра кезар гардун аро,  
Англаман: «Жайхунда ул ой кема бирла сайр этар  
Ё ҳилолу меҳр аксин эл кўрар Жайхун аро?»;

дейди; у қайиқчага тушиб, Аму ичра сайр қилиб юрган  
бир гўзал тўғрисида ёзади: ул қуёш қайиқчага тушиб  
олиб осмонда кезиб юрибдими; иқбол юлдузи янги ой-  
нинг ичига ўтириб олиб осмонда кезиб юрибдими; ан-  
ламайман, ул ой, ул гўзал, кема бирла Амуда сайр  
этиб юрибдими, ё одамлар Амуда янги ой билан қуёш-  
нинг аксини кўраётибдиларми, дейди. Бу ерда Навоий  
гўзални ойга, қуёшга, гўзал тушиб юрган қайиқни ян-  
ги ойга, Амуни осмонга ўхшатади; гўзалнинг қайиқча-  
га тушиб Амуда сайр қилиб юриши, худди қуёш янги  
ойни қайиқча қилиб олиб, кўк денгизида сузиб юрга-  
нига ўхшайди, дейди.

У яна бир ерда:

«Оразин ёпғач, кўзимдин сочилур ҳар лаҳза ёш  
Уйлаким пайдо бўлур юлдуз ниҳон бўлғач, қуёш»,

дейди, яъни қуёш яширингач юлдузлар пайдо бўлгани

каби, гўзал юзини ёпгач, ҳар лаҳза кўзимдан ёш сочилади, дейди. Бу ерда ёрини қуёшга, ёрининг юз ёпишини қуёшнинг яширинишига, ботишига, ёри юз ёпгач кўзларидан сочилган ёшларни, қуёш ботгач кўкда зоҳир бўлган юлдузларга ўхшатади.

Яна бир ерда:

«Жамоли кўзгуси ичра сариғ юзим акси  
Ажаб хазонни ниҳон айламиш баҳор ичра»,

дейди, яъни ёр жамолининг кўзгусига тушиб турган сариғ юзимнинг акси худди баҳор чоғидаги хазонга ўхшайди, дейди.

Булар сингари чиройли, мураккаб, чуқур оригинал ўхшатишлар Навойнинг ғазалларида жуда кўп учрайди.

Навойнинг ғазалларида:

«Риштайн зулфи хаёлидин ҳаво қилган кўнгул  
Бир қушидирким, қочибдур гўйи боғи била».

«Бу чаманда тортибон булбул тонг отғунча фиғон  
Ишқ дарсин гўйиё гул дафтаридин ўрганур».

«Тушти зулфи домиға кўнглум қуши майл айлагач  
Ул тараф рухсор кўзгусин су, холин дана деб».

«Югурур ҳар кирпигимга ортилиб бир қатра ёш  
Шўх ёшлардекки, ўйнарлар чуқуқ маркаб қилиб»

каби ғоят таъсирли образлар ҳам жуда кўп йўлиқади.

Навойнинг ғазаллари:

«Кўз ёшимдин агар оғзингда эрур кулку, нетонг  
Чун бўлур неча булут йиғласа, хандон ғунча».

«Ўптим лабин юз очғач, эрур турфа кўрмагим  
Гул бирла мева бир йўли ул қад ниҳолидин»

каби афористик, ажойиб истиоралар билан тўла. Бу мисолларнинг биринчисида, Навой мен қачон йиғласам сенинг оғзингда кулку пайдо бўлади, бу ажабга қолурлик иш эмас, негаки булут қанча кўз ёши тўкса,

ғунча шунча хандон бўлади, яъни булутдан ёмғир қанча кўп ёғса, ғунча шунча яхши очилади, дейди. Иккинчи мисолда, ғўзал юзини очғач лабини ўпдим, қизиқ бир ҳолдир, у ғўзал қаддининг ниҳолидан бир йўла ҳам гул, ҳам мева кўрдим, дейди. Навоий бу ерда ёрининг қаддини бир ниҳолга, юзини у ниҳолнинг гулига, лабини мевасига ўхшатади.

Навоий ўхшатиш, истиораларгагина эмас, балки муболағаларга ҳам ғоят уста. Унинг тубандаги муболағаларни бунга мисол бўла олади.

Навоий бир ерда:

«Кавкаб эрмас пахталар тикмиш қулоғига сипеҳр  
Ул қуёш ҳажрида тунлар, баски, афғон айладим»,

дейди, яъни осмондаги ярқираб турган нарсалар юлдузлар эмас, балки ул қуёшнинг ҳажрида тунлар фиғон қилганимдан зада бўлиб, осмон қулоғига пахталар тикиб олган, дейди.

Яна бир ўринда:

«Чарх ушшоқ оҳи ўқидин магар ваҳм эттиким,  
Қубба қилди меҳрни, ўз ҳайъати қалқон бўлиб»,

дейди, яъни осмон ошиқларнинг оҳи ўқидан ваҳим қилса керак, шунинг учун ҳам қуёшни қубба, ўз жисмини қалқон қилиб олибди, дейди.

Яна бир ўринда:

«Анжум эрмаским, тушубдур чарх кўзгусига акс  
Баски ёғди ғам туни ер узра ашким жоласи»,

дейди, яъни осмонда живирлаб турган юлдузлар эмас, балки ғам тунида ерга ёққан ёшим жаласининг осмон кўзгусига тушиб турган аксидур, дейди.

Яна бир ерда:

«Гар ниҳони фитна таълим айламас, бас не учун  
Бошини чекмиш баногўшинггача қошинг сенинг»,

дейди, яъни агар қошинг қулоғингга шивирлаб яширин бир фитнани таълим айламоқчи бўлмаса, нимага у, то қулоғингнинг остидаги юмшоқ ерга қадар етиб борибди, дейди.

Буларга ўхшаш, ажойиб, чиройли муболағалар Навоий асарларида ҳисобсиздир. Бу мисоллар Навоийнинг қай даражада санъаткор эканини очиқ кўрсатади. У табиат лавҳаларини уста бир рассом каби гўзал қилиб чиза оладиган, мушоҳидаси зўр, ҳассос бир шоир. Унинг ишқий лирикаси, табиат лирикаси ғоят дилрабо-дир. Навоий шеърларининг кучи, гўзаллиги ҳам шундаки, у юксак, чуқур фикрларни, фалсафий тушунчаларни ғоят оригинал, чиройли, рангдор образларда бера олади. Унинг қўлида оддий фикрлар ҳам юксак бир санъат намунаси даражасига қадар кўтарила олади.

Навоийнинг ғазаллари ўқувчининг кўнглини ўзига жазиллатиб тортиб оладиган, ўқувчининг дилига мислсиз ҳаяжон соладиган, ҳаётий ширалар билан тўла ғазаллардир. Навоийнинг ўзи ҳам буни билар эди. У гоҳо ўз ғазалларидан ғоят мамнун бўлар, қаттиқ таъсирланар ва:

«Э Навоий, жонфазо назминг лаби васфида ёр  
Ширайи жондин эзилган обиҳайвондин чучук».

деб юборар эди.

Навоий дунё адабиётида ўзига мустақил бир ўрин олган, алоҳида бир мактаб яратган санъаткорлардан биридир. Биз уни бошқа халқларнинг буюк санъаткорлари қаторида турган, умуман кишилик маданиятини яратишга, бошқа халқларнинг улуғ тарихий сиймолари билан бир қаторда хизмат қилган, дунё адабиётининг хазинасига ўлмас, шоҳ асарлар қўшган, оригинал, классик санъаткор, ўз халқининг фарзанди, ўз халқи учун ва умуман кишилик жамиятининг тараққиёти учун катта хизматлар кўрсатган буюк гуманист сифатида таниймиз. Навоий ҳақида фикр юритар экансиз, улуғ рус халқининг Пушкин, Лермонтов, Некрасов каби буюк шоирлари, грузин халқининг ўлмас санъаткори Шота Руставели, озарбайжон халқининг Низомий, Фузулий сингари улуғ санъаткорлари, шарқнинг Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз, Саъди, Жомий каби зўр шоирлари, ғарбнинг Данте, Шекспир, Гёте, Гейне, Байрон каби юксак сиймоли кўз олдингизга келиб босади. Аммо бу буюк шоир узоқ йиллар бўйи ўз баҳосини тўла ололмай келди.

Фақат бизнинг совет давримизда, буюк санъаткорларни, кишилик жамиятининг тараққиёти йўлида хизмат кўрсатган улуғ тарихий сиймоларни ҳаққи ила тақдир

ва ҳурмат қила оладиган совет ватанидагина улуғ Навоий тўла тақдир этилди, ўз баҳосини олди, катта ҳурматларга сазовор бўлди, бахтиёр совет халқининг севимли шоирларидан бирига айланди.

Ўз даврида хўрланган, ўз давридан мамнун бўлмаган Навоий:

«Бу гулшан ичраки йўқдур баҳо гулига сабот  
Ажаб саодат эрур қолса яхшилик била от»,

дея орзу қилди ва у ўз орзусига етди. Халқнинг асл фарзанди, ўз даврининг илғор кишиси, ўзбек халқининг классиги Алишер Навоий саодатли шоирдир. Унинг порлоқ номи мангу унутилмайди. Унинг номи жаҳон адабиётининг энг буюк сиймолари қаторида доимо тилга олинади. Унинг шоҳ асарлари адабиёт дунёсида абадий ярқираб туради,

1939 йил.

---

ҚАЛБ ДАЪВАТИ БИЛАН

Олға ва юксакликка!—Революциянинг бўрон қуши М. Горькийнинг бу ажойиб сўзлари совет адабиётимизнинг шиори бўлиб қолди.

Олға ва юксакликка деб биз абадий навқирон офтобдан нур эмиб турган чўққилар сари баланд парвоз қилмоқдамиз, киши оёғи босмаган йўллардан бормоқдамиз. Бу — зўр умидларнинг, кенг уфқларнинг оҳанрабо йўлидир.

Башарият бахт-саодати чўққисини мунаввар қилиб турган абадий навқирон офтоб — давримизнинг, халқимизнинг ақл-идроки, шон-шарафни ва ор-номусини ўзида гавдалантирган партиянинг виждони, партиянинг идроки, партиянинг иродасидир.

Бу офтоб ёрқин порлаб турганини, у ҳеч қачон қораймаслигини, у мангу жўш уриб турадиган илҳом булоғи эканлигини англаб, ўзингни нақадар шод, нақадар дадил сезасан.

Тоғ чўққасидаги порлаб турган нур шу чўққига интилиб бораётган кишига нақадар зарур бўлса, партиянинг раҳбарлиги халққа ҳам, ва демак ёзувчига ҳам шу қадар зарурдир.

Партия раҳбарлигида ишлаш, ижод қилиш — менинг фикримча, аввало партиядан ўрганиш, кун сайин ўрганиш, ҳормай-толмай ўрганиш демакдир.

Ленин партиясининг ўзи, у қилаётган улуғ ишларнинг ижодий характери, унинг йиллар оша назар ташлаб, келажакни кўра билиши, келажакнинг қиёфасини кўра олиши — ҳаётнинг улуғ мактаби, дорилфунунидир, яратув-

чиликка, новаторликка, келажакка интилишга қаратилган ўтли даъватдир. Халқдан ажралиб, кўзини мудроқ босиб қолган кишиларгина бу ҳаёт дорилфунунига, партиянинг жозибадор кучига бепарқ-бепарво қарашлари мумкин.

Ленинчи партия ғоялари—дилимиздаги ғоялардир. Бу партиянинг фалсафий донишмандлиги, унинг битмас-туганмас ташаббуси, олға ва юсакликка интилиши, инсонга, халққа ишончи, умуман ижодиётни, хусусан ёзувчилар ижодиётини ҳурмат қилиши дилимизга хуш келади.

Партиянинг адабиётга раҳбарлик қилиши дилимизга хуш келади. Кема учун маёқ, сайёҳ учун компас, ер учун қуёш азиз бўлгани каби, биз ёзувчиларга ҳам бу раҳбарлик ана шундай азиздир.

Коммунистик партия шу қадар ўткир идрокни, шу қадар девсифат кучни, шу қадар кенг кўламини қаердан олаётир экан, деб бутун дунёдаги соф виждонли кишилар қойил қолиб, ўз-ўзларига савол бермоқдалар. Партия бунга — халқдан олмоқдаман, деб жавоб бермоқда.

Сўз санъаткори халқдангина, халқ билан жонли боғланишдангина, халқ орзусида юриб, халқнинг орзу-ўйлари билан яшабгина ўзига ақл-идрок, куч-қудрат тўплай олади. Ёзувчи, ўзингнинг ўткир нигоҳинг билан етти йиллик қаҳрамонларининг қалбига бир тикилиб боққин-а, сен ижодкорликнинг сўнмас оловини, миллион-миллион қалбларни алангалатишга қодир бўлган олов таптини сезасан. Партия ёзувчини коммунистик эрта кишисини тарбияловчи улуғ куч деб билаётганлигидан биз фақат шодлана ва фахрлана оламиз, холос. Бу— юсак вазифа, юсак мақсад, юсак бурчдир. Кишини тарбиялаш — унинг юрагига йўл топиш демакдир. Бу йўлни топиш учун эса юракка ижодий жўшқинлик алангасини ёқиш керак, аввало бу юракни севиш, замонани севиш керак.

Ёзувчининг қалбида ўз халқига нисбатан чуқур мухаббат бўлмаса, унинг асарларини ҳеч ким ўқимайди. Ёзувчи халқ билан чамбарчас боғланган бўлса, халқнинг шонли ишларини, унинг жасоратини, қаҳрамонлигини, покизалиги ва ақл-идрокини ўз қалбига жо қилиб олади.

Халқимизда: «Танимаганни сийламас» деган мақол бор. Халқни, унинг қалбини, орзу-ўйлари ва ниятларини билмаган киши юраги жўшмасдан, халқни, инсонни, қаҳрамонлик яратаётган кунларимизни, илҳомбахш ре-



жаларимизни севмасдан ижод қилади, бундай киши тарихий муваффақиятларимизнинг чуқур мазмунини тушуниб олишга қодир эмас.

Мана шунинг учун ҳам партиянинг халқ ҳаёти билан чамбарчас боғланиш ҳақидаги даъвати — ёзувчи ўз вази-фасини, ўз бурчини тушуниб олишидаги энг асосий масаладир. Халқ билан чамбарчас боғланиш — ижодий муваффақиятлар манбаи, ҳар қандай истеъдоднинг булоғидир.

Киши руҳининг инженери бўлган ёзувчи аввало ўз замондошларининг ранг-баранг ва ҳайноқ ҳаётини, уларнинг характерларини, ички дунёсини, руҳий бойликлари ва режаларини билиши керак.

Ёзувчи учун замонавий мавзуда ёзиш бургутнинг парвоз қилиши сингари гапдир. Ўзини халқ хизматига бағишлаган чинакам сўз санъаткори ўз атрофини ўраб турган воқелик ҳақида ёзмасдан тура олмайди.

Ёзувчидан унинг Ватанимиз ўтмишини акс эттириш ҳуқуқини ҳеч ким тортиб олмоқчи эмас, албатта. Павел Корчагин, Чапаев, Давидов, ёш гвардиячилар, Тёркиннинг образлари китобхонга ҳозирги кунда ҳам яқин ва тушунарлидир, улар ҳозир ҳам ҳаяжонлантиради, адабиётимизда, халқимиз ўртасида узоқ вақтгача яшайверади. Чинакам санъаткор томонидан тарихий-революцион мавзуда яратилган асарлар жуда ва жуда замонавий бўлиб жаранглайверади.

Лекин тарихий ўтмиш ҳақидаги асарларга керагича баҳо бериш билан бирга биз ҳозирги кундаги социалистик воқелигимиз бадиий ижодиётнинг жони, қалби эканлигини ҳамиша эсда тутишимиз керак.

Қатта воқеаларга тўлиб-тошган социалистик янги турмуш теварагимизда чашмадек қайнаб тошмоқда, чақмоқдек ярқирамоқда. Агарда ёзувчи воқеаларнинг ичида бўлса, у ўзи куйиб-пишса, жанговар ва ҳайноқ ҳаётимизда жавлон урса у, замонавийлик ҳақида асар ёзмасдан тура олмайди.

Китоб ўзида акс эттирилган воқеаларга қўшилиб, унутиб юбориладиган бўлиб кетмаслиги учун ҳозирги кунда келажакни кўра билиш керак. Ана шу келажакни қоғозда пайдо қилиш, тўқиб юриш керак эмас, балки унинг конкрет белгиларини ҳозирги кундан топа билиш керак — сўз санъаткори бадиий фаҳм-фаросатининг кучи, унинг донишмандлиги мана шундадир.

Ўлкамизда воқеалар шиддаткор суръатда ривожланмоқда. Бизнинг мамлакатимиз тараққиёт ва инсоният бахт-саодати чўққилари сари кўз кўрмаган жадаллик билан бормоқда. Замоनावийликни чуқур тушуниш санъати оперативчилик билан маҳоратни бир-бирига тўғри боғлашдан иборатдир. Шу жиҳатдан олганда менинг фикримча, А. Твардовский, Ф. Панферов, Г. Николаева, М. Ҳусайн, А. Мухтор ва бошқа айрим ёзувчиларнинг ижоди ғоят мароқлидир.

А. Твардовскийнинг «Василий Тёркин» устида олиб борган иши оперативчилик билан маҳоратни бир-бирига тўғри боғлашнинг намунаси, чинакам ижодий қаҳрамонлик эмасмиди, унинг «Узоқлардан-узоқларга» поэмаси устида олиб борган иши шеърятдаги қаҳрамонлик эмасми?

Ёзувчиларимизнинг толеи баланд. Совет турмушимизнинг ўзи, бугун коммунистик эртани яратаётган минг-минглаб кишиларнинг қаҳрамонлик ишлари ёзувчи учун шундай бир материалдирки, дунё ёзувчилари буни ҳеч қачон хаёлга ҳам келтира олган эмаслар. КПСС Марказий Комитети Июнь Пленумининг совет кишиларига Мурожаатидаги қуйидаги оташин сўзларни ўқиганимда шодлик ва ғурурдан юрагинг қинига сиғмай кетади: «Етти йиллик қаҳрамонларининг мардликларини, замонамиз кишиларининг фидокорона меҳнатини халқимиз ҳеч қачон унутмайди, келажак авлодлар улар билан фахрланади, коммунистик жамият кишилари фахрланади, бутун илғор башарият фахрланади».

Жонажон Марказий Комитетнинг ана шу чақириғини ўқир экансан, бу сўзлар шахсан сенга, ёзувчига қарата айтилаётгандай бўлади.

Етти йиллик қаҳрамонлари ўз намунаси билан миллион-миллион ватанпарварларни ана шундай қаҳрамонликларга етакламоқда. Бу намуна ёзувчини ўйлантормаслигини, унда завқ уйғотмаслигини, бугунги қаҳрамонларнинг намунасини тарихий шон-шуҳрат чўққиларига кўтарадиган янги асарлар ёзишга ундамаслигини тасаввур қилиш қийин.

Ёзувчи қанча иш қилмасин, нимаки яратмасин, у қўлга киритган ютуғидан ич-ичида ҳамшиша қониқмаслиги, ўз маҳорати, ғоявийлиги ва олижаноблиги эътибори билан етти йиллик қаҳрамонларининг мардликларига яқинлашадиган янги асарлар яратишга қасд қилиши керак.

Биз Валентина Гаганованинг жасоратига қўйилмиз, биз бунда коммунистик эрта кишиси характери белгиларининг куртакларини кўриб турибмиз. Гаганованинг намунаси — қийинчиликларга қарши юзма-юз боришга тайёр туришда, порлоқ коммунистик идеал йўлида шахсий қулайликни иккинчи ўринга суриб қўйишда намоён бўлган чексиз ватанпарварлик намунасидир.

Элдошимиз, Тошкент область, Гулистон районидаги Ленин номли колхознинг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ғанишер Юнусовда ҳамма нарса — халқ ўртасида шухрати, уйда тўкин-сочин дастурхони, кўнгли хушлаган иши бор эди. Лекин унинг қайноқ жонкуяр қалби ҳамиша олға ва юксакликка даъват этар эди. У илғор бригадага раҳбарлик қилишни ўз шогирдига топширди-да, ўзи қамишзор, ботқоқлик, қўриқ участкани ўзлаштираётган оғир бригадага бошчилик қилишга отланди. У бошлиқ бўлган қўриқчилар бригадаси энг юксак марра учун — ҳар гектаридан 55 центнердан пахта бе-риш учун курашмоқда.

Комсомол аъзоси Жуманазаров бригадаси республикада пахтадан энг юқори ҳосил олиб келар, ўз ишидан ғоят мамнун эди. Лекин, партия чорвачиликни кўтариш вазифасини қўйди. Бунинг учун ширали ем-хашак бўлиши талаб этилар эди. Маккажўхори — ана шундай жуда бой имкониятларга эга бўлган озуқадир. Бизнинг жойларда катта-катта майдонларга маккажўхори экиш янги, демак, анча оғир иш. Шунда Жуманазаров ахир янги машаққатли ишнинг жиловини комсомоллар тутмаса, ким тутади, деб ўйлади. Ёш ватанпарвар ўз бригадаси билан бирга маккажўхори етиштира бошлади. Тажрибаси камлик қилди. Дастлабки кезларда меҳнат ҳақи кескин камайиб кетди, лекин Жуманазаров комсомолларнинг қалбига ишонч бағишлай олди. Фидокорона меҳнат муносиб самаралар берди — бригада ҳар гектаридан 1000 центнердан кўк поя олди. Ҳосил ўсган сайин ёш маккажўхорикорларнинг даромадлари ҳам кескин кўпайди.

Тошкент тўқимачилик комбинатида 40 комсомол аъзоси В. Гагановадан ўрнат олиб қолаётган бригадаларни илғорлар даражасига кўтариш учун ишга ўтди.

Бу кишиларнинг ажойиб қаҳрамонликлари етти йиллик қаҳрамонлари характерларининг белгиларини, улар-

нинг битмас-туганмас жўшқинлигини намоён қилиб турибди.

«Бундай кишилар,— деди яқинда қардош Польшага борган вақтида Н. С. Хрущев — ўзларининг бутун қобилиятларини, бутун қалбларини халқ бахт-саодати учун олиб борилаётган курашнинг умумий ишига бағишлай олганларидагина, ўз олдиларида катта ва юксак мақсад турганини сезганларидагина, ўз ҳаётларини тўқис деб ҳисоблайдилар».

Адабиётда ана шу қаҳрамонларнинг ажойиб образларини, уларнинг порлоқ характерларини, покиза қалбларини, манфаатларининг кўламини акс эттириш — сўз санъаткорларининг энг олижаноб вазифасидир.

Бизнинг совет ёзувчиларимиз фақат кўпроқ иш қилишни, ёрқинроқ ёзишни истаётганликлари учунгина қониқмаслик ҳиссини сезишлари мумкин бўлса керак. Қилган ишингдан қониқмасликкина, янгиликни қидириш, дадил новаторлик қилишгина ҳақиқий истеъдодга майдон очиб беради, ижодий муваффақиятга олиб боради.

Партия Марказий Комитетининг Ёзувчиларнинг учинчи съездига юборган табрикномасида бундай дейилади: «Совет ёзувчилари олдида келажак кишининг, янги ҳаёт бинокорининг маънавий қиёфасини шакллантиришда актив иштирок этишдан иборат фахрли вазифа турибди. Совет ёзувчилари кишиларни коммунизм учун курашга илҳомлантирмоқлари, уларни коммунистик ғоявийлик руҳида тарбияламоқлари, уларга юксак ахлоқий сифатларни, буржуа идеологияси ва ахлоқига мурасасиз бўлиш хусусиятларини сингдирмоқлари керак».

Партиянинг бу чақириқларига муносиб жавоб бериш — қалбнинг амри, ҳар бир ёзувчи юрагининг даъватидир.

Никита Сергеевич Хрущев Ёзувчиларнинг учинчи съездида сўзлаган ажойиб нутқида ижобий ўрнакнинг, ижобий қаҳрамоннинг ролини жуда тўла-тўқис, ёрқин ва образли йўсинда кўрсатиб берди. Айни вақтда у сатиранинг юксак роль ўйнашини ҳам таъкидлаб ўтди: «сатира у ёки бу иллатлар, сарқитлар ва камчиликлар устидан заҳарханда қилиш билан кишиларни касалликдан огоҳлантиради, кишиларга камчиликларни битиришда кўмаклашади».

Қаҳрамонлари мардликка даъват этадиган романни ҳам, дилга олижаноблик бағишлайдиган лирик шеър-

ларни ҳам, ўтмишнинг кишилар онгидаги сарқитларини ўткир тилда савалайдиган қувноқ, ҳаётбахш сатирани ҳам халқ севади. Хуллас ҳар қандай жанрда ижод қилиш учун ҳар бир ёзувчига кенг майдон очиб қўйилган.

Партиянинг ишончини, халқнинг ишончини оқлаш, партиянинг чақириғига жўшқин ижодий дадил асарлар, мардона новаторлик, юксак ғоявийлик, зўр маҳорат билан жавоб бериш, яхши ва ранг-баранг асарлар яратиш — ҳар бир совет ёзувчисининг муқаддас бурчидир.

Ана шу улуғ бурчни шараф билан бажариш учун жуда катта меҳнат талаб қилинади, ижодий жасорат кўрсатиш, ижодда қаҳрамонлик қилиш талаб этилади.

Ватан уруши вақтида ҳамма жойда учрайдиган шиорлар эсга маҳкам ўрнашиб қолган: «Бугун сен фронт учун нима қилдинг?» ёки «Сен фронтга нима билан ёрдам бердинг?» дейиларди.

Ҳозирги кунда улуғ етти йилликнинг режаларини муддатидан илгари бажариш учун кураш — меҳнат фронтининг, тинчлик фронтининг олдинги линиясидир.

Ўз жонажон халқи учун, севикли Ватани учун ишлаётган ёзувчи вақти-вақти билан ўзига шундай савол бериши керак: «Сен етти йиллик учун нима қилдинг?», «Сен етти йиллик учун курашга нима билан ёрдам бердинг?». Бу — қалбимизнинг амридир.

АШУЛА ИНСОННИНГ ДУСТИ

Ашула — санъатнинг кенг халқ оммаси орасига жуда сингиб кетган туридир. Ашулани севмайдиган, уни айтмайдиган киши бўлмаганидай, ҳаётда ашула бўлмайдиган жойни тасаввур қилиш ҳам мумкин эмас. Бепоён ватанчимизнинг ҳамма ерида: шаҳарларида, қишлоқларида, яйловларида, далаларида ашула ва музика доимо янграб эшитилиб туради. Ашула ва музика халқ ҳаётига бир кўрк ва файз бағишлайди. Коммунистик қурилишнинг барча соҳаларида меҳнат қилаётган совет кишиларига куч ва илҳом беради. Меҳнаткашларни янги-янги ғалабаларга сафарбар қилади, уларнинг маънавий ҳаётини бойитади.

Ашула ҳақиқатан ҳам, ҳамма ерда ҳар қандай вазиятда инсоннинг ажралмас дўстидир. Кишилар ўз ҳаяжонини, шодлигини ёки қайғусини ашула билан ифода қилишга одат қилганлиги бежиз эмас.

Ашулага ҳаёт ва узоқ умр бағишловчи ҳам, шоир ва композиторлар томонидан яратилган ашулаларнинг одил танқидчиси ҳам халқдир. Халқ ўзи севган ашуласини ва музикасини жуда тез машҳур қилиб юборади, бундай ашулалар ва музикалар халқимизнинг қалбидан чуқур жой олгани учун унутилмас бўлиб қолади. Халқнинг орзумидларини, кураш ва ғалабаларини содда ва чиройли баён қилиб берган ашулаларни халқнинг ўзи авлоддан-авлодга ўтказиб абадийлаштириб юборади. Айниқса, бизнинг Совет мамлакатимизда, Коммунистик партиянинг раҳбарлиги остида, саноат ва қишлоқ хўжалиги, санъат ва адабиёт беқиёс ўсиб, гуллаб бораётган мамлакатда,

кенг халқ оммаси меҳнат соҳасида қаҳрамонлик намуналарини кўрсатаётган бизнинг ватанимизда ажойиб ашулаларнинг ижодчиси ҳам, ижрочиси ҳам, баҳоловчиси ҳам шу халқнинг ўзи бўлиб қолди.

Шунинг учун ҳам ашулага нисбатан халқимизнинг талаби кундан-кун ортиб бормоқда. Қолхоз далаларида, ишлаб чиқаришда, уйда, залларда, боғларда кишиларни ашула айтиб ё ишлаётганини, ё дам олаётганини кўрамиз.

Шу билан бирга, кишиларни коммунистик руҳда тарбиялашда партияга ёрдам берувчи совет адабиётининг жуда муҳим жанрларидан бири бўлган ашуланинг тарбиявий аҳамияти бениҳоят каттадир. Ашула кишилар юрагида юксак инсоний туйғуларни, фазилатларни пайдо қилиши ва уларни ўстириши лозим. Ашула кишиларимизнинг, шу жумладан, ёш авлоднинг социалистик Ватанга, жонажон Коммунистик партияга бўлган муҳаббат ва садоқатини мустаҳкамлаб бориши, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлишини, севгига ҳурмат ва фидокорлик туйғусини тарбиялаб бориши керак. Шу билан бир қаторда, кишиларимизнинг юрагида Совет Ватанининг душманларига қарши нафрат ва ғазаб ҳиссини кучайтиришда, қаҳрамонлик ҳиссини мустаҳкамлашда ашула катта аҳамиятга эгадир. Ашула яратувчи шоир ва композиторларимизнинг зиммасига юклатилган вазифанинг нақадар шарафли ва юксаклиги шундан маълумдир.

Ўзбек совет композиторлари ва шоирлари ижодий ҳамкорликда ишлаб, кейинги йилларда бир қатор яхши, халққа манзур бўлган ашулалар яратдилар. Булардан бир қанчаси мамлакатда машҳур бўлиб қолди. Шоирлар билан композиторларнинг ижодий ҳамкорлиги кун сайин мустаҳкамланиб бормоқда. Бу ҳамкорлик бундан кейинги янги-янги муваффақиятларимизнинг ҳам асоси бўлиб қолади.

Композиторлар билан биргаликда ашула яратган шоирларнинг кўпайиб бораётганлигини ҳам хурсандлик билан қайд қилиб ўтиш керак. Бу соҳада бир қанча ўртоқлар ишлаб келмоқдалар. Буларнинг қаторига янги-янги номлар ҳам келиб қўшилмоқда. Улар томонидан яратилган энг яхши ашулалар концерт программаларидан мустаҳкам ўрин олди.

Лекин халқимизнинг ашула ва музыкага нисбатан бўлган талабига қараганда, бу эришган муваффақиятларимиз ҳали етарли эмасдир. Яхши ашулалар шоирлар

томонидан ҳам, композиторлар томонидан ҳам кам яратилмоқда. Ғоявий-бадий жиҳатдан юксак ёзилган ашулаларни концертларимизда камдан-кам эшитаётимиз.

Масаланинг ташвишланадиган томони шундаки, концерт программаларида савияси паст ашулалар кўпайиб бормоқда. Бу ҳолга бепарво қараш мутлақо мумкин эмас. Композиторлар Союзининг ҳам, ёзувчилар Союзининг ҳам бу соҳадаги вазифаси, фақат ашула яратиб беришгина эмас, балки, юз берган ва юз бериши эҳтимол бўлган нуқсонларнинг олдини олиш учун курашишдан ҳам иборатдир.

Бу соҳадаги камчилик ва нуқсонларни танқид ва ўз-ўзини танқидни кучайтириш йўли билан, бу ишга ҳар икки союзнинг биргаликда контроллигини кучайтириш йўли билан, шоирлар ва композиторларнинг ижодий ҳамкорлигини кучайтириш йўли билан йўқотиш мумкин.

Ашулаларимизда қандай камчиликлар бор?

Авалло шуни айтиш керакки, бизда ҳали яхши текстлар етарли даражада эмас. Яхши текст — бу мукамал ишланган поэтик асардир. Бундай шеърлар музика билан ижро этилганда қандай таъсирли бўлса, музикасиз ҳам, яъни бу шеърларнинг ўзини ўқиган пайтимизда ҳам, шундай таъсирлари бўлади. Чунки бу текстларда, ўзига мос тушган ёқимли музикадан ташқари, юксак мазмун пишиқ бадий формада ўз ифодасини топган бўлади. Рус композиторларининг атоқли рус совет шоирлари билан биргаликда яратган жуда кўп ашулаларини биламиз.

Ўзбекистонда ҳам «Жон қизлар, жонон қизлар» (Зулфия шеъри, С. Калонов музикаси), «Партия ҳақида ёшлар қўшиғи» (Асқад Мухтор шеъри, С. Юдаков музикаси), «Виждон ила севдим» (Собир Абдулла шеъри, Т. Жалилов музикаси), «Гўзал ўлкам» (Ҳабибий шеъри, Изомов музикаси) ва яна бир қанча яхши ашулалар яратилди. Булар ҳали халқимизнинг талабига нисбатан оз.

Ашула текстлари кам яратилмоқда деймиз. Шоирлардан, композиторлардан ташқари халқ бу гапни кейинги вақтда ҳаммамизга тез-тез айтмоқда. Лекин бир жиҳатдан қараганда, ашула кўплаб яратилмоқда, улар ниҳоят даражада кўп. Бироқ буларнинг кўпчилиги қатор-қатор жиддий камчилик ва нуқсонларга эга. Хўш, кўплаб яратилаётган бу ашула текстларининг камчилик ва нуқсонлари қерда?



Биринчидан, бу шеърларда, бадий равишда ифодаланган конкрет мақсад йўқ. Янги яратилган ҳар қандай поэтик асарнинг асосини бирор оригинал фикр ташкил қилиши лозим. Текстдаги мисралар, тўртликлар узвий равишда ўзаро боғланиб, асосий фикрнинг очилиши учун хизмат қилиши керак. Биз кўп шеърларда поэтик асар учун зарур бўлган бу ҳолни кўрмаймиз. Мақсади, фикри насия қилинган бу шеърлардаги тўртликларнинг бирида боғдан гапирилса, иккинчисида тоғдан гапирилади.

Бунга кўпгина текстларнинг автори бўлган шоир Қамтарнинг «Куйлайман» деган шеъри яққол мисол бўла олади. Мен унинг музыкаси ҳақида бирор нарса дейишга ожизман. Текст ҳақида шуни айтишим керакки, бу шеър бошдан охиригача бир-бирига боғланмаган, пойма-пой гаплардан иборат бўлиб қолган. Масалан:

Жаҳонда энг бахти кулган инсонман,  
Мен халқимнинг бахт-иқболин куйлайман.  
Даврим гўзал, чин соҳиби давронман.  
Куйлайман, жон дўстлар, куйлайман.  
Меҳнат завқи қайнар баҳор, ёзимда,  
Зафар оҳанглари жўр овозимда,  
Коммунизм таронаси созимда,  
Куйлайман, жон дўстлар, куйлайман.

Бунга яна шунча мисра қўшсангиз ҳам, ёки бир-икки мисра олиб ташласангиз ҳам сезилмайди. Чунки авторнинг айтмоқчи бўлган асосий мақсади аниқ эмас.

Ашула тексти поэзиянинг гули бўлмоғи керак. Унда, шеърнинг бошқа бирор турига қараганда ҳам, сўзлар танлаб-танлаб олинган бўлиши ва ўша танлаб олинган сўзларнинг ҳам ўз ўрнига қўйилган бўлиши, ортиқча ёки ёпишмай турган бирорта сўзнинг бўлмаслиги шарт. Аммо бу шеърнинг «Жаҳонда энг бахти кулган инсонман», «Даврим гўзал, чин соҳиби давронман» деган мисралардаги сийқа фикрлардан ташқари, ундаги «энг», «чин» каби ортиқча эпитетлар ҳам шеърни бачканалаштириб юборган.

Шу шоирнинг «Тасаддуқман» деган яна бир текстини олиб кўрайлик:

Гўзал ўлкам, сенинг кенг пахтазорингга тасаддуқман.  
Чаман гулларга тўлган ҳар баҳорингга тасаддуқман. . .

Тасаддуқ сенга жоним, нурга тўлган бахтиёр ўлкам,  
Чиниққан қаҳрамон, мард пахтакорингга тасаддуқман.

ва бошқа-бошқалар. Бу шеърда ҳам, худди биринчи шеърдаги сингари, асосий фикр йўқ. Демак, ҳали шеър йўқ. Бу текстдаги мисралар асосий фикрни кенгайтирувчи ва кучайтирувчи сифатида эмас, балки, бир-бирига алоқаси бўлмаган, ўз ҳолича айрим-айрим фикрларни ташиган гаплар бўлиб қолган. Бу шеърнинг бошланиши ва охири қаерда, буни билиб бўлмайди. Ашулани «Гўзал ўлкам» деб бошланган мисрадан ҳам бошлаш мумкин. «Тасаддуқ сенга» деб бошланадиган мисрадан ҳам бошлаш мумкин. Истасангиз шеърнинг охиридан бошлаб ўқиб, ё ашула қилиб айтиб чиқиш ҳам бемалол. Шеърга ҳеч қандай зарар етмайди. Мисралардаги фикрлар шу қадар пойма-пойки, автор биринчи мисрада қандай фикрни баён қилди, иккинчи мисрада қандай фикрни баён қилмоқчи, бунинг автор учун сира аҳамияти йўққа ўхшаб кўринади.

Ўзбек шоирлари ва композиторлари бу ишда рус совет шоирлари ва композиторларидан кўп нарса ўрганишлари керак. Лебедев — Кумач, М. Исаковский, А. Сурков, А. Жаров, М. Светлов, Л. Ошанин ва бошқа рус шоирлари томонидан ёзилган машҳур ашула текстлари биз учун ёрқин намуна бўла олади.

Иккинчидан, кейинги вақтларда мазмун ва бадий жиҳатдан бўш, тўғриси айтганда, халтура шеърларга баъзи композиторларимиз музика ёзмоқдалар.

Концерт пропраммаларидан кенгроқ жой олиб келаётган, тасодифий равишда кўпаяётган бу текстлар фақат 5—10 сўзнинг турли хилдаги тизмаларидан иборатдир. Бу текстларнинг авторлари бизга фокус кўрсатаётганга ўхшайдилар: улар ўз халтачаларидаги бори-йўғи шу беш-ўн сўзни дам унақасига, дам бунақасига тизиб, баъзан эса, уларнинг бирини оқ, бирини кўкка бўяб, ялтиратиб, кўзимизга кўрсатмоқдалар. Аммо биз уларда энг керакли нарсани — поэтик фикрни кўрмаймиз. Оригинал фикрнинг бўлмаганлиги устига бу хилдаги текстлар фақат сўзларнинг механик равишда тизилган йиғиндидан иборат бўлиб қолмоқда. Натижада, фикр ва ҳаяжондан, гўзаллик ва ҳисдан маҳрум, бетаъсир, эшитувчиларнинг энсасини қотирадиган ашулалар кўпаймоқда.

Бу хил «шеърлар»нинг авторларини, шу текстни ёза-

ётган вақтда фикр эмас, балки, қофия билан радифлар қулоғидан судрагандаё олға етаклаб боради, улар «зорингга», «ёрингга», «борингга» каби сўзларни қофия ёки радиф қилиб оладилар-да, ундан сўнг, мисралардаги бўш жойларни эсга биринчи келган ҳар қандай сўз билан тўлғазаверадилар. Баъзи назмчи ўртоқлар қорабайир отга — ҳайвонга, «бу бебаҳо зотимиз» деб юборганларини ўзлари ҳам сезмай қоладилар.

Бу нуқсон айниқса, аруз вазнида тайёр музыкаларга ашула ёзиб бераётган қофиябозларнинг «асарлари»да кўпроқ учрайди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, айниқса мен кўрган текстлар ичида ўртоқ А. Пўлатнинг «Келдилар» деб сарлавҳа қўйилган шеъри жуда характерлидир. Мана, ўша шеърдан бир-икки парча:

Эй менинг рўйи баҳорим лозазорим (?) келдилар,  
Чин кўнгил мулкида бўлган гул баҳорим келдилар. (?)

Олма-ю, анжир, анор, шафтолизор жой яхшидир,  
Эл учун шарбат булоқли шўх оқар сой яхшидир. (?)

Бу шеърда ҳам, юқорида айтганимиздек, фикр эмас, форма, айниқса қофия ва радифлар авторни етакловчи эканини очиқ кўриш мумкин. Лекин ўртоқ А. Пўлатнинг бу соҳада тиришиб ишлаётганини, озми-кўпми иш қилаётганини ҳам қайд қилиш керак.

Ҳақиқий шоир ҳеч қачон қофия ва радифга, қисқаси, ҳар қандай формага қул бўлиб қолмайди. Бу хил хом-хатала ёзилган текстлар ашуладан кутилган завқни бермайди. Шунинг билан бирга, томошабинлар дидини пасайтириб, уларнинг ашула ва музыкага бўлган ҳавасини сўндириб юбориши мумкин.

Айб вазнда эмас, албатта. Буни исботловчи факт ва мисолларни халқ ижодидан ва классик адабиётимиздан истаганча келтириш мумкин.

Масалан, Навоийнинг:

Кеча келгумдир дебон, ул сарви гулрў келмади,  
Кўзларимга кеча тонг отгунча уйқу келмади,—

деган байтидаги фикрнинг аниқлигига, қофия ҳамда радифларнинг мақсадга бўйсундирилганлигига қойил

қоласан киши. Шу икки мисрадаги сўзларнинг бирортасини олиб ташлаш ёки бошқа сўз билан алмаштириш ҳеч мумкин эмас.

Ашулалардаги яна бир камчилик шуки, композиторларимиз текстга талабчанликни сусайтириб юбордилар. Лекин ҳамма композиторларни шундай деб ёппасига айблаб бўлмайди, албатта. Текстларни мазмун ва бадиий жиҳатига қараб танлаб оладиган, арзимайдиган текстларга қўл урмайдиган диди баланд композиторларимиз ҳам бор. Аммо, баъзи композиторлар борки, ким нима ёзиб берса, у ёзиб берилган нарса фақат «шеър» деб аталса бўлди, ўйламасдан, ўзича мулоҳаза қилиб кўрмасдан уларга музика ёзиб бераверадилар. Бу ўртоқлар ашулада текст эмас балки, музика ҳал қилувчи ролни ўйнайди, деб ўйласалар керак. Ҳақиқатда эса, бу нотўғри фикрдир. Мана шу фикрни қувватловчи баъзи композиторлар эса савияси паст, ашула учун муносиб бўлмаган текстларга музика ёзиб халққа тақдим қилмоқдалар.

Айрим ҳолларда бундай текстларнинг тез вақт ичида миси чиқиб қолади. Композиторлар эса, ўзларининг яхши ишланган, меҳнат қилиб ижод қилган музикаларига янги бир текст излаб юрадилар. Ана шундай ҳолга тушиб қолмаслик учун композиторлар ҳар томондан пишиқ текстларга музика ёзишлари керак.

Шу нарсани қайд қилиб ўтиш керакки, тугуруқсиз текстларни яратувчи ва поэзиядан узоқ баъзи кишилар радио комитетининг музика редакцияси, филармония, эстрада ва бошқа концерт ташкилотларининг эшиклари олдида ҳамма вақт шайланиб турадилар. Композиторлар «текст керак» дейиши билан, бу кишилар дарров унинг қўлига ўзларининг тугуруқсиз назмларини қўшалок қилиб тутқазадилар. Бу хилдаги назмчилар тўғрисида атоқли совет шоири М. Исаковский шундай деган эди:

«Журналларга ёзган нарсаларини ўтказа олмаган, шеър ёзиш қўлидан келмайдиган баъзи кишилар ашула ёза бошлайдилар. Шундай қилиб истаган темада, истаган миқдорда ва истаган мисрадан иборат шеър буюртмаси қабул қиладиган ҳунармандлар пайдо бўлади. Натижада, ашула жанри булар томонидан яратилган яроқсиз ва шубҳали текстлар билан тўлиб-тошиб кетади».

Менинг фикримча, ашулада шеър билан музыка бир хил савияда турмоғи, булар бир-бирига мос тушган ҳолда, бир-бирини тўлдирмоғи ва таъсирда баб-баравар юксакликда турмоғи лозим.

Ўзбек шоирлари ва композиторларининг халққа манзур бўлиб келаётган қатор ашулаларининг фазилати ҳам мана шундадир.

Кўпинча композиторлардан «текст йўқ, шоирлар ашулабоп шеърларни ёзмаётирлар» деган гапни эшитишга тўғри келади. Бу бир жиҳатдан тўғри ва ҳақли талаб. Кўпгина шоирлар ашула жанрига етарли эътибор бермайдилар. Баъзи таланти шоирларимиз ҳам ашула учун ёзган шеърларини мазмун ва бадиий жиҳатдан, бошқа шеърларига қараганда қўл учида ишлаб берадилар. Кейинчалик эса, бу шеърларни ҳатто ўз тўпламларига киритишни ҳам лойиқ кўрмайдилар.

Бошқа жиҳатдан қараганда, композиторларнинг ашула тексти ҳақидаги бу талаблари «олма пиш, оғзимга туш» деганга ўхшаб қолаётир. Чунки, шоирларнинг ҳар йил янги-янги шеърый тўпламлари нашр этилмоқда. Булардан ташқари, газета ва журналларимиз саҳифаларида хилма-хил темаларга бағишланган ўнлаб шеърлар босилиб турибди. Наҳотки, шулар ичидан ашула учун мувофиқ текст топилмаса? Бунинг учун фақат излаш, қидириш ва шоирлар билан композиторлар ўртасидаги дўстона ижодий ҳамкорликдан унумли фойдаланиш керак, холос.

Бу фикрни исботлаш учун мен шоир М. Исаковскийнинг яна бир гапини эслатиб ўтаман. Исаковскийнинг «Вдоль деревни», «Провожанье», «И кто его знает» каби машҳур ашулаларининг тарихи композиторлар учун ибрат бўла олади. «Мен,— дейди Исаковский,— 1935 йилда кинога кириб қолдим. Киножурналда колхоз бадиий ҳаваскорлари коллективларининг концерти кўрсатилди. Экранга колхоз хори чиқди, уларнинг айтаётган ашуласи менга жуда яқин туюлди. Шунда мен бу — «Вдоль деревни» деган ўз шеърим эканлигини дарров пайқадим. Кейин суриштириб билсам, композитор В. Захаров менинг бу шеъримни қаердандир ўқибди ва уни музыкага солибди». Яна М. Исаковский шундай дейди: «Мен, баъзи ҳолларни мустасно қилганда, ҳеч қачон ашула учун текст ёзган эмасман. Мен шеърларни фақат ўқиш учунги-

на ёзганман, холос. Агар улар музыкага тушган бўлса, яна яхши».

Хўш, нима учун бизнинг композиторларимиз шундай қилмайдилар? Менинг фикримча, композиторлар шоирларнинг китобларини варақлаб ўқисалар, изласалар, шеърларнинг фақат формасига, яъни музыкага тушадими, ёки тушмайдими деб қарамасдан, балки шеърнинг мазмуни, таъсирига ҳам қараб текст танласалар, керак бўлиб қолган тақдирда, ўша автор билан биргаликда ишласалар, шубҳасиз, янги ва яхши ашулаларга кўплаб эга бўламиз.

Шоирлар ўртасида бу ҳолнинг тескарисини ҳам кўриш мумкин. Ашулага текст ёзувчи баъзи ўртоқлар музиканинг қудратига суяниб қолганлар. Ҳақиқатан ҳам, музика ўзининг киши қалбини мафтун этувчи қудрати билан айрим жонсиз шеърларга қанот бериб юборади. Бундай текстларни музикадан ажратиб, ўқиб ёки эшитиб кўринг, авторнинг нақадар ожизлигини яққол сезасиз. Бундай авторлар фақат музыкага суяниб иш кўрадилар, холос.

Бу ерда баъзи текстларни эслатиб ўтиш кифоядир.

Масалан, «Волга-Дон ҳақида қўшиқ» деган бир шеърни эслайлик. Бу текстга бир ҳурматли композитор музика ёзган. Мен бу ерда ҳам музика ҳақида бирор нарса дейишга ожизман. Лекин, шу текстдан тўрт йўлини мисолга келтириб ўтмоқчиман:

Салом сенга, она Волга,  
Тинчлик сенда барқарор, (?)  
Коммунизм кўчасида (?)  
Оқа бергин улуғвор.

Шеър мана шу сингари ўйламасдан, таваккалига айта берилган гапдан иборатдир. Бу — шундай шеърлардан биргина мисолдир. Аммо гигант қурилишларга бағишлаб ёзилган бундай текстлар бизда жуда кўп. Бу текстлар, ашула санъатигагина путур етказмай, шунинг билан бирга, давлат аҳамиятига эга бўлган оламшумул ишларимизнинг аҳамиятига ҳам салбий таъсир етказди.

Бундай текстларни ўқиганда, шеър ёзиш ёнғоқ чақишдай осон деб ўйловчиларга: «Нега, ҳеч ким ҳеч нарса демаётир?» деб ачиниб кетасан киши. Бундай шеърларга мисол қилиб «Донгдор қиз», «Деҳқон қўшиғи» шеърларни ҳам кўрсатиш мумкин.

Юқорида келтирилган асосий камчиликлардан ташқари, ашулаларда яна қатор-қатор камчиликлар борки, булар тўғрисида ҳам гапириб ўтиш фойдадан холи эмас.

Ашулаларимизнинг кўпи бир-бирига ўхшаб қолмоқда. Бу ашулаларимизда катта нуқсондир. Бунинг сабаби нима? Бунда ҳам яна ўша тақлидчи назмчилар ишни бузмоқда. Масалан, бир шоир яхши бир текст ёзса, ҳалиги тақлидчилар дарров ўша текстнинг янги-янги вариантларини ёзиб тақдим қиладилар. Масалан, Зулфиянинг «Жон қизлар, жонон қизлар» ашуласидан кейин шу темада пайдо бўлган ўнлаб текстларни кўрсатиш мумкин. Баъзи композиторларнинг тақлиддан иборат текстларга музыка ёзганликлари ҳам кишини ҳайратда қолдиради. Еш шоир Пўлат Мўминнинг «Сайрайман» ашуласидан кейин яратилган Камтарнинг «Куйлайман», яна бошқа ўртоқларнинг «Ўйнайман», «Яйрайман» формасида тўқиб ташлаган вариантлари фақат ачинарли кулгига сабаб бўлмоқда, холос. Бирор темада маълум бир асар борлигини билганинг ҳолда шу темада сен ҳам ёзар экансан, ундан кейин ёзганинг учун, у асардан ўтказиб юборишга ҳаракат қилишинг, жуда бўлмаса, ундан тамоман фарқ қиладиган асар яратишинг керак. Бўлмаса ёзмай: қўя қолганинг маъқул. Кейинги вақтда ашулада кучайиб кетган тақлидчилик яхши ашулалар ва яхши музыкаларимизнинг таъсирига зарар етказмоқда.

Ашулаларнинг тематик доираси ҳам жуда тор. Улуғ коммунистик партиямиз ҳақида, Жонажон Ватанимиз ҳақида, унинг қудрати, бойлиги ва гўзаллиги ҳақида, совет халқларининг мустақкам дўстлиги ҳақида ғоявий-бадий жиҳатдан юксак ашула ва музыкаларни кўплаб яратишимиз керак. Бу темаларда яратилган анчагина ашулалар ҳам бор. Бироқ, уларнинг баъзиларида жиддий нуқсонлар мавжуд. Масалан, кўпгина яхши ашула текстларининг автори бўлган Аҳмад Бобожоннинг «Тинчлик учун кураш» темасида ёзилган тексти бунга мисол бўла олади. Бу шеърни шоир тайёр музыкага ёзганлиги сезилиб турибди. Тинчлик учун кураш темаси жанговар оҳангларни талаб қилади, Шеърда шундай мисралар учрайди:

«Куйла тинчлик ялласин  
куйлагил торим менинг»  
«Меҳри ишқ тан уйида (?)»

жон Ватан фарзандиман.»  
«Олам ичра тенги йўқ жонон (?)  
Ватан фарзандиман»  
«Доимо тинчлик дегайман, то  
жаҳонда борман.» (?)

Тинчликка бағишланган бу шеърда тинчлик ҳақида дурустроқ айтилган бир гап йўқ. Туйғусиз, ҳаяжонсиз ай-тилган бу гаплар тинчлик соҳасида олиб бораётган буюк ишларимиз олдида жуда ожиздир.

Айниқса, лирик ашулаларнинг кам яратилаётганлиги, ашула соҳасининг сезиларли камчиликларидан биридир. Ҳозирги замон темаларида ёзилган, замондошларимиз, совет кишиларининг севгисини, вафодорлигини куйловчи ашулалар жуда оз. Бу камчиликни тездан тузатишимиз зарур. Ҳазил ва ҳажвий ашулалар тўғрисида ҳам шу фикрни айтишга тўғри келади.

Ашула яратиш соҳасидаги ишларимизнинг ташкилий томонини ҳам кўздан кечириш, қайтадан кўриб чиқиш вақти келганга ўхшайди. Бу масалада бир қатор тартиб-сизликларга йўл қўйилмоқда. Ҳар бир ашула дунёга келгунча асосан уч этапни босиб ўтди. Текстнинг яратилиши, музика ёзилиши, ниҳоят ижро. Буларнинг ҳаммаси тенг аҳамиятга эгадир. Яъни, биз ашулага юксак савияли текст ва музика ёзилишини талаб этганимиздай, уни маҳорат билан ижро этилишини ҳам талаб қиламиз. Кейинги вақтларда арзимайдиган текстларга яхши музикалар ёки бунинг тескараси, яъни яхши шеърларга мутлақо мос келмайдиган музикалар ёзилгани маълум. Худди шунга ўхшаш, яхши ашулалар ёмон ижрочиларнинг қўлига тушиб қолмоқда. Бундай ижрочилар шеърлардаги сўзларга жонсиз нарсаларга мурожаат қилгандай муносабатда бўладилар. Сўзларни бузиб айтадилар ва ҳоказо. Ҳаммадан қизиғи шундаки, энг яхши, атоқли ижрочи — артистларимиз баъзан савияси паст текстга ёзилган ашулаларни ижро қилиб қоладилар. Бундай ҳолларда айбдорни ҳам тополмай қоласан киши. Бу артистлар тингловчилар ўртасида ўз обрўларини туширадилар, холос.

Яқинда бир фактнинг гувоҳи бўлдик. Бир артист Пўлат Мўминнинг «Ғайратим бор» ашуласини ижро қилди. Ашула текстида автор томонидан содир бўлган нуқсонлар ҳам қулоққа чалиниб туради. Масалан, кекса бир



деҳқон ҳеч қачон: «Чол бўлсам ҳам йигитлардай ғайратим бор» демайди, албатта. Деганда ҳам шу гапни ашула қилиб айтмаса керак. Текстдаги бундай нуқсонлар устига, шоирнинг айтишига қараганда ижрочи ҳам ўз ихтиёрида «тузатиш» киритган, яъни ашулага ўзича янги бир мисра қўшиб, яъни «Партиянинг ёши билан тенгдир ёшим» деган бир мисра қўшиб, катта хато қилиб қўйган.

Қисқаси, ашула текстлари қабул қилишни бир ерга марказлаштириш, ижрочилар фаолияти устидан ҳам назоратни кучайтириш керак бўлиб қолганга ўхшайди.

Баъзи текстлар. ўз авторларининг ашулага хос хусусиятлардан беҳабар эканликларини очиқ айтиб туради. Айрим ўртоқлар эса, бундан хабардор бўлсалар ҳам негадир эътибор бермайдилар. Аҳвол шундай экан, шоирлар ўртасида ашула текстлари яратиш тўғрисида, ашула учун энг зарур бўлган бадиий маҳоратни эгадлаш тўғрисида лекция ва муҳокамаларни тез-тез уюштириб туриш керак.

Янги ашула текстларига кўплаб эга бўлиш учун рус шоирлари ва композиторларининг намуна бўладиган ашулаларини ўзбек тилига таржима қилдириш ҳам керак.

Бу соҳада анчагина камчиликларимиз бор. Лекин бу камчиликларни тугатиш учун бизда ҳамма имконият ва шарт-шароит мавжуд. Масаланинг энг муҳим томони шоирлар ва композиторларга, ўзимизга боғлиқдир. Бу ишлар юзасидан Союзларимизга яқиндан ёрдам беришимиз, биздан талаб қилинадиган ижодий ишга киришмоғимиз зарур. Қаҳрамон совет халқига муносиб мазмунли ва ёқимли ашулалар яратайлик.

АДАБИЙ УЙЛАР

ИККИ ОҒИЗ МУҚАДДИМА

Эстетик тарбия масаласи айниқса ҳозир долизарб масала.

Бугунги кунимиз ҳар бир адабиётчидан «Сиз китобхоннинг дидини ўстириш учун нима қилдингиз? Бадний адабиётни қандай тарғиб қиляпсиз?» деб сўрайди.

Топган гул, топмаган бир боғ пиёз дейдилар. Қуйидаги фикрларни хаёлимга келиб қолган жойида ён дафтарларимга ёзиб юрар эдим, келажакда балки бошқа ерга кўчат қилиб кўчираман деб ўйлар эдим. Бир марта ҳаммасини йиғиб мақолага айлантирмоқчи ҳам бўлдим, лекин яхлит нарса чиқмади. Шундан кейин бошқа фикр туғилди: назмда рубои бор, насрда шингил ҳикоялар, адабиётшуносликда ҳам кичик-кичик нарсалар ёзиш мумкин эмасмикан?

Мумкинлигини кўрсатувчи мисоллар мавжуд.

Бу ерда бадний маҳорат масалалари ҳам тилга олинади. Бу—моҳирликнинг натижаси эмас, аксинча, маҳоратга бўлган эҳтиёж ва интилишнинг натижасидир.

ҲАЁТ ВА ЕЗУВЧИ

«Адабиёт доим халқ ҳаёти билан боғлиқ бўлсин!» деган партиявий чақириқнинг ҳикмати жуда катта.

Менинг тасаввуримда, агар халқ ҳаёти тинмай оқаётган улуғ бир дарё бўлса, чинакам зўр асарлар шу дарё буйидаги ГЭСларга ўхшайди. Езувчи деривацион канал қазиб, шу дарёдан ўз ГЭСига обиҳаёт олиб келади. Агар канал етарли даражада чуқур ва кенг бўлса, агар ундан

оқиб келувчи обиҳаёт турбина парракларига зарур бир баландликдан келиб урилса, дарёнинг қудрати нурга, ҳароратга, «бадий энергияга» айланаверади. Йўқ, агар парракларга келиб урилайётган обиҳаёт керагидан оз бўлса, ёки етарли бир юксакликдан оқиб тушмаса, ё турбиналар яхши ишламаса, унда на ёруғлик бўлади, на иссиғлик.

Езувчининг ўз ҳаёти ва ички дунёси шу ГЭСнинг турбиналари каби хизмат қилади. Ҳаёт дарёси мана шу турбиналар орқали ўтгандагина нур ва ҳарорат беради.

Лекин баъзи бир ўргамчик авторлар борки, улар асар ёзишга киришсалар ўз ҳаётий тажрибаларини бир четга йиғиштириб қўядилар, ўз ички дунёлари билан қаҳрамонларини бойитолмайдилар. «Адабий асарнинг қаҳрамонлари бошқача бўлиши керак, ўзини бошқача тутиши керак» деб ўйлайдилар-у, фақат командировкага бориб кўрган ёки бошқа китобларда ва матбуотда ўқиган нарсаларигагина асосладилар. Ваҳоланки ҳаётни ўрганиш деган сўз аввало одамларни ва уларнинг ички дунёларини ўрганиш деган сўздир, одам сифатида ўзини ҳам яхши билиш деган сўздир.

Катта адибларнинг ўз ҳаётлари билан қаҳрамонларининг ҳаётлари бир-бирига жуда киришиб кетган, кўпинча факт билан тўқиманинг чегарасини тополмайсиз. Дунёга машҳур Анна Каренина образини олинг. Лев Толстой унинг ички дунёсини шундай ажойиб қилиб очиб берганки, одамлар Аннанинг прототипларини қидирганлар. Шунда Л. Толстой айтган экан: «Анна Каренина ҳам менинг бир бўлагимдан бино бўлган».

Бунинг маъноси шуки, Л. Толстой ҳаётда Анна Каренинага ўхшаган одамларни кўп кўрган, Аннанинг образига воқеликдан олган беҳад чуқур билимлари ва таассуротларини киритган-да, ўз ички дунёсидан шунга мос бир қисмини ҳам бериб, образга жон ато қилган ва уни тирик одамга айлантирган.

Бу бадий принципни ҳар бир совет адабиётчиси ўз ижодида татбиқ этиши мумкин. Чунки дунёда бир-бирига мутлақо ўхшаш иккита япроқ бўлмаганидай, бир-бирининг ҳаётини ва ички дунёсини айнан такрорлайдиган иккита одам ҳам бўлмайди. Ҳар бир совет кишисида, демак ҳар бир илғор совет адабиётчисида ўзига хос ва такрорланмас ҳаётий тажриба, одамларни қизиқтира олувчи, бойта олувчи ҳис-туйғулар, фазилатлар бўлади.

Адабиётчи халқ ҳаёти билан чамбарчас боғланиб, улкан ҳаёт дарёсини ўз ички дунёси орқали ўтказганда, мана шу тажриба, мана шу ҳис-туйғулар ва фазилатлар ўзига хос бир «тутантириқ» бўлиб, бадийлик оловини ёндиради, яхши ғояни таъсирли қилиб ифодалашга ёрдам беради.

Асли ўзи бадийликнинг энг муҳим шарти ҳам — қаҳрамонларнинг ички дунёсини чуқур оча билиш ва китобхонга такрорланмас бир эстетик завқ, янги бир ҳаётий тажриба ва унутилмас таассуротлар беришдир.

#### ТАЛАБ ВА ҚОИДА

Бултур қишлоқда бир китобхон «Чўлга баҳор келди» повестидан қониқмаганини айтиб қолди. Мен унинг фикрини батафсилроқ эшитмоқчи бўлдим.

— Батафсили шуки,— деди китобхон,— район раҳбарларининг иши бузиб кўрсатилган.

Мен шошиб қолдим.

— Ҳа, ахир,— давом этди у,— муҳожирлар масаласи билан райисполком шуғулланади-ку, нега Муҳиддиннинг отаси райкомга арз қилиб боради?

— Бузиб кўрсатгани шуми?.. Ҳар ҳолда муҳожирлар масаласи билан райком ҳам шуғулланади.

— Биламиз, шуғулланади. Лекин Муҳиддиннинг отаси аввал райисполкомга бормагани қоидага тўғри келмайди-да. Китобда фақат қоидага тўғри келадиган нарса ёзилмайдими?

Шу ерда бир оз баҳс бўлди. Китобларимиз яхши қоидаларни тарғиб қилиши шубҳасизлиги айтилди. Бир ҳақ фақатгина қоида керак бўлганда, том-том бадий асарлар ёзиб ўтирмай, махсус инструкциялар чиқариб қўя қолиш ўнғайлиги, ҳаётни ҳар томонлама ҳаққоний қилиб тасвирлаш мураккаб ва қийин иш экани тўғрисида гап кетди.

— Мен қаёқдан билай!— кулди суҳбатдошим.— Илгари бир-иккита китоб ўқиган эдим, ҳамма ёғи қоидага биноан ёзилгандай кўринди. Мен шундай бўлиши керак деб ўйлабман.

Мен ундан сўнгги йилларда чиққан роман ва повестлар ҳақида фикр сўрадим. Маълум бўлишича, декадада юксак баҳо олган кўп асарларни жуда қизиқиб ўқиган-у, «қоидага тўғри келиш-келмаслигини» сезмай қолган. У

фақат кишининг қалбини қамраб ололмайдиган китоб ўқиса маълум қондалар эсига тушаверар экан.

Албатта, китобхонларимизнинг асосий кўпчилиги бадий асарларга тўғри баҳо беради, ҳаққоний талаблар қўяди. Бироқ баъзи саёз китоблар ва мақолалар битта яримта китобхоннинг дидини ўтмаслаштиради, бадий адабиётга қўйиладиган қийин ва шарафли талаблар ўрнини ёзиш осон бўлган «оддий қондалар»га бўшатиб беради. Ҳар бир яхши асар аввало яхши одамларимизнинг ва кўпқиррали воқелигимизнинг ҳаққоний тасвирини яратиб бериши керакки, ҳозир буни билмайдиган ва ёзувчилардан талаб қилмайдиган биронта китобхон ҳам қолмасин.

#### МАҲОРАТНИНГ «КАЛИТИ»

Баъзан заиф нарсалар ёзсак ҳам «ҳали ёш, маҳорати йўқ» деб ёқлайдиган ўртоқлар учрайди. Ҳолбуки, «ёш» дейилган авторларнинг баъзиси ёш жиҳатидан ҳам анчага бориб қолган, биринчи китобини ҳам 5—10 йил бурун чиқарган бўлади.

Ёш ёзувчига енгил тош қўйишнинг фойдасидан зарари кўп. Менинча, ёшлар «скидкадан» кўра ҳаққониятга кўпроқ эҳтиёж сезадилар. Ҳаққоният шуки, адабиётнинг ёшлар учун ҳам, кексалар учун ҳам тошу тарозиси бир.

Бадий маҳоратни фақат адабий стажга боғлаб қараш, ёшликни маҳоратдан маҳрум деб ўйлаш тарихан тўғри эмас. М. Лермонтовнинг биринчи китобида, М. Шолоховнинг дастлабки асарларида ёки Ойбекнинг биринчи романида бадий маҳорат йўқми?

Ёки аксинча, биринчи китобларини маҳорат билан ёзиб, сўз усталари қаторига кириб, кейин ҳар хил сабаблар билан бўшашиб кетган ёзувчилар йўқми? Бор.

Ёзувчилик маҳорати билан, масалан, ҳунарманднинг маҳорати орасидаги фарқ мана шу ерда ҳам билинади. Ҳунарманд офтоба ясаш маҳоратини бир марта эгаллаганидан кейин бир-биридан қолишмайдиган офтобалар ясайверади. Ёзувчининг маҳорати эса ҳар янги асари учун янгидан товланиши ва гўё қайта туғилиши керак, чунки ҳар сафар унинг олдида янги ҳаётининг материал, янги ижодий муаммо туради. Ҳунарманд ўлик металлдан совуқ бир буюм ясаса, ёзувчи қайноқ таассуротлари асосида тирик қалб яратиши керак. Бадий маҳоратнинг

калити ҳам тасвирланган образларга жон киргиза билишда, ҳаёт бағишлай олишдадир. Шу «калитни» топмаган одам, ёш бўлсин, кекса бўлсин, минг хил приёмларни билсин, барибир, маҳорат эшигини оча олмайди.

Мана мисол учун, Л. Толстойни ўқиганда, киши сохта приёмлар тўғрисида ўйлашдан ҳам уялади. Бу приёмлар қаердадир бир жойда фокус кўрсатишга, кўзбойлағичларнинг санъатига яқинлашадигандай бўлади. Чиндан ҳам сунъий приёмлардан ёлғонни ростдай қилиб кўрсатиш учун, пуч нарсани хас-пўшлаш учун, пардозлаб ёилтиратиш учун фойдаланадиганлар йўқ эмас.

Толстой шундай самимий ёзади, унинг қаҳрамонлари шундай жонли ва табиий одамларки, уларнинг хатти-ҳаракатини қандайдир бир приёмлар рамкасига солиш ҳам эриш туюлади.

Албатта, Толстойнинг ҳам ўзига хос бадийй приёмлари жуда кўп. Лекин улар кўзга ташланмайди. Улар доим образнинг ички мантиқига бўйсунди ва беҳад табиий бўлади. Шунинг учун Толстой асарларининг «чоклари» кўринмайди. Бу асарлар бичиб-тикилган асарлар эмас, ҳосилдор ерга уруғи экилиб, парвариш қилиниб, ям-яшил дарахтдай ўстирилган асарлар.

Дарахтнинг барги мевасидан кўп кўриниши мумкин, тўлқинлардай эгри-бугри шохлари гўзал туюлмаслиги мумкин, қандайдир «приём» ишлатиб «тўғрилаш»ни истовчилар бўлиши мумкин. Лекин табиат бу дарахтга керагича барг берган, шохларини керагича тўлқинлантирган, унинг бутун борлигини ҳаётга мослаштириб, яхлит қилиб яратган. Дарахтнинг энг муҳим гўзаллиги ва афзаллиги,— унинг тириклигида, яхлитлигида, ўзига хослигида. Бу гўзаллик олдида сохта приёмлар ишлатиб ясалган сунъий «гўзаллик» аянч ва ўлик кўринади. Умри узоқ асар яратишнинг биринчи шarti ҳам тасвирланган одамларга ҳаёт бағишлай билишдир.

«Талантлими, йўқми?» деган саволнинг ҳам «ҳаёт ярата оладими, йўқми?» деган маъноси бўлса керак.

## ДУНЕ ҚАРАШ

Йўл текис бўлса бу йўлдан қандай ўтганингизни билмай қоласиз. Фақат ўнқир-чўнқирлар халақит бера бошлаганда йўл тўғрисида кўпроқ ўйлайсиз. Абдулла

Қаҳҳорнинг қаҳрамонларидан бири айтган бу фикрни дунёқараш масаласига татбиқ этиш ҳам мумкин.

Совет ёзувчиларининг асарларини ўқир экансиз, материалистик дунёқараш уларга кенг, текис йўл каби хизмат қилганини сезасиз. Бу йўлдан бораётган киши улуғ манзил ва атрофдаги ажойиб манзаралар тўғрисида кўпроқ ўйланади.

Э. Хемингуэй, Э. Ремарк каби бугунги машҳур буржуа ёзувчиларининг асарларини ўқиётганимизда, уларнинг нақадар ўнқир-чўнқир ҳаёт йўлларидан келаётганини минут сайин сезасиз, мукаммал бир дунёқарашнинг ёзувчига нақадар кераклигини улар тортаётган «йўл азоби»га қараб биласиз. Менга шундай туюладики, Э. Хемингуэй ва Э. Ремарклар ўнқир-чўнқир йўллардан бораётган пайтда буржуазия улар минган машинанинг олд ойнасига оғир бир нарса билан урган. Ойна синиб тушмаган-у, бироқ дарз кетиб, ёриқлари турли томонга қараб шохлаган. Улар ҳаётга мана шу дарз кетган ойна орқали қарайдилар, шунинг учун бутун нарса кўзларига синганга ўхшаб, бўлиниб-бўлиниб кўринади. Улар кўпинча шу бўлакларни бирлаштиролмай қийналадилар, куйиб-ёнадилар. Уларнинг асарларидаги ҳарорат қисман мана шу куйиб-ёнишдан келиб чиқади.

Қандай бахтки, биз совет даврида туғилиб ўсган ва янги дунёқарашни ёшлиқдан она сутидек эмиб улғайган ёзувчилар, оламга бутун қалб билан қараймиз-у, воқелигимизни яхлит ҳолда кўрамиз. Ижодга хос дарддан қийналган пайтимизда ҳам, шу улуғ воқелигимизнинг ҳар бир қирраси учун алоҳида ва ўчмас бўёқлар қидириб, ҳаётимизнинг ҳар томонлама камолоти учун жон куйдириб, камчиликлар билан курашиб қийналамиз.

#### АВЛОДЛАР ОҚИМИ

Шарқираб оққан сувлар гўё ерларнинг тилидан сўйлайди, ариқ бўйлаб юриб қолсангиз ҳамроҳ бўлиб куйлаб боради.

Ариқларнинг шундай куйлаши учун сув ортидан доим сув келиб туриши керак, оқим ҳамиша олға юриши керак.

Адабиёт халқимизнинг дилидагини тилига чиқариб беради. Адабиётнинг ҳам тинмай олға кетиши ва янграши учун доим авлод ортидан авлод келиб туриши керак,

Ариқнинг олдида оқаётган сув кейинда келаётган сувга йўл солиб боради. Бироқ «кейинги сувни мен судраб боряпман, менсиз тўхтаб қолади» деса хато кетади. Чунки кейинидан келаётган сув бўлмаса ва ордан тираб бормаса унинг ўзи ҳам охири тўхтаб қолади ва кўлмакка айланади. Бироқ кейинги сув ҳам ўзини катта олиб олдингидан ажралиб қолса қумларга сингиб, ёриқларга кириб исроф бўлиб кетади.

Адабий авлодлар ҳам яхлит бир оқим бўлиб, биридан узилмай олға юргандагина чинакам зўр манзилларга етишади.

Улуғ рус адабиётининг Пушкин ва Державин авлодидан Толстой ва Горький авлодигача қанчалик олдинга кетгани, ҳозир олам бўйлаб қандай янграётгани бунинг ёрқин бир мисолидир. Классикларнинг шу яхши анъаналарини совет ёзувчилари ҳам давом эттиряптилар.

Шу муносабат билан бир нарса эсимга тушди. Тошкентга келиб кетган москвалик кекса шоир Михаил Светлов дўст ўртоқлар доирасида бир шарқ эртагини айтиб берган эди.

Шарқда машҳур бир чавандознинг жон-дилидан яхши кўрадиган дулдули бор экан. Пойгаларда ҳеч қайси от унга етолмас экан. Бу дулдулнинг сирини фақат эгаси билар экан: миниб қулоғининг тегини қашласа, дулдул парвоз қилиб учар экан. Шу дулдулга кўпдан ошиқ бўлиб юрган бошқа бир чавандоз кечаси пайт топиб уни миниб қочибди. Эгаси бир бияга миниб орқасидан қувибди. Қараса ҳалиги машҳур дулдулни шу оддий бия қувиб етаётган эмиш-да. Эгаси нам тортиб кетибди. «Э, сен қанақа чавандозсан!— деб қичқирибди дулдул минганга.— Э, қулоғини қашла-е, қулоғини!» От ўғриси унинг айтганини қилган экан, дулдул қанот чиқариб учиб кетибди. Эгаси ундан умрбод маҳрум бўлибди.

Михаил Светлов шуни айтиб бериб, Я. Смелякэвга қаради-да, «Дўстим!»— деди,— поэзия дулдулини биздан бошқа авлод минган тақдирда ҳам «Э, қулоғини қашла-е!» дейишимизни қўймайлик, токи бу дулдул ҳеч вақт ўз парвозини тўхтатмасин!»

#### ОРИГИНАЛЛИК МАСАЛАСИ

Оддий суҳбатдошингиз ҳам сиздан мароқли янгиликлар, фикрни уйғотувчи ва завқ берувчи асл гаплар кутади. Шусиз анчайин суҳбат ҳам дилкаш бўлмайди-ю, маъ-



лум нарсаларни такрорлайдиган ва китбохонни ўз ичига олиб кириб кетолмайдиган асар қандай дилкаш бўлсин!

Асарни қизиқарли қиладиган энг зўр восита — унинг мавзуси ва ғояси ҳам, қаҳрамонлари ва сюжети ҳам, бадий тўқимаси ва услуби ҳам ўзига хос бўлиши ва муҳим бир янгилик бера олишидир. Ҳолбуки, асарнинг оригиналлигини фақат мавзусигагина қараб белгилайдиган тақризчилар бор. Баъзида эса маълум қаҳрамонларни аввал топилган сюжет чизиғига, шахмат тахтасига тизгандай тизиб, маълум бир вариантда ўйнатиш ҳоллари учрайди. Албатта, яхши шахматчи маълум бир вариант бўйича ўйнаганда ҳам янгича юришлар қилади, эски вариантнинг янги имкониятларини очади, шахматшунослар бундан жуда севинадилар, унинг санъатига таҳсин ўқийдилар.

Бироқ, шахмат бир ўйин бўлса ва унда асосан спорт масалалари ҳал этилса, бадий асарда ҳаёт-мамот масалалари ҳал қилинади. Шахматчининг санъати шахмат ҳаваскорларига яхши ўйнашни ўргатса, бадий асар адабиёт ҳаваскорларига яхши ёзишни ўргатиш билан чекланмайди, аввало миллионлаб кишиларга яхши яшашни ўргатади.

Шунинг учун ҳамма даврларда ҳамма устоз ёзувчилар ўз шогирдларини янгилик қидиришга, оригиналликка, ихтирога чақирганлар. Бу жиҳатдан француз ёзувчиси Мопассаннинг ўз устози Флобердан қандай таълим олгани жуда эътиборга сазовор.

Мопассан энди ёза бошлаганда Флобер жуда атоқли ёзувчи бўлади. Мопассан унга баъзи бир ўргамчик асарларини элитиб кўрсатади. Флобер ўқиб кўради-ю, «Талантингиз борми-йўқми, билмадим,— дейди,— Лекин бу нарсаларингиздан баъзи бир қобилиятларингиз сезилиб турибди. Шунинг биланги, йигит, талант бу — кўлга кетадиган бир бардошдир. Ишлайверинг!»

Мопассан етти йил машқ қилади. Устози чидам билан унинг камчилигини кўрсатиб боради. «Агар оригиналлингиз бўлса асарингизда кўрсатинг,— дейди,— бўлмаса ўрганинг. Келаётиб бирон боққолни кўргандирсиз, извошлар турган жойдан ўтгандирсиз; менга шу боққолни шундай тасвирлаб берингки, мен уни бошқа ҳеч қайси боққол билан адаштирмай; мана шу извошга қўшилган отнинг орқада ва олдинда келаётган бошқа

элликта отдан фарқини биргина сўз билан кўзимга кўрсатинг!»

Кейинчалик Мопассан дунёга машҳур ёзувчи бўлганда устозининг шу таълимини кўп эслайди.

«Талант — кўпга кетадиган бардошдир, — деб такрорлайди у. — Ҳа, агар тасвирламоқчи бўлган нарсаларингизга етарли даражада бардош ва эътибор билан тикилсангиз, унинг ҳали ҳеч ким кўрмаган ва тасвирламаган томонларини, албатта топасиз... Арзимаган нарсанинг ҳам ҳали маълум бўлмаган бирон қирраси бор. Ениб турган оловни ёки текис жойдаги бир дарахтни тасвирлаш учун уларни бошқа ҳеч қайси оловга ёки дарахтга ўхшамай кўрингунча ўрганиш керак».

Демак, ёзувчи ҳаётни ўрганган вақтида, аввало унинг ҳали ҳеч ким тасвирламаган муҳим ва янги томонларини топиши керак. Фақат бунинг учун у адабиётни ҳам жуда яхши билмоғи лозим, чунки адабиётга ҳаётнинг нималари киргани, нималари кирмаганидан тўлиқ хабардор бўлмаган одам «янгидан арава ихтиро қиламан» деб беҳуда овора бўлиши ҳам мумкин.

---

## МУНДАРИЖА

Нашриётдан . . . . .	3
М. Горький. Ёшлар билан суҳбат. Х. Аҳророва таржимаси	5
М. Исаковский. Поэзиянинг „сири“ ҳақида. М. Бобоев таржимаси . . . . .	29
А. Макаренко. Ҳаваскор ёзувчилар билан суҳбат. Х. Аҳророва таржимаси . . . . .	40
Н. Островский. Нутқлар, суҳбатлар . . . . .	51
Ёзувчи деган юксак номни покиза сақлайлик . . . . .	51
Мустаҳкам иродали, кўп ўқиган бўлишимиз керак	
Х. Эргашев таржимаси . . . . .	53
П. Павленко. Ҳаёт ёзувчининг мактабидир С. Анорбоев таржимаси . . . . .	56
Н. Погодин. Ҳавас, билим, ижодкорлик . . . . .	65
Уйдирмачилик ва ҳаёт ҳақиқати тўғрисида. О. Тогаев таржимаси . . . . .	75
К. Симонов. Биринчи саҳифани ёзиш олдида Х. Аҳророва таржимаси . . . . .	82
А. Толстой. Ёш ёзувчиларга. С. Анорбоев таржимаси . . . . .	93
А. Фадеев. Ёзувчи меҳнати . . . . .	102
Менинг адабий тажрибам-ҳаваскор авторга Х. Муҳамедхонов таржимаси . . . . .	114
Конст. Федин. Маҳорат ҳақида. С. Анорбоев таржимаси . . . . .	133
Д. Фурманов. Мен қандай ёзаман . . . . .	146
Мен М. Горькийдан хат олдим . . . . .	150
А. М. Горькийга хат. Ҳ. Ниёзов таржимаси . . . . .	151
Илья Эренбург. Ёзувчи ва ҳаёт. М. Ҳаким таржимаси . . . . .	155
Мухтор Авезов. Абай ҳақидаги романларим устида олиб борган ишим. Русчадан Ҳ. Ниёзов таржимаси . . . . .	170
Ҳамид Олимжон. Ёзувчининг савиясини кўтарайлик . . . . .	196

Адабиёт ва халқ . . . . .	198
Абдулла Қодирий. Ёзишгучиларимизга . . . . .	202
Майда ҳикоялар ёзганда сўзни қандай тежаш керак . . . . .	205
Ойбек. „Навой“ романини қандай ёздим . . . . .	208
Халқ ва партия тарбиясида . . . . .	211
Ғафур Ғулом. Ҳаёти пухта ўрганайлик . . . . .	219
Абдулла Қаҳҳор. Китоб шавқ билан ўқилиши керак . . . . .	225
Уйғун. Навоийнинг „Чор девони“ ҳақида . . . . .	229
Шароф Рашидов. Қалб даъвати билан . . . . .	247
Мамарасул Бобоев. Ашула инсоннинг дўсти . . . . .	254
Пиримқул Қодиров. Адабий ўйлар . . . . .	266
Ҳаёт ва ёзувчи . . . . .	266
Талаб ва қонда . . . . .	263
Маҳоратнинг „калити“ . . . . .	269
Дунёқараш . . . . .	270
Авлодлар оқими . . . . .	271
Оригиналлик масаласи . . . . .	272